R 496

Turcica

6
1995





Бадиий сўз устаси Ўткир СИДДИҚОВ мухлислари даврасида.

ГБ Узбек
Ж

Тафаккур

6

1995



Ижтимоий-сиёсий ва
бадиий-безакли журнал

Журнал икки ойда
бир марта чиқади.

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси
Маданият ишлари вазирлиги

Бош муҳаррир:

Тилаб МАҲМУДОВ.

Таҳрир ҳайъати:

Рустам АБДУЛЛАЕВ,
Абдумўмин БОЙМАТОВ,
Жуманиёз ЖАББОРОВ,
Тоҳир МИРЖАЛИЛОВ,
Абдусафихон РАҲМОНОВ,
Михли САФАРОВ
(бош муҳаррир ўринбосари),
Шерали СОКИН
(масъул котиб),
Рустам ХЎЖАЕВ,
Муҳсин ҚОДИРОВ,
Тўхтасин ҒОФУРБЕКОВ,
Эркин ҲАЙИТБОЕВ.

*Журнал 1925 йилдан
чиқа бошлаган.*

Ислом КАРИМОВ:

«Мустақиллик йиллари — ўз ўтмишимизни, ўз маданиятимизни холисона билиб олиш давридир. Бу давр бой имкониятларга эга бўлган республикани танг аҳволга солиб қўйган сабабларни мафкуравий ақидалардан холи тарзда жиддий таҳлил қилиш, тангликни тезроқ бартараф этиш йўлларини излаш йилларидир.

Мустақиллик йиллари — ёш демократик давлатни фаол қуриш, унинг сиёсатини ишлаб чиқиш давридир. Бу давр маънавий уйғониш ва миллий ўзлигини англашнинг ўсиши давридир. Бу — озодлик руҳи билан, ўз кучларига, мамлакатнинг, халқнинг ёрқин келажагига ишонч билан тўлиб-тошган давридир.

Энг муҳими шуки, мустақилликнинг дастлабки йиллари — республиканинг ўз тараққиёт йўлини фаол излаш, Ватанимизни эркин, кучли ва равнақ топаётган диёрга айлантиришга интилиш даври бўлди.

Давлат мустақиллигини қўлга киритиш натижасида Ўзбекистон учун иқтисодий ва ижтимоий тараққиётнинг, маданий ва маънавий янгиланишнинг кенг истиқболлари очилди».

И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» китобидан.

МУҚОВАНИНГ БИРИНЧИ БЕТИДА:

Мусаввир Одилбек БОБОЖОНОВнинг «ҲИРОТ КУТУБХОНАСИДА» миниатюраси.

ЎЗБЕКИСТОНДА ТЕАТР ВА МУСИҚА САНЪАТИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РАҒБАТЛАНТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Театр ва мусиқа санъати ютуқларини мустаҳкамлаш ва янада юксалтириш, маданиятнинг ушбу соҳаси ижодий ходимлари меҳнатини рағбатлантириш ва уларни ижтимоий ҳимоя қилишни таъминлаш мақсадида, шунингдек, республика театр ва мусиқа жамоатчилигининг истакларини эътиборга олиб:

1. 1995 йил 1 ноябрдан бошлаб театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимлари, театр ва мусиқа санъати ижодий кадрларини тайёрловчи ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерлари учун:

узоқ муддат хизмат қилганлиги учун лавозим маошига нисбатан ҳар ойлик тақдирлаш пули миқдорлари — 1-иловага мувофиқ;

пенсияга чиқишда — амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳисоблаб чиқилган асосий пенсияга республикада белгиланган энг кам иш ҳақига нисбатан ҳар ойлик устама миқдорлари 2-иловага мувофиқ белгилансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги бир ой муддатда:

республикада театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришнинг истиқбол дастурини ишлаб чиқсин ва тасдиқласин;

Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театри ҳузурида 15 кишидан иборат стажерлар гуруҳи ташкил этсин;

хорижий инвесторларни жалб этган ҳолда театр ва мусиқа санъати учун махсус буюмлар ишлаб чиқариш бўйича корхоналар ташкил этиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

3. Мусиқа санъати соҳасида кадрлар тайёрлаш учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида Тошкент шаҳрида консерваториянинг янги комплексини қуриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин. Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги «Ўзистиқболстат» давлат қўмитаси, Молия вазирлиги ва «Давархитектқурилиш» қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда ушбу масала бўйича ҳукумат қарори лойиҳасини тайёрласин.

4. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда театр-концерт ташкилотлари ва кўрсатиб ўтилган ўқув муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун 1996-1997 йилларда бюджетдан маблағ ажратишни назарда тутсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мазкур Фармоннинг жорий этилишига алоқадор харажатларни маблағ билан таъминлаш манбаларини аниқласин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги 20 кун муддатда амалдаги қонунчилик ва норматив ҳужжатларга қўшимчалар тўғрисида таклифлар тайёрласин.

7. Вазирлар Маҳкамаси мазкур Фармонни бажариш юзасидан икки ҳафта муддатда қарор қабул қилсин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 20 октябрь.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октябрдаги Фармонига 1-илова

Театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимлари, театр ва мусиқа санъати бўйича ижодий ходимлар тайёрловчи ўқув муассасалари профессор-ўқитувчиларига ва концертмейстерларига узоқ муддат хизмат қилганлиги учун ҳар ойлик тақдирлаш пули

МИҚДОРЛАРИ

Хизмат муддатлари	Лавозим маошига нисбатан фоизлардаги ҳар ойлик тақдирлаш пули миқдорлари
I. Ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган театр-концерт ташкилотлари артистлари	
1 йилдан 3 йилгача	10
3 йилдан 5 йилгача	20
5 йилдан 10 йилгача	40
10 йилдан 15 йилгача	45
15 йилдан ортиқ	50
II. Театр-концерт ташкилотларининг артистлари ва бадиий ходимлари	
3 йилдан 5 йилгача	10
5 йилдан 10 йилгача	20
10 йилдан 15 йилгача	35
15 йилдан 20 йилгача	40
20 йилдан 25 йилгача	45
25 йилдан ортиқ	50
III. Ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерлари	
3 йилдан 5 йилгача	10
5 йилдан 10 йилгача	15

10 йилдан 15 йилгача	20
15 йилдан 20 йилгача	30
20 йилдан 25 йилгача	40
25 йилдан ортиқ	50

МИҚДОРЛАРИ

Гуруҳлар	Энг кам иш ҳақига нисбатан фоизлардаги ҳар ойлик устама миқдори
1. Ёшидан қатъи назар имтиёзли пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган артистлар	75
2. Театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимлари, ўқув муассасаларининг профессор-ўқитувчилари ва концертмейстерлари	50

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 20 октябрдаги Фармонига 2-илова

Театр-концерт ташкилотлари артистлари ва бадиий ходимлари, театр ва мусиқа санъати ижодий ходимлари тайёрловчи ўқув муассасалари профессор-ўқитувчиларининг ва концертмейстерларининг асосий пенсияларига ҳар ойлик устамалар

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

МУҲИМ ҲУЖЖАТ

Ҳозирги кунда Ўзбекистонни 150 дан ортиқ давлат тан олди. Дунёнинг ривожланган жуда кўп мамлакатлари билан иқтисодий, маданий алоқаларимиз кун сайин мустаҳкамланиб бормоқда, яъни серқуёш мамлакатимиз жаҳон ҳамжамиятида ўзига яраша муносиб ўрин тутмоқда. Қопқаларимиз, кўнгилларимиз дунё учун, ўзга халқлар, эллар учун очиқ, ўз навбатида дунёдаги жуда кўп мамлакатлар ҳам биз учун ўз эшикларини кенг очиб қўйдилар. Бу — бир жиҳатдан. Иккинчи томондан, кенг қамровли боқий мулкимиз-маҳсулларга, мумтоз мусиқий меросга муносабатнинг тубдан ўзгарганлиги, ўзбек тилига давлат мақоми берилганлиги шоён таҳсинга сазовор ишлар бўлди. Демоқчимизки, буларнинг ҳаммасига мустақиллик шарофати туфайли эришилди.

Собиқ СССР тарқаб, унинг таркибидаги иттифоқчи республикалар ўртасидаги иқтисодий, хўжалик, маънавий алоқалар туманли бўлиб қолган эди. Шукурки, ана шундай мураккаб бир даврда жонажон Ўзбекистонимиз тарихий жиҳатдан қисқа вақтда ҳар жиҳатдан қаддини ростлаб олди. Зеро, улуғ халқгина ҳар қандай алғов-далғовлар, бўҳронлардан кейин дарҳол қоматини тиклаш қобилиятига эга бўлади.

Мустақилликнинг бош маъноси инсонни эъзозлашдир. Тўғри, мустақиллик самараси шундай бир неъматки, у дарҳол ҳар тўкисда кўзга ташлана қолмайди. Шу жиҳатдан аҳолини ижтимоий ҳимоялаш долзарб аҳамият касб этади.

Ҳозир, бизда ижтимоий ҳимоялаш адолат тамойилларига таянилган ҳолда олиб борилмоқда. Президентимиз И. А. Каримов: «Биз ижтимоий ҳимоялашнинг асоссиз тенглаштириш тизимидан қатъиян воз кечиб, Шарқда неча минг йиллар давомида қарор топган маънавий-ахлоқий қадриятларга, турмуш тарзи ва дунёқараш хусусиятларига мувофиқ келадиган ўз йўлимизни танлаб олдик», — деганда минг карра ҳақдир.


Президентимизнинг яқинда матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу жиҳатдан катта аҳамиятга молик ҳужжат бўлиб қолаверади.

Рўзимат ЖУМАНИЁЗОВ,
Фаттоҳхон МАМАДАЛИЕВ,
Очилхон ОТАҲОНОВ,
Ҳасан РАЖАБИЙ.
Ўзбекистон халқ ҳофизлари

Тилаб МАҲМУДОВ

ДАВРИМИЗНИНГ НАЗАРИЙ-

(Ислом Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» («Ўзбекистон», 1995 йил) китоби ҳақида)



БИРИНЧИ МАҚОЛА

Ўтган 4 йил мобайнида Ўзбекистоннинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ҳаётида жуда катта ўзгаришлар содир бўлди. Бу ўзгаришлар наинки одамлар турмуш тарзи, дунёқараши ва онгида намоён бўлмоқда, улар бутун дунё халқлари ва мамлакатлари кўз ўнгида рўёбга чиқмоқда.

Мустақиллик эълон қилингандан кейин ўтган давр мобайнида амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш, хулосалар чиқариш ва уларга яқин ясаш, содир бўлган ижтимоий силжишлар, иқтисодий ислоҳотлар ва одамлар онгида рўй берган ўзгаришларни умумлаштириш зарурияти тугилди. Бу вазифа Президентимизнинг навбатдаги «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» деб номланган китобида ўз ифодасини топди.

«Мустақиллик йиллари, — дейди муаллиф, — ўз ўтмишимизни, ўз маданиятимизни холисона билиб олиш давридир. Бу — жаҳон ҳамжамияти, тарих олдидаги вазифамизни англаб олиш давридир. Бу давр бой имкониятларга эга бўлган республикани танг аҳволга солиб қўйган сабабларни мафкуравий ақидалардан холи тарзда жиддий таҳлил қилиш, тангликни тезроқ бартараф этиш йўлларини излаш йилларидир.

Мустақиллик йиллари — ёш демократик давлатни фаол қуриш, унинг сиёсатини ишлаб чиқиш давридир. Бу давр маънавий уйғониш ва миллий ўзлигини англашнинг ўсиши давридир. Бу — озодлик руҳи билан, ўз кучларига, мамлакатнинг, халқнинг ёрқин келажагига ишонч билан тўлиб-тошган давридир».

Ўзбекистон мустақиллик йиллари ўз тараққиёт йўлини излаб топди. Ватанимизни эркин юксалаётган мамлакатга айлантиришга муваффақ бўлинди. Натижада иқтисодий ва ижтимоий, маданий ва маънавий янгиланишнинг янги ва кенг истиқболлари аниқланди.

Биз танлаган йўл конституцион асосга эга бўлиб, Ўзбекистонда яшовчи барча миллат ва элатларнинг манфаати, ҳуқуқи ҳамда масъулиятларини мужассамлаштирган.

Ўзбекистон танлаган мустақил ва эркин тараққиёт йўли миллий анъаналар ва маданиятимиз равнақи, маънавий-ахлоқий ва эстетик қадриятларимизнинг қайта тикланиши ва ривожланиши, ўзбекистонликларнинг ўзаро дўстлик ва бинодарлик руҳида яшашларига ҳар томонлама кафолат бермоқда. Буларнинг барчаси ижтимоий йўналтирилган барқарор бозор иқтисодиётига кучли демократик ҳуқуқий давлатни ва фуқаролик жамиятини барпо этиб, мустаҳкамлашга қаратилган.

Ўзбекистонда янги демократик жамият ва янгича ижтимоий-иқтисодий ва маънавий муҳит яратишда бешта муҳим тамойил асос қилиб олинди: иқтисодиётни мафкурадан батамом холи қилиш; мураккаб ўтиш даврида давлатнинг ўзи бош ислоҳотчи, ислоҳотлар ташаббускори бўлиши; бутун янгиланиш ва тараққиёт жараёни қонунларга асосланмоғи; одамларни ижтимоий ҳимоялаш соҳасида кучли чора-тардбирларни олдиндан амалга ошириш; янги иқтисодий, бозор муносабатларини пухта ўйлаб, босқичма-босқич қарор топтириш.

Халқимиз тақдири ва истиқболи учун тарихий аҳамиятга эга бўлган бундай ислоҳотларни амалга оширмоқ учун одамларнинг қотиб қолган фикрлаш тарзини ўзгартириш, эскича фикрлаш усулидан холи қилиш зарур эди. Бунга ҳам аста-секин эриша бошланди.

Бозор иқтисодиётига катта сакрашлар, революцион ағдар-тўнтар ва тубдан вайрон қилиш орқали эмас, босқичма-босқич ва кетма-кет собитқадамлик билан ҳаракат қилиш дастури ишлаб чиқилди: бозор муносабатларига босқичма-босқич ўтишда бизга мерос бўлиб қолган барча илғор тамойиллар синчиклаб ўрганилди; ислоҳотнинг асосий босқичлари аниқ белгиланиб, бу босқичларнинг ҳар бири конкрет мақсадлар асосида олиб борилмоқда.

Мамлакат миқёсида олиб борилган бундай саъй-ҳаракат халқимизнинг янги уй қурмай туриб, эскисини бузмаслик керак, деган доно ҳикматига асосланди. Президентимиз таъкидлаб ўтганидек, «Ҳар бир босқичда тафаккуримизни ўстириб, эришилган реал натижалар билан одамларни янги тузумнинг афзаллигига ишонтирибгина ислоҳотларни оҳиригача амалга ошира оламиз. Иқтисодий структураси ривожланган, самарали ижтимоий муносабатларга эга бўлган жамиятни қура оламиз.

Ҳозир биз керакли ёндашувларни, зарур иш маромини топдик, муайян фойдали тажриба орттирдик. Дастлабки якунларни чиқариш, навбатдаги босқичнинг вазифалари ва уствор йўналишларини белгилаш зарур бўлиб қолди».

Китобда иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида кўзда тутилган мақсад ҳамда вазифалар чуқур таҳлил қилинади ва янги иқтисодий тизимнинг ҳуқуқий негизларини яратишга, давлатчиликни шакллантириш ва мустаҳкамлашга, эскича фикрлаш тарзларини онгимиздан чиқариб ташлашга қаратилган вазифалар ҳал этилганлиги кўрсатиб берилади. Демак, «Биз ислоҳотлар стратегияси ва улар йўлини шакллантиришга қаратилган ўз моделимизни ишлаб чиқишга ва амалга оширишга муваффақ бўлдик. Бу — амалга оширилаётган туб ўзгаришлар бошлангич босқичининг асосий натижасидир».

Мамлакатимиздаги иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида иккита ҳал қилувчи вазифани бирданига бажаришга тўғри келди:

— маъмурий-буйруқбозлик тизимининг оғир оқибатларини енгиш, тангликка барҳам бериш, иқтисодиётни барқарорлаштириш;

— республиканинг ўзига хос шароитлари ва хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда бозор муносабатларининг негизларини шакллантириш.

Шунингдек, иқтисодий ислоҳотни амалга оширишда ислоҳотларнинг ўз ҳуқуқий негизини яратишга асосий эътиборни қаратишга тўғри келди. Бунинг учун янги қонунлар тизими ишлаб чиқилди ва қабул қилинди. Натижада ислоҳотлар жараёнини давлат-ҳуқуқий жиҳатдан бошқаришнинг яхлит тизими таркиб топди.

Масалан, иқтисодий ўзгаришларнинг асосини мулкчилик ҳуқуқи ташкил этади. Шунга биноан, Ўзбекистон биринчилардан бўлиб хусусий мулкчилик ҳуқуқини эътироф қилди, мулкчиликнинг ҳамма шаклари учун тенг шароитлар яратди. Юридик ва ташкилий шарт-шароитлар вужудга келди, давлат мулкини хусусийлаштириш, давлат корхоналарини мулкчиликнинг бошқа шаклларига ўтказишнинг самарали механизми ишлаб чиқилди ва амалиётда синовдан ўтказилди.

Инсон, жамоат ташкилотларининг ҳуқуқлари ва эркинликларини, виждон ва дин эркинлигини тартибга солувчи асосий қонунларнинг тайёрланиши, муҳокама этилиши ва қабул қилиниши қонун чиқариш фаолиятимизда мутлақо янгилик бўлди.

Ўтган давр сабоқлари шундан далолат берадики, «қонунга амал қилган ҳолда яшаш ва меҳнат қилишни ўрганишимиз, ўз ҳуқуқ ва эркинликларимизни қонун орқали ҳимоялашни, ўз мажбуриятларимизни огиимай бажаришни ўрганиб олишимиз керак. Бошқа одамларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва манфаатларига ҳурмат билан муносабатда бўлишни ўрганиб олиш лозим. Қонун устуворлиги тантана қилишга, унга огиимай риоя этиш эса ҳар бир кишининг муқаддас бурчи бўлиб қолишига эришишимиз керак».

Бозор муносабатларига ўтиш даврида мулкчилик масаласини ҳал қилиш бутун тадбирлар тизимининг тамал тошини ташкил этади. Шунинг учун Ўзбекистонда ислоҳ қилишнинг биринчи босқичида мулкчиликнинг ҳамма шакллари тенг ҳуқуқли эканлиги конституцион тарзда эътироф этилди. Иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичда давлат мулки монополизмини тугатиш ва бу мулкни босқичма-босқич хусусийлаштириш ҳисобига кўп укладли иқтисодиётни реал шакллантириш асосий

МЕТОДОЛОГИК ҚЎЛЛАНМАСИ

мақсад қилиб қўйилди.

Хусусийлаштириш масаласида Ўзбекистон танлаб олган ёндашувнинг ўзига хос хусусияти шундан иборатки, мулкни давлат тасарруфидан чиқариш чогида аҳоли учун кучли социал кафолатлар яратилди ва таъминланмоқда. Бунда фуқароларнинг мулкдан улуш олишда тенг ҳуқуққа эгалиги, шунингдек, хусусийлаштирилаётган корхона меҳнат жамоаси аъзоларининг ижтимоий ҳимояланиш қоидасига қатъий амал қилинмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, иқтисодий ислоҳотларнинг биринчи босқичида, энг аввало, кичик хусусийлаштириш амалда тугалланди, давлат мулкини бошқариш ва уни мулкчиликнинг бошқа шаклларига айлантириш учун керак бўлган муассасалар тизими, махсус органлар тузилди. Ўзбекистонда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга алоҳида аҳамият берилди. «Қишлоқни ислоҳ қилиш жараёни, — деб ёзади И. Каримов, — ихтиёримиздаги энг катта бойлик бўлган ернинг чинакам эгасини тиклаш, деҳқонда умид туғдириш, унинг турмушини янада тўкинроқ қилиш вазифасидан келиб чиқди».

Қишлоқ одамларини ер билан таъминлаш уларда хўжайинлик кайфиятини туғдирди, шахснинг даваатта қарамлигини тугатди, кишиларда эркин ва ижодий фаолиятга қизиқиш кучайди. Шу тариқа қишлоқда ишсизликнинг олди олинди, аҳолининг реал даромадлари ошди, деҳқон бозорларида озиқ-овқат кўпайди, якка тартибда уй-жой қуриш авж олди, одамлар ижтимоий фойдали меҳнат билан банд бўлгани учун улар митингбозлик ва сиёсий экстремизм хавфидан қайтарилди.

Қишлоқ хўжаликдаги ислоҳот ана шундай тарзда умумхалқ маънавий ҳаётига ҳам самарали таъсир кўрсата бошлади. Иқтисодий ислоҳотларни муваффақиятли амалга ошириш учун бошқарув тузилмалари ҳам қайтадан ишлаб чиқилди. Маъмурий-буйруқбозлик, қатъий маҳкамачилик тизимидан воз кечилди ва хўжалик юритувчи субъектларга иқтисодий эркинлик берувчи, ташаббускорлик ва тадбиркорликни ривожлантирувчи, рағбатлантирувчи ташкилий-ҳуқуқий бошқарув шакллари вужудга келди.

Марказдан туриб режалаштириш, маъмурий-буйруқбозлик усулидан воз кечиш тақсимлаш тизимидаги ислоҳотни тақозо этди. Чунки чинакам талаб ва таклиф асосида вужудга келадиган эркин бозор нархларининг амал қилиши бозор иқтисодиётининг гоят муҳим бўғини бўлиб, бу бўғин маҳсулот ишлаб чиқарувчилар билан истеъмолчиларнинг ўзаро жипс таъсирини таъминлайди. Бу нарса нархлар ислоҳотини пухта ўйлаб, синалган йўл билан олиб боришни тақозо этарди.

Ўзбекистон ана шундай оқилона йўл танлади ва гиперинфляциянинг ҳалокатли ўпқонига тушиб қолишга йўл қўймади. Халқни «эсанкиратадиган» усуллардан воз кечилди ва нархларни аста-секин, олдиндан ишлаб чиқилган тартиб асосида эркинлаштиришга қарор қилинди.

Шунингдек, иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг энг муҳим натижаларидан бири Ўзбекистоннинг бир неча ўн йиллар мобайнида ташқи дунёдан ажралиб қолиш ҳолларига барҳам берилгани ва мустақил ташқи иқтисодий йўл шакллантирилиб, амалга оширилгани бўлди. «Вужудга келган вазият, — деб ёзади И. Каримов, — ташқи иқтисодий комплексни бошқаришнинг ўзига хос тизимини зудлик билан шакллантиришни, ташқи алоқаларни йўлга қўйиш борасида ўз қоидаларимизни ишлаб чиқишни, Ўзбекистоннинг жаҳон иқтисодий тизимига қўшилиш йўлларини мустақил равишда белгилашни тақозо этди».

Натижада Ўзбекистонни 150 дан ортиқ давлат тан олди. Дунёнинг жуда кўп ривожланган мамлакатлари билан иқтисодий банк-кредит ва маданий алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Ўзбекистон жаҳон ҳамжамиятидан муносиб ўрин эгаллашга интилмоқда. Эшикларимиз ва кўнглимиз дунё учун, ўзга халқ ва мамлакатлар учун очиқ, ўз навбатида, биз учун дунё эшиклари ҳам очиқ бўлишига ҳаракат қилмоқдамиз.

Барча ислоҳотлардан кўзланган мақсад инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратишдан иборатдир. Бу йўлда аҳолининг энг ҳимоясиз ва муҳтож табақаларини ўз вақтида қўллаб-қувватлаш ислоҳотларни муваффақиятли ўтказишнинг гаровидир. «Нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириш ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидаги энг устун йўналишлардан бири бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади». Бу йўналиш аҳолининг барча табақаларини қамраб олди ва Ўзбекистондаги ислоҳотларнинг инсонпарварлик моҳиятини ифода этди.

Аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялашнинг иккинчи энг муҳим йўналиши республикамиз ички истеъмол бозорини ҳимоя қилиш ҳамда озиқ-овқат ва саноат маҳсулотлари асосий турлари истеъмолини муайян даражада сақлаб туриш чора-тадбирларини кўрилиши бўлди.

Ижтимоий ҳимоялаш борасида адолат тамойилларига изчиллик билан риоя қилиш одат тусига кира бошлади ва бу ҳол янгиланган ижтимоий сиёсат қурилишига асос қилиб олинди. Ижтимоий ҳимоя аниқ мақсадли ва аҳолининг аниқ табақаларини қамраб олишга қаратилди. Натижада, «Биз ижтимоий ҳимоялашнинг асоссиз тенглаштириш тизимидан қатъиян воз кечиб, Шарқда неча минг йиллар давомида қарор топган маънавий-ахлоқий қадриятларга, турмуш тарзи ва дунёқараш хусусиятларига мувофиқ келадиган ўз йўлимизни танлаб олдик». Янги ижтимоий ҳимоя тизимига биноан ҳамма нафақалар ва моддий ёрдам фақат оила орқали етказиб берилади.

Ўзбекистонда ижтимоий кўмаклашувнинг таъсирчан ва тарихан шаклланган маҳалла тизимига катта аҳамият берилди. Аҳолини ижтимоий ҳимоялашда ижтимоий адолат тамойилларига, аҳолининг аниқ табақаларини мўлжаллаб, миллий анъаналар ва урф-одатларга таянган ҳолда иш тутишга ҳаракат қилинмоқда.

Китобда халқнинг маънавияти ва маданияти, унинг ҳақиқий тарихи ва ўзига хослиги қайта тикланаётганлиги жамиятимизни янгилаш ва тараққий эттириш йўлидан муваффақиятли равишда олга силжитишда ҳал қилувчи, белгиловчи аҳамиятга эга бўлганлиги алоҳида кўрсатиб ўтилади.

«Халқимиз сарчашмаларининг кўзлари қайтадан очилганлиги, — деб ёзади И. Каримов, — жаҳон маданияти ютуқларига зўр ҳисса қўшган буюк аждодларимизнинг маданий ва маънавий мероси теранлиги ва чуқурлиги англаб олинганлиги, ҳар бир авлоднинг ўз ўтмишига, олижаноб миллий ва диний анъаналарига ҳурмат билан қараш, уларни асраб-авайлаш руҳида тарбияланаётганлиги, айни чоғда ҳозирги замон жаҳон цивилизацияси ва маънавияти қадриятларини ўзлаштириш ва уларга ошно бўлиш зарурлиги равшан англаб етилганлиги — мана шуларнинг ҳаммаси ҳаётбахш бир заминдирки, бизнинг янгиланиш ва халқимизнинг миллий ўзлигини англашини ошириш, аҳолининг сиёсий етуклиги ва фаоллигини кучайтириш борасидаги сиёсатимиз мана шу заминга таянади».

Маънавият соҳасидаги ўзгаришлар кўзга яққол ташланади:

— муқаддас замин — она-Ватанга муҳаббат кучайди;

— маънавиятимизнинг энг муҳим тимсоллари — Давлат Герби, Давлат Байроғи, Давлат Мадҳияси мустақилликнинг муқаддас рамзлари сифатида вужудга келди;

— Давлат мукофотлари, орденлар ва медаллар, фахрий унвонлар таъсис этилди;

— она тилимизга Давлат мақоми берилди;

— Наврўз сингари миллий урф-одат ва анъаналаримиз тикланди;

— умумбашарий ва миллатлараро дўстлик тобора мустаҳкамланмоқда;

— ислоҳотларнинг ҳар бир янги қадами, ҳар бир янги қонун лойиҳаси ва ҳукумат қарори инсонийлик, одамларга фойдалилик нуқтаи назаридан идрок этилмоқда;

— ота-боболаримиз эътиқод қилиб келган ислом динининг инсон ва унинг оиласи ҳаётидаги, адаб-ахлоқ ва хайр-саховат ишидаги аҳамияти юқори кўтарилмоқда;

— мамлакатимизда тинчлик ва тотувлик, барқарорлик ва яратувчилик руҳи ҳукм сурмоқда.

Юқоридаги тилга олинган ва мустақиллик туфайли қўлга киритилган маънавий қадриятлар мустақиллик мафкураси тобора кишиларимиз онгини эгаллаб бораётганидан дарак беради. Бинобарин, «Халқимиз»нинг асрлар оша яшаб келган анъаналари, урф-одатлари, тили ва руҳи негизига қурилган миллий мустақиллик мафкураси умуминсоний қадриятлар билан маҳкам уйғунлашган ҳолда келажакка ишонч туйғусини одамлар қалби ва онгига етказаяпти, уларни Ватанга муҳаббат, инсонпарварлик руҳида тарбияламоқда, ҳалоллик, мардлик ва сабр-бардошлиликни, адолат туйғусини, билим ва маърифатга интилишни тарбиялаш йўлида хизмат қилмоқда лозим».

(Давоми 11-бетда)

ҚИШЛОҚЛАР ОБОДЛИГИ-ФАРОВОНЛИГИМИЗ АСОСИ

Президент И. Каримовнинг «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЙ ИСЛОҲОТЛАРНИ ЧУҚУРЛАШТИРИШ ЙЎЛИДА» асари устида ўйлар

Ўзбекистон эркин бозор иқтисодиётига асосланган кучли демократик ҳуқуқий давлат қуриш йўлидан босқичма-босқич олга қараб бормоқда. Ўтган тўрт йил мобайнида республикамизда иқтисодий ислоҳотни амалга ошириш билан боғлиқ бир талай муаммолар ҳал қилинди. Бу даврда амалга оширилган ишларни таҳлил қилиш, ютуқларга яқун ясаш ва келгусида амалга ошириладиган вазифаларни белгилаб олиш ҳозирги энг долзарб масала эди. Шу нуқтаи назардан қараганда, мамлакатимиз Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш йўлида» деб номланган асари катта аҳамиятга эгадир. Шакшубҳасиз, китоб республикамиз истиқлол йўлидаги курашда ҳамма учун дастурламал бўлиб хизмат қилади. Президентимизнинг ушбу китобида ислоҳотларнинг биринчи босқичига яқун ясалиб, зарур хулосалар чиқарилган, иқтисодий ислоҳот иккинчи босқичининг ўзига хос хусусиятлари ва асосий устувор йўналишлари илмий асослаб берилган.

Президентимиз ўз китобида мамлакат иқтисодиётининг муҳим жабҳаси ҳисобланган қишлоқ хўжалигида олиб борилган ўзгаришларга ва унинг келажакдаги устувор йўналишларига алоҳида тўхталиб ўтади. Чунки қишлоқ хўжалигидаги ислоҳот иқтисодий ўзгаришларнинг энг муҳим бўғини ҳисобланади. Шунинг учун ҳам республикамизда иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишнинг биринчи босқичида қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга устунлик берилди. Бунга қишлоқ хўжалиги ҳамда қишлоқ хўжалигида яратилган хом ашёни қайта ишлаш билан боғлиқ тармоқларнинг мамлакатимиз ҳозирги иқтисодиётида тутган ўрни асосий сабабдир.

Давлатимиз раҳбари ўз китобида кўрсатиб ўтганидек, аграр секторни тубдан ислоҳ қилиш ва жадал ривожлантириш муаммолари Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтиш стратегиясида ҳал қилувчи ўрин эгаллайди. Қишлоқнинг устун даражада ривожланишини таъминлаш, қишлоқ хўжалигини сифат жиҳатдан янги асосларда қайта тиклаш асосий вазифа қилиб қўйилди. Қишлоқни ислоҳ қилиш жараёни энг катта бойлик бўлган ернинг чинакам эгасини тиклаш, деҳқонда умид туғдириш, унинг турмушини янада тўкинроқ қилиш вазифасидан келиб чиқади. Кўрилган чора-тадбирлар натижасида қишлоқда аграр ислоҳот жараёнида бозор иқтисодиёти талабларига анча мос келадиган янги хўжалик тизими шаклланди. Қишлоқда давлатга қарашли бўлмаган сектор кенг ривожланди. Агар 1991 йилда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши бутун ҳажмининг 37 фоизи давлат сектори ҳиссасига, 63 фоизи давлатга қарашли бўлмаган сектор ҳиссасига тўғри келган бўлса, ҳозирги пайтда давлатга қарашли бўлмаган сектор бутун маҳсулотнинг 95 фоизидан кўпини ишлаб чиқармоқда.

Иқтисодиётни ислоҳ қилишнинг биринчи дастлабки босқичида асосий бойлигимиз бўлган ерга муносабатни ўзгартириш етакчи йўналиш бўлди.

Қишлоқда бозор муносабатларининг ривожланишига, деҳқоннинг хўжайинлик ҳиссини қайта тиклашга ерни мерос қилиб қолдириш ҳуқуқи билан умрбод фойдаланиш учун унга бериб қўйиш орқали эришилади. Қишлоқда хўжалик юритишнинг ҳар бир деҳқонга манфаатдорлик билан эркин меҳнат қилиш, ўз меҳнатининг натижаларига мустақил хўжайинлик қилиш имконини берадиган воситани яратишдан иборатдир. Деҳқон ўз меҳнатининг мевалари, ердан олинган самара ўзига қарашли эканлигини ҳис этиб, етиштирилган маҳсулотнинг чинакам хўжайини эканлигини кўрганидагина ўзини ернинг ҳақиқий эгаси деб англайди.

Президентимиз ташаббуси ва фаол қўллаб-қувватлаши туфайли одамларга ер берилиши тубли аҳамият касб этди. Иқтисодий ўзгаришлар амалга оширилган йилларда аҳоли фойдаланиши учун қўшимча 550 минг гектар сугориладиган ер ажратилди ва шахсий томорқа учун ажратилган ерларнинг умумий майдони 700 минг гектардан ошиб кетди ва қишлоқда яшайдиган 9 миллиондан ортиқ одам ана шу ер ҳосилидан фойдаланмоқда.

Китобда алоҳида таъкидлаб ўтилганидек, қишлоқ хўжалигини ислоҳ қилишга қаратилган чора-тадбирлар тизимида қишлоқда биринчи босқичда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишнинг янги шаклларини ривожлантиришга катта аҳамият берилди. Қишлоқда фермер (деҳқон) хўжаликларини ривожлантиришни рағбатлантириш учун ҳам ҳуқуқий, ҳам ташкилий чора-тадбирлар яратилди. Фермерларга ажратилган ерларни мерос қилиб қолдириш шарти билан узоқ муддатга ижарага олиш ҳуқуқи мустаҳкамлаб қўйилди. Давлат бюджетидан уларни қўллаб-қувватлаш учун етарли маблағ ажратилди.

Президентимиз китобида таъкидлаб ўтилганидек, қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичидаги асосий вазифа ислоҳотларнинг боришини секинлаштираётган сабабларни тезроқ бартараф этишдан, қишлоқда аграр муносабатларни, энг аввало, мулкчилик муносабатларини янгилашни тугаллашдан иборат бўлмоги керак. Агрофирмалар, бозор ва ижтимоий ишлаб чиқариш инфраструктураси тармоғини яратиш, қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришининг оқилона тизимини вужудга келтириш, деҳқонлар меҳнатига илғор техникани жорий этишни кучайтириш, уларни ҳуқуқий ҳимоялаш ҳам шундай вазифалардандир.

Мамлакатимизда ўтказилаётган ислоҳотларнинг иккинчи босқичида қишлоқда тадбиркорликни ривожлантириш, ортиқча ишчи кучини меҳнатга жалб этиш мақсадида қишлоқда кичик корхоналар барпо қилиш энг долзарб масаладир.

Кейинги ҳисоб-китобларга қараганда, қишлоқда 6,5 миллионга яқин меҳнатга яроқли киши истиқомат қилади. Уларнинг 3,6 миллиони бевосита қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан банд. Бу, юқорида таъкидлаб ўтганимиздек, мамлакатдаги ишлаб чиқаришда банд одамларнинг 37 фоиздан кўпини ташкил қилади.

Ваҳоланки, ривожланган мамлакатлар меҳнатга яроқли аҳолисининг 7-10 фоизигина қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан банд бўлади. Масалан, АҚШда 3,2 млн. киши, яъни мамлакатнинг халқ хўжалигида банд бўлган аҳолисининг 3 фоизигина қишлоқ хўжалиги, ўрмон саноати ва балиқчилик билан шуғулланиб, ўз мам-

лакатининг қишлоқ хўжалиги маҳсулотларига эҳтиёжини тўла таъминлаб қолмасдан, жаҳоннинг ўнлаб мамлакатига қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотади. Африканинг кўпгина мамлакатларида эса меҳнатга яроқли аҳолининг 80 фоизига яқини қишлоқ хўжалиги билан шуғулланса-да, бу мамлакатларда очарчилик ҳукмрон. Германия, Италия, Англия, Голландия каби ривожланган мамлакатларнинг 5-7 фоиз меҳнатга яроқли аҳолисигина қишлоқ хўжалиги билан шуғулланиб, бу мамлакатлар ҳар йили кўплаб қишлоқ хўжалик маҳсулотларини четга чиқарадилар. Шунинг учун ҳам ҳозирги энг долзарб масала қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқариши билан банд бўлган аҳолининг камида 70 фоизини халқ хўжалигининг бошқа тармоқларига жалб этиш зарур. Шунинг учун ҳам қишлоқ аҳолиси учун янги иш жойларини ташкил этиш, уларнинг ижтимоий муаммоларини ҳал этиш иккинчи босқичининг энг муҳим вазифаларидан биридир. Қишлоқда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш меҳнат қилиш имкониятини доирасини кенгайтириш билан узвий боғлиқдир. Бунинг учун қишлоқ аҳолисини шаҳарларга, саноат ва қурилишга эмас, саноатни, кичик корхоналар ва хизмат кўрсатиш нуқталарини қишлоққа кўчирмоқ керак. Қолаверса, қишлоқларимизда кичик ва хусусий бизнесни шакллантириш ва ривожлантириш учун зарур бўлган ҳуқуқий асос мамлакатимизда яратилган. Кейинги даврда қабул қилинган қатор қонунчилик ҳужжатларида кичик ва хусусий бизнес билан шуғулланувчи тадбиркорлар учун талай имтиёзлар белгиланган. Галдаги вазифа қишлоқлардаги ҳеч кимга кераксиз трактор-чилар тайёрлайдиган кўплаб билим юртларини қишлоқ ёшларини бозор муносабатлари шароитида ишлаш ва яшашга ўргатадиган билим масканларига айлантирмоқ мақсадга мувофиқдир. Шу мақсадда бизнинг Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институтимиз қошида бу йилги ўқув йилидан бошлаб «Бизнес мактаби» очилиб, унда кўплаб қишлоқ ёшлари ўрта ва кичик бизнес, тадбиркорлик сирларини ўрганмоқдалар. Бу бизларнинг республикамиз қишлоқ хўжалигини янада ривожлантиришга қўшган ҳиссамиз бўлади.

Раҳимжон ИСМАТОВ,
Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти проректори, қишлоқ хўжалик фанлари номзоди.

«ТУЛИСТОН»ГА МАКТУБ

4

ХОРАЗМ вилоятида эл ардоқлаган улкан санъаткор — Комилжон Отаниёзов таваллудининг 80 йиллигига тайёргарлик ишлари қизғин бормоқда. Бу борада Комилжон Отаниёзов номидаги хайрия жамғармасининг ташкил этилиши ҳам айни муддаодаги иш бўлди. Мазкур жамғарма 1994 йилнинг ноябрь ойида ташкил топган эди. Ҳозирги кунда «Карвон» эстрада гуруҳи, Оғабек Собиров ва Отамурод Нурматов раҳбарлигидаги ижодий гуруҳлар хайрия жамғармаси фаолиятидаги маданий-ташкилий ишларда самарали хизмат қилиб келмоқдалар.

Хайрия жамғармаси ташкилотчилари устоз санъаткор ҳаёти, ижоди ва қўшиқчилик фаолиятини кенг тарғиб қилиш мақсадида қатор тадбирлар ишлаб чиқиб, амалга оширмоқдалар. Хусусан, улуғ ҳофизнинг хотирасига бағишланган кечалар ўтказиш, у яратган қўшиқчилик мактаби ва

НОДИР ИСТЕЪДОД ХОТИРАСИ

ижро услубларини оммавийлаштириш, унинг қўшиқларини ижро қилувчиларнинг кўрик-танловларини уюштириш, шунингдек, санъат билим юртларида устоз номидаги стипендиялар, ижрочилар учун эса шу номдаги мукофот таъсис қилиш каби ташкилий ишлар жамғарма фаолиятида кенг ўрин тутмоқда. Олдда кўзланган мақсадлар янада ранг-баранг ва хилма-хил. Масалан, устознинг 1997 йилда ўтадиган 80 йиллик таваллуд тўйлари олдидан ноҳияда, мамлакатимиз вилоятларида, шунингдек, қўшни Туркманистон ва Қорақалпоғистонда, хорижий юртларда хотира кечалари ўтказиш, улуғ ҳофиз ҳақида видеофильм яратиш, ёдномалар тўплаш ва уларни китоб ҳолида чоп қилдириш сингари хайрли тадбирлар шулар жумласидандир. Хуллас, Комилжон Отаниёзов таваллудининг 80 йиллик тўйи санъатсевар халқимизнинг, барча мухлисларнинг орзули байрамига айланишига шубҳа йўқ.

Комилжон Отаниёзов номидаги хайрия жамғармаси манзили: 340000, Хоразм вилояти, Урганч шаҳри, Тинчлик кўчаси, 10-уй.

Хайрия жамғармасининг ҳисоб рақамлари: Урганч шаҳар, ПСБ, рақам 700814, код 315115115.

Арслон АВАЗОВ.

Дилором МУСАЕВА,
санъатшунослик номзоди

ДИЛБАР ТАЛҚИН ҚАНОТИДА



М. Шайхзода. «МИРЗО УЛУҒБЕК» — Гавҳаршодбегим.

Ўзбекистон халқ артисти Яйра Абдуллаева ўзбек давлат академик драма театрининг 50-йиллар авлодига мансуб.

Яйра Абдуллаева ўз тенгдошлари орасида айрича салоҳиятга эга. У саҳна ва экранда яратаётган ҳар бир образнинг таржимаи ҳолини қунт билан ўрганади. Қаҳрамон сажиясининг мантиқий ва тадрижий ривожланишини билиб олгач, ўз ифода воситалари асосида изчил тараққий эттиради ва кўламдорликка эришади. Асарни, ўзи гавдалантираётган образни таҳлил ва яна таҳлил қилиш унинг ижодий шиоридир. «Қутлуғ қон»даги Гулнор (Ойбек асари асосида Т. Хўжаев инсценировкаси), «Момоқалдироқ»даги Катерина (А. Островский драмаси), «Холисхон»даги Холисхон (Ҳ. Ҳ. Ниёзий), «Алишер Навоий»даги Гули (Уйғун ва И. Султон), «Номаълум киши»даги Тургуной (И. Султон), «Бой ила хизматчи»даги Жамила (Ҳ. Ҳ. Ниёзий), «Нодирабегим»даги Нодира (Т. Тўла) ва бошқалар фикримизга мисол бўла олади. Актриса доимо аёлларнинг ички дунёси, уларнинг туйғулари, руҳий ҳолатлар интилишларини теран очиб, драматик маҳорати билан томошабинларнинг диққатини ўзига жалб этиб келаяпти.

Яйра Абдуллаева дунёқараши кенг, тасаввуроти бой актриса. У ўз қаҳрамонлари табиатидан кишини ларзага солувчи ноҳақликка қарши кўтарилувчи исён сабабларини ахтаради. Унинг ижросида фикр ва туйғу доимо уйғундир. Актриса ҳар бир ролини жонли ижро этади, шу боис саҳнадошларига ҳам ижобий таъсир кўрсатади. Лекин таҳлилга мойиллик яратаётган қаҳрамонлари сажиясини бир текис очишга баъзан халақит қилади. Бу актрисанинг Элейн, Регана, Мария, Антигона, Каренина, Эмилия каби ролларида яққол сезилади. Балки устози режиссёр А. О. Гинзбургнинг «...сен ролингга адвокатдек муносабатда бўл, ислан, шунда мақсадга эришасан» — деган сўзларини ўзига қонун-қоидадек сингдиргани учун шундайдир. Таҳлилга интилиш Я. Абдуллаеванинг кўламдор тимсолларидан бири — япон драматурги Маримото Каорунинг «Аёл ҳаёти» пьесаси асосидаги «Ўгирланган умр» спектаклидаги Кей сажиясида аниқ-таниқ кўринади.

... Одатда актёрнинг театрга келиши ҳар хил бўлади: биров юксак орзулар, бошқалар эса тасодиф туфайли келади. Яйра Абдуллаева чақалоқлигиданоқ саҳна ҳавосини туйган. Онаси — раққоса Лизахоним Петросова саҳнага чиқиш олдидан чақалоғини шошилинч йўргаклаб, кийим-кечаклар турадиган сандиқ устига ётқизиб қўяркан. Орадан бир қанча вақт ўтгачгина, бигиллаб йиғлаётган Яйрани сандиқ орқасидан топиб олишаркан.

Яйранинг саҳнага жиддий қизиқиши болалигидаёқ, яъни саҳнада онаси, дадаси Ҳамза номидаги театрнинг артисти Умар Абдуллаев, холалари Тамарахоним ва Гавҳар Раҳимова таъсирида бошланган. Яйра ёшлигида онаси Лизахоним ва холаси Гавҳархоним билан уруш йилларида ўзбек жангчиларига хизмат кўрсатган даста сафарларида мунтазам қатнашган. Кўриниб турибдики, санъатга муҳаббат Яйрани болалигидаёқ ўзига ром этган. Шунинг учун у ҳаётда бошқа касб танлашни ўйлаб ҳам кўрмади. Ўрта мактабни тугатмасданоқ Санъат институти остонасига қадам қўйди. Аввал тайёрлов курсида таълим олди, сўнг актёрлик бўлимида таҳсил кўриб, уни муваффақиятли тугатади. Олий ўқув юртидаги таҳсил йиллари Яйра учун театр санъати сирларини ўрганиш даври бўлди.

Яйра олган билимини диплом иши бўлмиш Гули («Алишер Навоий»), Софья («Сўнгтилар», М. Горький) образларининг тўлақонли ижросида кўрсата олди.

Яйра Абдуллаева малакали билимга эга бўлиб, Ҳамза номидаги академик драма театри даргоҳига қадам қўяр экан, ижрочилик маҳорати билан эл оғзига тушган Сора Эшонтўраева, кучли драматик қувватга эга ижодкорлар: М. Кўзнецова ва З. Садриева, фожиали-комик актёр М. Мироқилов, типажлар устаси А. Турдиев, феълли (характерли) образлар ижодкори М. Ёқубова, зиёли хислатлари билан танилган Олим Хўжаев, ўткир характерли образлар устаси Обид Жалилов ва Қудрат Хўжаев, Наби Раҳимов, ҳиссий-фалсафий теран тимсоллар ижрочиси Шукур Бурҳонов ва бошқаларга шогирд тушди. Улар ёш актрисага маҳоратдан сабоқ бериб, ижрочиликнинг катта йўлига олиб чиқдилар. Кей ана ўша сабоқнинг гултожи бўлди, десак сира муболаға бўлмайди.

Маримото Каору «Аёл ҳаёти» пьесасида бойлик ортидан қувган бир хонадон соҳибасининг урушдан олдинги ҳаётини, унинг инқирозини тасвирлаб, замондошларини инсоний муносабатларни яхшилашга чақиришдек муҳим масалаларни кўтарди. Инсон қалбининг нозиклиги-ю, табиатидаги яширин хусусиятларни очиб берди. Режиссёр Тошхўжа Хўжаев асарни пухта таҳлил қилиш билан бирга япон турмуши, феълатвори, маиший ҳаёти каби қирраларни ҳам пухта ўрганди. Спектаклда ҳамма ижрочиларни муаллиф кўтарган ижтимоий-фалсафий муаммоларни ҳаққоний ҳал этишга йўналтирди. Режиссёрнинг зийраклиги, пьесанинг руҳига чуқур кира олганлиги унга асарни бошқача номлаш ҳуқуқини берди. Бу фақат бир аёл ҳаётининг тарихи эмас, балки айнан «ўгирланган умр», «бекор ўтган умр» тасвири эди. Ахир ҳаёт ким ва нима учун қурбон қилинди? Фақаттина Цуцуми савдо хонадонининг барқарорлигини сақлаш ҳузур-ҳаловатни билмай, тинимсиз қилинган меҳнат, доимо даромадни, бойликни кўпайтириш учун бош қотириш, охир-оқибатда оилани емирилишга олиб келди. Жаҳон уруши туфайли атом бомбасининг портлаши натижасида улкан ҳалокат юз берди. Ҳаёт қолганлар эса ёлғизликка маҳкум.

Спектакль инсон ва жамият, шахс эрки, одамийликнинг камоли ва заволида ижтимоий тузум, бойликнинг ўрни ҳақидаги мушоҳада сифатида намойиш этилди. Асар марказида балоғат сари юзланган 16 ёшли Нунобики Кей тақдири туради.

Ҳар бир одам дунёга келар экан, одатда фақат яхши истаклар, ижтимоий-сиёсий эркка, ҳурликка мойил бўлади. Аммо у ижтимоий ҳаёт, муайян шароитга дуч келар экан, мавжуд муҳит билан ҳисоблашишга мажбур бўлади. Мана, бойиб бораётган Цуцуми хонадони. Оила соҳибаси ва унинг фарзандлари фақат эзгу ният билан яшайдилар, инсон сифатида уларнинг ҳеч кимга ёмонликлари йўқ. Бошқалар қатори турмушларини тебратиб турибдилар. Хонадон соҳибаси Сидзу хоним бева боши билан фарзандларига таълим-тарбия, билим, осойишталик бераман, деб бутун ҳузур-ҳаловатидан ажрайди. Умрини пул топишга, уни кўпайтиришга, Цуцуми савдо хонадонининг обрўсини иложи борича кўтаришга сарф этади. Не-не азоблар билан йўлга қўйган ишларини давом эттирадиган, ривожлантиришга қодир куч Цуцуми хонадонида топилмайди. Бунинг устига саломатлиги ҳам ёмонлашган. Фарзандларнинг савдо ишига майллари йўқ. Катта ўғли Синтаро илмга берилиб кетган, рассом, кичик ўғли Эйдзи ўз ўрнини бошқа ердан ахтаради, қизлари Фусако ва Фумико расми-одат йўли билан бўлажак оиласи, шахсий бахтларини топиш йўлида жон куйдирадилар. Хуллас, бу хонадонда фарзанд ўстириб, уларни пулдор одам қиламан, деб бутун умрини сарф этган Сидзу маънавий ёлғиз.

Сидзу хоним фақат пулдорлар яшашга ҳақли, чунки улар таъминланган ва қўлларини қаёққа узатса етади, фарзандлари эса ана шу оддий ҳақиқатни тушунмайдилар, деб ўйлайди. Шу сабабли у ўз ишини изчил давом эттирадиган уддабурон меросхўр тайёрлаши керак. Бутун ўй-хаёли шунда. Ахир ўзи ҳам бутун умрини хонадони ҳаловати ва маъмурлигини таъмин этишга сарф этди. Шунинг учун ҳақиқий бахт ва эрк ҳисобига орттирилган бойлик ва унинг манбаи барбод бўлишига йўл қўйиб бўлмайди.

Кўчага ҳайдалган етим қиз Кейни тасодиф шу хонадонга олиб келади. Четдан қараганда, қорни тўйиб овқат емаган, боши азобдан чиқмаган, хўрланган Кей ҳаммадан бахтлироқ, софроқ кўринар эди. Чунки уни дунёдорлик муаммолари ўз гирдобига олмаган, эркига сиртмоқ тушмаган эди. Кейдаги ҳусн, зеҳн ва гайрат уни янада гўзаллаштиради. Бу гўзаллик эса турли тоифадаги одамлар билан муомала қилавериб, бир қарашда инсон қобилиятини фаҳмлайдиган, тажрибали Сидзу хоним эътиборидан четда қолмайди. У Кейнинг барча хатти-ҳаракатини зимдан кузатиб, қизнинг келажагини пайқаган ва аллақачон ўз хулосасини чиқариб қўйган эди. Шу боис Сидзу қизнинг қалби, ички туйғулари билан ҳисоблашмай, кутилмаганда Кейга катта ўғли Синтарога хотин бўлишни таклиф этади. Кей оиланинг метин соҳибасига Эйдзу иккови бир-бирини севишларини очиқ айта олмайди. Илк муҳаббати чилпарчин бўлса-да, бека қарорига поилож рози бўлади. Кей — Я. Абдуллаеванинг кўз олди, дили қоронгулашиб кетади. Бир муддат ўзини қўлга ололмай қолади. Аммо рўзгор, катта маънодаги рўзгор ташвиши Кей ғам-андуҳларини унутиб юборишига сабаб бўлади. Негаки, Сидзу ишлари билан машғул бўлган Кей ўз бахтини аста-секин пул ва бойликдан топади. У ҳаётдаги ўрни ва қобилиятини дунё топишда деб билади. Аммо, бойлик уни ўзига қарам қилганини, одамийлигини, қалбини, муҳаббатини барбод эттанини, ҳатто энг яқин кишилари билан ёвлашганини сезмайди. Шундай қилиб, Кей Сидзунинг кунига учрайди. Учрайди-ю, ундан ҳам бахтсиз ва жиноятчи бўлиб қолади. Негаки Кей бутун яхши одамларни, ҳатто эрининг ҳаётини топтайди, илк муҳаббатининг соҳиби Эйдзини полицияга тутиб беради. Монополия, уруш ва фашизмнинг фаол ҳимоячисига айланади. Бойлик, ҳукмрон шароит ҳар томонлама гўзал аёл умрини шундай ўгирлайди, одамийлик ва назокат шайдосини унинг ашаддий душманига айлантиради.

Кей — Яйра Абдуллаевани кўрган томошабин санъат сеҳрига, актрисанинг маҳоратига лол қолади. Чиндан ҳам бир спектакль мобайнида Кейнинг умр паллаларини, оғир кечинмаларини погонама-погона изчил оча бориш ўта мураккаб ижодий вазифа. Келинг, яхшиси, спектаклни бир бошдан кўздан кечирайлик. Биринчи кўриниш: Цуцуми хонадонига сочлари тўзғиб кетган, гариб, етимча қиз паноҳ излаб келади. Унинг ўт чақнаган нигоҳидан қалбидаги журъатни, фаросатни сезиб олиш қийин эмас. Устидаги гарибона либос, юзидаги андиша вужудидан ёғилиб турган тароват ва малоҳат, меҳнаткашлик ва уддабуронликка соя солмасди. Бу сифат Яйра Абдуллаева қаҳрамонининг Цуцуми хонадонидаги ўрни ва келажагига ишора эди... Чиндан ҳам, орадан кўп ўтмай, Сидзу ва Эйдзи эътиборини тортади. Она ва бола Кейни ўз манфаатларига мос равишда севиб қоладилар. Ана шу муносабатдан эътиборан Кей — Я. Абдуллаеванинг гарибона қиёфаси бошқа кўринишларда такрорланмайди. Биринчи ва иккинчи кўринишларда Кей ёшлик ва одамийлик тимсоли сифатида кўринади. Кейинги кўринишларда эса, мутлақо бошқа одам бўлиб гавдаланади. Лекин унинг сажияси чизгиларида аввалги фазилатларини эслатувчи кўпгина нуқталар яққол кўринади. Айниқса, Кейнинг ушалмаган орзуси, муҳаббатининг фожиаси очиқ сезилади. Ёшига номуносиб тарзда сочига оралаган оқ, ҳаётга шайдоликнинг ўрнини олган лоқайдлик, ўзини шафқатсиз тутишга мажбур этиш каби нуқталар бунга ёрқин мисолдир. Актриса ушбу жараённи бутун қалбидан кечиради, яъни у саҳнада қаҳрамони ҳаёти билан яшайди. Чунки қаҳрамон ҳаётининг биринчи босқичидан иккинчи босқичига ўтиш жараёни пьесада яққол берилмайди. Бинобарин, актрисанинг ўзи уни ҳис этиб, ечимини топади. Томошабиннинг руҳини, туйғусини ўз руҳий оламига олиб киради ва ҳар бир хатти-ҳаракатига тўлиқ ишонтиради. Жумладан, биринчи пардада қилаётган ишларидан мамнун, юраги доимо талпиниб турувчи кишисини дам-бадам кўриб, у билан изҳори дил қилишидан сармаст Кей ҳаётини, умр мазмунини, иккинчи пардада худди шу тасаввурни остин-устун қиладиган саҳна бор. Маънавий фарогатдан мастона бўлган



Ойбек. «ҚУТЛУҒ ҚОН» — Гулнор.



«ҲАМЗА» фильмидан кадр. Саодат.



Иззат Султон. «НОМАЪЛУМ КИШИ» — Тургуной.

Кей метин иродали, истиқболбин Сидзу билан учрашади. У кутилмаганда Кейни катта ўғли Синтарога олиб бермоқ ниятида эканини эълон қилади. Кей — Я. Абдуллаева бу шум хабарни матонат билан қарши олади. Гарчи қўл ва оёқларидан мадор кетиб, ўрнидан соядек турса-да, аммо қалб исёнига, журъатига ва фикрига эрк бермайди. Бунга унинг ҳаққи йўқ. Фақат бахтига чанг солингани ростми? Ана шу ички сўнгги норозилиги-ю, шубҳанинг тўғрилигини билиш учун яна бир карра сўрашга ботинади. Тасдиқ жавобини олгач, гўё ҳамма нарсани унутадигандек бўлади, аслида бу азобга айланиб, унинг ич-этини кемиради, ниҳоят таклифни рад этишга қарор қилади. Аммо кечиккан эди. Ўзи билан ўзи олишиб туриб, Сидзуни хонадан чиқиб кетганини ҳам сезмайди. Рупарасида беркитилган эшигу, девор. Гўё эрки абадий девор билан ўралган-у муҳаббатнинг барча эшикларига қулф урилгандек туюлади. Гангиш ҳолати узоқ чўзилмайди.

Яйра — Кей жонсиз осилиб қолган қўлларини оҳиста кўксига қўйиб бир сесканди-ю, эс-ҳушини йиғиб олади: «Йўқ — хаёлидан ўтказди у, — бўлиши мумкин эмас. Аҳдим, қаримдан қайтмайман». У орзусига пешвоз чиқмоқчи эди, аммо бўш пақирга тасодифан қоқилиб кетиб, яна мушоҳадага берилади. Агар Сидзу хонимнинг хоҳишига қаршилик қилса, худди шу бўш пақирдек ўзи итқитилиб ташланмасмикин?.. Ташланса ташланар, муҳими ўз эркини бировга бермаслик. Синтарога текқандан кўра, бу хонадондан кетган маъқул.

Саҳна айланиб, кўриниш ўзгаради. Кей телбаларча буюмларни йиғиштиради-ю, Эйдзининг хонасига ўқдай отилиб киради, муҳаббати билан видолашади. Икки кўзи Эйдзининг расмига тикилган ҳолда оёқларидан мадор кетиб, стулга ўтириб қолади. Энг азиз кишисининг либосини топиб олиб, кўксига босади. Сўнгра Эйдзи тақдим этган ноёб тароқни сочидан олиб, абадий хайрлашиш рамзидек уни стол устига қўяди.

Актриса бу саҳнани ниҳоятда фожиали жонлантиради. Илк муҳаббатнинг топталишини барча икир-чикирлари билан очиб беради. Унинг хатти-ҳаракатида, нажотталаб боқишларида олам-олам фикр мавжуд. Яна саҳна айланади. Аҳдидан қайтишни истамаган Кей ташқарига югуриб чиқади. Аммо бир зум тўхтайди. Чунки унинг паноҳ излаб борадиган жойи йўқ. Ана шуни эслаши биланоқ, ички бир титроқ босиб келиб, вужудини сўнгги куч тарк этиб, тош устига қандай ўтирганини ўзи ҳам сезмай қолади. Фақат, бутун вужудини титроққа солган, ўша ички, яъни ўкинч йигиси унинг хаёлини яна йиғиб олишга мажбур этади, орзу-армонларини елга совуриб, иродасини букиб ташлайди: тақдирга тан бергизади. Зеро, у чорасиз эди. Чорасиз, имкониятсиз одам эса ҳар нарсага сўзсиз таслим бўлади.

Агар, биз ана шу саҳналарни сўзсиз ижро этиш лозимлигини эътиборга олсак, ижрочи қанчалик катта маҳоратга эга бўлишини тасаввур қилиш қийин эмас.

Ҳаёт ва одамлар инсоннинг эркн, хоҳиш ва истакларига қулоқ солмас экан, нега Кей бошқаларнинг иродаси билан ҳисоблашиши керак? Кейинги кўринишдаги Кейнинг ҳолати, етакчи хатти-ҳаракати шу мантиққа асосланади. Ким зўр ва кучли бўлса, унинг амри заифларга қонун. Сидзу қудратли эди, Кей унинг кўнглига қарашдан бошқа чора топа олмади, энди эса Кей кучли, бинобарин бошқалар унга тобе... бўй эгмай кўрсинлар-чи?!. Мантиқ ҳам, алам ҳам Кей — Яйра Абдуллаевани шу нуқтадан туриб иш тутишга ундайди. Натижада, ҳаёт мантиқи, муҳит талаби Кейдаги одамий фазилатларни аста-секин кемира бошлайди. Эрк тушунчаси ўз ўрнини куч ва зўравонликка бўшатиб беради. Яйра Абдуллаева талқинидаги Кей куч-қудрат, ҳукмронлик маснадидан туриб, иш кўрадиган бўлиб қолади. Актрисанинг санъати шундаки, у Кей ҳаётини кемириб ташлаётган фожиалар сабабини ёркин кўрсатади.

Кей — Я. Абдуллаеванинг мавжуд муҳитда доимо ўзини ёлгиз сезиши, сочларида кўпайиб бораётган оқлар, ясама мағрурлик пардасига бурканган трагедия бели букчайиб, елка суяклари туртиб чиқиши каби жисмоний ҳолатларда фош этилиши юқоридаги хулосамизга ёркин далилдир. Шундай қилиб, Яйра Абдуллаева образ ва ҳаёт диалектикасига алоҳида эътибор беради. Муҳими, ҳаёт ва инсон муаммосини санъаткорона заргарлик ва заргарга хос санъаткорлик билан нозик ифода этади.

Яйра Абдуллаева ижросидаги Кей характерини инсон сифатида тасаввур этар эканмиз, аввало, унинг қудрати, матонати ва қобилиятига қойил қоламиз. Чунки Кейдаги матонат фақат кучли инсонларгагина хосдир. Афсуски, ана шу матонату жасорат беҳуда сарф этилади ва оқибати ҳам сароб бўлиб чиқади. Актриса бундан ташқари Кей ҳаётидаги уч фожиани бир йўла кўрсатишга эришган. Биринчиси, бегуноҳ ва покиза Кей орзусининг барбод бўлиши, иккинчиси, молдунё деб хонадон аъзоларига, ҳатто эри, севгилиси хоҳиш ва истакларига кўндаланг туриш, ниҳоят, учинчиси, Кейнинг бутун меҳнати ва умрининг сароб бўлиб чиқишидир. Бу уч фожиа Япониянинг 40-йилларда тажовузкорлик сиёсатининг валинеъматларидан бири бўлган Цуцуми хонадонининггина эмас, балки Япониянинг Иккинчи жаҳон урушида шармандаларча енгилиши ва инқирози эди. Хиросимага ташланган атом бомбаси Кейнинг хонумонини, бойлигини, саломатлигини кўкка совурди.

Яйра Абдуллаева энди Кейни барча умидларидан ажраган, бебахт аёл қиёфасида талқин этар экан, унинг бир сифатини алоҳида таъкидлайди. Кей ҳамон қудратли, матонатли. Шунинг учун ҳам беомон фожианинг бетига тик қарай олади ва уни магрур қарши олади. Зикр этилган сифатлар инсон — ижтимоий тузум ва давр муаммосининг айри-айри қирралари сифатида бўрттириб кўрсатилди. Муҳими шундаки, актриса Кей сиймосида шахс фожиасини ижтимоий тузум билан чамбарчас боғлиқ ҳолда очиб, фалсафий аҳамиятга молик беқиёс гўзал тимсол яратди.

Ижодкор Кей мисолида шу чоққача ижодда қўлга киритган тажриба ва ютуқларига маълум даражада якун ясади, десак муболага бўлмайди.

Яйра Абдуллаева Кей образидан кейин В. Шекспирнинг «Қирол Лир» трагедиясидаги Регана, Ф. Шиллернинг «Мария Стюарт» трагедиясидаги Мария каби маҳоратли, бадиий баркамол образларни яратди. Сўзсиз, Кей образи уларни тайёрлашга катта замин яратди.

... Ҳозир Яйра Абдуллаева айни камолот палласида. Олтмиш ёш ҳам шундан далолат. Биз ажойиб санъаткорга узоқ умр, тансиҳатлик тилар эканмиз, саҳнада янада баркамол тимсоллар яратиб ўз мухлисларини хушнуд этади, деб умид қиламиз.



МУЗЕЙЛАР РАВНАҚ ТОПАВЕРАДИ

ЎЗБЕКИСТОН Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг жумҳурият музейлари фаолиятини яхшилаш чоратадбирлари ҳақидаги қарорига асосан Маданият ишлари вазирлигининг бевосита раҳбарлиги остида кўпгина ишлар, тадбирлар амалга оширилмоқда.

Музейлар фаолиятини яхшилаш борасида Хива шаҳридаги «Ичон-қалъа» музей қўриқхонаси ходимлари катта ютуқларни қўлга киритдилар. Албатта, бу ютуқлар ўз-ўзидан бўлгани йўқ. Ижобий натижаларга эришиш учун илмий изланишлар, маърифий ишлар бўйича белгиланган тадбирлар ўз вақтида амалга оширилди. Муҳаммад Раҳимхон Феруз таваллудининг 150 йиллиги нишонланди. Юбилейга бағишлаб янги таъмирланган Муҳаммад Раҳимхон мадрасасида «Феруз» номидаги тарих ва адабиёт музейи очилди. Экскурсиялар, маърузалар ташкил қилинди, музейдаги кўргазмаларнинг сифати яхшиланди. Натижада музейларни томоша қилишга келаётган саёҳатчилар сони кундан-кунга ошиб бормоқда.

«Ичон-қалъа» музей-қўриқхонаси экспозицияларида қадимдан то ҳозирги кунгача бўлган Хоразм тарихи, амалий санъати, адабиёти акс эттирилган.

Ўтган йили Хоразм вилояти туманларига илмий экспедициялар уюштирилиб, 1382 та тарих ва археологияга, амалий санъатга оид экспонатлар тўпланиб, улар сони 42591 тага етказилди. «Ичон-қалъа» музей-қўриқхонаси жамоасининг асосий мақсади музей фаолиятини яхшилашга қаратилган. Музей жонкуяр ходимларининг иш йўналиши экскурсиялар сифатини яхшилаш ҳамда вилоят меҳнаткашлари ва сайёҳлар орасида тарғибот-ташвиқот ишларини кучайтириб, томошабинлар сонини кўпайтиришга эришишдан иборатдир.

Республикамиз ўзининг қутлуг истиқлолига эришганлиги боис халқимизнинг кўҳна тарихини, маданий меросини, тарихий ёдгорликларини чуқур ўрганиш, қайта тиклаш, муҳофаза қилиш учун катта имкониятлар юзага келди.

Кейинги 2-3 йил мобайнида Улуғбек, Бобур, Муҳаммад Раҳимхон Феруз, Баҳоуддин Нақшбанд, Аҳмад Яссавий каби маърифатпарвар, буюк алломаларнинг юбилейлари ўтказилди. Бу йил эса саркарда ва соҳибқирон Амир Темур таваллудига 660 йил тўлиши муносабати билан юбилейга тайёргарлик ишлари кенг кўламда олиб борилмоқда.

Маданият ёдгорликлари Бош илмий ишлаб чиқариш бошқармаси Амир Темур номи билан боғлиқ бўлган обидалар ва қадамжоларни таъмирлаш, ободонлаштириш ишларини босқичма-босқич амалга оширмоқда. Самарқанд вилоятидаги Бибихоним масжидида, Гўри Амир мақбарасида, Қарши шаҳридаги «Кўк гумбаз» масжиди, «Эски ҳаммом» ва «Қиличбой» мадрасаларида, Шаҳрисабздаги «Оқ сарой» арки бўйича, Дорус-саодат ва Дорут-тиловат мажмуаларида, «Кўк гумбаз» масжидида, Термиздаги Султон-саодат мажмуасида таъмирлаш-тиклаш ишлари қилинмоқда. Тошкентдаги Амир Темур хиёбонида музей барпо этиш юзасидан тайёргарлик ишлари шаҳар ҳокимияти билан биргаликда олиб борилмоқда. Соҳибқирон юбилейи билан боғлиқ бўлган таъмирлаш ишлари учун Маданият ишлари вазирлигидан 318110 сўм пул ажратилди.

Музейлар фаолияти орқали ёшларимизни ўзбек халқи амалий санъатига қизиқишларини янада ошириш ишларига эътиборни қаратишимиз зарур. Ота-боболаримиздан мерос бўлиб қолган мискарлик, кулоллик, зардўзлик, наққошлик, ўймакорлик, каштачилик каби миллий ҳунармандлик санъатларига ёшларимиз жалб қилинса, музейлар қошида тўгаракларлар очилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Гулнора ҚУРБОНОВА.

(Боши 4-5 бетларда)

Ислоҳотларнинг биринчи босқичи жамият цивилизациялашган, инсон сари йўналтирилган бозор иқтисодиётини маънавият, ахлоқийлик ва маданиятнинг мустаҳкам пойдеворини қуришга қаратиш зарур, деган хулосага олиб келди. Иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорликнинг таъминланиши — ислоҳотлар биринчи босқичининг энг асосий якуни бўлди. Президентимиз таъкидлаганидек, ислоҳ қилишнинг биринчи босқичи мақсадларини белгилаш чогида иқтисодий тангликка барҳам бериш, иқтисодий ва молиявий барқарорликка эришиш вазифалари устувор йўналишлар жумласига киритилгани эди. Биз бугун бу вазифа умуман муваффақиятли ҳал этилди, деб айтишга ҳақлимиз. Мамлакатимизда ижтимоий-сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий барқарорлик, барча ижтимоий кучларнинг амалга оширилаётган йўлни қўллаб-қувватлаш учун жипслашувини мустаҳкам сақлаб қолишга ҳаракат қилинди. Натижада иқтисодий барқарорликка эришиш билан бирга аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тадбирлари кўрилганлиги республикада барқарор ижтимоий-сиёсий вазиятни таъминлаш имконини берди. «Кўп миллатли жамиятимизда ижтимоий-сиёсий барқарорлик, — деб ёзади И. Каримов, — фуқаролар ўртасида тинчлик ва миллатлараро тотувлик сақланганлиги мустақил Ўзбекистоннинг бунёд бўлиши ва ривожланишининг биринчи, бошлангич босқичида қўлга киритилган энг асосий ютуқ бўлди».

Ўтган давр ичида аста-секин барқарорлик, тинчлик ва тотувликка эришилди. Булар давлатчилигимизнинг қурилажак янги биносининг ишончли пойдеворидир:

— халқимиз миллий руҳи, маънавий дунёси ҳамжиҳатлик ва биродарлик билан ҳаёт кечиришни тақозо этади, шунга амал қилиб жамиятимизда улкан ўзгаришларни амалга оширмоқ;

— яратувчилик, ижод ва кашфиёт орқали, авлодлар қолдирган қадриятларни сақлаб, давом эттирибгина янги жамият биносини қуриш;

— сиёсий декларациялар, баландпарвоз чақириқлар билан эмас, бозор муносабатларига йўл очувчи ҳуқуқий меъёрларни изчил ишлаб чиқиш орқалигина кишиларнинг турмуш шароитини яхшилаш;

— жамият ва халқни тўғри йўлдан урувчи, чалғитувчи сиёсий бузғунчиларга қарши кескин кураш олиб бориб, тинчлик-тотувлик ва ўзаро ёрдам тамойилларига кенг йўл очиб бериш.

Тинчлик ва барқарорлик ўзга жамиятлар ва ўзга мамлакатлар билан бизни бирлаштирувчи энг кучли ижтимоий омилдир.

Бинобарин, Ўзбекистонни бозор иқтисодиётига ўтиш модели ана шундай ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий барқарорликка асосланган.

Ўзбекистондаги иқтисодий ислоҳотлар биринчи босқичининг асосий якунлари ва сабоқлари ана шулардан иборат.

(И. А. Каримов рисоласида баён этилган иқтисодий ислоҳотлар иккинчи босқичининг вазифалари ва устувор йўналишлари ҳақидаги иккинчи мақола журналимизнинг 1996 йил 1-сонида эълон қилинади).

Эркин УСМОНОВ



УМРНИНГ УНУТИЛМАС

(Ўзбекистон халқ ёзувчиси Ўлмас УМАРБЕКОВни эслаб)

«Ҳар куни кечқурун ботаётган қуёшга қараб, уни тўхтатгим келади. «Шошма, қуёш! Яна бироз нурингни сочиб тур, ишларимни тугатиб олай» дегим келади... Шошиб турибман. Кун ботаяпти...»

Ўлмас УМАРБЕКОВ,

(«Шошма, қуёш» драмасидан).

Ушбу ёзувларнинг қоғозга тушиши анчайин қийин кечди.Улар марҳум адиб ҳақидаги хиёл маъюс ва ғамгин хотиралар бўлгани учунгина эмас, албатта. Йўқ! Бунинг бошқа, ҳали ўзим ҳам англаб етмаган қандайдир сабаблари бордек туюлади.

Очигини айтсам, Ўлмас аканинг вафоти шахсан мен учун кутилмаган, қаттиқ зарба бўлди. Ўшандан кейин анчагача ўзимга келолмай юрдим. Шаррос ёмғир қуйиб турган ўша кеч куз кунларининг бирида, аниқроғи 1994 йилнинг 10 ноябрь куни қанчалар довдираб, гангиб-каловланиб қолганимни бугун тасвирлаб беришга ожизман. Фақат, ўша куни эрталабдан ёға бошлаган ёмғир пешинга бориб жалага айланганини ва айнан ўша, осмон ҳам йиғлаб турган соатларда Ўлмас ака «Минор» қабристонига дафн этилаётгани ёдимда... Бошқа кўп нарсаларни эслаёлмайман. Чунки, кечагина биз билан жилмайиб «суҳбат»лашиб ўтирган олижаноб чеҳра, ўйчан нигоҳ, ёқимли табассум энди йўқ эди...

Бу ўринда «суҳбат» сўзини қўштирноқ белгиси ичига олаётганим бежиз эмас. Ўлмас Умарбековни яқиндан кўрган, билган кишиларга маълумки, у киши огир хасталикка чалинган ва кейинги йилларда гапиролмайдиган бўлиб қолган эди. Шу боис, кўпроқ биз, унинг ҳузурига ташриф буюрган кишиларгина гапирар, Ўлмас ака эса сўнгги йилларда сира қўлидан қўймайдиган кафтдеккина дафтарчасини олиб, бизнинг саволларимизга «жавоб» берар ё бирор нимани «сўрарди». Бунақа пайтларда унинг қийналаётганини биз суҳбатдошлар билардик, ўзимиз ҳам қийналардик. Тўғри-да, бир умр ширин лутфи билан бошқаларни ўзига маҳлиё этиб келган одам, худди тўрт мучаси сог кишидек қаршингда ўтирсаю, бирон огиз сўз деёлмаса. Боз устига, имо-ишоралар билан ўз фикрини баён этишга кўникмаган одамнинг бу аҳволга тушиб қолишининг ўзи ҳам қўрқинчли, ҳам тасаввурга сигдириб бўлмайдиган манзара эди.

Шунга қарамай, Ўлмас ака табиатан ўта вазмин ва босиқ одам бўлгани учунми, ўзининг қийналаётганини сездирмасликка уринар, сўзларингизга диққат билан қулоқ солар, шу аснода унинг оқ оралаган қошларининг чимирилишидан, гоҳ ўйчан нигоҳини номаълум бир нуқтага тикан кўйи хаёлга чўмиб қолишидан, гоҳ тилла тишларини йилтиратиб ёқимли кулимсирашларидан, гоҳ тишларини тишларига босганида юзида шиддатли бир ифода зоҳир бўлишидан, гоҳ қўлларини ёзганча ўз ҳис-ҳаяжонини ифода этмоқчилигидан, у ҳеч қачон ўз суҳбатдошига нисбатан лоқайд ва бепарво эмаслигидан дарак берарди.

Ўлмас аканинг илк бор овози йўқолиб бораётган кунларни яхши эслайман. Ўшанда республика радиосининг «Адабиёт ва санъат» таҳририятида хизмат қилардим. Кунлардан бир куни телефон қўнгироғи жиринглаб қолди. Гўшакни кўтардим. Симнинг у томонидан хирқираган, хаста товуш эшитилди. Дафъатан, танимадим. «Эркин, мен Ўлмас акангизман» — дегандан кейингина овоз Ўлмас Умарбековники эканлигини билдим. «Ҳа, тинчликми, Ўлмас ака, нима бўлди?» — сўрадим ундан. У киши жавобни қисқароқ қилиб қўяқолди. «— Ҳа, сал... шунақа, тобим бўлмай турибди» деди ва қўшиб қўйди: «— Шу... йўлиз тушса, уйга бир кириб ўтсайиз... қўлёзмани тайёрлаб қўювдим...»

Шу билан «суҳбат»имиз тугади. Ушанда мен хом сут эмган банда Ўлмас акани шунчаки томоги шамоллаган бўлса керак деган хаёлга борган, унинг бедаво дардга чалингани эса етти ухлаб тушимга ҳам кирмаган эди.

Ўша суҳбатимиздан кейин орадан кўп вақт ўтмади.

1990 йилнинг 20 март куни Ўзбекистон халқ ёзувчиси Туроб Тўла вафот этдию, у киши билан видолашув маросими «Киночилар уйи»нинг фойесида ўтказилди. Маросимга ўша вақтда Ўзбекистон маданият вазири вазифасида ишлаб турган Ўлмас Умарбеков раислик қилди. Ўша маросимда иштирок этганлар ҳозир ҳам яхши хотирлашса керак... Ўлмас аканинг овози микрофон орқали ҳам зўрга қулоққа чалинар, унинг хирқироқ овози узоқ-узоқлардан эшитилаётганга ўхшаганди...

Бу устозга ёпишган бедаво дарднинг муқаддимаси эди...

Ушандан кейин Ўлмас ака кўп да-

воланди. Гоҳ Тошкентда, гоҳ Москвада... Гоҳ тузалиб қолгандек туюлар, гоҳ яна тиббий текшир-текширлар, муолажалар бошланарди. Ишлаб турган лавозими — Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосарлигидан ҳам истеъфога чиқишга тўғри келди. Кўпроқ вақти шифохоналарда ё уйда ўтадиган бўлди.

Ҳаётда сира тиниб-тинчимаган, ҳамиша яшаш-яратиш завқи билан куйиб-пишиб юрган одам кўрпа-тўшак қилиб ёта олмас экан. Ўлмас ака ана ўша пайтларда ҳам ёниб ишлади. Ёзди, ёзди, ёзди... Сал тузалди, қўлига қалам-дафтарини олар, янглишмасам, унинг бу ёруғ дунёдаги энг яқин ҳамроҳлари — рафиқаси Зуҳра опаю қизчаси Умида ва ана шу, Қалам билан Қоғоз бўлиб қолган эди, холос. Шу сабабдан ҳам, у кўп ёзарди. Ҳали романини қайта кўриб чиқар, ҳали янги пьеса устида иш бошлар, ҳали янги-янги ҳикоялар қораларди.

Билмадим, бу нима дейилади — тақдирми, тақдир тақозосими, фалакнинг гардишими... Ҳар қолда ўзим бир умр севган Адиб ва Инсон ҳаётининг сўнгги дамларида у билан ҳамнафас бўлиш менга насиб этди.

Эсимда бор, бундан бир-икки йил муқаддам, мени ноҳақ айблаб йиғирма йиллик севимли ишимдан маҳрум этишган, нажот излаб бормаган эшигим қолмаганди. Қизиги шундаки, одам боласининг бошига бунақа иш тушган пайтда (аввало, ҳеч кимни айтганингизни ўзи мен учун катта мукофот!..»

Тўғрисини айтсам, ўша кезлари худди ана шундай самимий ва юракдан отилиб чиққан сўзларни кўплардан кутган эдим. Бахтга қарши, ўша «кўплар» негадир мени кўришса тескари қарашар ёки кўрмаганликка олишар, мендан «қочиш» пайига тушишарди.

Ўлмас аканинг ўзи ниҳоятда оғир аҳволда бўлишига қарамай, менга шу сўзларни айтишга қаёқдан куч топа олганига ҳайратда эдим. Шундан кейин Ўлмас ака дафтарчасига нималарнидир ёзди-ёзди-да, кейин варақни йиртиб, менга узатди. Унга қуйидаги сўзлар битилган эди:

«Эркин! Адабиёт ҳам океандек гап. Ҳамма бир кемада сузиши шарт эмас. Майдон кенг. Нима учун энди ёзувчи одам албатта радиода, газета ё журналда ишлаши керак, деб ўйлайсиз? Бошқа соҳада туриб қалам тебратиш мумкин эмасми? Менга қолса, ёзувчи ўз ҳамкасбларидан узоқроқда юргани маъқул. Шунда чалғимайди. Майда-чуйда гаплардан четда бўлади. Ўйлаб кўринг!..»

Охир-оқибат, худди Ўлмас ака айтганидек бўлиб чиқди. «Бошқа соҳада туриб ҳам қалам «тебратиш мумкин» экан. Ҳеч ким сенга «нега газета-журналда ё радиода ишламай туриб, шеър ё ҳикоя ёзяпсан?» — деб қўлингдан ушламас экан.

Мен бу ўринда, бир оз лирик чекинишга қилган, шахсий кечинмаларга берилиб кетган бўлишим мумкин. Агар шундай бўлиб чиққан бўлса, узр! Лекин, Ўлмас ака умр бўйи мен билган жуда кўплаб ёш адиблар учун ўрнак бўлиб қолганини таъкидлаб ўтмоқчи эдим, холос. Бу фикримни кўплар тасдиқлашига аминман.

Аввало, Ўлмас ака ички маданияти ниҳоятда кучли одам эди. Юриштуриш, муомала, ҳар қандай ҳолатда ҳам ўзини тута билиш, ахлоқ-одоб бобида... қўйинг-чи, ҳар томонлама бизга намуна эди.

Гётенинг «Ёзувчи қанақа бўлса, унинг асарлари ҳам шунақа бўлади» деганга ўхшаш гапи бор. Агар шу сўзлар рост бўлса, Ўлмас аканинг асарлари ҳам ўзига ўхшаб кетарди дейишга журъат этаман. Асарларидаги пишиқ-пухталик, услубдаги дилбарлик, тил ва тасвирлардаги шоирона оҳанг, энг асосийси, ўша асарларда мавжуд бўлган Ўлмас ака-га хос чуқур самимият ва олижаноблик шундоқ уфуриб туради. Истаган асарини эсланг! «Севгим, севгилим»ними? «Одам бўлиш қийин»ни, ёхуд «Ёз ёмғири», ё «Қиёмат қарз»ними, ҳамма-ҳаммасида Ўлмас Умарбековнинг ўзи, унинг шахси шундоқ кўриниб туради.

Умуман, Ўлмас ака мансуб бўлган авлод ёзувчилари қисқа вақт ичида жуда кўп ишлар қилишга улгурдилар. Менимча, уларнинг энг катта хизматлари, адабиётга янги нафас олиб кирдилар. Абдулла Қаҳҳор таъбири билан айтганда, «келажаги буюк адабиёт»га мустаҳкам бир пойона қўйдилар. Шу боисдан бўлса керак, қарийб ўттиз-қирқ йиллик адабий жараённи Эркин Воҳидов ва Абдулла Орипов шеъриятисиз, Чўлпон Назаров ва Фарҳод Мусажонов, Ўткир Ҳошимов ва Шукур Холмирзаевларнинг роман, қисса ва ҳикояларисиз тасаввур қилиш қийин.

Бу ўринда, Ўлмас аканинг яна бир жасоратига тан бергим келади. Ўлмас ака нафақат Инсон, балки Ёзувчи сифатида ҳам бизга сабоқ бериб, ўрнак кўрсатиб кетди.

У сўнгги нафасигача ёзди. «Фотима ва Зуҳра» деган романини тугатиб, «Шарқ юлдузи» ойномасида эълон қилди, «Оқсоқол» номли янги пьеса ёзиб тугатди. «Қизимга хатлар» деган хотиралар китобини тартибга солди. «Мангу дунё бўсағасида» номли янги асар устида иш бошлади, бир қанча янги ҳикоялар ёзди... Ана шу ёзилган, ёзилмаган, тугаган, тугалланмаган асарлар қачонлардир бир кун босилиб чиқишига, китобхонларнинг маънавий мулкига айланиб қолишига ишонгим келади. Шу маънода, илгари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасида амалга оширилиб келинган «Ёзувчиларнинг ижодий меросини ўрганиш комиссиялари»нинг фаолияти бирмунча суст-лашиб қолгани кишини ташвишлантиради. Ёзувчи ҳам тирик одам эканлигини унутмаслик керак. Бир кун у ҳам оламдан ўтади. Ундан қоладигани, фақат ёзган асарлари... Улар эса унинг мухлисларига, халққа керак. Токи, ёзувчиларнинг асарлари уларнинг ўлимидан сўнг «йўқлик»ка дафн этилиб кетмасин...

. . .

Яна Ўлмас акага қайтаман.

Вафотидан бир неча ойлар бурун эди, янглишмасам. Профессор Собир Мирвалиев икковимиз Ўлмас аканинг уйига бордик. Адиб бизни кўриб, ёш боладек қувониб кетди. Умуман, боши ёстиққа тегиб қолган одам ўзини биров йўқлаб келса, боши кўкка етиши табиий эканлигига ўша куни яна бир бор ишонч ҳосил қилганим яхши эсимда.

Пастаккина зиналардан айвонга кўтарилдик. Фотиҳа ўқидик. Ўлмас ака одатдагидек кафтларини бир-бирига уриб қарсак чалди. Одатда у рафиқаси ёки қизини чақирмоқчи бўлса, шундай қиларди. Бирпасда дастурхон тузалди. У ёқ-бу ёқдан суҳбатлашиб ўтирдик. Биз гапирамиз. Ўлмас ака эса дафтари орқали «жавоб беради». Ана шу «суҳбат» давомида Собир ака Ўлмас аканинг 60 ёшга тўлгани ва бу санани нишонлаш ҳақида гап очди. Ўлмас ака «керакмас» дегандек қўлларини силкиди, кейин қўлини кўксига қўйиб «раҳмат» дегандек таъзим қилди.

Собир ака «Эсингизда бўлса, бир вақтлар Ойбек домланинг 60 йиллигининг бошига тушмасин!) ҳамма ўзини чеккага олиб қочаркан. Сени бир кун кўрмаса согиниб қоладиган улфатларинг ҳам, яқин ёр-биродарларингу, ҳамкасб таниш-билишларинг ҳам бир юмалаб «бегона» бўлиб қолишаркан.

Ўша кунларнинг бирида юрагим сиқилиб Ўлмас аканинг уйига бордим. Эгнида кўкимтир «олимпийка», елкасида тўн. Кайфияти яхши эди. Айвонда узоқ суҳбатлашиб ўтирдик. Асосан мен гапирдим. У киши қулоқ солди. Гапдан-гап чиқиб дардимни дастурхон қилиб ёздим-қўйдим...

Ўлмас ака менинг гапларимга қошларини чимирганча қулоқ солиб ўтирди-ўтирди-да, кутилмаганда бўйнига танғилган дока тагидаги тангадеккина тугмачага бармоғини босиб туриб гапириб юборди. Қийналиб, лекин алланечук шиддат билан, алам билан гапирди: «Аҳволим... мана бунақа бўлмаганда... мен сиззи уларга ем қилиб қўймасдим, ука...» — деди.

Менга ана шу сўзларнинг ўзи етарли эди. Беихтиёр кўзларим ёшланди. Ўрнимдан туриб Ўлмас аканинг қўлларини маҳкам сиқдим, «Шу гапларингиз учун раҳмат, Ўлмас ака, — дедим ҳаяжондан титраб, — шу-

ЛАҲЗАЛАРИ...

гини ўтказгандик. Бир оғиз гапирмаган бўлсалар ҳам, қанақа чиройли, файзли ўтганди...» деганди. Ўлмас ака шу ерда «Сиз мени ким билан таққослаяпсиз?!» дегандек бош чайқаб, «қўйсангиз-чи» деган маънода хижолатли кулимсиради. Собир ака эса давом этаверди: «— Сиз ҳам Зуҳрахон билан бир чеккада ўтирасиз. Гапиранглар гапиради. Кейин биронта спектаклингизми, концертми қўйилади. Вассалом!.. Ижодингиз ҳақида ўзим маъруза қиламан!..»

« — Ана, Ҳамза театрида ўтказиш мумкин!» — қўшилдим мен.

« — Яхши бўларди-да! — деди Собир ака. — Хўп деяверинг! Ташкилий томонларини менга қўйиб бераверинг!..»

Ўлмас ака гапларимизни жиддий қиёфада, лабларини қимтиганча эшитиб ўтирди-ўтирди-да, кейин бошини сарак-сарак қилиб, шоша-пиша дафтарига нималарнидир ёза кетди, кейин бизга узатди.

«Собир ака! Эркин! — деб ёзилганди унда. — Ҳурматинглар учун қуллуқ! Лекин бу аҳволда халқнинг олдига чиқиб ўтиролмайман. Қийналиб қоламан. Ҳар чорак асосида процедура қилишим керак... Ёзадиганимни ёздим, катта-катта унвону мукофотларни олдим. Худо хоҳласа, яхши ниятларим кўп. Худо умр берса, пайғамбар ошимни қилиб бераман, юртга дастурхон ёзаман...»

Афсуски, ўша яхши ниятлар ниятлигича қолди. Ўлмас ака пайғамбар ёшига етолмади. Мана энди бўлса кўп ўйлайман: «Нега ўшанда юбилейни ўтказамиз», деб туриб олмадик. Таассуфки, энди бефойда...

Ўшанда, Ўлмас ака эндигина 60 ёшга тўлганди...

. . .

Юқорида Ўлмас ака умрининг охирида жуда кўп ёзди, ижодий изланишлар билан банд бўлди, дедим.

Ўша кунларнинг бирида, Ўлмас аканинг вафотидан икки ойча аввал янгамиз Зуҳра опа уйга телефон қилиб қолдилар: «Ўлмас акангиз сўраяптилар. Бир кириб ўтсангиз!..»

Эртасигаёқ бордим. Ўлмас ака қўлимга иккита катта-катта қўлёзма берди ва дафтарини олиб, унга нималардир ёзиб менга узатди. Унда шундай ёзилганди.

«Эркин, мана шу янги ҳикояларни, ўқиб чиқсангизу, маъқулини радиодаги йигитларга бериб қўйсангиз. Сўрашганди. Узр! Машинкалатолмадим. Мабодо, кўчиртирсангиз, менгаям бир нусхадан олиб келсангиз яхши бўларди...»

Мен Ўлмас акага «маъқул» ишорасини қилдим ва ўша куниёқ таниш бир машинистка аёлга кўчиришга бердим. Бахтга қарши, ҳали аёлнинг ёш боласи касал бўлиб қолар, ҳали таҳририятдаги қўлёзмалар билан чалиғ кетар, ҳадеганда Ўлмас аканинг қўлёзмасига қўли тегавермади. Ҳикоялардан бирини — «Ота ва ўғил»ни унда қолдириб, иккинчиси — «Мўъжиза»ни қайтариб олдим. Ўзим уйда ёзув машинкасида кўчириб унга ёрдам бермоқчи бўлдим. Ҳикояларнинг ҳажми катта, бунинг устига, Ўлмас аканинг хати жуда майда, кўп ўринларда обдон чизиб-чизғиланган жойлар, тузатишлар, қўшимчалар кўп эди. Қисқаси, ҳикоялар айтилган муддатда тайёр бўлмади. Анча кечикди. Ва ниҳоят, минг бир хижолат билан олиб бордим. Зуҳра опа Ўлмас аканинг ишораси билан ичкаридан пул олиб чиқди, «Машинистканинг ҳақи» деди. Мен «Керакмас», — дедим. «Битта ҳикояни у, биттасини ўзим кўчирдим», — дедим. Ўлмас ака таажжубланди. «Қайси бирида имло хатоси кўп бўлса, ўша мен кўчирганим бўлади», — дедим. Ўлмас ака жилмайиб қўйди-да, дафтари варағига тез-тез ёзиб, менга узатди. Ўқидим. «Бўлмаса, пулнинг ярми машинисткага, ярми машинистга!..»

Кулишдик. Бари бир пулни олмадим. Кейин Ўлмас ака яна «сўради».

«Ҳикоялар қалай? Чидаса бўладими?..»

« — Яхши, — дедим бу саволга жавобан, — икковиям жуда телевидениебоп чиқибди. Телеспектакль қилса бўларкан!..»

Ўлмас ака дафтарчасига яна ёзди.

«Асли, шуларнинг асосида сценарийми, пьесаси ёзиш ниятим йўқ эмас. Насиб қилса, кўрамиз!»

Афсуски, булар ҳам насиб қилмади. Ўша ҳикоялар қўлёзма ва машинкаланган ҳолида қолиб кетди. Вақти-соати келиб улар эълон қилинади, қай бир режиссёр қачонлардир уларга қўл уради, деган умиддаман. Буни энди вақт кўрсатади. Вақт эса Улуғ Ҳакам. Ўша ҳикояларга энг холис ва одил баҳони шу Ҳакам беришига ишонгим келади...

. . .

1994 йилнинг ўша куз кунларидан бирида «Тезиков» бозорига йўлим тушдию, қайтишда адибнинг уйи тарафга бурилдим. Унинг мўъжазгина ҳовлиси ана шу бозор яқинида эди.

Хуллас, таниш кўчага бурилдим, таниш дарвоза тепасидаги қўнғироқни босдим. Кутилмаганда эшикни Ўлмас аканинг ўзи очди. Иссиқ кийинган, афтидан қаёққадир кетаётган эди. Ичкарига бошлади. «Йўқ. Сизни йўлдан қайтармай», — дедим. Дорихонага кетаётган экан. «Дориқутингизни берсангиз, олиб келиб бера қолай», — десам унамади. Нимадир дейишга чоғланиб лабларини жуфтлади ва ютиниб-ютиниб кўча тарафга имо қилди ва шивирлагудек бўлиб, «Куз... Яхши... Кузни... яхши кўраман...» деди.

Икковлашиб йўлга чиқдик. Дорихона ҳозирги Фурқат истироҳат боғининг орқасида экан. Ўлмас ака қайтаётганимизда боғ ичидаги йўлкадан ўтишни таклиф қилди. Куз теварак-атрофга ўзининг заррин сепини ёйган кезлар эди. Ҳаво бирмунча совуқ бўлишига қарамай, кўк юзида офтоб чарақлаб турар, эрталаб ёғиб ўтган қисқагина ёмғирдан кейин дов-дарахтларнинг қорамтир шохларидаги саргиш, қизғимтир, заргалдоқ япроқлар ювиб қўйилгандек ялтираб «очилиб» кетган, узоқдан қараган кишига худди рассомларнинг бўёқ қорадиган тахтачасига ўхшаб кўринарди.

Ўлмас ака йўлка четидаги думалоқ-думалоқ жажжи япроқлари олтин тангалардек товланиб ётган пастаккина дарахт рўпарасида тўхтади. Дарахт узоқдан сариқ гуллардан тузилган катта гулдаста янглиғ кўзга ташланиб турарди. Унга узоқ тикилиб қолди, кейин кўзлари кулиб менга қаради: «Куз... кўп, жа... кўп ёзганман...»

Беихтиёр эсладим... «Куз ҳавоси»... «Олтин япроқлар»... «Кузнинг биринчи куни»...

«Ҳар йили кузда, хазонрез кезларида кўчага чиқаман, сердарахт хиёбонларни узоқ-узоқ айланаман...» деб ёзган эди у ўз ҳикояларининг бирида.

«Олтин куз ҳавосидан тўйиб нафас олиш иштиёқида уйдан чиқдим. Бир оз этни жунжитадиган шабада эсарди. Кечаси ёмғир ёғиб ўтибди шекилли, асфальт йўлакалар нам...» деб бошланади бошқа бир ҳикояси.

Машҳур асарларидан бири эса «Ҳар куни шу хиёбондан ўтаман...» деган сўзлар билан бошланади.

«Ҳа, у куз фаслини жуда севаркан», — кўнглимдан кечди. Мана энди, тақдирнинг аччиқ ҳазилини қарангки, унинг ўзи ҳам айнан ўша, ўзи севган фаслда вафот этди ва ўша кунлари мен яна беихтиёр хиёбондаги сўнгги сайримизни эсладим...

. . .

Ўлмас Умарбеков вафот этган пайтда энди 60 ёшга тўлган эди.

Мен олтмиш ёшли кишиларнинг кўпини кўрганман.

Раҳматли отам олтмиш ёшга тўлмаёқ сочлари оппоқ оқариб, юз-кўзларини ажин қоплаган эди. Кейин Ойбек домлани, Абдулла Қаҳҳорни, Миртемирни, Ғайратийни, Собир Абдуллани кўрганман... Олтмиш ёшда улар анчайин кекса, том маънодаги мўйсафид бўлиб кўринардилар...

Ўлмас ака эса 60 ёшида ҳам сира ўзгармагандек туюлади назаримда. Ҳамишагидек ўктам ва кўркам, мошгурунч бўла бошлаган сочлари чиройли кузалган, қомати йигитлардек тик, қарашлари тетик, юзида биз ҳеч қачон унутолмайдиган «умарбековча» ёқимли табассум... Сира 60 ёшли мўйсафидга ўхшамасди у!

Менимча, у, бундан кейин ҳам уни кўрган-билган, яқиндан таниган кишилар хотирасида шундай сақланиб қолса керак...

... Ҳамишагидек ўктам ва кўркам, қомати тик, қарашлари тетик, юзкўзларида ёқимли табассум...

Худди ўз асарлари каби навқирон бўлиб қолаверади...



КИТОБГА МЕҲР СЎНМАСИН

М. Қодирова тумандаги энг яхши кутубхоначи танлови ғолибасига мукофот топширмоқда.

Журналистик касбим сабабми ёки ҳаёт савдоларига қизиқишимми, ҳар қалай «Асосий ишингиздан бўш вақтингизда нима билан шуғулланасиз?» деган савол билан кўпларга мурожаат этганман. Тўғри, суҳбатдошларнинг бари «кутубхона» дейишмади, аммо «Китоб, газета, журнал ўқийман», дегувчилар кўп бўлди.

Жамиятнинг маданият даражаси, айтиш мумкинки, одамларнинг китобга бўлган муносабатида намоён бўлади. Шарқда ҳамма замонларда ҳам китоб эътиқод даражасида муқаддас саналган. Хонани ёритувчи чироқ сингари баландга қўйилган.

Минглаб китоблар жамланган кутубхонага ҳар куни юзлаб билимга чанқоқ одамлар келишади. Уларнинг ягона мақсади мана шу зиё масканидан ниманидир ўрганиш ва шу орқали инсонларга хизмат қилиш. Кутубхоначилар ҳам бамисоли ўз боғининг пасти-баландини яхши билган боғбон сингари кутубхона сўқмоқларида сизга мададкор бўлади. Боғбон ўз касбининг сир-асрорларини қанчалар яхши билса, улар ҳам қайси китобнинг қаерда жойлашганлигини яхши билишлари, китобхон сўраган заҳоти топиб беришлари лозим.

Одатда узоқ йиллар бир жойда меҳнат қилган одамларга нисбатан «ўз касбининг устаси», «фидойи» деган сўзларни қўллаймиз. Лекин ҳозирги шароитда бу таърифнинг ўзи етарли эмасдай туюлади. Лавҳамиз қаҳрамони Мавлуда Қодирова ҳам ўз меҳнат фаолиятини 1974 йилда Тошкент вилояти Й. Охунбобоев номли жамоа хўжалиги кутубхонасида оддий кутубхоначиликдан бошлаган. Айни кунда эса Тошкент туман марказлашган кутубхоналар тармоғи директори бўлиб ишламоқда. Туман ҳудудида 120 минг аҳоли истиқомат қилади. Ҳудуддаги кутубхоналарда эса жами бўлиб 452 минг китоб фонди мавжуд. 120 минг аҳолидан 38 минги кутубхоналарга аъзо. Кутубхоначилар ёз ойларида кўчма кутубхоналар ташкил қилишиб, дала шийпонларида тушлик пайтларида меҳнаткашларга хизмат қиладилар. Бу ишларнинг барчасида М. Қодирова бош-қош бўлаётир. Ҳаттоки баъзи пайтларда у ўзининг шахсий машинасига китобларни жойлаб дала заҳматкашлари ҳузурига ошиқади. Бу унинг ўз касбига астойдил меҳр-муҳаббат қўйганидан бўлса керак.

— Мавлуда опа, китобхонлар қайси китобларни кўпроқ сўрашяпти? — деб сўраймиз ундан.

— Ёзувчи Тоҳир Маликнинг «Шайтанат» романини ўқишни истовчилар жуда кўп. Романдаги воқеалар тизими ўқиганларни шу даражада қизиқтириб қўйганки, иккинчи китоби чиқмадими, деб сўрагувчилар анчагина, — дея жавоб қайтаради у.

Тўғрисини айттанда, Қодировлар оиласида китобга меҳр фақат онагагина хос эмас. Мавлуда опанинг қизлари — Мавжуда ва Малоҳат ҳам оналари изидан кетиб, кутубхоначилик касбини эъзозлаб келишяпти. Биз Мавжудахонни суҳбатга тортамиз:

— Нега энди айнан онангиз касбини танладингиз?

— Биласизми, биз болалигимиздан китоблар ичидамиз. Хоҳлаймизми-йўқми, ҳар куни кечқурун онам китоб мутолаасига берилардилар, баъзан эртакларни овоз чиқариб ўқирдилар. Эртаклар олами-сеҳрли олам. Бир шўнғисангиз, ундан чиқиш қийин. Аллақаерда ўқигандим, қайсидир алломa: «Китоб ҳаётни тушунишни ўргатади, ҳаётда қилган хатоларни тўғрилашга ёрдам беради», деган экан. Баъзан болалар китобларни жуда тез, шошмашошарлик билан ўқишади. Ота-оналар шундай пайтларда фарзандларини йўлга солиб, китоб маъносига тушуниб ўқиш кераклигини, яъни китобни фақат ўқиш эмас, балки ўқиш зарурлигини тушунтирсалар яхши бўларди. Ўша бола ўқиган нарсасини бир ҳафтадан сўнг унутади. Баъзан аёллар кечқурунлари соатлаб гаплашиб ўтиришни хуш кўришади. Шунинг ўрнига яхши бир китобни ўқиган афзал эмасми? Инсон умрининг охиригача ниманидир ўрганиши ва ўргатиши керак. Мен ҳаммани бўш вақтдан унумли фойдаланиб, кутубхоналарга аъзо бўлишга чақираман».

Кутубхона... Кўз олдимга жавонларга турнақатор қилиб терилган китоблар келади. Баъзан иш юзасидан туманлардаги кутубхоналарга кириб, жавонлардаги чанг босиб ётган бу маънавий хазиналардан ҳеч ким фойдаланмаётганлигига ачиниб кетади. Китобларга лоқайдлик, китобдан бегоналашувнинг оқибати яхши бўлмайди. Бу — жамият тараққиёти йўлининг ўткир масалаларидан бири. Ёдимга ёзувчи Мақсуд Қориевнинг тарихий «Ибн Сино» романидан ўқиган сатрларим тушди. Асарда Ибн Сино сотиб олган китобининг ўзига ёққанлиги учун аввал китобфурушни, сўнг ҳаттотни рози қилиш учун ҳаттоки уйига қадар боргани тасвирланган эди. Азал-азалдан халқимизнинг илғор фарзандлари китобни эъзозлашган.

— Китобга меҳр-муҳаббат қўйишни, китобни асраб-авайлашни қай пайтда бошламоқ жоиз?

— Назаримда, бу ишни жуда эрта бошлашимиз даркор, деб ўйлайман. Китобга меҳр-муҳаббат, уни асраб-авайлаш фарзандларимизга гўдакликдан, оилада уйғотилса, буни улар то тирик эканлар, унутмайдилар, — дейди саволимизга жавобан опа.

Биз Мавлуда опа раҳбарлик қилаётган туман кутубхонасига борган кунимиз вилоят кутубхонасидан комиссия келиб, бу маскан фаолиятини тафтиш қилишни бошлаганди. Орадан бир оз муддат ўтгач, тафтиш комиссияси бошлиги, Тошкент вилояти «Турон» илмий универсал кутубхонаси директори Вазира Собирова билан мулоқотда бўлдик: «М. Қодирова ҳақида, у бошқараётган жамоа тўғрисида фақат илиқ сўзларни айтиш мумкин. Кутубхонада китобга ва китобхонга бўлган муносабат юксак савияда эканлигини таъкидлашни истардим». Мана шу баҳонинг ўзи етарли бўлса керак.

МОҲИНУР.

ҚИЗҒИН ИЖОД ЙЎЛИ

МАКСИМ ГОРЬКИЙ номидаги Давлат рус академик драма театри, мана, 60 йилдирки, ўзбек тупроғида фаолият кўрсатиб келмоқда. Шубҳасиз, уни ўзбек миллий театри тараққиёти йўлини белгиловчи жараёнлардан айрича тасаввур қилиб бўлмайди. Театр ўзбек халқи билан бирга барча ижтимоий-маданий босқичлардан ўтди, турли шарт-шароитлар жамоа ижодида ўз изини қолдирди.

Театр 1934 йил 21 октябрда Лев Славиннинг «Интервенция» пьесаси асосидаги спектакль билан очилди. Ўзида ўша даврнинг долзарб муаммоларини қамраб олган бу пьеса театр учун дастуруламал, репертуарининг асоси бўлиб қолди. Шундан кейин бу ерда турли вақтларда В. Вишневский, А. Арбузов, К. Симонов, В. Розов, М. Рощин, И. Дворецкий, А. Салинский, А. Гельман, М. Шатров, А. Чхеидзе ва бошқа кўплаб драматургларнинг ижтимоий, маънавий-ахлоқий муаммоларни ўртага ташловчи асарлари асосида кўплаб спектакллар қўйилди.

Василий Чиркин ва Михаил Вулконский театрнинг асосчилари бўлдилар. Улар театрни шакллантириш, ижодий ва ижтимоий фаоллигини ошириш йўлида катта куч-гайрат сарфладилар.

1936 йили театрга машҳур ёзувчи М. Горький номи берилди. 1967 йилда эса театр санъатини ривожлантириш йўлидаги катта хизматлари учун бу маскан «академик театр» деган юксак номга сазовор бўлди.

Тошкент рус драма театри Ўзбекистон театр маданиятини ривожлантиришга сезиларли ҳисса қўшди. У ҳамиша рус ва ўзбек театр санъати ўртасидаги алоқани таъминловчи восита бўлиб келди. Ўз навбатида театр репертуари ўзбек драматургияси ютуқлари асосида бойиб борди. 30-йилларнинг охиридан бошлаб театр жамоаси ўзбек муаллифлари асарларига кенг мурожаат қилди. Жумладан, Ҳамза Ҳакимзода Ниёзийнинг машҳур «Бой ила хизматчи» пьесаси 1939 йилдаёқ намойиш этилди. Кейинроқ Ҳамзанинг «Паранжи сирлари» (1956 йил) ва «Майсаранинг иши» (1960 йил) пьесалари саҳналаштирилди. Театр саҳнасида машҳур ўзбек драматурглари А. Қаххор, С. Азимов, М. Шайхзода, Н. Сафаров, С. Аҳмад асарлари муваффақият билан қўйилди.

Горький номидаги театрнинг ҳар бир мавсуми ўзига хос ва такрорланмас бўлиб, улар ҳақида кўп гапириш мумкин. Жамоанинг ижодий йўли тарихий воқеаларга бой. Ўтган йиллар мобайнида ютуқлар ҳам, изланиш ва адашишлар ҳам бўлди: ҳар қандай шароитда ҳам намунали театр санъати учун жидий қураш олиб борилди. Жамоа фақатгина рус ва ўзбек драматургиясига мурожаат этмай, балки жаҳон драматургияси дурдоналарини ҳам томошабинларга тақдим этди. Шиллер ва Гюгонинг романтик драмалари қаҳрамонлари, Шекспирнинг буюк фожейи асарларидаги образлар, Мольер ва Гольдони комедияларининг ёркин персонажлари мухлисларни мафтун этди, улар театр ва унинг актёрларини севиб қолдилар.

Танқидчиларнинг эътироф этишларича, 30-50-йилларда қўйилган кўпгина спектакллар ўша давр театр санъатининг катта ютуқлари қаторидан ўрин олди. А. Пушкиннинг «Борис Годунов» (1935 йил), А. Толстойнинг «Пётр I» (1938 йил), М. Лермонтовнинг «Маскарад» (1939 йил), А. Чехов «Уч опа-сингил» (1941 йил), А. Грибоедовнинг «Ақллилик балоси» (1944 йил), А. Островскийнинг «Сердаромад жой» (1949 йил), Б. Шоунинг «Пигмалион» (1941 йил), М. Горькийнинг «Чорбоғчилар» (1952 йил) каби пьесалари асосидаги томошалар бунга мисол бўла олади. Йиллар оша театр реалистик санъатининг ҳақиқий ўчогига айланди. Унда ҳаётий ҳақиқатга интилиш ёркин театр томошаларини юзага келтирди. Театр труппаси машҳур актёр ва режиссёрларни таклиф этиш йўли билан мустаҳкамланди. Дастлаб унинг асосини В. Чиркин, Е. Простов (режиссёрада), А. Загаров, Е. Ленина, А. Шестаков, Н. Фирсов, Л. Петров ташкил этдилар. Кейинроқ труппага Г. Загурская, П. Давидов, О. Андреева, О. Герасимова, А. Розанцев, Н. Хачатуров, З. Радицекая ва бошқалар келиб қўшилдилар. Актёрлар гуруҳи бошидан кучли эди ва шулар театрнинг ижодий характерини белгилаб бердилар. Режиссурада ҳам ўз касбининг моҳир усталари фаолият кўрсатардилар. Актёрларнинг юксак маҳорати, ижодий якдиллиги театрнинг мавқеини янада оширди.

Уруш йилларида театр актёрлари фронт ортидагиларга, эвакуация қилинганларга хизмат кўрсатдилар, госпиталларда бўлдилар. 1942 йили артистлар А. Гзовская, А. Розанцев, О. Бежанбек ўзбек саҳнаси усталари бригадаси билан Ғарбий фронтга бордилар. Ўша даврга ҳамоҳанг Фридрих Вольфнинг «Профессор Мамлюк» драмаси саҳналаштирилди. 1941-45 йилларда театр жамоаси ватанпарварлик мавзуидаги асарларга мурожаат этиб, К. Симоновнинг «Рус кишилари» ва Л. Леоновнинг «Босқин» пьесаларини саҳнага қўйдилар.

Режиссёр Я. Варшавский томонидан саҳнага қўйилган К. Симо-



«Муқаддас махлуқ» спектаклидан бир кўриниш. (Шарлотта — Г. Луковникова, Флоран — В. Вержбицкий, Эстер — Ўзбекистон халқ артисти С. Норбоева).

нов пьесасида кичик гарнизоннинг жанговар кундалик турмушидан ҳикоя қилинди. Ҳамма томондан гитлерчилар қуршаб олган бу жойда оддий одамлар қаҳрамонлик намуналари кўрсатадилар. Унда артистлар А. Соловьёв, Н. Воробьёв, А. Милославский, Г. Загурская, Е. Ленина унутилмас, ёрқин образлар яратдилар.

Урушдан кейинги йилларда Тошкент Театр ва рассомлик санъати институтидан иқтидорли битирувчилар келиб қўшилгандан сўнг труппа мустаҳкамланди ва ёшарди. Бу йилларда театрда М. Мансуров, К. Ефремов, В. Александрова, Е. Злобин, Н. Алексеева, Д. Алексеев, В. Козлов, Н. Хлибко, Ф. Котельников, К. Михайлов, П. Чепрунов, С. Аулов, П. Дроздов, В. Русинов, Н. Мягкова каби санъаткорлар ижод қилдилар. Кейинроқ Е. Яворский, М. Любанский, Д. Ткачук, В. Рецептер, И. Ледогоров сафга қўшиладилар.

50-йилларда театрда, театр ижодий фаолиятида бурилиш юз берди. Бунга эса мустақил изланишларга, замонавий услубга тортувчи янги режиссура сабаб бўлди. Шу вақтдан жамоанинг янгилик яратишга иштиёқи сезиларли томонга юз бурди. «Чин инсон» (1954 йил, режиссёр С. Микаэлян), «Қандала» (1956 йил, режиссёр Ф. Шейн), «Иркутск воқеаси» (1960 йил, режиссёр А. Гинзбург) каби томошалар театр учун бир босқич бўлиб қолди.

Александр Гинзбург спектакллари драматургияни янгичасига ўқий билишнинг ёрқин ифодаси сифатида кўпчиликни ҳайрон қолдирарди. У ниҳоятда тиниб-тинчимас, изланишсиз бирор кун ҳам туролмайдиган одам эди. Замон билан, воқеалик билан қадамба-қадам борарди. Унинг изланувчанлиги, айниқса, М. Горькийнинг «Клим Самгиннинг ҳаёти» асарининг сахналаштирилишида яққол кўринди: тўрт жилддан иборат катта бир асардан режиссёр зарур саҳна ва эпизодларни топа билди. Бош ролни М. Мансуров маромига етказиб ўйнай олди.

50-60-йиллар театр фаолиятида ёрқин режиссураси ва қизиқарли актёрлик ишлари билан из қолдирди. Янги спектакллар орасида 1961 йили режиссёр А. Михайлов сахналаштирган «Ҳамлет» асари ажралиб туради. Михайлов бу асарни қўйиш устида узоқ йиллар ўйлади. Ниҳоят, соф ва жасур, юксак инсоний ғоялар эгасининг ёлғончилик, пасткашлик ва қабиҳлик билан курашини акс эттирувчи фожиавий асар юзага келди. Ҳамлет ролини В. Рецептер маҳорат билан ижро этди.

Режиссёр М. Спивакнинг «Полк бормоқда» (1965 йил) ва «Зулмат салтанати» (1966 йил) спектакллари ҳам театр ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Умуман, бу режиссёр спектакллари инсон руҳиятига чуқур кириб бориши, унинг ўзига хос оламини кашф этиши билан ажралиб туради. Шу маънода актёр театрда биринчи даражали маъно касб этди, баъзи ҳолларда эса режиссёр диққат-эътиборининг ягона объектига айланти.

Режиссёр Виктор Стрижовнинг «Юксиз сайёҳ», «Ревизор», «Ламанчлик одам», «Иш», «Хатолар комедияси», «Шоҳ Фёдор Иванович», «Тубанликда» каби спектакллари юксак профессионал маданият, янгиликни аниқ ҳис этиш хусусиятлари билан ажралиб туради.

Айтайлик, «Ревизор» спектакли. У ҳар қандай газаб ва ёмонликдан холи бўлган кулгили ва қувноқ комедия. Спектакль енгил ва ёрқин ҳолатда ўтади. Саҳна тасвири ва кийимлар спектаклнинг юксак театр маданиятини белгилаб берди. Шунингдек, «Шоҳ Фёдор Иванович» спектакли томошабинлар ўртасида катта шуҳрат қозонди. Бу В. Стрижовнинг дадил қадами бўлди. У шоҳ роли ижрочиси В. Русинов олдига шундай талаб қўйди: ролнинг характерлилиги, тарихийлиги, техникаси ҳақида эмас, балки моҳияти, образнинг замини ҳақида ўйлаш, унинг ўзидан келиб чиқиш керак. Ана шундагина ҳаққоний образ дунёга келади. В. Русинов ҳалокатга маҳкум этилган инсон фожеасини кўрсатиб берди.

О. Чернова саҳналаштирган «Орзу трамвайи» (1972 йил) спектакли ҳам муваффақият қозонди. Бу ҳам постановкачининг, ҳам труппага қўшилган Л. Грязнова. В. Павленко, В. Никитина каби актёрларнинг ютуғи эди. Режиссёр пьесада аввало ижтимоий конфликтни ажратиб кўрсатади.

Йиллар ўтган сари театр жиддий ижодий ишлар жараёнида ўсиб борди, ўз интилишларига, энг яхши анъаналарига садоқатли бўлганидагина, ўзининг юксак ижтимоий ролини ёддан кўтармаганидагина ютуқларга эришишини М. Горький номидаги театр тарихи яққол исбот қилиб берди. Бу даргоҳ мураккаб ижодий йўлни босиб ўтди. Лекин ютуқми, иккиланишми, ижодий тушкунлик ёки кўтарилишми — нима бўлмасин, театр замондоши қалбига йўл излади, ўз изланишларида ҳамиша самимий ва тўғри бўлди, санъатда енгил йўл танламади.

1984 йили театрга В. Гвоздков бош режиссёр сифатида таклиф этилди. Унинг бу даргоҳда саҳналаштиришга киришган дастлабки асари Д. Вассерманнинг «Какку уяси узра парвоз» пьесаси бўлди. Театрдагилар, ҳатто четдагилар ҳам янги бош режиссёрнинг биринчи иши сифатида бу ажойиб танловидан ҳайрон бўлишди. Бугун, вақт ўтиб, театр бадиий кенгашининг ўша вақтдаги йўли тўғри эканлигини кўриб турибмиз. Зеро, ўшанда театрнинг ижодий савияси унча яхши бўлмай, аста-секин ўз томошабинини йўқотаёзганди. Бинобарин, шу йўқотилган ишончни қайтариш лозим эди.

Г. Товстоноговнинг: «...бўм-бўш томошагоҳда саҳна санъати ўлади. Театр ўзига нисбатан шундай қизиқиш уйготиши керакки, унда зални тўлдириш муаммосига ўрин қолмасин», — деган эди. Бу сўзлар айни кунда Ўзбекистондаги барча театрлар учун дастур бўлиб қолди. Жаҳон драматургиясининг энг яхши ютуқларига мурожаат қилган театр жуда тез фурсатда томошабин муаммосини ҳал этди.



«Кўнгилсиз одам тарихи» спектаклидан бир кўриниш.

Айниқса, «Какку уяси узра парвоз» спектакли томошабинлар ўртасида катта муваффақият қозонди.

80-йилларнинг ўрталарида театр биринчилардан бўлиб, А. Гельманнинг «Зинуля» (1985 йил, режиссёр — В. Гвоздков) пьесасига мурожаат қилди. А. Гельманнинг ўзи бу ҳақда «Майли, улар одамларнинг ҳақиқатни топишига ёрдамлашсинлар» деган мақоласида шундай деганди: «...москвалик томошабинлар менинг «Зинуля»мни Тошкент рус театри постановкасида кўришларидан жуда хурсандман. Бу — пьесанинг мамлакатимизда қўйилган энг қизиқарли томошаларидан биридир. Мен тошкентлик артистларга муваффақият тилаб қоламан».

Вячеслав Гвоздковнинг ўз дастури бўлиб, у ранг-баранг репертуар яратишга, замонавий драматургияга мурожаат қилишга ҳаракат қилар, 80-йилларда ижод оламига кириб келган ёш муаллифлар билан алоқада эди. Л. Разумовскаянинг «Ерсиз бог»и, А. Чхеидзенинг «3 дан 6 гача», А. Дударевнинг «Пиёдалар», Б. Дозорцевнинг «Номаълум одам билан нонушта қилиш» каби асарлари асосидаги спектакллар бунга мисол бўла олади.

«Хўроз уч бор қичқиргунча» (В. Шукшин), «Бир қултум озодлик» (Б. Окуджава), «Фаришталар билан ўйнашманг» (Дарио Фо), «Калигула» (А. Камо) спектакларини қўйган режиссёр А. Кузиннинг ишлари ҳам ёркин ва қизиқарлилиги билан ажралиб туради. Айниқса, Шукшин асари устида мароқли кечди. Ҳатто кечалари, бошқа репетициялар ва спектакллар орасида машқ қилишлар театрдаги оддий ҳолга айланди. Кўпгина шунга ўхшаш ҳолатлар театрда янги, ижодкор авлод бўй кўрсатаётганидан далолат берарди. Шундай бир шароит вужудга келдики, унда ўзаро меҳр-муҳаббат, ишонч, ишлаш истаги ҳукм сурарди. Шундай қилиб ажойиб асар дунёга келди. «Фаришталар билан ўйнашманг» спектаклида ҳам қизиқарлигини ёркин, ҳақиқий, театрона саҳифалар бор. Унда Г. Пачис, И. Авдюшкина, М. Шамшина, И. Парамонов, Н. Иванов, А. Пачис, С. Генкин, В. Вержбицкий, О. Володина каби актёрлар ўзларига берилган ролларни маромига етказиб ўйнаганлар.

Ўтган давр мобайнида Горький номидаги театрда ажойиб режиссёрлар, ўз ишларининг усталари фаолият кўрсатдилар. 1990 йили Владимир Шапиро театрнинг бадиий раҳбари этиб сайланди. У театр жамоаси ва ўз олдига мавжуд энг яхши анъаналарни ривожлантиришни мақсад қилиб қўйди.

В. Шапиро саҳналаштирган «Бир йилдан сўнг, ўша куни» (Б. Слейд) , «Мастер-класс» (Д. Поуэлл), «Аҳмоқона ҳаёт» (С. Злотников), «Зойканинг хонадони» (М. Булгаков), «Графиня Юлия» (А. Стриндерг), «Ҳаммаси богда» (Э. Олби), «Муқаддас махлуқ» (Ж. Кокто), «Буюк жоду» (Эдуард де Филиппо), «Том» (А. Галин), «Шапалоқ еган одам» (Л. Андреев), «Кал қўшиқчи» (Э. Оинеску) каби спектакллар драматургиянинг чуқур ҳис этилгани, режиссёрлик ишининг ўзига хослиги ва ифодавийлиги, саҳна маданияти билан томошабинлар ҳамда мутахассислар эътиборини тортди.

В. Шапиро — касби бўйича ҳам, характери жиҳатидан ҳам том маънодаги режиссёр. Лекин у шу билан бир вақтда театрнинг қурувчиси, унинг бадиий қиёфасини яратувчидир. У репертуарга жиддий аҳамият беради. Фақат ўз репертуари билан театргина ижодий қиёфага эга бўлади, деб ишонади. Театр саҳнасида турли мамлакатларда яратилган ҳар хил жанрдаги пьесалар қўйилмоқда. Ижодий жамоа ҳар бир асарда янги бир вазифани ҳал этишга ҳаракат қилмоқда. Шу кунгача Шапиро 20 дан ортиқ асарни саҳналаштирди. Ана шу асарлар унинг бадиий тафаккури мезонидир. Шунингдек, у ажойиб актёрлар ансамблини яратиш устида ҳам тинмай изланиш олиб боряётир. У психологик ва синтетик воситаларни бирдек эгаллаган, тадбиркор, куйлай олувчи, умуман, режиссёрнинг барча мураккаб топшириқларини бажара оладиган актёрлар тайёрлашга ҳаракат қилмоқда. Айни кунда театрда кучли актёрлар труппаси мавжуд. Улар орасида В. Русинов, И. Авдюшкина, В. Баграмов, Н. Мягкова, В. Цветков, Л. Михайлова, Т. Аванесянц, В. Вержбицкий, А. Дубровин, Г. Луковникова, О. Овчинникова, А. Пачис, М. Шамшина, Б. Шевченко, Ф. Полонская, И. Кирьянов ва бошқаларнинг номи томошабинларга яхши таниш. Театр труппаси Маннон Уйгур номидаги Санъат институти битирувчилари ҳисобига яна тўлди. Режиссёр эса дадиллик билан уларга етакчи ролларни топширмоқда. Ёшлар ҳам ўз навбатида юқори натижаларни қўлга киритмоқдалар. Хуллас, театр ўзининг бадиий раҳбари В. Шапиро бошчилигида олтмиш йиллик юбилейини яхши ижодий ютуқлар билан кутиб олди.

Владимир ОСТРОВСКИЙ,
театршунос.

МАДАНИЯТ, САНЪАТ МАШҲУР КИШИЛАР ТАЪРИФИДА

«Агар гимнастика (бадан тарбия) гавдани мустаҳкамлаш учун зарур бўлса, мусиқа қалб тарбиясидир».

АФЛОТУН

«Мусиқа кўнгилга ахлоқий таъсир кўрсатиш қувватига эга; ҳамонки, мусиқа шундай хислатга эга экан, у ёшларни тарбиялаш фанлари қаторига қўйилмоғи керак».

АРАСТУ

«Гўдакларнинг соғлом, бақувват ўсишлари учун воситалардан бири: енгил тебратиш бўлса, иккинчиси: уни тинчитиш, ухлатиш ва дам олдиришда енгил, ёқимли хиргойи мусиқа ёки қўшиқ ёрдамида (алла) амалга оширилади.

Бу икки воситанинг бири гўдакнинг танига ором берса, иккинчиси эса, унинг руҳига ором беради».

Ибн СИНО

«Ёқимли куйларни эшитиш кишини жаҳолатдан қутқаради ва унинг инсоний ҳиссини кучайтиради».

Шайх САЪДИЙ

«Ёмон овоз яхши қўшиқни ҳароб қилади ва яхши овоз ёмон қўшиқни ҳам гўзаллаштиради».

Халқ сўзидан

«Ҳар куни ақалли битта қўшиқ эшитиш, яхши расм кўриш ва иложи бўлса, истаган бир ҳикматли сўзни уқиб олиш даркор».

ГЁТЕ

«Маданият қанчалик юксак бўлса, меҳнат шунчалик юксак қадрланади».

Халқ сўзи

«Доимий меҳнат санъатнинг ҳам, ҳаётнинг ҳам қонунидир».

О. БАЛЬЗАК

«Санъатнинг қадр-қиммати ва фаннинг қадр-қиммати одамлар манфаати учун холис хизмат қилишидадир.»

Ж. РЕСКИН

«Фақат санъатдагина эмас, инсоннинг барча ишларида ҳам санъат талаб этилади».

Эразм РОТТЕРДАМУС

«Мусиқа — гамгин кишининг энг яхши ҳамдардидир».

М. ЛЮТЕР

«Мусиқа тинглагандан сўнг менинг иш қобилиятим ошади».

ГЁТЕ

«Мен нафис расмлардан, айниқса, мусиқадан жуда роҳатланаман».

Ч. ДАРВИН

«Мусиқа доимо маънодордир. Ҳар қандай чинакам мусиқа асарида фикр, гоя бор».

Л. БЕТХОВЕН

«Мусиқасиз, ашуласиз ҳаёт бўлиши мумкин эмас».

Ю. ФУЧИК

Тўпловчи:
Ҳожиакбар ҲАМИДОВ,
тарих фанлари номзоди.



ДИЛОБАРНИНГ НАВОЛАРИ

Водий аҳли ҳазил-мутойиба, куй-қўшиқларга жуда иштиёқманд ва талабчан бўлганлигиданми, хонандаларнинг ерлик аҳолига ўзини манзур этиши жуда қийин кечгувчи жараён ҳисобланади. Уларнинг эътиборига лойиқ бўлган санъаткор эса қалдиргочдай баланд парвозга шайлигини кўрсатади. Мана шундай синовларга дош бериб, ўз овози ва созини излаётган хушовоз хонандалардан бири Дилобар Воҳидова бўлади. Асли Қўқонга яқин қишлоқлардан бирида таваллуд топган Дилобарда куй-қўшиққа иштиёқ жуда эрта уйғонгани сабабли, у радиода янграган, ўзига ёққан қўшиқларни хиргойи қилиб юрар эди.

Дилобар бошлангич синфлардаёқ қўшиқ куйлашга қизиқди, кейин мусиқа тўгарагида фаол қатнашди. Мактабда ўтказиладиган тадбирларда албатта унинг ижросида қўшиқ янграрди. Устозларининг ўгитларини қабул қилибгина қолмай, балки уни ҳаётига ҳам татбиқ этиб борган Дилобар доимо изланиш йўлини тутди. У 1992 йилга қадар халқ хўжалигининг турли жабҳаларида меҳнат қилди. Шу йили рўй берган бахтли тасодиф унинг ҳаётдаги асл мақсади учун кенг йўл очди. «Ўзбекфильм» ижодкорлари «Чантра море» фильмини суратга олиш учун Қўқон шаҳрига борадилар ва лавҳалардан бирида унинг қатнашишини сўрайдилар. Ўзига юклатилган ролни маҳорат билан ўйнай олган Дилобархоннинг фусункор овозига алоҳида эътибор берган таниқли режиссёр Фарҳод Ҳайдаров ва Фарҳод Аминовлар уни «Ўзбекфильм» қошида ташкил этилган «Актёрлар» ижодий бирлашмасига ишга таклиф қилишади. У мазкур жойда меҳнат фаолиятини бошлагач, студиянинг раҳбари Фарида Хўжаева унга замонавий бир даста тузиш кераклигини айтиб, бу борада изланишларни кечиктирмай бошлашни маслаҳат солади. Орзулари рўёбга чиқаётганидан қувонган хонанда чарчоқ нималигини билмай тинимсиз изланади ва машаққатли меҳнатининг самараси ўлароқ қисқа муддат ичида эстрада хонандаларидан ташкил топган гуруҳ юзага келади. Парвозга шайланган ушбу гуруҳга «Ярим осмон» деб ном қўйишади.

«Ярим осмон» гуруҳи билан бўлган ижодий сафарлар қўшиқ шинавандаларига манзур бўлгани боис, янги-янги ижодий сафарларга таклифлар туша бошлади. Айниқса, хушовоз хонандалар Насиба Тожибоева, Алишер Холиқов ва Анвар Ганиевларнинг ижросидаги қўшиқлар кўпчиликнинг олқишини олди. Гуруҳни ташкил этган Дилобархон бадиий раҳбар бўлибгина қолмай, балки ўзи ҳам маромига етказиб янги қўшиқларини тингловчилар ҳукмига ҳавола этди. Орадан бир оз вақт ўтгач, «Ўзбекфильм» бадиий кенгашининг раҳбари Шуҳрат Аббосов, режиссёр Мэлис Абзалов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Ўлмас Алихўжаев ва Ўктамхон Луқмоновалар Дилобархон куйлаётган қўшиқлар оҳангидан келиб чиққан ҳолда миллий санъатимизга алоҳида эътибор билан қараш лозимлигини маслаҳат берадилар. Устозлари маслаҳатини ўринли билган хонанда ўз сафини янги ижрочилар ҳисобига кенгайтира борди. Замон талаблари асосида қайта ташкил этилган мазкур гуруҳ таркибига эстрада хонандалари: Насиба Тожибоева, Алишер Холиқов ва Анвар Ганиевлар; миллий қўшиқлар ижрочилари — Тўхтасин Эминов ва Абдураҳмон Темуровлар фаолият кўрсата бошлашди. Улар республикамизнинг бир қатор вилоятларида бўлиб ўтган ижодий сафарларда халқимиз олқишига сазовор бўлиб қайтишди, бадиий жамоани таклиф этувчи ташкилот ва корхоналар сони ортиб бормоқда. Жамоа аъзолари режиссёр Гиёс Шермуҳамедов сценарийси асосида тасвирга туширилган «Сўгдиёна» фильмида иштирок этдилар. Мазкур фильм гуруҳ ижодида ўзгаришлар сабабчиси бўлгани учун жамоа бир овоздан «Сўгдиёна» дастаси деб юритилишини маъқул топди. Дастага раҳбарликни эса Дилобар Воҳидова зиммасига ишонч билан юклашди.

«Актёрлар» ижодий бирлашмаси қошида ташкил топган кичик гуруҳни даста даражасида шакллантириш учун Дилобархон ва Абдулла Толиповнинг хизматлари алоҳида эътиборга лойиқ. Ҳозирги «Сўгдиёна» дастасининг дастури ва вилоятларга бўладиган ижодий сафарларини ташкил этиш масалалари устида қизғин иш бошлаб юборишган. Шунинг баробарида Киночилар уйида «Тоҳир ва Зуҳра» фильмининг яратилишига 50 йил тўлиши муносабати билан бўлиб ўтган юбилей-тантанасида қатнашиб, ўз санъатларини кўпчиликка манзур этдилар. Айниқса, хонандалардан Насиба Тожибоева ва Дилобархоннинг чиқишлари тантана қатнашчилари қалбини тўлқинлантириб юборди.

Қалби уйғоқ одамларнинг келажакка бўлган интилиши яхшиликка олиб бориши табиий. Зеро, бугунги кунда Дилобархоннинг йигирмага яқин қўшиқлари ўз мухлисларига йўл топа олгани унинг чеккан заҳматлари зое кетмаётганлигидан далолат бериб турибди.

Айниқса, хонанда репертуаридан ўрин олган «Ул сарви гулрў келмади» (А. Навоий), «Самарқанд ушшоғи» (Зебуннисо), «Фаргона тонг оттунча» (Хазиний), «Отмагай тонг» (Т. Жалилов) ва бошқа қўшиқлари қалбларга нур олиб киради.

Гофур УМАРОВ.

АЛЛОМА ИБРАТИ

Адабиёт тарихида миллатимиз маънавияти, илм-фани, маорифи тараққиётига улкан ҳисса қўшган, халқ оғзаки ижоди намуналарини тўплаш, ўрганиш ва нашр қилиш ишларида жонбозлик кўрсатган, бадииятимиз хазинасини бебаҳо асарлар билан тўлдирган шундай аллома инсонлар борки, уларнинг номини эслаб туриш — авлодлар учун ҳам фарз, ҳам қарз, ҳам фахрдир. Йигирманчи аср, янги замон ўзбек фольклористика фанининг асосчиси, халқ оғзаки ижоди тадқиқотчиси, ажойиб олим — профессор Ҳоди Зариф ана шундай фидойи, халқпарвар инсонлардан эди. У умр бўйи достонлар ёзиб олиш, таснif қилиш, нашрга тайёрлаш, оғзаки ижод дурдоналарини тарғиб этиш, халқ бадиий хотирасини тиклаш ва абадийлаштириш борасида беқиёс хизматлар қилди; ўқув-таълим ва мактаб дарсликлари тайёрлаш ишларида фаол қатнашди; халқ санъаткорларининг бой ижодини оммавийлаштирди. Машҳур олимнинг адабиётшунослик, тилшунослик, матншунослик фанларига қўшган ҳиссалари ҳам алоҳида таҳсинга сазовордир. Билимдон ва меҳрли устоз сифатида у кўплаб шогирдлар етиштирди, илмий ишларга раҳбарлик қилди (Қаранг: Тўра Мирзаев. «Ҳоди Зариф» илмий-биографик очерки).

Алломадан бой илмий мерос, ўнлаб улкан тадқиқотлар, жуда кўплаб илмий-бадиий асарлар, мақолалар қолди. Атоқли олимнинг илмий меросини ўрганиш, чоп қилиш, у ҳақда хотиралар китобини яратиш адабиётшуносларимиз ва ноширларимизнинг галдаги муҳим вазифасидир.

Якунланаётган йилда Ҳоди Зариф таваллудига 90 йил тўлди. Шу муносабат билан падари бузрукворимиз — мангитлик адабиёт муҳиби, санъаткор ва маориф ходими Усмонжон Аҳмедов (1933-1984 йиллар)нинг аллома билан учрашувлари, мулоқотлари, устоз-шогирдлик алоқалари ҳақидаги ёдномасини, шунингдек, устоз рағбати ила Мангит шаҳри атрофларида тўпланган халқ қўшиқларини журналхонлар эътиборига ҳавола қиляпман. Ёднома ва қўшиқлар отамизнинг шахсий архивидан олинди.

Энди икки оғиз сўз — қўшиқлар тўпланган ҳудуд ҳақида. Маълумки, Амударё туманидаги манзиллар — Мангит, Қипчоқ, Қиличбой, Хитой, Куюккўпир, Юмуртов шаҳарлари қадим-қадимдан халқ истеъдодларини — бахшилар, созандалар, ҳофизлар, масхарабозлар, халфалар, сўз ва соз усталарини етиштириб бериб келаётган сахий ва серхосият заминдир. Бу туманда тугилиб тарбия топган адабиёт ва санъат, ҳунар ва касб-кор намояндалари ўзларининг истеъдоди билан нафақат воҳада, балки бутун Туронзаминда шуҳрат қозонганлар. Амударё туманида ўтадиган тўйлар, қизғинғинлар, турли-туман маъракалар ҳозир ҳам соз-суҳбатсиз, ёр-ёрларсиз ўтмайди.

Раҳматли отамиз Усмонжон Аҳмедов умрининг кўп қисмини созанда сифатида халқнинг тўй-томошаларида, қувончли кунларида хизмат қилиб ўтказди. У ўзининг устози ва маънавий отаси профессор Ҳоди Зарифовнинг илтимоси ва топширигига кўра, халқ ичида юрганида одамлардан эшитган ҳар хил мақол, ҳикмат, ибратли сўз ва ибораларни, лақабларни, қўшиқ-термаларни, эртакларни тўплаб-йигиб юрган. Биргина мисол: отам тўплаган мақолларнинг ўзи мингдан ошиқ (!).

Улар ҳали ҳеч қаерда эълон қилинмаган, халқ донишмандлигини, бадиий иқтидорини тўла намоён қила олувчи ажойиб намуналардир.

Эътиборингизга ҳавола қилинаётган қуйидаги терма-қўшиқлар ҳам ўша тўпланган хазинадан томчилар бўлиб, халқимизнинг ҳасратли ва қувончли кунларда тўқиган дил номалари, воҳа хотин-қизларининг энг ичкин, энг гўзал сезимларидан яралган дурдоналаридир.

Музаффар АҲМАД.

ТОШКЕНТДА — Ўзбекистон Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институтида илмий ходим бўлиб ишловчи ҳамшаҳар ўртоғим Аҳмад Ишаев Мангитга бир келганида менга шундай деб қолди:

— Бизнинг институтимизда ишловчи фольклоршунос олим Ҳоди Зарипов деган домламиз сенинг отанг тўғрисида мендан кўп сўраб туради... «Мангитда Аҳмад бахши деган яшаган, шу кишининг авлодларидан ҳозир кимлар бор? Болалари борми? Қаерларда, ким бўлиб ишлайди?» — деб суриштириб қолади. Мен сенинг ўқитувчи, санъаткор бўлиб ишлашингни айтдим. Ана шунда у киши, сен билан бир учрашиш истаги борлигини сўзлади...

Менинг отам — Аҳмад бахши Матназар ўғли болалигимда, 5—6 ёшларимда вафот этиб кетган. Мен унинг сиймосини тасаввур ҳам қила олмайман. Ҳаттоки, биргина фотосурати ҳам сақланиб қолмаган. Хизмат фаолиятимиз тақозоси билан Хоразмнинг, Қорақалпогистоннинг кўпгина жойларида бўлганимда, отамнинг анчагина ҳамкасб дўстлари, ўртоқлари, яқин танишлари билан суҳбат қилганман. Афсуски, отамнинг бирортаям фотосуратини тополмаганман. «Зора, ўзи яшаган, ижод қилган, кезган Хоразм воҳасидан топилмаган сурати узоқ Тошкент шаҳридаги фольклоршунос олим Ҳоди Зарифовдан топилса!..» деган илинжумид кўнглимни қалқитиб юборди.

Ана шу умид ва мақсад билан Тошкентга йўл олдим.

1959 йил март ойининг охирлари. Ўзбекистон Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти биносини сўраб топиб бордим. Ҳалиги ҳамшаҳар ўртоғимга учрашиб, мақсадимни англатдим. У дарров Ҳоди Зариповнинг бор-йўқлигини билиб келиш учун кетди. Фольклор сектори учинчи қаватда экан. Кўп куттирмай етиб келди:

— Худди пайтида келибсан! Сени айтган эдим: «Келсин», — дедилар!

Хонага киришим билан рўпарадаги дераза олдида турган ўрта бўйли, қорамагиз, сочларига оқ оралаган, салобатли нуроний киши мени чаққон-тетик ҳаракатлар билан илиқ кутиб олди. Саломлашиб, ҳол-аҳвол сўрашиб бўлгач, менга саволлар бера бошлади:

— Қаердан бўласиз?

— Қорақалпогистоннинг Амударё (илгариги Хоразм вилоятининг Мангит) районидаман.

— Аҳмад бахшининг ўғлимисиз?

— Ҳа!

Бир оз жимликдан сўнг домла:

— Уйларингиз ҳозир ҳам ўша Мангитнинг ўртасидан оқиб ўтадиган арна[1] ёқасидами? — деб сўради.

ОТАМДАЙ БЎЛИБ ҚОЛГАН ИНСОН

— Худди шундай!

— Мен Хоразмга илмий иш учун материал тўплашга борганимда, сизларнинг уйларингизда 1930 йилнинг сентябрида ўн кун меҳмон бўлганман. Сизнинг уйингизда шу ўн кун ичида отанг — Аҳмад бахши билан бирга қишлоқлардаги тўйларда, сайлларда, маъракаларда бирга бўлиб, достон айтганларини кузатиб, ундан достонлар ёзиб олганман. Ўшанда, борган кунларим у киши мендан ҳадиксираб, қўрқинқирагандай, ётсирагандай бир алфозда бўлди, менинг гапларимга қулоқ беришни истамагандай туюлди. Мен ўзимнинг кимлигимни, нима мақсадда келганимни, халқ бахшилари, созандалари билан учрашиб, улардан керакли нарсаларни ёзиб олишимни ётиги билан тушунтирганимдан сўнг, унинг ишончини қозонгач, менга очиқ жавоб бера бошлади ва у билан ўрганишиб кетдик. Ана шундай қилиб, Аҳмад бахши орқали унинг мангитлик шогирдлари ва бошқа бахшилар билан ҳам танишишга ва улардан фанга керакли бўлган анчагина халқ достонлари, терма-қўшиқларини ёзиб олишга муваффақ бўлдим. Отангнинг дастлабки шогирдларидан Бекчон бахши, Мадраҳим бахши ҳамда қипчоқлик Хўжиёз бахшилар билан ҳам шунда танишганман...

Гап шу ерга етганида ўзимни тўхтатолмай сўрадим:

— Ҳоди ака! Мен, мана, кўп йиллардан бери отамнинг расмини излаб топа олмайман. Кўп ерларда бўлиб, кўпгина одамлардан сўраштирдим, Лекин... Тополмадим, йўқ! Сизда топилмасмикан?

— Отангнинг сурати бор менда! — деди қатъий ва ишонч билан домла.

Мен бир зум ўзимни йўқотгандай бўлиб, дарров:

— Ростданми? — деганимни сезмай қолибман.

Шунда Ҳоди ака нариги усталда ишлаб ўтирган бир аёлга:

— Зубайдахон! Анови шкафдаги 30-йилларга оид фотоальбомни олинг-чи, — деди.

Кўз олдим худди нурланиб кетгандай бўлди! Аёл каттагина қоғоздонни келтирди. Ҳоди ака саргайиб кетган фотоальбомни бир бошидан ахтара бошлади. Ҳар бир суратни кўриб орқасидаги ёзувини ўқир эди. Буларнинг ҳаммаси ўша Хоразм экспедициясига оид суратлар экан: бахшилар, масхарабозлар, халфалар, қизиқчилар, сурнайчиларнинг суратлари... Буларнинг анчагинасини кўздан ўтказгач, ниҳоят, чўтирмали, қўлида дутор ушлаган, олдига чойнак-пиёла қўйган бир одамнинг суратини кўрсатиб:

— Мана, отангнинг сурати! — деди Ҳоди ака.

Мен кўзларимга ишонмас эдим! Ҳаяжоним сезиларли равишда юзимга урган эди. Юракларим дукурлаб, ҳаллослар эдим. Эсимни билар-билмас вақтда йўқотганим — ёш болалигимдан бери бир кўриш орзу бўлиб келаётган меҳрибон отамнинг сурати! Мана, 30 йилдан сўнг менинг кўз олдимда аксланаётган суратда отамни кўриб турибман! Ўша пайтдаги ҳаяжонимни тасвирлашга ожизлик қиламан...

Ана шундан сўнг Ҳоди ака билан алоқаларимиз мустаҳкамланиб, учрашувларимиз тезлашиб, менда фольклорга нисбатан зўр қизиқиш туғила бошлади. Шундан сўнг Ҳоди ака мендан отамнинг достон куйлагандаги чертган дуторини сўрадилар. Мен уни ҳозир ҳам сақлаб келаётганимни айттанимда, Ҳоди ака шундай деди:

— Агар ўша дуторни бизнинг адабиёт музейимизга келтириб топширсанг, кўп кишилар кўради, бу ерда у пухта сақланади, ажойиб экспонат сифатида, тарихий ёдгорлик бўлиб хизмат қиларди,— дедилар.

Кўп ўтмай, мен отамнинг дуторини Ўзбекистон Фанлар академиясининг адабиёт музейига (ҳозирги Алишер Навоий номидаги музей) келтириб топширдим. Бу ҳақда қуйидаги мазмундаги гувоҳномани ҳам олдим:

«Ўзбекистон Фанлар академияси, А. С. Пушкин номидаги Тил ва адабиёт институти.

14 ноябрь 1960 йил.





Ўртоқ Аҳмедов УСМОНГА!

Марҳум отангиз Аҳмад бахшининг достон куйлагандаги чертган дуторини топиб, адабиёт музейига тақдим этганингиз учун, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг А. С. Пушкин номидаги тил ва адабиёт институти дирекцияси номидан сизга ташаккур ва миннатдорчилик билдирамиз.

Бу дутор институтимизнинг адабиёт музейи учун қимматли нодир экспонатлардан бўлиб, Хоразм достончилари ва шахсан машҳур Аҳмад бахшининг хотирасини абадий сақлаш ҳамда оммалаштиришда хизмат қилади.

Институт директори:
А. П. ҚАЮМОВ,
Фольклор бўлими мудири:
Ҳ. Т. ЗАРИПОВ,
Адабиёт музейининг мудири:
Ҳ. Р. РАСУЛОВ,
имзолар».

Ана шундан кейин, мен ўзимнинг ҳозирда Самарқанд Давлат Университетининг филология факультетида сиртдан таълим олаётганимни, келгуси йилда битириб, халқ ижоди намуналарини тўплаш иши билан шуғулланажагимни билдирганимда, Ҳоди ака менга шундай топшириқлар бериб юборди:

1. Аҳмад бахшининг таржимаи ҳолини яқин танишларидан сўраб, тўла қилиб ёзиб юбориш.

2. Ҳозирда бор бўлган ва илгари ўтиб кетган халқ бахшиларининг репертуарларини тўплаш, ёзиб олиш, иложи бўлса фотосуратларини излаб топиш.

3. Мангит шаҳри ва Шимолий Хоразмдаги халқ қўшиқлари, термалари, шеърларини тўплаш, нашрга тайёрлаш.

Мана шулар сабаб бўлиб, ҳозиргача анчагина халқ оғзаки ижоди дурдоналарини тўплашга муваффақ бўлдим...

(1975 йил).

«Улли йўлда икки каптар ўйнилйди...»



Амударё районы, Манғит шаҳри атрофларида йиғилган халқ терма-қўшиклари

Энгсамдаги кора сочим ўрарман,
Нега тўшсам — ивволмакан кўрарман.
Агар кўнгил берсанг бизга ёрим деб,
Вафоли бўл, севар ёринг бўларман.

Манғитёндан оққан ариқмакан,
Бизнинг ер келмакка ўлармакан?
Буюрганим ўзи бир шойи кўйлак,
Пулини тополмай девонамакан?

Қизил гулли жеанг витар ҳар ерда
Шохлари қўнқа, меваси ерда.
Буторди сайратган ёр икки парда,
Суҳбатлашиб юрар куклар бормакан?

Кастўрлар тикаман садаблар билан,
Биз ёққа келмайсиз газаблар билан.
Келасанг энди бизга карамакан,
Токай ёлворамак адаблар билан!

Ўтиришинг қўрнинди ойнадан,
Икки юзинг қизилакан олмадан.
Қалқанинг қизлари сулувдан сулув,
Кетолмай турипман Манғитқалъадан.

Йўлимда кўйлагим неча чил гулар,
Юрагимнинг енган вақти шу гуклар.
Манғитнинг боласи имга тушукмас,
Ёзилмади кавлимдаги тўюклар!

Йўлимда кўйлагим дўнавиради,
Изимда душманлар олаверади.
Қоши-киприкларн кон-кора бола
Бизди менсимасдан кулаверади.

Эшигимнинг олди Найманди, ерим,
Найманнинг сувлари лойланди, ерим.
Энди бизда умидимни узавир,
Насиба бошқага айланди, ерим!

Кора попугимди кийиб келдингма?
Менинг сочимни билиб келдингма?
Санга буюрганим вир гулли рўмол,
Сўзимди синдирмай олиб келдингма?

Орқамди чивик санчиб боғ этсам,
Шу девда вир-иккисин дог этсам.
Иккисинан вирисини ёр этсам,
Колганларин қадамимга зор этсам!

Орқамда вир богинг бор анжирли,
Қагон борсам дарвозаси занжирли.
Ок сийнамди аёгларда кўтирдим
Уйқу бўлдан ширин бўлса — кеч энди.

Дарёга ташладим мен қайгимди,
Аввалдан билмадим жойлигингди.
Аввалдан билганда жойлигингни,
Мен ҳам топмасмидим ўз лойигимди?

Йўлимда кўйлагим сорили сатўйк,
Ўз ёрим турганда бошқани нетўйк?!
Ўз ёрим вағдага вафо қилмаса,
Ёлғончи дунёга ёрсиз-ок ўтўйк.

Ҳилпирак кўйлагим нечадан нега,
Гулларин санўймак кечадан кега.
Эй кора кўз, топиб сўзла сўзингни,
Кошимди кўпарсам — сенингдий нега!

Ховлингизнинг орқа ёни боғ бўлгай,
Иккингизни сўзлаштирак соғ бўлгай.
Кел ушлашиб богда сайрока юрсак,
Душманларнинг ози кора дог бўлгай!

Сочларимни ювиб бордим калъага,
Ошиқ бўлдим коши кора болага.
Кора кошли бола бизга карамас,
Бир караса — юзга жоним садага!

Сочини ўрганлар орқага ташлар,
Ёрини кўрганлар кунда вир яшнар.
Поз-поз, шу боланинг киликларини,
Кўларимнан ушлаб панага бошлар...

Чойникларди ювиб куйдим гужумда,
Икки кўзим жовдирайди юзингда.
Не бўлса-да, малолатга колдирма.
Мо дўлунга бормак, бола, изингда!

Озон билан чиқдим жувари ўтга,
Ёримнинг белида мадали ўтга.
Темир йўлдар тез курилсин дунёда,
Дўст-душман ичинда колманг ўтга.

Қўлингда чилимнинг — чакмак бахона,
Кара деса, карамайсан мен ёка.
Чилимнинг бўйинан бўйим нозикрак,
Ишимда бўларсан оғир девона.

Сочимнинг учига лентлар тақдим,
Отамдинг уйинда рибожли вақтим.
Насибам қушилиб борсам уйинга,
Юлдузим ярашиб, очилсин вақтим.

Бошимда рўмолим ойланж гулари,
Бошим айлантирди ширин тиллари.
«Бика...» деганлари ёдимнан чиқмас,
Ёздинг кечасидай иссиқ гурлари.

Темир йўл йўллари йўл бўлдипакан?
Тикланлар очилиб гул бўлдипакан?
Узок юртда менинг ул севар ёрим,
Мен гариби ёлғиз оғ урдимакан?

Қалганинг йўлинда гуллар витибди,
Гулларни оролаб ёрим ўтибди.
Кошимди сўрасса калам дегайсиз,
Шул гариб ёринган салом дегайсиз!

Анжирбожка аравагим кўлибман,
Хар ерда бўлган ҳам сен деб юрибман,
Шамол ўтирмасин ўралимди,
Кемасанг, кетажак бўлиб турибман.

Кўзингнинг тийинан кулдираверма,
Изингнан мунчали йиғираверма,
Айтадилар: бевафолар кодон деб,
Хамгага сиринди билдираверма!

Москвага кетсанг — йўлингиз бўлгай,
Бир тўкиз олмага кўйингиз тўлгай.
Окгизрок юрмалар, ўрисдинг кизи
Кўзини дўнатиб йўлдардан ўргай.

Улли йўлда икки каптар ўйнайди,
Йодок жон, шунар вола кўлмайди.
Мошинингни бураверма биз ёкка,
Икки дуне санга кўлимиз ўрмайди.

Ойнога карасам айланар бошим,
Ташлав кетди яхши кўрган йўлдошим.
Менман яхшироқ топган дўлмайди,
Инсоний гарк этсин кўрган ишим!

Қўлимда юзугим уч айланади,
Узук бўйин кўриб чиқ енади.
Юзук олиб берган кора кўзли ёр,
Эрта улаб колиб, кеч қолади.

Шунча уч кун бўлди, ёр кўрганим йўқ,
Ёр кўрмаган билан мен ўлганим йўқ.
Айтадилар: ёр кўрмаган ўлар деб,
Ёндим-да, куйдим-да, мен ўлганим йўқ.

Бошингда попугинг тўғри турмайди,
Кўп ўртанма, сенга кўлимиз урмайди.
Ишни юриб, муросиб ёр топсанг ҳам,
Сенда тотин уч кунлик кўп турмайди.





Попошнди босиб кийма кўзинга,
Мушукеанга менинг айтган сўзима.
Попошнини қилим билан олайин,
Насиб қилса, сен болага борайин.

Дарахтнинг бошиннан шамол айланғай,
Менн алдаб кетсанг, вахтинг бойланғай.
Оёғинди, олғинди уйима ўйвар,
Қуда-кудағайлар тўйга шайланғай.

Кора попошнинг жингаласиннан,
Жаннёман ҳовлининг гунгурасиннан.
Шу уйда бир бола жонима дармон,
Осим калтирав турнши шуннан.

Дигирмон тортганда келдинг қошима,
Бир сўз айтнб савдо солдинг бошима.
Уч кун бўлди, бир кўрнкни бермйсан,
Кечалар энасан ширин тушима.

Тойи қўлак шокирлайди юрганда,
Юрак-боврим ўт олади кўрганда.
Бир сўзима отуб этиб юрмасдан,
Не бўлди келиб-кетиб турганда?

Хатлар ювасиз ҳар кун-ҳар кинпан,
Бизларнинг уляб юришиз шуннан.

Салом айтсам саломинни етказган
Оёнонйн ерипнинг кизукасиннан.

Оёрполонг қўлагим бор ййнимда,
Оёрликдинг гупони бор кавнимда.
Ушрнб олнб кетган севар ерпнни, —
Шаколди карпймас кунпм-кунпмда.

Ботинкам ўкчаси созо беради.
Ерпнкинг кучоги мозо беради.
Кирпай-кирпай бир кирганда ёпика,
Қўлакка епишнб изо беради.

Осим етпмйди тўрт гул кўзокка.
Жонингнан оёнонйн, кетма узокка!
Жонингнан оёнонйн, кетсанг узокка,
Кайтнб киролмайсан нсси кучокка.

Орнагсдан келавирсанг бўлпшма,
Оёналарди тирк-тирк урсанг бўлпшма?
Жоғ отанга уй айланнб юрпачга,
Шу гул окшом кавнпм олсанг бўлпшма?

Сочим узун, жамалагим тортасан,
Нерда кўрсанг, уйга вор деб айтасан.
Бормай-бормай бир воргапда уйпнга,
Ектн турнб, коронпгпа тортасан.

Эшпгпнпнинг алди ўтпокка койпм,
Ок пешохонанпг ётпокка койпм.
Бир ўзпнгди етказпмйди бўлаклав,
Кўррик отган энанг ўлсин, илойим!

Нопошшопда мен карпйман оёларга,
Нонпн бойнб колди сорпнойларга.
Хат-хавар йўк, опоғпнкан, совпакан?
Севар ерпм тушди кандай жойларга?!

Амаб вазпи соз айтади ушкда,
Кизлар йпглар дарвозада, тешикда.
Боғолари бир-бир длнб вазпшкнг,
Партўшаги музлаб колди вешикда.

* * *

Толпа сапгпм седона,
Терпб есин ведона.
Шу дўстпмнпнг уйлари
Кунда бўлсин тўйона.


Остонда юлдузпнка,
Санасам саккизпнка.
Уйланмаган йпгптлар
Етади елпзпнка.

Бола, вола, болдан келпнг,
Аста юрпб толдан келпнг.
Кдшпмизпнпнг фесли емон,
Бозорга кетганда, келпнг!

Болларпнп сайр этпб,
Оролпгп солдпм толпа.
Багдаларда тўрпайпк,
Елгончп бўлдпм ерга!

Боғвон, ушкпи очпк,
Мен пшгорпнпп кўрай.
Озги тор, пўзпи узплор,
Мастона ерпмпп кўрай!

Йўлам уш сенди дев.
Сўндпнг, энам, ер-ер.
Энди кетпб боламан.
Жпндпнг, энам, ер-ер.



* * *

Сарғовуз бўйпда қўштпм кўшпмди.
Сен ерпи деб ғаров қўйдпм бошпмди.
Журалганда ерга тийган сочпмди
Ювиб солмапмасман сен ер келгунга!

Кетпкпнгда йплав колдпм изпнпнан.
Бир хавар бўлмади кора кўзпмпнан.
Гуноҳпмди тплав олпй ўзпкпнан.
Уетпга колмасман сен ер келгунга!

Ургапгдпнг ўк-ўк ишки йўли бор.
Бизднпг ерпнпнг ташлав кетпан тўпи бор.
Хам вичаман, хам тичаман — енги тор.
Жийпкка ипмасман сен ер келгунга!

* * *

Хон Жўкайд, хон бўлокка етпагай,
Экан вдоёлари сира витпагай.
Жуяга юлаган юли-полоси,
Тийга тўшамакка насиб етпагай.

Тўй берган одамлар шундай вой экан.
Эшпгпнда ўттиз ишки кўй акан.
Кунда бирпк сўйпшдайпн кўй акан,
Бикам, тўйларпнгиз муборак бўлсин!

Кора чўпирпаки коккан акангиз.
Калгада ўтирган вакколь акангиз.
Кундан бери бидцан хавар олмйди,
Бизданам вошкани тонган акангиз!

Сечатўпкаларди арик дейдилар.
Бизднпг ерпнпнг кошпк карик дейдилар.
Мен юрппган сен болага икониб,
Санга бир ипмни шерик дейдилар.

Узун-узун далалардан боришдик.
Кул устида носвой гуллар олишдик.
Опама вилдирмай хатлар ёзишдик.
Сўзла, вола, кипнпнг ери бўлмасан?

* * *


Озок вилан дарвозанга боргапман.
Юрагпнга чижрон-ўтлар солгапман.
Сенпан хам ялишсик товуб олгапман.
Бор, кетавир, иглосинга топширдим!

Сори матпримпнпнг сорпси йўттпи.
Узи ишчи вола, куйдирив ўттпи.
Багдани, вароғни бир жойга қўйиб,
Энди бизди кимга ташлади-кетти?!

Кизил шойи кўлагим бор ййнимда.
Кизил юли бир вола бор кийимда.
Уйнаб-кулиб жувобимни берасанг,
Ер бўлажак уйлпм бор кавнимда.

ТАСВИРИЙ САНЪАТ

ХОРАЗМ ТАСВИРЛАРИ



Мусаввир Эркабой МАШАРИПОВ.

Мен сизга ижоди ва ҳаёти ҳақида ҳикоя қилмоқчи бўлган мусаввир Эркабой Машариповнинг устахонасига борганимда: «Наҳотки шу гира-шира хонада мусаввирнинг «Мулоқот», «Гавр қалъа нидоси», «Қочаётган отлар», «Зиёрат», «Хотира», «Навруз сайли» ва «Сафар» деб номланган, кўпчиликни лол қолдирган асарлар яратилган бўлса», — деб ўйлаб қолдим.

Ҳа, ҳақиқий ижодга астойдил берилган инсон, қачон менда шароит бўларкин, деб қараб ўтирмайди. Мен у билан мулоқот қилмоқчи бўлиб борган кунларда ҳам хаёлида пишиб етилаётган гоялар огушида юрганлиги ҳақида сўзлади.

Хоразм табиатини ранг-баранг бўёқларда тасвирловчи истеъдодли мусаввир Эркабой Машарипов 1948 йили Туркманистоннинг Тошҳовуз вилояти, ҳозирги Навоий номидаги жамоа хўжалигида оддий колхозчи оиласида таваллуд топди.

— Оилада олти бола эдик. Ака-ука, опаларим — ҳаммамиз ота-онамизга қарашар эдик. Менга қўй-қўзиларни ўтлатиш топширилган эди. Ўша дамларда табиат гўзалликлари мени сеҳрлаган бўлиши аниқ. Катта акам расм чизишга қизиқар эди, у суратлар чизганда ҳайратланиб қараб турар эдим. Кейинчалик, ўзим ҳам расм чиза бошладим, — деб ҳикоя қилади у.

Эркабой мактабда ўқиб, то уни битиргунга қадар расмлар машқ қилар, колхоз дала шийпонини безатар эди.

1971 йили П. Беньков номли республика бадиий билим юртига ўқишга киришини мусаввир ҳаётидаги катта воқеа сифатида тилга олади. Билим юртида Александр Ли ва Иван Скориков каби малакали мутахассислардан натюрморт, манзара, одам кўринишларининг турли ҳолатларини, чизма тасвир ва рангтасвирни қунт билан ўрганди.

Ана шу йиллардан бошлаб мусаввир ўз асарлари билан кўргазмаларда фаол қатнаша бошлади. Эркабойнинг «Ойдин кеча», «Эрта баҳор» номли асарлари илк бор томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

«Ойдин кеча» номли асарининг яратилиш тарихини қуйидагича эслайди: «1967 йили Москвага МХАТга ўқишга борганимда бўш вақтларимда машҳур Третьяков галереясига қатнардим. Энди Хоразмдан келган оддий қишлоқи боланинг ҳолатини тасаввур қилинг. Худди бошқа бир дунёга кириб қолгандек бўлдим. Шу ерда мени Левитан, Куинжиларнинг сокин ўрмонлари, Иванов ва Айвазовскийнинг тугёнли денгизлари руҳлантириб юборди. Шу куни ярим кечада ётоқхонада «Ойдин кеча» номли ишимнинг биринчи нусхаси пайдо бўлди.

1972 йили мен, Облоберган Эгамов, Абдунаби Каримов учовимизни файласуф-санъатшунос олим Тилаб Маҳмудов телевизорга олиб чиқди ҳамда ижодий изланишларимиз ҳақида суҳбат уюштирди. Биз ўша лаҳзада қаттиқ ҳаяжонга тушган эдик».

Шу йил кузда мусаввир «Ёз фасли», «Қишлоқ манзараси», «Хива. Паҳлавон дарвозаси» номли асарларини, 1972 йили эса «Паҳлавон Маҳмуд мақбараси», «Ислом Хўжа минораси» каби қадимий меъморчиликка оид Хива манзараларини тасвирловчи асарларини намойиш қилди.

Эркабой 1973 йилдан то 1976 йилгача «Бувим портрети», «Шермат ота», «Ота Полвонов», «Худойберган Девонов», «Лола Абдуллаева» каби портрет асарлардан иборат туркум ишларни яратди. Бу туркумга яна «Деҳқон ўйлари», «Эрмат ота» номли асарлари киради.

1976 йили мусаввир М. Уйгур номли санъат институти рассомчилик факультетининг дастгоҳли рангтасвир бўлимида ўқишни давом эттирди. Бу орада Муҳаммад Нуриддинов, Маннон Саидов, Валерий Ковинин ва Тачат Оганесовлардан тасвирий санъатнинг энг нозик сирларини қунт билан ўрганди. У таниқли рассомлар ижодий услубларини кузатиб борди, кези келганда ўз услубини яратишда маълум даражада фойда-



«ГАВР ҚАЛЪА НИДОСИ», 1991 йил.



«УМИДВОР ЙЎЛ», 1991 йил.

ланди ҳам. Ижодкор ўқиш ва ўрганиш жараёнида буюк мусаввирлар Леонардо да Винчи, Рафаэль, П. Рубенс, Ван Дейк, Эль Греко, В. Серов, М. Врубель, Куинжи, Левитан, Репин ижоди билан астойдил қизиқди. Улар асарларининг мавзусини, моҳиятини, услубият қонунларини тушунишга ҳаракат қилди.

Ўз юрти Хоразм, унинг одамлари, такрорланмас меъморий ёдгорликлар, Орол фожиасини чуқур дард билан ҳис қилган мусаввир «Кекса бригадир Шомурод ота», «Ўрмон қоровули», «Кутиш», «Орол дарди», «Хотира» ва «Кўҳна Урганч» каби асарларини яратди.

«Хотира» деб номланувчи асарида рассом қабристонни, якка бир қабр ва унинг устига ёқиб қўйилган шамни тасвирлайди. Бу тасвир инсонларни бир дақиқа бўлса ҳам тўхтаб сукут сақлаб бу оламдан ўтганларни эслашга ва бир калима тиловат қилиб кетишга ундайди. Асарга қараб туриб шу дардни ҳис қиласиз. Бу ерда шам тириклар билан ўликлар ўртасидаги сирли мулоқот, ўзаро қадр-қиммат, ҳамма ҳам бу дунёдан ўтажагини тасвирлаётгандек таассурот қолдиради.

Мусаввир ижодининг бошида портретлар, манзаралар яратишга қаттиқ киришган бўлса, 90-йиллардан бошлаб кенг қамровли, мазмунан теран, ўта жиддий фалсафий композицион асарлар яратишга катта эътибор берди.

1991 йили Наврўз байрамига бағишлаб ўтказилган республика кўргазмасида мусаввирнинг «Зиёрат», «Гўзалликнинг сўниши» номли ишлари намойиш қилинди. «Зиёрат» асари рамзий маъноларга тўлиқлиги билан томошабин диққатини ўзига жалб қилади. Бу ерда инсоннинг ахлоқий-руҳий қадриятларга муносабати, авлодлар ёдига содиқлиги масалалари тасвирий «имо-ишоралар» ёрдамида акс эттирилган.

«Гўзалликнинг сўниши» асари Орол фожиасига бағишланган бўлиб, ўкинч, афсус-надомат ва қайғу билан йўғрилган. Асардаги отлар тасвири гўзаллик ва мукаммалликнинг рамзи. Кўтарилган чанг-тўзон, кўчаётган туз тўфони отлар тимсолида рамзий ифодасини топган. Отлар гўё қочаётган гўзаллик, ҳаёт ва мамот кураши тимсоли, гўё чўкаётган тирикликнинг фожиаси сифатида кўз олдингизда намоён бўлади.

Улуғ шоир Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишланган кўргазмада мусаввирнинг янги асарлари «Мулоқот» ҳамда «Гавр қалъа нидоси» каби асарлари намойиш қилинди. «Мулоқот»да Навоий ва Беҳзоднинг гўзал богда ўзаро суҳбат чоғидаги кўриниши тасвирланган. Асарда миниатюра санъати анъаналаридан моҳирона фойдаланилган. «Гавр қалъа нидоси»га эса кўкларга қўл чўзиб гўё одамлардан нажот кутаётган қалъа тасвири берилган. Ким билсин, мискин, кекса қалъа ҳали ҳам мудроқ, лоқайд одамлар ёрдамига умидвор бўлиб, ширин тушлар кўраётганмикин?!

Ўтган йили М. Уйгур номли Санъат институтининг рассомлик куллиёти қаламтасвир (графика) кафедрасида мусаввир-муаллим Эркабой Машариповнинг шахсий ҳисобот кўргазмаси бўлиб ўтди. 1933 йилнинг 6 февралидан Эркабой Машарипов, Искандар Воҳидов ва Нишонбой Акбаровларнинг шахсий кўргазмалари, Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлиги, халқ ижодиёти ва маданий-маърифий ишлари марказида яхши бир муваффақият билан бўлиб ўтди. Шу йили Урганч санъат галереясида Эркабой билан Қурбонбой Бекчонов ва Мадамин Худойбергановнинг шахсий кўргазмаси томошабинлар ҳукмига ҳавола этилди.

Тиниб-тинчимас устоз мусаввир ўзи ўқитаётган олийгоҳда I курс талабалари учун тангтасвирдан натюрморт кўринишларининг турли ҳолатлари ҳақида ҳамда «Одам бошининг 4 босқичли чизма кўриниши» ҳақида тўла услубий ёзма ишларни тайёрлади...

Мусаввирнинг «Мумтоз Муҳамедов», «Аббос Бакиров» ва «Кинооператор Краснянский» каби кино усталарининг портрет асарлари ҳам кино санъати музейида муносиб ўрин эгаллаган. 1990 йилнинг ноябридан 1991 йил январь охиригача унинг «Бувим портрети» номли асари Ўзбекистон рассомларининг Лондонда бўлиб ўтган кўргазмасида намойиш қилинди. Мусаввирнинг «Туш» асари АҚШда, Германияда «Газовот қалъаси» ҳамда «Ота Полвонов» портрети» ва «Хива манзараси» каби ишлари Петербург шаҳрининг музей ва шахсий йиғилмаларида сақланмоқда.

Шу йили республикамизда Наврўзга аталган, 1994 йили эса Мустақилликнинг уч йиллигига аталган кўргазмаларда мусаввир ўзининг «Сафар» ҳамда «Наврўз сайли» номли асарлари билан иштирок этди.


«Наврўз сайли» асарида бир гуруҳ қизлар, нозик аёлларга хос назокат билан эгарланган отларни яхши бир кайфият ила югуртириб боришмоқда. Қизларнинг қўлларида бир пиёладан сумалакни эҳтиёткорлик билан ушлаган ҳолда бир қишлоқдан олисроқда бўлган иккинчи қишлоқдаги таниш-билишлари, қариндош-уруғ, момоларига тезроқ етказишга ошиқмоқдалар.

Қизларнинг ҳаракатидан шу маънони англаш қийин эмас, улар ўз мақсади учун, янгиликни етказишдек савоб иш учун, эзгу орзу ва интилишлари йўлида ҳеч қандай тўсиқларни писанд қилмайдилар. Шу йўлда бир-бирлари билан баҳслашишга интиқ эканликларини сезиш мумкин бўлади. Ҳаворанг, яшил ҳамда қизғин ранглар уйғунлигида, осмондаги оқиш булутлар-у ердаги елиб кетаётган отлар туёқларидан чиқаётган чанглар бир-бири билан омухта бўлиб, гўё олдинга интилаётган отлиқларга оқ йўл тилагандай, ортларидан енгил ҳаракат қилаётгандай аста сузиб бормоқда. Гўёки ҳамма ёқни, бутун ер юзини Наврўзи олам, янгилик, поклик эгаллаб олаётгандек, тасвир яратган мусаввир шуни чин кўнгилдан истаётганлигини уқиб оламиз.

Мен Эркабой акага: «Сиз нима учун бир қатор мусаввирларга ўхшаб жумҳуриятимизнинг бошқа вилоятларига бориб асарлар чизмайсиз»,— деб савол берганимда, у киши: «Мен Хоразмни, шу жойнинг тарихини, ҳозирги ҳаётини чизишни шу вилоят, шу юрт олдидаги қарзим, деб биламан. Аммо бу билан бирга шу ерда ҳам, бошқа жойда ижод қилсам ҳам доимо ўзбек миллий тасвирий санъатининг ривожи учун ўзимнинг камтарин ижодимни, ҳиссамни қўшиш йўлидаги ҳаракатимни аямайман», — деди.

Мусаввир ҳар бир ижодий сафардан қайтар экан, бўлажак асарларнинг бир талай қалам чизгилари ва тезранг лавҳаларни олиб қайтади. Ва тезда янги ўйлаб юрган ижодий режаларини, ишларини бошлаб юборишга ошиқади. Ҳақиқий ижодкор ҳеч қачон ўз ишидан қониқмаганидек, Эркабой акага ана шу нарса хос. У ҳамиша юксакликка интилиб яшайди. Мусаввир Эркабой ака Машарипов билан бўлган мулоқот натижасида ана шу нарсани яна бир бор чуқур ҳис қилдим.

Эркабой Машариповдек изланувчан, кўплаб мухлисларга эга бўлган рассомларимиз қанчалик кўпайса, мустақил Ўзбекистонимизнинг тасвирий санъат дунёсининг ҳам довруғи жаҳон бўйлаб овоза бўлаверади.



«ЗИЁРАТ», 1989 йил.

Тўлқин АҲМЕДОВ.

ГЎЗАЛЛИК БЕШИГИ

М. УЙҒУР НОМИДАГИ ТОШКЕНТ ДАВЛАТ САНЪАТ ИНСТИТУТИ 50 ЁШДА

Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институти ярим асрлик тўйини нишонлади. Ўзбек миллий санъатининг ҳақиқий дорилфунуни бўлган бу олий даргоҳ остонасидан ҳатлаб ўтган зотлар қўлида замонавий санъатимиз тамал тошлари бор эди...

Бу тамал тошлар узра муҳташам қаср бунёд этилди. Энди мустақил Ўзбекистон бўйи-бастига мос заррин либослар бичаётган бу қаср чеварлари — санъат аҳли оламларга татигувлик неъматга эга. Бу неъмат санъат ва яна санъатнинг ўзидир.

Қуйида биз бу олий билим даргоҳининг устувор қаноти бўлмиш мусаввирлик факультети, унинг илк қадамларидан то бугунги залворли одимларига қадар ҳикоя қилмоқчимиз.

Мусаввирлик факультети ҳозирги Маннон Уйғур номидаги Тошкент Давлат Санъат институти қошида 1954 йили Марказий Осиёда биринчи бўлиб ташкил этилди. Дастлаб дастгоҳи рангтасвир ва театр рангтасвир безаги бўлимлари ташкил топди.

Ўтган давр мобайнида республикамизда тасвирий санъатга нисбатан талаб ва эҳтиёж тобора ўсиб борди, олий маълумотли мутахассисларга муҳтожлик сезилиб қолди ва замон талабидан келиб чиққан ҳолда янги-янги ихтисослар бўйича турли бўлимлар очила бошлади: 1965 йил тасвирий санъат тарихи ва назарияси бўлими, кейинчалик эса музей ишларини юритиш, тарихий маданият ёдгорликларини муҳофаза этиш каби кундузги ва сиртқи бўлимлар очилди. Бугун сиёсий плакат, маҳобатли рангтасвир, интерьерни лойиҳалаш, меъморий ёдгорликлар безакларини таъмирлаш, амалий графика, бадиий кулоллик, меъморий безаклар пластикаси, кино ва телевидение мусаввири соҳалари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Замон талабидан келиб чиқиб китоб безатиш ва тасвирлаш кафедрасида миниатюра бўлимини ташкил этиш учун бу қадимий санъат манбаларига мурожаат этишга, ўрганишга тўтри келди.

Маълумки, Туронзаминда қадим замонлардан қоғоз ишлаб чиқариш кенг йўлга қўйилган, Айниқса, Самарқанд қоғози қулайлиги, чидамлилиги, тузилиши, таркиби жиҳатидан жаҳон бозорида алоҳида ўрин тутган. Ҳуснихат санъати, қоғоз ишлаб чиқариш тарихи, мойбўёқлар таркибини ўрганишга катта эътибор қаратилмоқда. Қадимдан китоб безашда чарм, олтин, кумуш ва бошқа ашёлардан фойдаланиб келинганлиги китоб миниатюра санъати нақадар ривож топганлигидан дарак беради. Шу боис миниатюра мутахассислиги бўлимини ташкил этиш муаммоси кўндаланг бўлиб турарди. Ниҳоят, Марказий Осиё давлатлари бадиий институтлари орасида биринчи бўлиб бизнинг факультетда 1992 йили китоб миниатюраси бўлими очилди. Бу бўлим кўп жиҳатдан бошқа бўлимлардан тубдан фарқ қилади. Ўқув жараёни ташкилий жиҳатдан қайта кўриб чиқилди, режалар, янги дастурлар тузишга тўтри келди. Ўтказилган тажриба ва синовлар 1-4-курсгача ижобий кўрсаткичлар берди.

Миниатюра мутахассислиги бўйича 1-курсдан 6-курсгача ташкил этилган ўқув жараёни якунига етгач, кейинчалик миниатюра курсига талабалар қабул қилиш кўриб чиқилади.

Мусаввирлик факультетимиз профессор ва ўқитувчилари асосий таркибини собиқ ССР Иттифоқи Бадиий академиясига қарашли Санкт-Петербург, Москва шаҳарларидаги Суриков, И. Е. Репин номидаги рангтасвир, ҳайкалтарошлик, меъморлик, санъатшунослик институтларини битирганлар ташкил этиб, улар республикамиздагина эмас, балки ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамда хорижда ўз ижодий ишлари билан танишдирлар. Республикамиз тасвирий санъати ривожига салмоқли ва улкан ҳисса қўшган етук ижодкорларнинг факультетимиз талабаларига таълим беришлари эътиборга молик.

Илк бор мусаввирлик факультетини 12 киши битириб чиққан бўлса, талабалар сони йил сайин сезиларли даражада кўпая борди. Ҳозирги кунда факультетимизда 280 дан зиёд ёшлар таълим олмоқда. 1995 йилга қадар факультет мингга яқин турли соҳалар бўйича малакали мутахассисларни ҳаётга йўллади. Улар, мана, қирқ йилдирки республикамиз маданий ҳаётининг ҳамма соҳаларида ўзларининг ёрқин изларини қолдиришмоқда.

Факультет ўтган давр мобайнида шундай ўқув, илмий-ижодий захирага эга бўлдики, ҳатто Марказий Осиёда ташкил этилган бадиий академиялар ва бадиий институтлар ҳам бу хил замонавий ўқув захирасига эга эмас. Факультетимизда кўплаб устахоналар мавжуд: тошбосма, линогравюра, офорт, ўқув босмахонаси, кулол лойи пиширш, газли ва электр ўчоқлари, меъморий ёдгорликлар безагини таъмирлаш, рангтасвир услуби ва рангтасвирда қўлланадиган ашёлар мажмуаси шулар жумласидан. Яқинда ташкил этилган замонавий компьютер графика хонаси талабалар томонидан қизиқиб ўрганилмоқда. Мустақил Ўзбекистоннинг жаҳон бозор иқтисодиётига ўз йўли билан кириб бориши ва бундан кейин республикамизнинг иқтисодий ривожланишини компьютерсиз тасаввур этиб бўлмаслигини тушунган ҳолда ўқиш жараёнлари янгича ташкил этилди. Назарий билимларни амалиёт билан боғлаб олиб боришга катта аҳамият берилиши ўз натижасини бермоқда. Буни профессор К. О. Крюков раҳбарлик қилаётган бўлимларда ҳам кўриш мумкин. Масалан, собиқ Иттифоқда биринчилардан бўлиб қадимий ёдгорликларни таъмирлаш ишини аслида факультетимиздаги мана шу бўлим бошлаб берган. Назария ва амалиётни бир-бирига боғлаб олиб боришга эътибор кучайтирилганлигини талабаларимиз амалга оширган тадбирларда яққол кузатиш мумкин. Файзулла Хўжаевнинг Бухородаги уй-музейи, Самарқанд шаҳридаги Улуғбек мадрасасини таъмирлашда ишланган безакларни кўриб, бунга амин бўласиз.

Бундай ҳолни маҳобатли рангтасвир кафедраси мисолида ҳам кўриш мумкин. Ёш мусаввир Ғофур Қодиров раҳбарлик қилаётган гуруҳ талабалари амалиётни аниқ иншоотларда, мураккаб жараёнларни, усул ва услубларни ўрганишга эътибор бермоқдалар. Институтда методик жиҳатдан тўғри ҳисобланган назарий билимларни амалий жиҳатдан бажаришларига имконият яратиб берилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Фан-

лар академияси, Давлат тарих музейи биноси ичидаги экспозицияни бадиий безашда мусаввир Баҳодир Жалолов раҳбарлигида факультетимиз маҳобатли рангтасвир бўлимининг 5-курс талабалари иштирок этдилар. Уларнинг бундай йирик бадиий безак ишларида қатнашишлари, республикамизнинг таниқли мусаввири билан ҳамкорлик қилишлари чуқур ижобий таассурот қолдирибгина қолмай, балки кейинги ўқув жараёнини кўтаринки руҳда бошлашларига имкон тугдирди. Бу ишда талабалардан А. Жуманиёзов, П. Олимов, К. Исабоев, Й. Ҳайитбоев, П. Каримов, О. Раҳматов, театр рангтасвир бўлимининг 5-курс талабаси Б. Исмоилов, рангтасвир бўлимининг 5-курс талабаси Зиёдуллаевлар фаол қатнашдилар. Музейни безашда мусаввирлик факультетини битирган кўплаб собиқ талабаларимиз ишладилар. Рангтасвир кафедраси катта ўқитувчиси, Ўзбекистон халқ мусаввири Жавлон Умарбеков, амалий графика кафедраси катта ўқитувчиси А. Р. Умаровичлар экспозиция ва композиция муаллифидирлар.

Ўзбекистон Мусаввирлари уюшмасининг кўргазмалар биносида 1993 йил 26 февраль куни биринчи маротаба факультет талабаларининг ўқув-ижодий кўргазмаси очилди. Бу кўргазмага, асосан, ўқув режаси ва дастурлари асосида бажарилган курс, диплом ишлари қўйилди. Дастгоҳли рангтасвир, театр рангтасвир безаги, китоб графикаси, маҳобатли рангтасвир, меъморий ёдгорликлар безакларини таъмирлаш, интерьер ва жиҳозлаш, амалий графика, меъморий безаклар пластикаси, бадиий кулоллик, телекўрсатув ва кино мусаввири ҳамда сиёсий плакат бўлимлари ўзларининг тасвирий асарлари билан қатнашдилар.

Кўргазмадан жой олган асарлар факультет профессор-ўқитувчилари ва талабаларининг ижодий ҳисоботи сифатида барча тасвирий санъат мухлислари ҳукмига ҳавола этилди. Кўргазмани ташкил этишдан асосий мақсад ҳам кенг жамоатчилик фикр-мулоҳазаларини, таклиф-истакларини ўрганиш, ундан ўқув жараёнини ташкил этишда фойдаланиш эди. Талабалар кўргазмасини томоша қилган ҳар бир тасвирий санъат мухлиси ўз истак ва таклифларини махсус журналга қайд этдилар. Бу таклифлардан ўқув жараёнини ташкил этишда фойдаландик. Биз учун энг қувончлиси реалистик мактабни сақлаб қола олганимиз, шу билан бирга ҳозирги замон тасвирий санъати ютуқларидан фойдаланиб, халқимизнинг миллий анъаналарини ўқув режаларига, дастурларига мослаштириб, таълим даражасини юқори савияда ташкил қила олганимиздир.

Талабалар Русия, Гуржистон, Украина, Қозоғистон, Белоруссия каби собиқ Иттифоқ республикаларида ўтказилган турли кўргазмаларда қатнашмоқдалар.

Жумладан, 1990 йил Ленинград шаҳрида ўтказилган собиқ Иттифоқ бадиий институтлари талабаларининг диплом ишлари кўргазмасида битирувчи талабаларимиз фаол иштирок этдилар. Театр рангтасвир безаги бўлими талабаси Эркин Низомов «Синган сетор» иши учун, 1991 йил дастгоҳли рангтасвир бўлими талабаси Ирода Расулова «27-йил» диплом иши учун собиқ СССР Бадиий академиясининг бронза медаллари билан тақдирландилар.

Ўзбекистонимизнинг мустақилликка эришиши халқимиз маданияти, тарихи ҳамда қадрияти тиклаётганлиги санъат аҳлини руҳлантириб юборди, хорижда ги мухлисларни ўзбек миллий санъати билан таништиришга катта имкониятлар очиб берди. Факультетимиз профессор-ўқитувчилари ва талабалари ўз асарлари билан жаҳоннинг 12 мамлакатида: АҚШ, Ҳиндистон, Хитой, Португалия, Болгария, Австралия, Покистон, айниқса, Грециянинг Афина шаҳри ва бошқа ерларда ўтказилган кўргазмаларда қатнашиб катта муваффақиятларга эришдилар.

Профессор Р. Аҳмедов бошчилигида Содир Раҳметов, Муҳаммаджон Нуриддинов, Акмал Икромжоновлар каби ижодкор мураббийларимиз асарлари Анқара шаҳрида ташкил этилган кўргазмаларда ижобий баҳоланди.

Корея Республикасининг Сеул шаҳрида профессор Н. С. Пакнинг шахсий кўргазмаси очилди ва Сеул шаҳар босмахоналаридан бирида китоб тарзида чоп этилди. Грецияда амалий графика кафедрасининг катта ўқитувчиси Д. Н. Афуксенидининг шахсий кўргазмаси муваффақиятли ўтди.

1994 йил репертуар кафедраси ўқитувчиси А. Икромжоновнинг «Мирзо Улугбек» портрети конкурс голиби деб топилди, чизматасвир катта ўқитувчиси А. Мирзаев А. Қодирий мукофоти совриндори бўлди. Бадиий кулоллик бўлими катта ўқитувчиси А. Тургунов чинни сервизлари АҚШнинг Сиэтл шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ташкил этган кўргазмаларда иштирок этди. Факультет услуб хонасида профессор-ўқитувчиларимизнинг турли кўргазмалар ташкил қилишлари доимий анъанага айланиб бормоқда. Катта ўқитувчи М. Тошмуродов, доцент В. Б. Шевченко. Д. Мурсалимов, Р. К. Абдугалимов, Н. Ҳусанов ва бошқалар шулар жумласидандир. Кўргазмалар муҳокамасида талабалар ва мураббийлар ўртасидаги мулоқот яхши натижа бермоқда. Асар ҳақида турли тушунчалар, услубий йўналишлар, ҳозирги замон жаҳон тасвирий санъатининг муаммолари ҳамда ютуқлари ҳақидаги фикр алмашув шубҳасиз ижобий ҳолдир.

Бундан ташқари республика Қизил ярим ой жамияти билан биргаликда плакатлар танлови бўлиб ўтди. Соғлом турмуш тарзи, давлатимиз ҳудудидаги экологик ҳолатни яхшилаш, халқаро инсоний ҳуқуқларни ташвиқот қилишга қаратилган «Инсонпарварлик», «Меҳр-шафқат — халққа» шиори остида ўтказилган ижодкор ёшларнинг бу танловида амалий графика бўлими талабаларининг фаол қатнашишлари мақтовга сазовордир.

Ҳар йилги якунга кўра биринчи, иккинчи, учинчи совринли ўринларни эгаллаб олишимиз танлов ўз натижасини бераётганлиги, ҳаракатларимиз зое кетмаётганлигидан далолат беради.

Кейинги йилларда илмий-услубий ишларда ижобий ўзгаришлар содир бўлди. Профессор-ўқитувчилар, талабалар илмий конференцияларда фаол қатнашмоқдалар.

Институт миқёсидаги турли илмий конференцияларда голиб чиққан талабалар ва ўқитувчилар олий ўқув юртлари илмий конференцияларида муваффақият билан иштирок қилишмоқда. Тасвирий санъат тарихи ва назарияси кафедраси ўқитувчиларидан санъатшунослик номзоди, доцент З. Ибрагимова, амалий графика кафедраси катта ўқитувчиси С. Н. Лимакова, интерьерни лойиҳалаш кафедраси катта ўқитувчиси М. Маҳмудова талабаларни конференцияга тайёрлашда алоҳида ўрнак кўрсатишди.

Илмий ва ижодий ишлар бўйича проректор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, фалсафа фанлари доктори, профессор Ҳ. Боҳидов услубий қўлланмалар ёзишда ҳар томонлама ёрдам кўрсатди. Мураббий ва талабаларнинг илмий мақолалари, ижодий ишлари, республикамиздагина эмас, ҳамдўстлик ва хорижий давлатлар мажалла, каталог ва газеталарида нашр этилди.

Республикамиз шарт-шароитидан келиб чиққан ҳолда янги ўқув режалари тузилди. Бу ишларга ўқув тарбия ишлари проректори, профессор Б. Ё. Менаджиев талабчанлик билан раҳбарлик қиляпти.

Меъморий безаклар пластикаси ва бадиий кулоллик кафедраси мудири, Ўзбекистон халқ мусаввири профессор А. Бойматов раҳбарлик қилаётган бўлимларда амалга оширилаётган ўқув-тарбия ишлари бошқа кафедраларга нисбатан яққол кўзга ташланиб туради.

Факультетда таълим-тарбия ишларига катта эътибор берилмоқда. Собиқ Иттифоқ даврида унутилиб кетган миллий қадриятларимизни тиклашга, тарих ва маданиятимизни ўрганишга янгича ёндошиб, ота-боболаримизнинг таълим-тарбияда-

ги анъанавий дастурларидан фойдаланмоқдамиз. Талабаларимизни мустақил Ватанга муҳаббат, катталарга ҳурмат руҳида тарбиялашга катта аҳамият берилмоқда.

Республикамизда ўтказилаётган миллий-анъанавий байрамлар — «Наврўз», «Мустақиллик куни» шодиёналарини ўтказиш, шаҳар, туман, маҳалла комитетлари ташкил этган жамоат тадбирларида талабаларимиз фаол қатнашмоқдалар.

Факультетимизда ўзбекистонлик ёшларгина эмас, собиқ Иттифоқнинг барча республикаларидан келган ёшлар таълим олганлар. Айниқса, Қорақалпоғистон Республикаси учун тасвирий санъат соҳасида кўп мутахассислар тайёрлаб берилди. Ҳозирда жаҳоннинг 12 дан ортиқ мамлакатида бизнинг факультетни тамомлаганлар тасвирий санъатнинг турли соҳаларида муваффақият билан ишлашмоқда. Жумладан, Араб давлатларида, Исроил, Афғонистон Ислом Республикаси, Голландия, Греция ва Америка Қўшма Штатларида (Хуршида Камолова), Австралияда (Ирода Расулова) ишламоқдалар. Талабаларимиз хорижда ўтказилган турли танловларда қатнашиб ғолиб бўлишди. Амалий графика талабаси Острогоржескаянинг «СПИД прогноз» плакати «Огонёк» журналида чоп этилиб, СПИДга бағишланган конкурсда энг яхши плакат деб топилди. Бадиий кулоллик бўлими талабалари ҳам умум факультет кўргазмаларида, ҳамдўстлик ҳамда хорижий конкурсларда муваффақият билан қатнашдилар. Москвада ўтказилган конкурсда Фарҳод Тошмуҳамедов «Навоий лирикаси» учун кумуш медалга сазовор бўлди. Умуман, 500 дан ортиқ талабаларимиз конкурсларда қатнашиб диплом ва медаллар олишга сазовор бўлдилар.

Факультетимизда хориж бадиий институтлари билан ҳам алоқалар ўрнатилган. Корея, Россия, Хитой, Туркманистон ва бошқа давлатлардан келган ёшлар билим олишмоқда. 1986 йилнинг 9 декабрида Вашингтон нафис санъати университети графика кафедраси профессори Курт Лабитск илтимосига биноан факультет услуб хонасида америкалик талабаларнинг кўргазмаси очилди. Ўзбекистонлик ва америкалик талабалар ўртасида ўзаро ижодий ишлар алмашуви бўлиб ўтди. Ўз навбатида Вашингтон нафис санъати университетида талабаларимизнинг кўргазмаси бўлиб ўтди. Америкалик, Монтано институти профессори, мусаввир-кулол Марсия Селсор уч ой давомида ўзининг илмий, ижодий ишлари билан профессор ва ўқитувчилар ҳамда талабаларни таништирди, маърузалар ўқиди, ўзбек миллий кулоллиги, халқ усталарининг ижодий ишлари ва ашёлари, ишлаш усул-услубларини ўрганди. Фарғона водийси, Хива, Самарқанд халқ усталари билан танишиб, кулоллик соҳасида миллий мактаб мавжудлиги ва қадимги усул-услублар сақланиб келинаётганлиги, ундан билимдонлик билан фойдаланилаётганлигига иқрор бўлди.

Франция Республикаси Лувр музейининг Шарқ бўлими илмий ходими билан учрашув унутилмас таассурот қолдирди. Англиядаги Кембриж коллежининг ўқитувчиси Сулвия Мондвелла хоним инглиз мусаввирлари ва ҳайкалтарошлари Жон Констебл, Жон Маржин, Давид Хокнев, Жон Тёрнер, Хенву Моор, Барбара Хепворпе ижоди ҳақида сермазмун маърузалар ўқиди.

Марказий Осиё давлатлари — Қозоғистон, Туркманистон, Қирғизистонда бадиий академиялар, институт ва олий коллежлар ташкил этилди. Ўқув жараёнларини ташкил этиш, дастурлар тузишда факультетимиз профессор-ўқитувчилари катта ёрдам кўрсатдилар. Шуниси ҳувонарлики, бу бадиий академиялар институт ва олий коллеж ўқитувчиларининг аксариятини собиқ талабаларимиз ташкил этади. Буни Туркманистон давлат бадиий академияси ва Ш. Руставели номли бадиий билим юрти мисолида кўриш мумкин.

Факультетга юқори малакали мусаввирлар — рангтасвир кафедрасига Ўзбекистон халқ мусаввири Жавлон Умарбеков, чизматасвир кафедрасига Алишер Мирзаевлар таклиф этилди. Эндиликда Ўзбекистон Мусаввирлари уюшмаси ва унинг вилоят бўлимлари шу факультетнинг битирувчиларига таянади. Республика Мусаввирлари уюшмаси президенти Тоҳир Миржалилов, Самарқанд вилояти мусаввирлар уюшмаси раиси Нуриддин Калонов, Қорақалпоғистон республикаси мусаввирлари уюшмаси раиси Жолибой Изентаев факультетимизда таҳсил олганлар.

Институт ректори, санъатшунослик доктори, профессор, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Тошпўлат Турсунов факультетда фирма тузиш ҳақидаги ташаббусни қўллаб-қувватлади. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги «СКИФ-АРТ» илмий ижодий ишлаб чиқариш фирмаси Тошкент шаҳар Яккасарой тумани ҳокимияти қарорига асосан тасдиқланди. Фирманинг асосий мақсад ва вазифалари жаҳон стандартлари даражасидаги юқори малакали мутахассисларни тайёрлаш вазифасидан келиб чиққан ҳолда уларнинг билим олишлари, таълим, ишлаб чиқариш ва фан интеграциясига асосланган. Бу илмий техника ривожининг жадал ўсиш услуби асосидаги бозор иқтисодиётининг талаб ва эҳтиёжларига ҳамоҳанг, олий мактабнинг халқ хўжалиги тармоқлари билан ҳамжиҳат самарали ташкилий-иқтисодий механизмини яратишни аниқлаб берди.

Мусаввирлик факультети қошида ташкил этилган илмий-ижодий ишлаб чиқариш фирмасининг мақсад ва вазифалари юқори малакали мутахассислар тайёрлашни яхшилаш, талабаларни жамият маданиятининг муҳим муаммоларини ҳал этишга янада кенгроқ жалб этиш, хўжалик механизми шароитида биргаликда ижобий ишлаш кўникмаларини тарбиялашдан иборат.

Ҳозирда фирма ўз фаолиятини бошлаб юборди, бир неча кафедралар ўқув жараёнидан ажралмаган ҳолда буюртмалар бажаришга киришди. Факультет талабалари ўз салон дўконига ҳам эга бўлиб, бу салон дўконда талабаларимизнинг курс, мустақил, ижодий ишлари сотилади. Фирма раҳбари ҳам факультетимизнинг рангтасвир бўлимини тамомлаган Баҳриддин Пардаевдир.

Марказий Осиё республикаларида ташкил этилган бадиий олий ўқув юртлари, айниқса, Россия Федерациясининг Бадиий академияси институтлари ўртасидаги анъанавий алоқаларни давом эттирибгина қолмай, балки янада мустаҳкамлаш тарафдоримиз.

Маълумки, С. Петербург, Москва шаҳарларидаги бадиий институтлар узоқ тарихга эга. Шу институт илмий кенгаши, профессор-ўқитувчилари томонидан тузилган ўқув режалари, дастурлари кўп йиллар давомида синовдан ўтган ва ўқув жараёнини ташкил этишда тажриба орттирганлигини ҳеч ким инкор эта олмайди.

Мусаввирлик факультетининг дастлабки қадамлари таниқли рассомлар О. К. Татевосян, В. А. Рифтин, И. Я. Вольденбер, А. А. Гольдер, М. Я. Шировскийлар номи билан боғлиқ. Собиқ СССР Мусаввирлар академиясининг аъзоси Р. А. Аҳмедов, профессорлар В. И. Жмакин, Т. А. Оганесов, М. А. Саидов, Н. М. Қўзибоевлар шу факультетда педагогик фаолиятларини бошлаб, ҳозиргача ёш авлодга таълим бермоқдалар. Ўзбекистондаги тасвирий санъатнинг ривожланиши, шаклланиши босқичлари шу санъаткорлар номи билан боғлиқ.

Камтарона айтганда, институт ўзининг 50 йиллик тўйини нишонлаш арафасида. Ярим аср мобайнида эришилган ютуқлар шуни кўрсатмоқдаки, факультет Ўзбекистон тасвирий санъати, халқ амалий санъати бўйича катта бир мактаб яратди.

Облоберган ЭГАМОВ,
Маннон Уйғур номли
Тошкент Давлат Санъат
институти мусаввирлик
факультети декани.



Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий номидаги Санъатшунослик илмий-тадқиқот институтининг «Амалий безак санъати» бўлими ташаббуси билан «Ўзбекистон халқ амалий санъати муаммолари» мавзусида давра суҳбати ўтказилди. Суҳбатда институт «Амалий безак санъати» бўлими ходимлари, амалий санъатимиз ривожига улкан ҳисса қўшаётган ўрмакор усталар Ортиқ Файзуллаев, Тўлаган Ғоипов, Фасхиддин Алимуҳамедов (зарлар), Анвар Иҳтомов (наққош), Носир Набиев (наққош, ганч ўрмакори), Ағишер Пўлдошев, Тоҳир Болтабоев (миниатюра усталари), Ю. Володин (кулол), Содиқ Ҳожиев (пичоқсоз), Абдуғаффор Ўмаров (миниатюрачи), Акбар Раҳимов (кулол, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби), Маҳмуд Мамажонов (Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси қошидаги амалий санъат секцияси котиби), Амин Қодиров (Нурота кашталичилик цехи бошлиғи) ва бошқалар иштирок этдилар.

Давра суҳбатини санъатшунослик доктори, институт «Амалий безак санъати» бўлими мудири Акбар Ҳакимов кириш сўзи билан очди ва суҳбат кун тартибига киритилган уч масала — Бирлашган Миллатлар Ташкилоти қошида халқ амалий санъати ташкилий қўмитаси тузилганлиги, Ўзбекистон халқ амалий санъатида ташкилий, иқтисодий ҳамда ижодий муаммолар ва, ниҳоят, Ўзбекистон халқ амалий санъати усталари барақаларини тузиш зарурлиги ҳақида гапирди.



Санъатшунослик доктори
Акбар ҲАКИМОВ.




Кулол
Акбар РАҲИМОВ.

ХАЛҚ САНЪАТИ ЭКОЛОГИЯСИ

Акбар РАҲИМОВ — Обрўли халқаро ташкилот БМТ қошида халқ амалий санъати ташкилий қўмитаси тузилганига икки ойдан ошди. Қўмита аъзолари П. Беньков номли республика бадиий билим юрти директори Т. Қўзиев, ЮНЕСКО аъзоси Бери Лейн, санъатшунос А. Ҳакимов ва каминадан иборат. Қўмита тузилгандан буён уч маротаба йиғилиш ўтказилди. Фаргона ва Самарқанд вилоятлари бўйлаб икки дафъа экспедиция уюштирдик. Қўмита томонидан катта дастур тайёрланди. Бу дастур асосига халқ амалий санъатини ривожлантиришнинг қуйидаги асосий масалалари қўйилди.

1. Халқ амалий санъати усталарига БМТ сертификатини топшириш ва таниқли усталарни фахрий ёрлиқлар билан тақдирлаш. Амалий санъат соҳасида унумли ишлаётган ҳар бир устага шогирд тарбияси учун шарт-шароит яратиш, яъни сертификат бериш билан биргаликда усталар 1000 АҚШ доллари билан таъминланиб, беш нафар шогирд ўстириш мақсад қилиб қўйилади. 2. Халқ амалий санъати муаммоларига бағишланган семинарлар ўтказиш, учрашувлар уюштириш. Тошкентдаги марказий бозорларда, Бухоро, Самарқанд, Хива, умуман халқ усталари билан машҳур бўлган бошқа шаҳарларнинг савдо уйла-

Заргар
Фасҳитдин АЛИМУҲАМЕДОВ.



рини қуриш, уларда ҳар бир минтақага хос бўлган амалий санъат буюмларини сотиш масалалари кўриб чиқилди. 3. БМТнинг 50 йиллигига бағишланган халқ амалий санъати ярмаркасини Тошкентдаги марказий майдонларнинг бирида ўтказиш.

Энди қўмита томонидан уюштирилган экспедициялар ҳақида ҳисобот бермоқчи эдим. Экспедицияни Маргилондан бошладик. У ерда атлас тўқувчилар билан учрашдик. Халқ санъатининг бу соҳаси яхши йўлга қўйилган, ўз анъаналарига асосланган ҳолда ривожланаяпти. Риштон кулоллик комбинатида бўлдик. У ерда ҳозир энг долзарб муаммолардан бири шогирд тайёрлаш, шунингдек, соҳибқирон Амир Темур даври чинниларига қайтиш масалалари кўрилмоқда. Наманганда бўлганимизда бешикчилик, саватчилик санъати тез суръатлар билан ривожланаётганлигини кўрдик. Менинг назаримда, водий халқ усталарига ижодий шарт-шароитлар яратиб бериш долзарб масалалардан биридир.

А. ҲАКИМОВ — Ўзбек амалий санъати теран анъаналарга эга бўлган қадимий санъатлардан биридир. Унинг қай бир соҳасини олманг, барчасининг ҳам гоят ўзига хос томонлари ва ўз ишига содиқ усталари борлигининг гувоҳи бўласиз. Фарғона экспедицияси жараёнида усталар билан бўлган учрашувлар натижаси ўлароқ каттакон бир мақсад ўртада бўй чўзди. Ўзбекистон бўйича амалий санъат соҳасида ишлаётган ҳамма усталар ҳақида, рассомлар уюшмасига аъзоми-йўқми қатъи назар, маълумотлар йиғиб, Ўзбекистон усталари каталогини чоп этиш. Бу каталог ўзбек ва инглиз тилларида нашр этилади. Каталогда кириш сўзи, ҳар бир уста ҳақида маълумотдан ташқари, суратлар ҳамда энг ёрқин ижодий ишидан намуна чоп этилади. А. Раҳимовнинг ҳисоботини тўлдирган ҳолда шуни айтиб ўтиш жоизки, БМТнинг 50 йиллигига бағишланган халқ амалий санъати ярмаркасини ўтказиш учун ташкилий қўмита тузилади. Унда халқаро ташкилотлардан мутахассислар қатнашади. Бу ҳол ҳозирги бозор иқтисоди шароитида санъатга, тараққиётимизнинг жиддий эътиборталаб муаммоларидан бирига қилинган амалий ёрдам бўлади, деб ҳисоблайман.

Ортиқ ФАЙЗУЛЛАЕВ — Аввалambар, давра суҳбатини ташкил қилганингиз учун раҳмат. Амалий санъат

Санъатшунос
Олмахон ХЎЖАНИЁЗОВА.



оламига қадам қуйганимга 44 йил тўлибди. Ўз муаммоларимизни усталар ҳамда санъатшунослар билан бирга ҳал қилиш, уларнинг ечимини топиш учун бир кўнгилли, маърифатли суҳбатни 40 йил кутдим. Амалий санъатга бошқа санъатларга нисбатан паст назар билан қаралар эди. Кўргазмаларда халқ усталари ҳам фаол қатнашадилар, лекин Рассомлар уюшмасида уларнинг ишлари ҳеч қачон муҳокама қилинмайди. Шу ўринда Покистонда бўлиб ўтган Мусулмон давлатлари амалий санъати фестивали ҳақида қисқача маълумот бермоқчиман. 1994 йил 3-14 октябрь кунлари Покистонда 46 мусулмон давлатлари амалий санъат усталарининг (700 уста) фестивали бўлиб ўтди. У ерда иш устидаги амалий-ижодий кўргазма саккиз кун давом этди. Ҳар бир давлат усталарига катта майдон берилди. Фестивалда Ўзбекистондан 12 киши (Бухородан 7 уста, Тошкентдан 5 уста) қатнашди. Фестивалда 4,5 минг покистонлик ва бошқа чет мамлакатлардан жами 6-7 минг томошабин қатнашди. Покистон фестивалидан олган таассуротимиз шундан иборат бўлдики, дунёда ўзбек миллий амалий санъатига тенг келадигани йўқ экан. Ҳар куни минглаб томошабин Ўзбекистон амалий санъати ижодкорлари ишини зўр қизиқиш билан томоша қилдилар. Ёнингдан оққан сувнинг қадри йўқ, деганларидек, ўзимизда халқ амалий санъатига эътибор кам. Ўзбекистон усталарининг бу фестивалда қатнашгани матбуотда ёритилмади. Фестивалда ташкилий масалалар пухта ўйланган. Саккиз кун давомида амалий санъат усталарининг ижодий ишлари конкурси бўлди. Конкурсда I ўринни бухоролик зардўзлар эгалладилар, иккинчи ўрин ҳам бухоролик кандакорларга берилди. Учинчи ўрин бошқа мамлакат вакилларига тошширилди, тўртинчи ўринни эса тошкентлик ёғоч ўймакорлари эгалладилар. 46 давлат ичида якуний конкурсда I ўрин Татаристонга, иккинчи ўрин Ўзбекистонга берилди. Конкурсдаги ғалабалар Ўзбекистон халқ амалий санъатининг оламшумул доврути, 46 давлат ичида эгаллаган муносиб ўрни ҳақида ёрқин далолат беради.

Камола ОҚИЛОВА, санъатшунос:

— Ортиқ ака, П. Беньков номли бадиий билим юртида узоқ йиллардан бери устозлик қиласиз, кўп шогирдларни вояга етказдингиз. Ўқув жараёнида Ўзбекистон ёғоч ўймакорлик санъати мактабларига хос бўлган хусусиятлар йўқ бўлиб кетмадими?

О. Ф.: — Ҳозир Тошкентда олтмишга яқин шогирдим бор. Шогирд қанча кўп бўлса, шу соҳага эҳтиёж кўп бўлади. Бу — эртанги кунимиз, келажагимиз. Ўқув жараёнида ёғоч ўймакорлик санъатининг кўпроқ Тошкент, Қўқон, Хоразм мактаблари анъаналари қўлланилади. Мен, асосан, Тошкент мактаби услубида дарс бераман. Талабаларга кўпроқ эркинлик беришга — анъаналарга таянган ҳолда дарс ўтишга ҳаракат қиламан. Бироқ, ижод жараёнида биз амалий санъатдаги жуда кўп муаммоларга дуч келамиз. Асосан, воситаларнинг етишмаслиги, моддий қийинчиликлар ва ҳоказо. «Усто» бирлашмаси низомида — ҳар бир устани восита ва устахона билан таъминлаш лозимлиги қайд қилинган. Лекин, амалда бу иш қилинмайди. Усталар ўз меҳнатига яраша ҳақ ололмайдилар. Ўз меҳнатларига нисбатан 2-3 маротаба кам маош оладилар. Устага ҳар томонлама ёрдам бермаган ҳолда унинг меҳнатидан манфаат кўришади. Фикримча, қўл билан бажариладиган машаққатли ишнинг солигини камайтириш керак.

Тўлаган ГОИПОВ — Мен ёғоч ўймакориман. Бу соҳанинг паст-баландини яхши биламан. Фикримча, бадиий кенгашда — ёғоч устаси ишига ёғоч устаси, пичоқсозга — пичоқсоз нарх қўйса «чумчуқ сўйса ҳам қассоб сўйсин» деган адолатли маталга амал қилган бўлардик. Бадиий ижод — эркин жараён бўлиб, унда ижодкор ўзининг барча муаммоларини ўзи соҳага ўша соҳанинг ҳакими — уни тушунадиган мутахассис баҳо бериши керак, деб ўйлайман.

Содиқ ҲОЖИЕВ — Гапингизга қўшиламан. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Солиқ муаммоси, усталар учун энг долзарб муаммолардан бирига айланиб қолмоқда.

Анвар ИЛҲОМОВ — Политехника институтининг меъморлик бўлимини битирганман. Санъатда йўналиш муаммолари ҳақида гапирмоқчиман. Тошкент зилзиласидан сўнг Оврупо меъморлиги тезлик билан бизнинг шароитимизга катта таъсир кўрсата бошлади. Ўқув даргоҳларида ўқитиладиган дарслар ҳам овруполаштирилди.

Санъатшунослик номзоди
Камола ОҚИЛОВА.



Замонавий миллий меъморлигимизнинг йўқлиги, ганчкорлик ва нақкошлик турларининг ривожланишига жиддий таъсир кўрсатди. Ота-боболаримиз қурган биноларнинг меъморий услуби йўқ бўлиб кетди. Лойиҳа институтларида эндигина миллий услубларга эътибор берилмоқда. Тошкентдаги «Туркистон» саройини ана шундай услубда қурилган иншоотлардан бири дейиш мумкин. Амалий санъатнинг табиий хусусиятини инобатга олмаслик, унинг ижтимоий ҳаётнинг алоҳида соҳаси эканини инкор этиш, амалий санъат турларининг махсус масалаларига тушунмасдан қўпол аралашув ўз таъсирини кўрсатмай иложи йўқ. Мустақиллигимиз туфайли чет давлатлар билан алоқалар кенгайтирилмоқда. Умумжаҳон маданияти ва Шарқ давлатлари миллий маданият дурдоналаридан баҳраманд бўлиш, уларни пухта ўрганиб, шогирдларга моҳиятини тушунтириш керак. Амалий санъат турларининг ҳар бирига ижодий ёндошиш, халққа манфаат бахш этаман, деб унинг дидини бузиб қўймаслик лозим.

Амин ҚОДИРОВ — Ижодий муаммолар ҳақида сўз юритдингиз. Фикрингизни давом эттирмоқчи эдим. Ўзим нуроталикман. У ерда каштачилик цехини очганмиз. Маълумки, ўтмишда, аниқроғи, ўтган асрда Нурота каштачилиги ўз гўзаллиги билан дунёга танилган эди. Бироқ XX асрнинг ўрталаридан бошлаб бу санъат тури аста-секин йўқола бошлади. Нурота каштачилигини тиклаш мақсадида шу соҳа билан шуғулланиб юрган 15 нафар аёлни жамлаб, кичик корхона туздим. Корхона маҳсулотлари анъанага таянган ҳолда, яъни ишнинг ҳамма жараёни қўлда бажарилади. Сотиш масаласига келсак, музейларга, сайёҳ фирмаларга, давлат томонидан белгиланган (100 сўмнинг 60 сўми) солиқ тўлиш йўли билан сотамиз. Солиқнинг бугунги даражаси бизни жуда қийнаяпти.

Олмахон ХЎЖАНИЁЗОВА — Тўқилаётган кашталардаги безак унсурлари анъанага мувофиқми?

А. Қ. — Дастлабки пайтларда ҳар бир аёл ўзи билганича нақш тикарди. Иш жараёнида бу ҳол ижобий натижа бермаслигини кўрсатди. Шу туфайли цех аёллари қадимий сўзаналарни топиб, уларнинг безаклари ва технологиясини чуқур ўрганишга киришдилар. Ҳозирги кунда хом ашё ип, бўёқ каби керакли воситаларни ўзимиз топиб, анъанавий технология ва нақш безакларидан фойдаланишга ҳаракат қилаяпмиз.

А. Ҳ. — Халқ санъатининг ўзига хос экологияси бор. У жонли ривожланаётган санъат. Шу билан бирга амалий санъат халқнинг умумий юксалиш йўли, тарихий ва ижтимоий тақдиридан четда тараққий этмайди. Унинг ўз тараққиёт тамойиллари, муваффақият ва инқирозлари мавжуд. Шу билан бирга у маълум халқ ёки уларнинг маънавий-руҳий дунёсини ифода этиб келган. Халқ дидини таъмирлаш керак. 30-йилларда халқ санъатина сюжет кириб келди, яъни амалий санъат маҳсулотларига давлат арбоблари портретлари, автомашиналар ва ҳоказоларнинг тасвири туширилди. Бу хато, сунъий иш, албатта. Ушбу муаммо давомийлик тушунчаси ва унга боғлиқ бўлган анъана ва янгилик муаммосини тўғри тушуниш билан чамбарчас боғлиқдир.

Тоҳир БОЛТАБОЕВ — Мўъжаз рангтасвир соҳасида ўн тўрт йилдан бери ижод қиламан. Раҳматли Чингиз Аҳмаровнинг шогирдиман. Миниатюранинг ривожланиши учун ҳозирги даврда катта ишлар қилинаяпти. Рассомлар уюшмаси қошида миниатюра секциясини ташкил қилиш масаласини ўртага қўймоқчиман. Ташкилий ишлар кўп. Шарқ миниатюра санъатининг йирик вакили Камолиддин Беҳзод юбилейига бағишлаб кўргазма ташкил қилинса, каталоглар яратилса, миниатюра санъати соҳасида ижод қилаётган усталар телевидение, радио, матбуот орқали кенг тарғиб этилса, ўйлайманки, албатта, ўз самарасини беради.

Алишер ЙЎЛДОШЕВ — Ҳозирги бозор иқтисоди шароитида санъатнинг аҳволи, мавқеи жамиятимизнинг жиддий эътиборталаб соҳаларидан бири бўлиб қолаяпти. Асосий масала, ҳақиқий санъат асарларини яратишдир. Халқ санъатининг ривожига катта ҳисса қўшаётган ҳақиқий усталарни рағбатлантириш керак, деб ўйлайман.

К. О.: — Халқ усталари билан ижодий мулоқотни кенгайтириб, давра суҳбатлари, учрашувлар уюштирилса мақсадга мувофиқ бўлади.

А. Ҳ.: — Куз ойларида институтимизнинг бешинчи қаватида кўргазма залини ташкил қилмоқчимиз. Бу халқ амалий санъати кўргазмалар зали ҳам бўлади. Ниятимиз халқ усталари ва уларнинг ижодий бисоти ҳақида санъатшунослар бевосита кўргазмадаги асарлар асосида тадқиқот ва амалий мулоқот ўтказсалар.

Фасҳитдин АЛИМУҲАМЕДОВ — «Устанинг юзи унинг шогирдларида» деб Ортиқ акам тўғри айтдилар. «Усто» бирлашмасида шогирд етиштиришга кам эътибор бериляпти. Шогирдларга керакли асбоб-ускуна ва материалларни усталарнинг ўзлари топиб бермоқдалар. Яна бир муаммо — «Усто» бирлашмасида икки йўналиш пайдо бўлган — меъморлик ва маҳсулот. Бирлашма, бу усталарнинг бирлашмасини ёки бошқа ташкилотми? Маҳсулотга аҳамият берилмаяпти, асосий эътибор меъморликдаги безак ишларига қаратилган. Меъморлик соҳасига талаб катта. Амалий санъат буюмларига эътибор кам. Меъморлик бўйича давлат томонидан буюртмалар етарли. Маҳсулотга эса, йўқ. Амалий санъат усталари кўргазмаси учун жой ажратиб беришлари ҳам мушкул иш. Шунинг учун халқ усталари бирлашишлари керак. Бадиий кенгашларда уларнинг якдиллиги зарур.

С. Ҳ.: — Мен пичоқсозман, зарпичоқ устасиман. Ўзбек пичоқсозлигида 120 дан ортиқ пичоқ тури мавжуд. Келин пичоқ, бола пичоқ, қамалак пичоқ, шайтон бармоқ пичоқ ва ҳоказолар шулар жумласидан. Лекин, бозор иқтисодиёти шароитида биз санъат аҳли ўзига хос ижтимоий, иқтисодий, руҳий-маънавий муаммоларни бошдан кечиряпмиз. Масалан, совет даври мафкурачилари пичоқсозлик санъатини «совуқ қурол» сифатида қоралаб, таъқиқлашган эди. Ҳозирги кунда хом ашё масаласи катта муаммо, кейин маҳсулотни сотиш учун уни чет давлатларга чиқаришга божхона талаблари анча ноқулайлик ва қийинчилик тугдирмоқда.

Маҳмуд МАМАЖОНОВ — Халқ устаси уюшмасини ташкил қилиш масаласини ўртага қўймоқчиман. 1989 йилдан буён бу уюшма ҳақида гап бор. Халқ амалий санъати ривожланиши ва гуркираши учун бу уюшмани тузиш шарт. Ушбу уюшма ичида халқ амалий санъати турлари бўйича бир неча секция бўлиши мумкин. «Усто» бирлашмасида ташкилотга таалуқли ҳамма ҳужжатлар тайёрланаяпти. Ёшларни бу ишларга фаол қатнашишга даъват этаман, муаммоларни бартараф этиш, енгил ўтишда сизлардан мадад ва эътибор кутамиз.

А. Ҳ. — Ҳурматли Президентимизнинг маданиятга, санъатга давлат ҳомийлик қилиши керак, деган чуқур маъноли сўзлари санъат аҳлини жуда қувонтирди. Албатта, халқ санъатига, усталарга давлат томонидан алоҳида эътибор кўрсатилиши лозим. Балки халқ санъатини ҳар томонлама ривожлантирилишини кўзлаб, шу борадаги амалий ишларни бажарадиган Давлат қўмитаси ёки миллий марказ ташкил қилиш керакдир. Халқ санъати жамғармасини ташкил қилишни долзарб масалалардан мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Азиз устозодалар! Бугунги давра суҳбатини якунлаб, кўрилган асосий масалаларни умумлаштирмоқчиман. Булар: солиқлар муаммоси, давлат қўмитаси, халқ санъати жамғармаси, усталар каталоги ва маҳсулотларни чет элга чиқариш масаласи. Бугунги давра суҳбати муаммоларимизни ҳал қилиш учун қўйилган биринчи қадам бўлса ҳам натижаси яхши бўлади, деган умиддаман.

О. Ф. — Бугун биз кўп вақтлардан бери йиғилиб ётган муаммоларни кўтардик. Натижа бирданига юзага чиқмайди. Лекин, ҳаракат, энг муҳими сабр-тоқат бўлса, олдинга қўйилган ҳар қандай масалани ҳал этиш мумкин.

С. АЛИЕВА ёзиб олди.



МУМТОЗ ХОНАНДАЛИК САНЪАТИ МЕЗОНЛАРИ

Узоқ ўтмишга эга бўлган мумтоз мусиқа меросимиз асрлар оша ўзининг гўзал намуналарини, анъаналарини сақлаб келаётганлиги — бу санъатнинг ҳар томонлама мукаммал ва бой имкониятларга эга эканлигидан далолат беради. Бу мероснинг авлоддан-авлодга ўтиб келишида, бой бадиий ва эстетик имкониятларни намойиш этишида мусиқа ижрочилиги соҳаси муҳим омиллардан бири бўлиб, шу билан бирга, мумтоз мусиқа санъатининг шаклланиши ва ривожланиши мезонининг жонли жараёнини ҳам билдиради. Мусиқа меросимизда халқимизнинг кўп асрлик ўтмиши, қадриятлари, анъаналари, маънавияти ва руҳияти каби қатор тарихий жиҳатлар ўз мужассамини топган. Ижрочилик билан боғлиқ амалларда эса созандалик ва хонандалик санъати асосий мезон сифатида гавдаланади.

Ушбу мақолада биз халқимизнинг севимли санъат талқинларидан бири — хонандалик амалларининг ўзига хос хусусиятлари, уларнинг бетакрор анъаналари, мумтозлик хусусиятлари ҳақида мулоҳазалар юритмоқчимиз. Мақсад — халқимиз маънавиятини сеҳрли оҳанглар ила бойитиб келаётган отошнафас хонандаю ҳофизларнинг ижодига бир назар солиш, уларнинг сержило ва сертуйғу хонишлари заминидаги киши илғамас омилларни назарий баён этишдан иборатдир.

Маълумки, ижрочилик санъати овоз ва созлар талқинига хос турли хусусиятларни ўзида жамлайди. Қолаверса, муайян санъаткор асар талқинига ўз имконияти доирасида ижодий ёндошади. Бу омил ижрочиликнинг характерли хусусиятларидан бири бўлиб, ҳар бир намоянда ижро этаётган асарига қандайдир бир янгилик киритишга, асарнинг янги-янги қирраларини очишга интилади. Бу албатта, амалиётда ижрочиликнинг овоз ва соз талқини билан боғлиқ турли услублар ва йўналишларнинг вужудга келишига сабаб бўлади. Ҳар бир хонанданинг хонишига баҳо беришда биз кўпроқ унинг овози, ижро маҳорати ва савиясига эътиборни қаратамиз. Лекин, хонандаларнинг ижрочилик маҳоратларини аниқлашда бир қатор ўзаро боғлиқ жиҳатлар ҳам бор. Бу ўринда, яъни хонандаларнинг ижрода ички ва ташқи хусусиятларни назарда тутиб, мусиқашунос олима Ю. В. Кац қуйидаги сифатларни белгилайди:

а) ашулачида кучли бўлмаган ва умуман гўзал бўлмаган овози бор. Лекин, у нуқсонини сездирмай, ижрочилик имкониятларидан келиб чиқиб, талқин этиш воситаларидан унумли фойдаланади;

б) ашулачининг жуда гўзал овози бор. Унинг талқинини, ҳаттоки, ашула мазмунига эътибор бермасдан ҳам тинглаш завқли;

в) ижрочи ниҳоятда дилдан куйлайди;

г) техникавий жиҳатдан моҳирона ижро;

д) ижро жараёнида ашулачи ҳар бир сўзни тингловчиларга равон ва аниқ етказади;

е) ижрочида кучли овоз йўқ, ижро техникаси (малакаси) ҳам етарли эмас, лекин у завқ-шавқ билан куйлаши туфайли тингловчини ўзига ром этади;

ё) бор нарсани ўзгартирмай, ижро этади (тақлидчи);

ж) ижодий ёндошиб, янги жилолар билан ижро этади;

з) ашулачи ўртача истеъдод эгаси сифатида танилган, тушуниш мумкин тарзда ижро этади;

и) «яхши ижро этади», унинг ижроси тингловчининг кайфиятига мос келмаса, ҳеч қандай эътибор қозонмаслиги мумкин.

Бу хусусиятлар фақатгина ижрочининг (ашулачининг) овози, садолантириш услуби, мусиқа-оҳанг талқини ва сўз талаффузлари каби жиҳатларига оиддир. Шу билан бирга, булар эшитувчи томонидан бир тинглашда англаниши мумкин бўлган хусусиятлардир. Амалиётда эса, ижрочининг овоз имкониятлари, латифлиги ёки сакталиги, имкониятлардан фойдаланиш даражаси, «юраги» (дарди), илми, билими, савияси, яъни ашулачи сифатида ўзини англатувчи хусусиятлари муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш лозимки, кўп хусусиятли овоз талқинининг ўзи ҳам мусиқа ижрочилигида турли тарзда ифодасини топган.

Ўзбек миллий ашулачилигида фарқловчи овоз хусусиятларига, қолаверса, Ўзбекистон ҳудудларида кенг оммалашган хонандалик санъатини «овоз» турларига бўлиш ва нисбат беришда тадқиқотчи олим Д. Муллақандов ўз изланишларида алоҳида эътибор билан ёндошган. У мавжуд овозларни уч турга ажратади: «бинниги» (димогда ижро этиладиган), «гулиги» (асосан томоқ ёрдамида ижро этадиган) ва «ишками» (қорин бўшлиги асосида ижро этиладиган) овозлар. Олимнинг овозларни бу турларга бўлиши жуда ўринли. Лекин, Ўзбекистон ҳудудидаги ҳофизлар фаолиятларида фақатгина бир турга итоат этиб хониш қиладиган ашулачилар деярли учрамайди. Хонандаларнинг аксарияти икки услубда, қолаверса, қўшимча яна бир ижро услуби — сунъий (фальцет) йўл билан безаб, хониш қилишга ўрганганлар. Айниқса «гулиги» ижро услуби билан «ишками» кўпроқ қоришиб кетган. Бу ижро услуби амалиётда ҳам, тингловчилар орасида ҳам ёқимли, манзур ижродир. Айнан мана шу услубда ижрочилик йўлларини шакллантирган ижрочилар чуқур нафас, кучли тембр, кенг диапазон мобайнида янгроқ, тушунарли ва енгил садоли хонишга эга бўладилар. Бу ўринда Фаргона водийсида кенг оммалашган катта ашулачилар ижодини ёркин мисол сифатида келтириш мумкин.

Мусиқа ижрочилик санъати талқин билан боғлиқ усул-

ларнинг кўплиги, муқимлиги ва ўз ўрнида бир-бири билан боғланиб кетиши каби хусусиятларга эга. Ўзбек мусиқаси ижрочилик анъаналарининг маълум жабҳалари ҳам ушбу йўналишда талқин этишни тақозо қилади. Одатда, мумтоз мусиқа ижрочилиги, хусусан, хонандалик, қатор анъанавий хусусиятларга эга бўлса, улардан бири — талқин жараёнида овозни баланд-паст, бўрттириб, эркалатиб, куч билан, ёки хиргойи усулининг бир тартибга солиб талқин этилиши, яъни динамик ривожини таъминлаш мезони ҳисобланади. Бу хусусиятлар хонишда зарур бўлган амалларни ифодалашда муҳимдир. Ижрони меъёрига етказишда табиий овоз имконияти етмаган ҳар бир хонанда сунъий фальцет усулидан фойдаланади.

«Фальцет» — хонанданинг табиий овози имкониятлари доирасида чиқадиган сунъий овоздир. Бу усул Ғарб мусиқа маданиятида — вокал ижрочилигида кенг ва маълум тартибда қўлланилади. У ўзбек мусиқа ижрочилигида ҳам, айниқса, Хоразм ва Фарғона — Тошкент ижро йўлларига мансуб хонандаларнинг талқинида муносиб ўрин олган. Кўпинча хонандалар амалиётида қисман бу усулга мурожаат этиб, асарнинг авж қисмларида ундан фойдаланиб ижро этадилар. Айрим хонандалар эса ашулаларнинг авж қисмларини, энг юқори пардаларини табиий овоз билан талқин эта олмай, шундай ҳолларда фальцет усулй ёрдамида куйлайдилар. Лекин, бу усулни қўллашда хонанда овоз алмашиш амалларини моҳирона бажариши лозим. Унинг маҳорати ҳам ижро жараёнида табиий овоздан сунъий овознинг фарқини сездирмаслиги ва усулдан оқилона фойдаланишида намоён бўлади.

Юқорида келтирилган ҳамма турларда ижро этувчи намояндалар Ўзбекистоннинг барча маҳаллий ҳудудларида фаолият кўрсатиб келганлар. Улардаги мусиқий жанр хусусиятлари достон, мақом, катта ашула намуналари ижроси билан боғлиқ бўлса, оммалашган жойлари, анъаналари — ҳудудий жиҳатлар билан боғлиқ.

Ижрочилик анъаналари негизида фақат бир ашулачилик услуби туради, дейиш нотўғри. Чунки огзаки анъанага мансуб бўлган мусиқа меросимизнинг ижро жараёнлари ўзига хос шарт-шароит, жой ва макон билан ҳам боғлиқ. Шу билан бирга, мусиқа санъатининг намояндалари бир қатор жанрларнинг таргиботчиси — ижрочиси сифатида фаолият кўрсаттанлар. Мусиқа ижрочилари талқинида шиддат, завқ-шавқ, жозиба, юқори тембр, бадиҳагўйлик, сайқал каби жиҳатлар муносиб тизимини топиши учун ҳофизлар икки-уч ашулачилик мактаби усулларини билиши ва улардан ўринли фойдалана олишлари керак. Чунки, ҳар бир ашулачилик услуби ўзига хос ижобий ва салбий томонларига эга. Уларнинг ижобий хусусиятларидан фойдаланиш ижрочиликда ўз самарасини кўрсатади.

Ашула ижрочилиги одатда, товушни қай даражада талқин эта олиш омилига асосланади.

Товуш — турли шароит ва вазиятда турлича талқин этилади. Уни шунчаки ижро (тараннум) этиш мумкин. Шу билан бирга, уни майин, латиф, сержило сайқаллар билан безаб, характерли, гояли ва мазмунли талқин этиш ҳам мумкин. Шу ўринда хонанда ижро савиясини ифодаловчи талқин этиш услуби, ижро моҳиятини очиб беруvчи асарнинг ички ва ташқи дунёси, ижро таркибини англатувчи тузук тизимларининг мутаносиб ҳолда шаклланиш каби хусусиятларига идрокли ёндашса асар ижроси мукаммал талқинини топади.

Одатда, хонандаларни ижро маҳоратига кўра учга бўлиш мумкин:

а) ҳавас қилган устоз ёки кўнглига мос овоз соҳиби ижросига тақлид этадиганлар;

б) шунчаки талқин этадиганлар;

в) ўз овозини ҳар томонлама парваришлаб, турли ижро услубларининг энг гўзал жиҳатларини ўзлаштириб, доимо изланиш ва ривожланишга асосланган ҳолда шахсий талқинига эришган ижрочилар. Учинчи тоифадаги хонандалар азалдан алоҳида услуб яратишга, мустақил ижод этишга, шогирдлар тайёрлашга ва мусиқий мерос ривожига ҳисса қўшиб келганлар.

Ижрочиликда ҳар бир товушнинг мукаммал талқини — унинг мусиқий баландлигини аниқлаб, амалий воқелик билан боғлаб, сиртқи ва ташқи ҳис орқали куйлашдан иборатдир. Бу ўринда хонанданинг эшитиш қобилияти, мусиқавий зеҳни (слух), овоз миқёси каби шахсий имкониятларини англатувчи истеъдод қирралари асосий негиз сифатида муҳимдир.

Ашулачилик услуби ижрода асарнинг ички ва ташқи хусусиятини очиб беришда хонандадан нафақат мукаммал мусиқий товуш тараннум этилиши, балки бадиий-ғоявий ва фалсафий маънолар билан сугорилишини ҳам тақозо этади. Чунки бу жараён хонанданинг шаклланиши ва ўз ўрнини эгаллашида жуда муҳим.

Бизга маълумки, ашула ижрочилиги сўз ва куйнинг мутаносиб талқинига асосланади. Ранг-баранг товушлар мажмуасида вужудга келадиган мусиқий куй алоҳида ўз маъносига эга бўлади. Ўз ўрнида унга асосланган сўз матни ҳам муқим гояни ифода этади. Ашулачи эса куй ва сўзнинг бирлигини таъминлаган ҳолда ҳар икки омилнинг яширин мазмунини овоз талқинида оҳангга солиб, жонлантириб, куйлаш орқали очиб бериши лозим. Бу жараён хонанда талқинининг ҳар бир ҳаракати, садолантириши, сўзларни тўғри ва аниқ ифода этиши билан боғлиқдир. Ижрода бир товуш садосидан бошлаб куй ҳаракатининг барча жабҳаларидаги товушлар муносабати муҳим ва алоҳида аҳамият касб этади. Товушларнинг ўзаро муносабатларида — равон ҳаракат, сакрама ҳаракат каби оҳанглар алоҳида маъно касб этади.

Ижрочилик моҳиятини кўрсатишда хонанда ҳар бир асарнинг ички дунёсини тушуниб, унга кира олиши (ижрода ифодалаб бериши) муҳим. Шу билан бирга овоз имкониятларини, сифатини кўрсатишга, аввало, ўз ижросини ўзи тинглаши ва тўғри идроклаши лозим. Бу жараён ҳам қатор ўзига хос хусусиятлар билан боғлиқ бўлиб, унда асосий мезон ижрода асарнинг куй равонлиги; унинг бўлак-бўлакларига алоҳида эътибор билан, якунларини бўрттириб кўрсатиш; матнни идрокли талаффуз этиб, бўгинларга бўлишда маълум қоидаларга асосланиши; асарнинг тузук ва ритмик жиҳатларига эътибор билан ёндашиш муҳим. Ушбу хусусиятларни (сифатларни) хонанда назарда тутиб, мумкин даражада уларга риоя қилса, ижро моҳияти ифодасини топади.

Асарнинг умумий гоясини ифода этишда мусиқа ва сўзнинг мазмуни, уларнинг оҳанг воситасидаги талқини, куй ривожининг погоналари, динамикаси, ҳар бир куй ва сўз жумлаларининг бошланиш ҳамда тугалланиши, куйнинг метроритмик жиҳатлари билан уйқашлиги хонанданинг билими ва имкониятлари даражасини англатадиган томонларидир. Ана шу жараёндаги барча хусусиятлар уйқаш ҳолда асарнинг ички ва ташқи дунёсини ифода этиш учун лозим бўлган мусиқий омиллардир.

Мусиқий асарнинг талқини, сўздан (матндан) мустасно ҳолда, ўзининг ички қонуниятларига бўйсуниши ҳаммага аён. Бу қонуниятлар товушқатор, усул, тузук, тургун товушлар ва куйнинг таркибий шаклларн билан характерланади ва бевосита «ижро таркиби»ни ташкил этади.

Одатда, ҳар бир мусиқий асар маълум товушқатор тизимида намоён бўлади. Унинг қай даражада ифода топиши бастакор, қолаверса, ижрочи талқинида жонланади. Мусиқий намуна жонланиши асарда мужассам топган товушларнинг тузук таркибидаги ўзаро боғланишига асосланади. Лекин, бу боғланишларда ҳар бир куй бўлаклари (жумлалари) алоҳида-алоҳида ва асар доирасида жумлаларнинг бир бутунликда таркиб топишида товушқаторнинг асосий ва ёндош товушларини мутаносиб таркибланиши муҳим мезондир. Ушбу маънода халқ ва мумтоз мусиқа ижодиётида мавжуд бўлган жанрларнинг (мақом, достон, катта ашула, сувора, ашула, қўшиқ ва ҳоказо) ҳар бири ўз таркиб(шакл)ларига эгадирлар.

Халқ мусиқа ижрочилигида — айниқса, бадиҳагўйлик, эркин талқин услубига асосланган ижро турларида асар таркиби қисман бўлса-да, ўзгаришларга учрайди. Лекин, асосий таркибий қисмнинг негизий тизимини шакллантирувчи тургун товушлар, ҳаракатдаги турғун товушлар уларнинг ривожланиш жараёни ва тугалланиш жабҳалари асосланган ҳолда гавдаланади. Бу, албатта, «ижро таркиби»нинг негизини ифодаловчи омиллар.


Ҳар қандай мусиқа асарининг талқинида юқорида кўрсатилган ижро савияси, моҳияти ва таркибий сифатлари қанчалик аниқ ва тўла ифодасини топса, ижро талқини шунчалик ўзининг мукаммал кўринишига эга бўлади.

Соибжон БЕГМАТОВ,
мусиқашунос.

Чингиз АҲМАРОВ

МОСКВАДА

ИЗЛАНИШ ЙЎЛЛАРИ



1942 йил* охирларида диплом ёқлаш ишлари бошланиб кетди. Бу — бизга, албатта, байрам эди.

Олтмишга яқин дипломантлардан ўнтамиз аъло баҳо олдик ва институтимиз қошидаги аспирантурага қабул қилиндик.

Қувонч устига қувонч қўшилди: немислар Москва остонасидан қувилиб, эвакуация қилинган институт ҳамда ташкилотлар ўз жойларига қайтарила бошланди. Бизнинг институт биринчилар қаторида 1943 йили Москвага қайтарилди.

Яна пойтахт ҳаёти бошланди. Менинг аспирантлик иш мавзуим келгусида Тошкентда қуриладиган Алишер Навоий номли Адабиёт музейига композициялар ишлаш эди.

Кутилмаганда, ҳеч-ҳеч кутилмаганда санъат соҳасида мен мутлақо тушуниб етмаган галати ҳодисалар содир бўла бошладики, ўша кунларни эслагудек бўлсам, ҳануз кўнгил ўксинади. Масалан, ҳеч нарсадан ҳеч нарса йўқ, домлам Игорь Грабарь олийгоҳ раҳбарлигидан олиниб, фақат Фанлар академиясига қарашли Санъатшунослик институтида илмий ишини давом эттиришга рухсат беришди. Иккинчи домлам, профессор Н. М. Чернишевни эса пенсияга чиқариш баҳонаси билан умуман институтдан четлатишди. Бошқа талай профессорлар ҳам шу зайлда таълим-тарбия ишларидан узоқлаштирилиб, таълим-тарбияга, санъатга дурустроқ тушуниб ета олмайдиган Фёдор Модоров институтга раҳбар этиб тайинланди. У кўзга кўринарли санъат ва илм арбобларини ишдан бўшатиб, ўз тартибларини жорий қила бошлади.

Шундай қилиб, тасвирий санъат соҳасидаги сиёсат Александр Герасимов, унинг атрофини қуршаган рассомлар ва санъатшунослар тўдаси қўлига тушиб қолдики, бу тўда дунё тасвирий санъатидаги энг ёруг саҳифаларни ташкил этган импрессионизм оқимига қарши кураш билан майдонга чиқди. Оврупо ва Франциянинг ўлмас асарлар яраттан импрессионист рассом-санъаткорлари Клод Монэ, Эдуард Манэ, Огюст Ренуар ва уларнинг маслакдошларига менсимасдан қарашди, уларни санъат тарихидан бутунлай олиб ташламоқчи бўлишди. Дунёдаги «Ғарбнинг янги тасвирий санъат музейи» («Музей новой западной живописи») каби энг бой музейларидан бири — Совет Иттифоқи тасвирий санъат музейларининг энг ёрқини ёпиб қўйилди ҳамда унинг бебаҳо хазина — экспонатлари қутиларга жойланиб, етўлаларга ташланди. Кропоткин кўчасидаги музей биноси эса Бадиий академия раёсатининг асосий биносига айлантирилди.

Бу вақтлар, 1943—1944 йиллари институтдан четлатилган Игорь Грабарь огир шароитларни бошдан кечираётган бўлишига қарамай, аввалгидек ўзига хос қайсарлик билан Навоий музейи эскизлари устида аспирантлик ишини давом эттираверган шогирди — менинг ишимни маъқуллаб турди. У ҳақиқат ҳамиша курашларда, қарама-қаршиликларда етилишини исботлаётгандай хато ва ўткинчи муносабатларни огирлик билан енгди, мен — шогирдини бир дақиқа бўлсин, эътибордан қочирмади, ёрдам қилишга тиришди.

Собиқ Иттифоқнинг энг катта меъморларидан бири, Москвадаги Қозон вокзали ҳамда Владимир Ильич Ленин мақбараси лойиҳасининг муаллифи, академик Алексей Викторович Шусевга ижодим тўгрисида гапириб, Тошкентда қурилаётган Алишер Навоий номли Катта академик театр биноси интерьерларини безашда менинг қатнашишимни маслаҳат берибди. Ишларим билан танишиб чиққач, у домламнинг таклифини қабул этди ва асарларимни Ўзбекистон ҳукумати раҳбарларига маълум қилиб, рухсат олди, шекилли, Алишер Навоийнинг «Хамса» асари бўйича театрнинг иккинчи қават айвонига тўртта кўп фигурали ва биринчи қават айвонига тўртта бир фигурали мансубалар ишлашни топширди.

Юрт нотинч, элнинг энг азамат фарзандлари гитлерчилар билан ҳал қилувчи жанглар олиб бораётган бир пайтда бу ерда ҳам меҳнат жанги бошланди, театр қурилишида сон-саноқсиз одамлар қатнашар, жуда кўп уста ва рассом, наққошлар қўли-қўлига тегмай ишларди. Ҳозирда сиз кўриб турган Алишер Навоий номли театр биноси ана шу зайлда қад кўтарган эди.

40-йиллардан Алишер Навоий ижодига жуда қизиқа бошлагандим. Шунинг учун бу ишда иштирок этиш имконияти бўлганидан бор меҳримни сарфладим ҳамда 1944 йил август ойида бошлаган ишимни 1947 йил ноябрь ойида тугаллашга муваффақ бўлдим.

1948 йили Навоий театрини безашда иштирок этган қатор усталар ва рассомлар СССР Давлат мукофоти билан тақдирланди, лойиҳа муаллифи Алексей Викторович Шчусев, Бухоро залини безатиш муаллифи Уста Ширин Муродов, Тошкент зали безаги учун Тошпўлат Арслонқулов, Хива зали безакчиси уста Абдулла Болтаев, Самарқанд ҳамда Термиз заллари безаклари учун уста Қулиев, Самарқанд усталари (сангтарошлар) ака-ука Жўраевлар ва менга СССР Давлат мукофоти топширилди.

Шу тариқа И. Э. Грабарь раҳбарлигида бу ишимни 1958 йили Москвадаги Суриков номли институт аспирантурасида санъатшунослик фанлари кандидати илмий даражасини қўлга киритиш билан якунладим. Аммо Игорь Грабарь ҳануз Суриков номли институтга қайтмаган, илмий даргоҳга эса ҳамон Модоров раҳбарлик қилар, санъат соҳасида ўзининг сиёсатини давом эттирарди.

КАМТАРИН ИНСОН, ТЕРАН ОЛИМ

Алишер Навоий номли академик театрида ишлаган пайтим ижодимга ижобий таъсир кўрсатган ажойиб олимлардан бири Ўзбекистон ССР Тарихи музейи илмий ходими Турди ака Миргиёсов эди.

Театр қурилишида қизгин иш бораркан, чанг-тўзондан сақланиш учун ўзим ишлайдиган жойни каттакатта фанер билан ўраб олиб чизардим. Бу усталарга

*Охири. Боши ўтган сонларда.

қандайдир сирли кўринаркан. «Унинг бекиниб олишида бир гап бор-ов, секин қараб кўр-чи, нима қиляпти» деб қай бир усталар шогирдларини жўнатарканлар. Болалар тешик топиб, бир кўзлаб мўраласалар, мен ҳеч қандай сир-асрорсиз — одатдагидай бўёқ, қалам билан ишлаётган бўлар эканман. Кейинчалик усталарнинг ўзи буни менга айтиб беришганди.

Ишим шу тариқа давом этаркан, баъзи нарсалар, масалан, миллий кийим-кечаклар тасвирида тўхталиб, ўйланиб қолардим, этнографик билим-тушунчаларим саёзлиги мўйқаламни дадил юргизишга халақит берар, нима қилсам экан, деб ўйга толардим. Бу вақтда Ўзбекистон Санъат музейи директори бўлиб ишлаётган Шамсирўй Ҳасанова ўйчанлигимни кўриб, сўзларимни эшиттач, Тарих музейи ҳақида, унда этнографик билими кенг Турди ака деган одам борлигини айтиб қолди. Мен оёқни қўлга олиб, дарҳол ўша ёққа югурдим.

Шу-шу, ишим бир ёқлик бўлгунга қадар Тарих музейи билан Навоий театри орасида бўзчининг мокисидай бориб-келишни тарк этмадим.

Турди ака мени очиқ қарши олар, саволларимга кенг ва атрофлича жавоб берар, халқ урф-одатлари, маросимлари, яшаш тарзи, касб-корлар ва ҳоказоларнинг пайдо бўлиш сабабларидан бошлаб тараққиёт йўллари, истеъмол-ишлатиш, шакл-кўринишлари, мазмунигача, миридан-сиригача таъриф-тавсифлаб берарди. У Шарқ халқлари тарихи, Эрон тарихи, хусусан, туркий халқлар тарихи, маданияти ҳамда бошқа сифатларининг ажойиб билимдони эди. Шарқ, Ўрта Осиёнинг миллий хусусиятларини ўзида мужассам этган бу тафаккури кенг одам ҳамма-ҳамма нарсага тўғри, асосли жавоблар топа олар, ҳайрон қоларли даражада энциклопедик билимга эга эдики, уни Шарқ халқлари этнографиясининг ишонч-ҳужжати, деб аташ мумкин эди.

Музейга сўроқлаб борганимда, мен билан дарҳол суҳбатга тушиб кетар, ўтмиш хотираларига шўнғиб, хаёлан кўп жойларни кезар, мен эса чурқ этмай ҳикояларини тинглашни яхши кўрардим.

Тошкентда туғилган Турди ака кўп йиллар Тўқмоқда яшаган экан.

Ўша йиллари Тўқмоқ катта савдо маркази бўлиб, бу ерга Еттисув вилоятидан қозоқ бойлари мол келтирсалар, Тошкентдан турли сабзавот ва мевалар чиқар, рус савдогарлари эса мануфактура, чинни идишлар билан олди-сотди қиларканлар.

Ривоятларга қараганда, Турди ака бир татар муаллимага муҳаббат боғлаган. Қиз ҳам унга мойил бўлиб, бир қанча муддат улар руҳий мулоқотлар билан яшаганлар. Турди ака кенг билими, инсонга чуқур меҳр-муҳаббати туфайлими ёки камтар-камсуқум, уятчанлиги туфайлими қизга — турмуш қуришни таклиф қилиб, сўз айтишни бир қанча муддатлар кутиб, оғзини пойлаган гўзалга изҳори дил қилолмайди. Қиз эса умидини узиб, турмуш қуриб кетади. Бундан қаттиқ таъсирланган Турди аканинг ҳаётдан кўнгли совуб дилида бошқа аёлга меҳр уйғонмаганиданми умрини ёлғизлик билан ўтказади ва қўққисдан юрак касали билан вафот этди.

Бугун ҳеч бир дипломсиз, аммо илм денгизига энг чуқур шўнғиган бу камсуқум одамни хотирларканман, ўзбек адабиёти, санъати, тарихи, халқ этнографиясини сингдириб-тушунтириб, театр қурилишининг бошдан-охиригача менга ижодий консультант-устоз бўлган десам, хато қилмайман ва унга бўлган ташаккурим, меҳр-муҳаббатим қалбимда абадий яшайди.

ГАПНИ ГАПИР УҚҚАНГА

Суриков номли институтда диплом ҳимоялари кетаётган паллаларда Н. Белякова деган қизнинг ҳимоясида қатнашиб қолдим. «Ленин ва Крупская Швецарияда» деб номланган бу ҳимоя яхши бораётган бир чоғда, нимаси биландир товуқни эсга туширадиган ижтимоий фанлар кафедраси мудири ўрнидан тез туриб:

— Ўртоқлар! Ленин ва Крупская тасвирланган расмда нега «Правда» йўқ, рассом шу ерда катта хатога йўл қўйган, — деди томдан тараша тушгандай.

Ўтирганлар ҳайрон бўлиб, президиумдаги давлат комиссиясининг раиси, СССР халқ рассоми Сергей Васильевич Герасимовга қаради. Сергей Герасимов бир ҳимоячи қизга, бир йигитларда бўлса-бўлмаса ўзини намойиш қилаверганидан ҳаммага танилиб кетган луқма ташловчига қаради-да:

— Сиз расмга яна қайта қарашингиз керак. Унда «Правда» газетаси бор. Фақат Надежда Константиновна уни илгарироқ анови кийим солаётган чемодан тагига жойлаб қўйган-да, — деди.

Залда кулги кўтарилди. Луқма ташлаган кафедра мудири афтини ўзгартмай кулаётганларга қараб ўтираверди...

Кунлардан бирида ректор Ф. М. Модоров мени чақириб, қандай иш қилаётганим билан қизиққандай бўлди. Навоийнинг кимлигидан, шеъриятидан, қолаверса Ўзбекистон, умуман Шарқ маданиятидан бутунлай бехабар бу одам ишларимни бир оз кўриб, менга ўзича «фойдали маслаҳатлар» берди.

Институтдаги тобора кескинлашаётган қарама-қаршиликларни ҳеч тушуниб бўлмас, қадимгидек ўзимга хос қайсарлик билан тиришиб ишлаб турган бир пайтда — 1944 йил бошлари — баҳорда институтдан четлатилган Игорь Эммануилович мени чақириб, юқорида эслаганимдек, академик А. В. Шусевга расмлар кўрсатишим зарурлигини айтди.

Август ойида Тошкентга келдим. Олдин «Шарқ» меҳмонхонасида, сўнг театрнинг ўзида яшадим. Қачонлардир магазин бўлган чоғроқ хонани яшашга, ёнидаги каттарогини эса устахона учун ажратиб бердилар. Дарҳол эскизлар ишлашга киришдим.

Бу пайтга келиб театр биноси асосан битган, безак ишлари халқ усталари раҳбарлигида давом этар, фойелардаги деворлар ҳам ганчкорлар томонидан безатилиб, композицияларим учун жойлар бўш қолдирилган эди. Театрни безатиш ишларига мутасадди-назоратчилик ўша вақтдаги Тошкентнинг бош меъмори С. Н. Полупановга топширилган бўлиб, у ўз дунёқараши ва санъатни тушуниш даражаси билан менга фақат халақит бера бошлади, Масалан, нима иш қилишимдан қатъи назар, ҳаммасини қайтадан ишлашни талаб қиларди. Бундай тутуруқсизлик тезда жонимга тегиб, мен эскизларимни жўнатсам, ўша ёқда кўриб ўзларингиз баҳо берсангизлар, дея Шусевга мактуб жўнатдим. У таклифимни маъқуллади, эскизларимни Москвага жўната бошладим, кўп ўтмай Шусевдан ишларим маъқулланганини билдирувчи телеграмма ва хатлар олдим. Ҳозир ўша телеграмма ва хатларни асрамаганимга жуда афсусланаман.

Орадан бир оз ўтгач эса, Шусев бир гуруҳ меъморлар билан Тошкентга келди. Эскизларим Халқ Комиссарлари Советида муҳокама этилиб тасдиқланди.

Одам ҳайрон қоласан, ҳар қачон ва ҳамма жойда, айниқса муҳокама чоғларида тутуруқсиз ва гайритабиий саволлар ёки таклифлар билан кўндаланг чиқиб турадиганлар албатта топиладики, асабларинг ўз-ўзидан таранглашиб, беихтиёр иссигинг кўтарила бошлайди.

Эскизларим таҳлил, тасдиқ этилаётган бир пайтда паст бўйли, тўладан келган малласоч, кўзойнакли аёл ўрнидан тура солиб:

— Ўртоқлар! Мен рассом темасини атрофлича ёрита олмаган, деб ҳисоблайман. Чунки республикамиз жуда ҳам бой: бизда қовун ва тарвузлар кўплаб етиштирилади, рассом эса на бирорта қовунни ёки тарвузни тасвирлайди. Шу сабабли ҳаммасини қайтадан ишлаш керак. Ўртоқ рассом! Нега қовун ёки тарвузни тасвирламагансиз?

Ҳайрон бўлиб қолдим. Ахир, бу гапга нима дейиш мумкин? Йигилганлар жим, баъзилар менга қараб кулимсирайди. Аёлга юзланган А. В. Шусев дарҳол ўрнидан турди:

— Бу эскизлар қишлоқ хўжалик кўргазмаси учун эмас, аксинча Алишер Навоий номли академик театр безаги учун чизилган, тайёрланган. Шу сабабли бу ерда қовун, тарвуз ва бошқа сабзавотларга на ҳожат!

Шундай пайтларда, русларнинг «Дураков не сеют, они сами растут» деган мақоли эсга тушади.

Умрим давомида ўз ишларимни тасдиқдан ўтказишдан ташқари, бадиий кенгаш аъзоси сифатида бошқа асар-расмларни таҳлил этишга, баҳолашга тўғри келарди. Аммо аҳмоқона чиқиш билан ишга гов бўладиган бир-икки тентак албатта топилишининг, хоҳлайманми-йўқми, албатта, гувоҳи бўлиб турардим.

Эллигинчи йиллар охири, олтмишинчи йил бошларида мен Москвадаги Декоратив санъат комбинатида бадиий кенгаш раиси муовини бўлиб хизмат қилдим. Комбинатга Иттифоқимиз шаҳар-қишлоқларида декоратив санъат ишларини юритиш вазифаси юкланган бўлиб, жойларда ишланган асарларни қабул қилиш кенгаш аъзоларига топширилар, улар буюртмани ташкилотларга етказиб берар эдилар.

Кунлардан бирида менга Пятигорскка яқин бир район марказида қурилган маданият уйи учун ишланган фреска композицияларини қабул қилиш ва буюртмачи ташкилотга етказиб бериш вазифаси юкланди. Халқ амалий санъати асосида яратилган, фикрга бой, образлари ёркин ва гўзал, янги композицион қурилиши билан кишини дарҳол жалб қиладиган бу асарни олдиндан тасдиқдан ўтган эскиз бўйича ёш ва талантли эр-хотин рассомлар амалга оширгандилар.

Мен маданият саройида расмларни кўздан кечирар эканман, ёш рассомларнинг муваффақиятига иқрор бўлдим. Бир вақт баланд бўйли, кўкракдор, гўзал бир хоним — кўринишидан шаҳар раҳбарларидан бири дарғазаб қиёфада кириб келди. Менга кўзи тушиши билан оғиз очишимга ҳеч қандай имкон қолдирмай сўзларни қалаштириб ташлади.

— Мен бу чапламани муҳокама қилиш эмас, балки йўқотиш керак, деб ҳисоблайман. Сиз бадиий кенгаш раиси ўринбосари сифатида бу чапламани девордан олиб ташланганини идорангизга етказишингиз керак!

Аста бош чайқадим, унинг таҳқирлари селига чўмилаётган ишларни ҳимоя қилишга тиришдим. Композициялар ёш ижодкорларнинг дастлабки изланишларидан эканини, улар ўз расмларини машҳур профессор Бордиченко раҳбарлигида ишлаганларини, халқ санъати — орнаментга асосланган бу эскизлар шаҳар раҳбарлари иштирокидаги бадиий кенгашда яхши баҳо билан қабул қилинганини бирма-бир тушунтирмоқчи бўлдим. Лекин аёл гапимга заррача эътибор бермади.

— Шундай, сиз жўнашингиз билан бу чапламани улоқтириб ташлаймиз.

Жаҳлим чиқди. Важоҳатидан аёл аҳмоқона гапларни жоҳиллик билан амалга ошириб қўйиши ҳеч гап эмас. Унда, биринчидан, тасвирий санъат яхши бир асардан айрилса, иккинчидан, ёш ижодкорларнинг гуллаб келаётган ижодига путур етиши мумкин.

Мен хотинни қўрқитишга мажбур бўлдим.

— СССР Бадиий Академияси Президиуми маъқуллаб тасдиқлаган эскиз асосида бажарилган бу ишни йўқ қилишга ҳеч ким сизга рухсат бермаган. Мабодо асарга қандайдир зиён етгудек бўлса, унда бу иш билан СССР Бадиий Академияси Президенти, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, академик Николай Васильевич Томскийнинг ўзи шуғулланади.

Аёл ўйланиб қолди, бир 'оздан кейин эса афтини тириштириб, хунук илжайди.

— Нега буни менга олдинроқ айтмадингиз. Мана, энди расм менга ёқа бошлади...

Шундай, бир оз ёлғон ишлатиб бўлса ҳам, яхши асарларни жоҳил одамлар чангалидан қутқариб қолишга баъзан мажбур бўлдим. Ҳаётда шу каби ҳодисалар ҳам бўлиб турар экан.

Афсус, яна афсуски, бадиий кенгашларда яхши қабул қилинган мана шундай айрим монументал асарлар (маданиятсиз хўжалик раҳбарлари томонидан) биноларнинг биринчи ремонтидаёқ йўқотилади.

Ошиққа маъшуқасига бўйинбог боглаб, шимини даз-



Чингиз АҲМАРОВ.
Ўзбекистон халқ шоираси
ЗУЛФИЯ портрети.

моллаб, сочини тараб, соқолини қиртишлаб кўриниш зарурлигини айтиш ўта жўн, бемаънилик экани оддий ҳақиқат.

Ҳурматли санъатшуносларимиз кўпинча ўргатишга тиришадилар, мен эса уларнинг ўрганишларини орзу қилардим. Санъатшунос ҳаёт ва санъатга ҳамиша уйғоқ қалб, уйғоқ идрок билан қарашини, назарий, ақлий, ҳиссий бойликларини ҳаракатлантириб туришини ҳамда ҳаммасини санъатга сарфлашини истар эдим.

Эртакларимиз қаҳрамонлари — тўнғич ботирлардек унча жон койитмаса ҳам бўлаверадиган осон йўлни танламай, кенжатойлардек муваффақият фақат кучли курашлар, тўқнашувларни сабот-матонат билан енгиб ўта олгандагина қўлга кирадиган нарса эканини тан олиб, йўлга отланишлари — дадилроқ изланишларини истар эдим. Мен ижодкорларни халқнинг кенжа ботирларига ўхшатаман. Ўз навбатида ҳақиқий санъатшунослар ҳам ижодкор, улар ҳам «борса-келар»ларда юравермай, кенжа ботирлардай иш кўришларида муваффақиятлар тилайман.

Хотираларни ёзиб олувчи
Убайдулло СОДИҚ.

ҚАДРДОН, МИСЛСИЗ УЛУҒ РАССОМ ЧИНГИЗ ДОМЛАГА!

Шону шуҳратга муносиб халқнинг шони Чингиздур,
Ижодлари оқар дарё, юрак қўри денгиздир.
Хаёлий у гўзал суратларин кўп мақтасак оз,
Барчамизга маъқул тушган сизнинг зўр дидингиздур.

Сиз табиат бойлигини шунча кўркам кўрсатиб,
Дилрабо суратларингиз лаззатин ҳар эл тотиб,
Минг мароқлар билан доим ёд этар ўзбек эли
Чарчамаслар сизга доим куй айтиб, куйлар битиб.

Сиз бирлан фахр этарлар ёру дўстлар яйрашиб,
Куйчилар булбулнамо куйлашни истар сайрашиб,
Офтобдек нур сочарсиз шаклу хулқ бирлан ҳамон.
Фахр бирлан мақтанармиз қайнашиб, диллар тошиб.

Сўзларингиз мунча юмшоқ, дилга монанд тўғри тил,
Қўлларингиз хўп чеварким, соф ҳаводек тоза дил,
Кўп ҳароратли талантсиз, сўзларимнинг бори рост,
Чунки сизнинг қўлингиз гул, босдингиз олга дадил.

Гул билак, тоза юрак, ўткир тилакли сиз ҳамон,
Баъзи бирлар сизга озор бермаги ҳам бегумон.
Бир кўриб суҳбат қилишда англадимки ҳар нафас —
Сиз эрурсиз одамизотларга беҳад меҳрибон.

Бир куни меҳмон бўлиб уйга атайлаб келдингиз,
Барча рассомлар ичида бебаҳоси эрдингиз,
Мақтадим, кўкка кўтардим сизни мен кўрган ҳамон,
Ҳой Ҳалима мақтаманг кўп, арзимайман, дердингиз.

Кимни мақтай, сиздан ортиқ бир сураткаш кўрмадим,
Сизга ўхшаш қалби вайрон битта дилкаш кўрмадим.
Бефаҳм, дардсиз, қуруқлар, суҳбати маъқул эмас,
Банд хаёллар бирла танҳо бир дили гаш, кўрмадим.

Берсалар гар сизга озор ким, юраги тошлик,
Баъзи ёшлар ранжитарлар чун қилиб бебошлик,
Шу гўзал барно парилардек шаклингиз нур, бебаҳо
Не учун жаннат Ватанда шу кўзингиз ёшлик.

Сиз хаёлда чин париваш қизларни тасвир этиб,
Жон беролмай ул париларга яшарсиз қон ютиб,
Шу хаёлар бирла ўтди умрингиз олтмишгача,
Фойда топдингизми? Шунча қийналиб, танҳо ўтиб?

Ухлаёлмай, яйрай олмай, роҳату ёрдан кечиб,
Уйқусиз тунлар эзар, танҳо ётарсиз ишқ ичиб,
Худди жон кирган каби жононаларга термилиб
Балки йигларсиз ҳамиша кўрпаю ёстиқ кучиб.

Гар хаёлингиздагилар ролларимга келса мос,
Вақтингиз ва хоҳишингиз бўлса бор бир илтимос.
Айлаган меҳнатларим ёндилар, кул бўлдилар,
Кулни гул айлаш улуг зот, мендаги бу зўр ҳавас.

Лайли, Зуҳраю Ҳалима, ҳам Ширин йўқ бўлдилар,
Гулсара, Норгул, Баҳор, Қумри аламга тўлдилар.
Ушбу барбод ролларим истар нажот сиздан нетай,
Тушда, ўнгдаю хаёлда... на мени тинч қўйдилар.

Ҳаммадан ҳам вақтингизни олмоғимдан койинманг,
Гар қизиқмас бўлсангиз, рост айтинг, пушаймон еманг,
Шунчалар орзу қилувдим, бўлмасин сизга малол,
Қийнаманг ҳеч ўзни асло, у хафа бўлгай деманг.

Бу Ҳалима сизга содиқ, хоҳ бўлсин, бўлмасин,
Минтга кирсин! Олқиш олсин! Чингизимиз ўлмасин!!!

Тошкент.
1971 йил, 1 сентябрь.

МИННАТДОРЧИЛИК МАКТУБИ

ҚАДР

Мустақиллик шарофати билан истеъдодли санъаткорларимизга эътибор кучайди. Қатор хонандалар, созандалар, актёрлар, ўқитувчиларга фахрий унвонлар берилди. Куни кеча матбуотда эълон қилинган «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони қалбларимизни тўлқинлантириб юборди. Илло, барча ислоҳотлардан кўзланган мақсад инсонга муносиб турмуш ва фаолият шароитларини яратиб беришдан иборатдир.

«Нархлар эркинлаштирилиши ва пулнинг қадрсизланиш даражаси ортиб бориши муносабати билан даромадларнинг энг кам ва ўртача даражасини мунтазам ошириш ижтимоий ҳимоялаш чора-тадбирлари тизимидаги энг устун йўналишлардан бўлиб келди ва шундай бўлиб қолади», — деган эди Президентимиз И. А. Каримов. Юртбошимизнинг юқорида зикр этилган Фармони бу фикрни ёркин ифодалаб турибди.

Йиллар ўтаверади. Аминманки, Ўзбекистон яқин йиллар ичида ҳар томонлама ривожланган, камол топган буюк давлатга айланади. Президентимизнинг биз педагогларни моддий жиҳатдан қўллаб-қувватлаганлигини, юксак қадрлаганлигини сира-сира унутмаймиз.

Равшан ҲАМРОҚУЛОВ.
Самарқанд Давлат университети,
халқ чолғу асбоблари
кафедраси доценти,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган
маданият ходими.

ВАТАН БИЛАН АЛОҚА

Ўтган воқеалар кўрсатиб турибдики[1], Жўра қори она юртини, азиз миллатини доимо севиб, соғиниб, «Қачон унга мушарраф бўлар эканман, қачон биз ҳам бошқа миллатлар қаторига кириб, дунёнинг бошқа инсонлари сингари гоз юрар эканмиз», деб юрарди. Қори қўлидан бирор бир иш келмаса ҳам, оёғи куйган товуқдек, у ёқ-бу ёққа югуриб-елиб юрар эди. 1961 йили август ойида Покистоннинг Карачи шаҳрида эканлигида Тошкент радиосини эшитиб қолади. Унда «Сайқал» мусиқаси билан тараладётган Ватан овозини эшитади. Радиодан билишича, Тошкентдан Ватан чақиригини эшитади. У ўзида йўқ хурсанд, бехосдан ўзича «Лаббай, она-юртим!», «Лаббай, миллатим», «Шукр, бор эканман, соғ бўл, бор эканман» деб юборади, ўзига. У ўзи шундай дейди-ю, бу муждани ватандошларга билдиради, уни кўпчиликка эълон қилади. Буни эшитган баъзи ҳамшаҳарлар хурсанд бўлса, баъзилари «бу коммунистнинг овози, унга жавоб берсанг гуноҳ бўлади, балога қоласан» дейишарди. Чунки ҳамшаҳарларимизнинг ҳаммасини Ватандан жуда чўчитиб қўйишган эди. Шунга қарамай, қори Тошкентга хат ёзишга тушади, улардан китоб сўрайди, ўзбекча алифбо сўрайди. Уларни олгач, ўзбек алифбосини сал кунда ўрганиб олиб, зарур асарларни аввал ҳижжалаб ўқий бошлайди. Сал ўтмай тез ўқийдиган бўлади. Бу асарларни бошқа мамлакатдаги ватандошларга ҳам тарқатади. Кирилл ҳарфини билмаганларга ўқишни ўргатади.

Шундай қилиб Жўра қори Саудия Арабистони, Туркия ва бошқа мамлакатларда истиқомат қилаётган ўзбек ватандошига, аввало, мусиқа эшиттириб, сўнгра алифбони ўргатиб, китоб тақсим қилиб, маърифатчилик вазифасини ўтаб юради. Мамлакат билан яхши муносабат қуриб олиб, сўнгра, юқорида айтилганидек, йигилишларга таклиф қилади. У даврларда — 1961 йилларда, Ўзбекистондан борган ҳожиларни «Қизил ҳожилар» деб улар билан алоқа қилинмай, муносабатда бўлмас эдилар. Ҳатто уларга нафрат билан қарашарди. Ўшанда 1961 йили бўлса керак, муфти Зиёуддин Бобохонов билан бирга борган йигирма икки ҳожини Тоифда, ўзи мудир бўлиб турган «Фундуқ ус-салом» — «Тинчлик меҳмонхонаси»да кутиб ҳар бир ҳожига ўз ёнидан анчагина маблағ ҳам сарф қилади. Улар харажатига пул тўлатмайди. Ахир йигирма икки ҳожининг сарф-харажати ўзи бўлмайди. Бу воқеанинг шоҳиди бўлган ва улар ичида ўзи ҳам бўлганларнинг бир қисми ҳозир ҳаёт.

[1]Давоми. Боши 4-сонда.

ВАТАНДОШЛАР БАҲСИ

Маълумки, чет элларда ҳар хил сиёсий қарашли кишилар бўлади. Туркистонликлар ҳам ана шу кўринишдан холи эмаслар. Пантурончилар, пантуркчилар, пантуркистончилар, исломчилар, турк-исломчилари ва бошқа турли гуруҳлари бор. Буларнинг, ҳаммасининг дунёқарашларини биз ўнг қарашли жамиятлар — ўнгчилар, деб атаймиз, дейди қори. Сўлда ё ўта сўлда ҳеч ким йўқ эди . Аммо ўртанинг сўлида эса мен ва ўзларига реалистлар деб вақтинчалик сиёсий от тақиб олган фикрдошларимиз ҳам бор эди.

Хуллас, ўша кезларда мафкуравий тортишув ҳам жуда қизиб кетади. Ҳатто катта давлатларнинг сиёсий органлари ҳам буларга қизиқишиб қолишади. Ўзбекистон ва бошқа қардош жумҳуриятларнинг эшигини юзимизга очади. Ўзбекистон «Ватан» жамияти, у ташкилотнинг органи «Ойдин» газетаси, чет элда биз, реалистлар қўлни-қўлга бериб, капиталист дунёда истиқомат қилаётган ватандошлар билан социалистик дунёдаги ватандошлар ўртасида маданий алоқа ўрнатишга муваффақ бўлдик.

Мана шу йўлдан кўп сонли ватандошлар юртга келди. Юрт ичкарисидан ватандошлар чет элларга чиқадиган бўлишди. Бу талқинларимиздан, ютуқларимиздан ёлғизгина ўзбеклар эмас, қозоқ, қиргиз, тожик, туркман, қорақалпоқ, татар, ҳатто уйғур биродарларимиз ҳам фойдаланди. Мисол учун қозоқ ватандошларимиздан домла Халифа Олтой анча хайрли ишлар қилди. Мана шу кишига ҳам, — дейди қори ака, — биз талқин қилиб Урдун (Иордания) пойтахти Аммонда 1964 йили қозоқча алифбони ўргатган эдик.

Жўра қорининг гапига қараганда, юқоридаги шов-шувларни эшитиб, кузатиб турган АҚШ ҳам бефарқ қолмади. Чунки туркистонликлар Америкадан ҳеч қандай мадад олмаган ҳолда доимо советларнинг қилишларини гапириб, онгли ё онгсиз равишда АҚШ тарафини тутиб келмоқда эдилар. Булар дунёда катта шов-шув яратиб турганини инкор этиш мумкин эмас.

— АҚШ қараса, — дейди қори,— ана шу ойликсиз, таълимотсиз Американинг тарафдори бўлиб юрганлар сўлга томон оғиб бормоқда. Шунинг учун Американинг олий мақомлари, яъни ҳукумат доиралари Туркистон муҳожирларига виза қулайлиги яратиб, уларнинг юзига АҚШ эшикларини очди. Радиоларида ўзбекча ва бошқа тилларда программалар бошлади. Ҳолбуки, мана шу сарсон-саргардон туркистонликлар Афғонистоннинг Чақнасурида афғон мақомлари тарафидан сургун қилинганида ўн мингларча ўзбек йўқ бўлиб кетаётганида, Ҳиндистоннинг иссигида турли-туман меҳнат-машаққатда эзилаётганида, Саудия Арабистонидаги кўпчилиги саводсиз ҳамшаҳарларимизнинг ўзбеклиги йўқолаётганида, айниқса, миллий тил жиҳатидан йўқолиб бораётганида, хуллас Туркистон улусининг ачинарли аҳволини кўриб турибди, кўрмасликка олган Америка мақомларининг бирдан раҳми келиб «инсонсеварлиги» тутиб, туркистонликларга Америка дарвозасини очиши бежиз эмас эди, албатта. Бунинг ягона сабаби хориждаги ўзбек сўли қаторига зарба бериш эди.

Эътироф этиш керакки, туркистонликлар АҚШга бориб ёмон бўлмади. Ҳар жиҳатдан улғайдилар. Бу ерда АҚШ мақомларига, унинг халқига раҳмат айтиш керак. Лекин Американинг мехрибончилик туйғусини уйғотган ўз фидокорлиги билан согдан-сўлдан сарсон миллатига харидор бўлишларига мажбур этган ўзбек миллий сўлига ҳам ташаккур айтмай ўтиш ноинсофлик бўларди.

ВАТАН ЗИЁРАТИ

«Юқорида айтганимиздек, — дейди Жўра қори, — мен 1966 йили ўртанинг сўли бўлган сиёсий қарашим туфайли Ўзбекистонга келиб, азиз она юртимни, ишқида зорланиб юрган муқаддас тупроғимни, бобо-аждодимизнинг табаррук қадамжоларини зиёрат қилишга мушарраф бўлдим. Мен худога ишонадиган сўлман, — дейди у. — Мендек ночизу нотавон қулига шундай улкан ютуқлар насиб қилгани учун улуг Тангрига сажда қилиб, қуллуқлар қилурман. Миллий саёҳатдан қайтиб, чет эллнинг хилма-хил мамлакатларида яна ўша маълум, миллий ҳаракатларимиз — ўзбек тилини тарғиб қилиш, ўзбек адабиётини тарқатиш, мамлакат билан қурилган маданий алоқаларни кенгайтириш, араб ва лотин ҳарфида Ватанда босиладиган «Ойдин» газетасини ватандошларга етказиб беришни ўзимга вазифа,



Суратда: Жўра қори БЎТАКЎЗ (чапдан иккинчи) ватандошлари билан суҳбатда.

бурч қилиб олдим. Бу хусусда менга ҳеч ким ҳеч қандай таълимот берган эмас, ҳеч ким менга бирор тийин ҳам ёрдам бергани йўқ. Шундай бўлса-да, нодон, чаласавод гуруҳлар, ҳатто шуларнинг фикрларига, сўзларига эътибор берган чет эл сиёсий органлари доимо мени таъқиб қилиб, руҳий исканжага олиб, ҳам моддий, ҳам маънавий зарар бериб келдилар».

Мухолифлари ягона, арзон услуб топиб олиб, уни коммунист дедилар, баъзиларнинг тили жосус, дейишгача ҳам борди. Ҳолбуки, бу гапларнинг ҳаммаси беҳуда эди. Мухолифлари унинг миллий ишқини пайқамай, фидойилигини моддий манфаат учун қилинган ҳаракатлар, деб баҳоладилар. Бунинг ягона сабаби Жўра қорининг ўз юрти, халқига бўлган боғлиқлиги уларнинг фаҳму идрокидан юқори эди. Мисол учун бирор ўзбекни кўриб, Ватан ҳидини оламан, ўзбекча асарлардан оламан, деб ҳар ойда ё ҳар икки ойда Туркиядан, Урдундан, бу ёқлда ҳеч тижорати, бошқа ҳеч иши бўлмаган ҳолда Сурияга бориб, у даврда Шому шарифда Совет Иттифоқининг маданий маркази мудири бўлиб турган пайтимда мени кўргани борар эдилар. Биз ҳам у кишини самимият билан ўзбекона ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олардик. Шу тариқа биз жуда қалин бўлиб кетдик. Икковимиз классик ўзбек мақомлари пластинкаларидан қўйиб, тинглаб, тунлар қандай ўтиб кетганини ҳам пайқамай қолардик. Жўра ака бўлса шипга тикилаётгандай ҳолатда кўзини чирт юмганча, бошини аввалига тебратиб, музика садосида эланарди, борабора кўзларидан тирқираб ёш чиқар, ўзини шу қўйга солган машъум кунларни эслар, қаттиқ-қаттиқ куйинар, ачинар, ниҳоят фақат пластинка ағдариладигандагина қаерда ўтирганимиз хотирга келар, ўзимизни ўнглаб олган бўлардик. Биз кўп вақт, айниқса, тунлари шундай тонготар қилиб чиқардик. Бу худди арабларнинг «саҳҳарно» (саҳар қилиб чиқдик) деган иборасини атбиқ қилгандай эдик. Чунки кундузлари иш юзасидан одамлар келиб суҳбатимизни бўлиши мумкин эди, тунлари эса тўла-тўкис вақтимиз ўз ихтиёримизда бўларди. Шу тариқа Жўра қори билан уч-тўрт йил хорижда ҳамдам бўлиб, ажралмас дўст бўлиб кетдик. Биз табиатан бир-биримизга яқин эдик, бир-биримизнинг фикр-идрокимизни тез пайқайдиган бўлиб қолган эдик. Чунки биз тенгқур эдик, иккаламиз ҳам бир йилнинг маҳсули эдик. Шу тариқа, у киши бизни тез-тез зиёрат қиладиган бўлиб қолган эди. Муносабат топиб юрган юртларидан менга китоблар келтириб берадиган бўлди. Туркиядан «Ислом энциклопедияси»нинг ўша кезларда нашр этилган ўн бир жилдини, Турк энциклопедиясининг ўн олти жилдини, Эронда Деххудонинг «Луғатнома»сини шу киши орқали олганман. Бу киши маърифат йўлида бундай машаққатли хайри эҳсондан толмасди, киши завқидан завқланадиган зот экан.

Бир гал шундай бўлди. Тошкентдан келтирилган мошимиз тугаб қолди, мошхўрда, кичирини тусаб қоладиган бўлдик. Шунда оилам, қори ака, сиз борадиган юртларда мош бўладими, деб қолди. Шунда қори ака:

— Ҳа, Туркияда, Афгонистонда бўлади, — дедилар.

Кейинги гал келганларида йўллари тасодифан тушганми ё махсус мош учун бордиларми (мен буни то ҳалигача билолмадим), бизни мошкичири билан мошхўрда ейдиган қилган эдилар. У киши бизга бир гал Туркиядан, бошқа гал Афгонистондан мош келтириб берадиган бўлдилар.

Жўра ака Ватан ҳақида кўп нарсани сўраб билдилар, кўп китоб, пластинкалар олдилар, аммо уларнинг ҳаммасини яна юк қилиб элтиб, турли ўлкаларда таралган ҳамшаҳарларга тақдим қилардилар. Билмадим, шунда у киши элтиб берган пилак (пластинкани хориждаги ҳамшаҳарлар шундай дейдилар) учун раҳмат эшитармидилар — эшитмасмидилар, буни билолмасдим, аммо бу йўлда толмас киши эканлар. У кишининг бу ҳаракатларини катта инқилобчилар фаолиятига ўхшатардим. Пайғамбар ва саҳобаларда исломни тарқатиш учун катта фаолият мавжуд бўлганлиги гувоҳимиз. Жўра қори бўлса ҳамшаҳарларга Ўрта Осиё, Ўзбекистонни таргиб қилди, Ватанни танитди, улар тарафига унинг ҳидини анқитди. Ниҳоят, унинг бу йўлда кўрсаттан фидойилиги ўз самарасини бера бошлади, жуда кўп ватандошлар юртига келишга илгаригидек қўрқмай, ҳайиқмай қадам ранжида қила бошлади. Буларнинг ҳозирги ҳолатида, бориш-келишларида Жўра қорининг жуда кўп асаблари, фидойилиги сарф этилган.

Жўра қорининг эътиқодича, чет эллдаги ватандошларимизнинг ўзлигини сақлаб қолишида ўзбекча китоблардан, миллий туйғуларни уйғотиш учун мусиқаларидан кўп фойдаланарди. Жўра қори бир кишини ўз таъсирига олиш учун, аввало, у ўз моддий имкониятидан фойдаланди. Бутун хорижий ўлкаларда шундай одамлар борки, Жўра қори уларнинг миллий руҳини уйғотиш учун ҳар бирига қанчадан-қанча куч-гайрат сарфлаган. Афсуски, уларнинг орасида ўзбекона руҳи уйғонмаганлар ҳам ҳануз бор. Мана бугун ҳам унга бурчли бўла туриб тақдир найрангига қарангки, ўзи ундан нажот, ёрдам кўрган киши бўлатуриб, уни майдондан улоқтириб ташлашга, ҳатто уни ўлдиришга чоғланган ҳамшаҳарлар ҳам топилди. Ажаб, минг ажаб!

Хорижлаги ватандошларимизнинг она юртига бўлган муҳаббатини уйғотиш учун Жўра ака турли хил йўлларни қидиради. Буларнинг бири сифатида у Ватан куйлари, Ватан мусиқасидан фойдаланди. У бундай олижаноб иш учун мамлакат билан алоқа ўрнатди. Дўстлик жамияти қорига ўн иккита пластинка ҳадя қилди. Сўнг менга илтимос қилди. Мен ҳам ўз уйимда мавжуд бўлган ўн-ўн беш ишлатилмаган пластинкаларни совға қилдим. Тасаввур қилинг, бутун хорижлаги ҳамшаҳарларга ўттиз чоғли бу пластинкалар нима бўлади дейсиз? Фидойи Жўра қори бошқа йўлни таклиф қилди. Менинг ёрдамимда Сурияда ишлаётган савдо вакиллиги йўли билан мамлакатдан беш юзта пластинка юборишни илтимос қилди. Ҳатто ўша ерда уларнинг ҳаққига икки юз доллар тўлади. Маълум вақт ўтгач, пластинкалар етиб келди, қори уларни олиб, ватандошлар қайдасан деб йўлида давом этди. Шундай қилиб, у ўз одати бўйича пластинкаларни ватандошларга бепул тарқатарди. Ҳар сафар Туркияга боришда ўнтаўн иккита пластинкани божхона-гумрук мақомларидан бир амаллаб ўтказиб кетар эди. У маҳалларда бу иш ҳам ўнгай эмасди. Қайтариб айтаманки, у киши эътиқодича, бу ҳаракатларнинг сиёсий томонлари ҳам ўзиники, моддий томони ҳам ўзиники эди. Шунингдек, буларнинг яхши томонини ҳам, ёмон томонини ҳам у ўзиники деб биларди.

У киши бу бегубор ва олижаноб йўлда ҳеч чарчашни билмасди. Бу йўл-

да у ҳеч кимдан ҳеч қандай ёрдам тама ҳам қилмасди. У кишининг эътиқодича, тушунчасича, ёрдамни фақатгина ўзбекона руҳи бериб турарди. Чаласаводлар бўлса ҳар гал Шомга, менинг зиёратимга борганида советлардан топшириқ-таълимот олади, пул олади, материал олади, материал беради, деб тасаввур қилишар экан. Аслида эса совға-саломларни у кишидан мен олардим; у киши менга борган жойидан фан тарихига оид ҳар хил туркча, арабча ё форсча китоб келтириб берар эдилар. Кейин билсам, икки ҳамшаҳарнинг бегона шаҳарда кўришиши ҳам бошқаларга гулгула солган экан. Биз тарих, илм-маърифатдан суҳбат қуриб, кунимиз ё кечамизни гаштли, ширин ўтказишга ҳаракат қилибмизу, улар бўлса бу киши ҳақида не-не бўхтонларни тўқишибди. Ҳар хил гаплар тарқатишибди.

Ниҳоят Жўра қори Ватанга қайтиш иштиёқида бўлиб, 1969 йил охирларида Тошкентга келди. У Дўстлик жамиятида катта муҳаррир сифатида ишлай бошлади. Бу орада кўп хайрли ишлар қилди. Улар ёзилса, катта бир китоб ё достон бўлади. Шундан сўнг, чет элдан ўнлаб ватандошлар она юртлари, қариндош-уруғларининг зиёратига келишди. Шунингдек, Узбекистондан, бошқа қардош жумҳуриятлардан ташқарига ҳам ҳар турли сабаб билан чиқишлар кўпайди. Узбек матбуоти чет элга яна кўпроқ тарқалди.

Тошкентда Жўра қорини жуда яхши кутиб олишди, марҳамат кўрсатишди. Булардан у миннатдор. Фақат кези келганда, шуни ҳам эслатиб ўтиш керакки, бир томондан у кишини иззат-ҳурмат қилдилар, иккинчи томондан эҳтиёт нуқтаи назаридан бўлса керак, шак-шубҳа билан ҳам қарадилар. У киши кўп йиллар етмиш чақирим ичида юрди, ўн тўрт йил чет элга чиқишига монелик кўрсатилди. Шу ўн тўрт йил ичида у киши ҳеч қандай ўзгаришсиз одмигина ойлик олиб яшади. Шундай узун муддат ичида одатий сиёсий кўз хифзида юргандай бўлди. Одоб юзасидан у киши аҳволдан нолимайди, чунки булар ҳаммаси бу кишининг эътиқодича, маҳбуби, маъшуқи, ўз эли, она юртига бўлган ҳисобсиз муҳаббати туфайли эди.

ЧЕТ ЭЛГА ҚАЙТИШ

— Чет элларда — дейди у, «ана, Жўра қори, айтганимиздек, советларнинг дўсти бўлиб чиқди, мана ўн беш йилдирки, Тошкентда яшаяпти, чет элга келишдан қўрқади», — деб гап ҳам тарқатилди. Бу орада унинг тарафдорлари, яъни ўзбек реалистлари хилма-хил туҳмат тошига нишон бўлишди. Айниқса, мана шу аҳвол унинг тинчини бузибгина қолмай, унга бир қадар изтироб ҳам берар эди.

— Худога шукр, — дейди у, — бу ҳам менга насиб бўлди. 1983 йили август ойида у Истанбулга қайтиб бориб, кимда қандай тош бўлса, мана мен ўзим келдим, ўзимга отинглар, дегандай бўлиб борди.

Аммо очигини айтадиган бўлсак, шундан сўнг у кишига ҳар тарафдан сиёсий, иқтисодий, ижтимоий зарба берадиган тошлар отила бошланди. Шу ҳолатни назарда тутиб Жўра Қори улуг бобомиз Алишер Навоий сўзини эслаб ўқирди:

Не чоғлиқ тошким Фарҳод
ушотти,
Фалак борин йиғиб бошимға
отди.

Бу байт мазмуни унинг ҳаётига айнан тўғри келганлиги у кишининг кўнглига тасалли берарди.

Жўра қори ўн беш йил мамлакатда — Узбекистонда яшаб, оила, болачақали бўлиб,чет элга чиқиб кетган эди. У кишини ўзига рақиб деб билганлар бўлса жазавага келиб, ҳар жиҳатдан ўз таъсирини кўрсата бошлади. Уни назар-писанд қилишмади, ҳатто уни ҳамшаҳарлар жанозасига ҳам айтмасликка ҳаракат қилишди. Кейин кимдир у кишини «Ола қарға» деб бир рисола ҳам ёзиб тарқатди, бу билан Жўра қорини халқ ичида бор обрўйини туширишга, уни бадном қилишга жону ҳаҳди билан уринишди. Ҳолбуки, Жўра қори Туркия ватандоши бўлсада, рафиқаси, болалари мултажий — хорижий эмигрант ҳисобланар эди. Бу борада мусофирларга кўрсатиладиган диний анъанавий гамхўрликни, одамгарчиликни ҳам уларга раво кўрмадилар. Аммо қорига ҳайриҳоҳ бўлиб, унга яхшилик қилганлар ҳам бўлди. Уларни Жўра қори миннатдорчилик билан эслайди, ўзига яқин билади, ҳатто кези келса уларга бирор яхшилик қилишни ўйлаб қўйган.

Жўра қори сўзида давом этолмади. Бир зум орага жимлик чўкди. Ўзини тутолмай, ўпкаси тўлиб кетди. Рост, биров хайрли иш қилса-да, унинг устидан кулишга тушишса, одамга таъсир қилар экан. Қанчадан-қанча одамлар шундай ҳолатда улуғвор ишлар қилишга қўл уришганида уни масхара қилганлар кўп бўлган. Ҳаёт экан, бунга ўхшаш ҳодисалар учраши табиий. Баъзида «осмон йироқ, ер қаттиқ» бўлар экан.

Гарчи Туркия маъмурияти бунга бирор асос тополаса-да, то бир ҳақиқат юзага келгунча, «Жулқунбой ўлиб кетиши аниқ» эди.

Истанбулдаги ачинарли кунларда Жўра қори рафиқаси Мукаррамхон унга катта маънавий ёрдам кўрсатди, доимо у киши билан ҳамдам бўлиб қолди. Бундай маънавий тазйиқ чоғида, у кишининг ачинарли аҳволини кўриб, уни ёлғиз ташлаб кетмади. Унга ҳамдам бўлиш мақсадида она юрти — Ўзбекистонга қайтмай, аввал Жўра қори билан Туркияга мултажий бўлиб бориб, сўнгра у ерда турк ватандоши — граждани бўлиб қолди. У киши Жўра қори деб кўп қийинчиликлар чекди. Ватандошлари сўзи, қаламлари, чақимчилиги, булар етмаганидек, жисмоний ҳужумлари кезида ҳам қори ёнида бардам турди, шу сабаб билан уни тескаричилардан ҳимоя қилишни ўзига бурч деб билди.


Мукаррамхон тирикчилик ўтиши ва оилани таъминлаш ниятида ўз соҳаси кимёгарликдан фойдаланиб, Демиркалп — ўтта чидамли (гишт) маҳсулоти ишлаб чиқариш ширкатига кириб, аввало, кимёгар ходима, сўнгра лаборатория мудираси бўлиб ишлади.

ЯНА ВАТАНДА


Ниҳоят, Ватанда янги давр бошланди. Хайрсевар инсон адлу инсофнинг лаззатини пайқаган, миллий манфаатни кўра олган улуг инсонлар раҳбарлигида янги давр — инсонга бўлган ҳурмат даври бошланиб қолди.

Гўзал инсон қадру қийматига тан берилган демократик об-ҳаводан фойдаланиб, Жўра қори 1990 йили сентябрида яна она-юртга қайтиб келди... Авваллари Ватан жамиятида хизмат қилди. Бу орада Узбекистоннинг чет эллар билан маданий алоқаси бирмунча кенгайди, айниқса, ўз ватандошлари билан маданий алоқалар жуда яхши ривожланиб, ўнлаб, юзлаб ватандошларимиз она-юрт зиёратига келиб кетадиган бўлди. Айримлари эса иқтисодий жиҳатдан ҳамкорлик ҳам қилишмоқда. У кишининг эътиқодида, бугун маданий муносабатларни ёқлаб чиққан ўртанинг сўзидаги ватандошларгина эмас, биз билан қаттиқ кураш олиб борган хилма-хил ўнг йўлдаги ватандошлар ҳам Жўра қори бошлаб берган маданий йўлни, маданий мужодалани ҳам ёқтиришиб, ҳам эътироф этмоқдалар; она-юртга ўнлаб, юзлаб, ҳатто гуруҳ-гуруҳ бўлиб келиб кетмоқдалар. Буларнинг кўпчилиги юртимиз билан иқтисодий алоқалар бошлаш, бошланилган алоқаларни ривожлантириш истагида юрибдилар. Бу хайрли ишда Жўра қори ҳам ўз улушларини қўшиш ниятида. Жўра қори Узбекистон жумҳуриятининг бир-икки вазирлиги билан ҳамкорликда ўтта чидамли маҳсулот ишлаб чиқарадиган завод қуриб бериш учун протокол имзолади. Лойиҳа ишлари юришиб кетди. Яқин орада завод биносини қуриш иши бошлаб юборилади.

Жўра қори тилаги дунёда тинчлик барқарор бўлса ҳамма ният амалга ошиши мумкин. Аммо унинг эътиқодича, бировга манфаат, бошқа бировга зарар бўладиган тинчликни ёқлашдан уялиш керак. Бундай низо ҳеч кимга керак эмас!



ЯНГИ ТАҲЛИЛ ЙЎЛИДА



Атоқли олимлар Саид Шермуҳамедов ва Сайдулла Мирзаевлар ўн йиллар мобайнида ўзаро ҳамкор, ҳамфикр ва ҳаммуаллиф бўлиб, XX аср ўзбек адабиёти масалаларини тадқиқ этувчи кўпгина адабий-илмий асарлар яратдилар. Уларнинг «Ўзбекистон» нашриёти 1993 йилда чоп этган «Ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихи» ўқув дарслиги ана шу ижодий ҳамкорликдан яна бир мевадир.

Ҳар бир натижа, оқибатнинг муайян сабаби бўлганидай, ушбу китоб ҳам ҳозирги ижтимоий-маънавий тараққиётимизнинг маълум бир эҳтиёжларига муносиб жавоб тарзида дунёга келган. Муаллифлар китобга битган мухтасар сўз бошида буни шундай изоҳлайдилар: «...Ҳозирги вақтга қадар жумҳуриятимизда олий ўқув юртларининг сиртқи бўлим талабалари учун ҳозирги замон ўзбек адабиёти тарихи фанидан махсус ўқув қўлланмаси яратилмаган. Амалда эса бундай ўқув қўлланмасига эҳтиёж жуда катта. Ҳуллас, китоб шу эҳтиёжлар талаби билан юзага келди».

Аммо масаланинг бундан ҳам муҳимроқ томони бор. Гап шундаки, биз мустақил ривожланишга эришдик. 130 йил давом этган оқ ва қизил империя кишанларидан халос бўлдик. Бинобарин, худди шу давр асоратида, унинг мафкураси, ижтимоий-сиёсий манфаат ва мақсадларининг таъқиб ва тазйиқида яшаб, нафас олган ва такомил топган маданият, адабиёт ва санъат бугун тубдан қайтадан ўрганилиб, истиқлол дунёқараши нуқтаи назаридан танқидий қайта баҳоланмоқда.

Янги тарихий ҳаётнинг бу табаррук талаби биз тақриз мавзуи қилиб олган китобнинг ҳам янгича руҳи ва мазмунини белгилайди. Энг аввало, бу хусусият китобнинг номида кўзга ташланиб турибди. Шу пайтгача «Ўзбек совет адабиёти» деб аталган бутун бир давр адабиёти ҳозирги адабий танқид ва адабиётшуносликда гоҳ «Ҳозирги замон ўзбек адабиёти», гоҳида «XX аср ўзбек адабиёти» деб янгича аталмоқда. Китоб муаллифлари шу иборанинг биринчисини маъқул кўриб, ўз китобларига ном сифатида танлаганлар ва, шу тариқа, собиқ совет даври ўзбек адабиётини гоятда қадимий тарихий адабиётимизнинг бир ўзига хос босқичи тарзида олиб таҳлил этишган.

Ҳа, совет даври ўзбек адабиёти айрича тарихий шароитдаги, ўзгача ижтимоий-эстетик мақсад-вазифаларга, идеалга, ўзгача қаҳрамонларга, ўзига хос аъмолу эътиқодларга эга адабиёт эди. У бадиий-эстетик ҳодисадан кўра кўпроқ сиёсий-мафкуравий яшаш ва кураш қуроли эди. Ўзининг имон-виждонида қатъий турган, бадиий истеъдоди қадрини ҳар нарсадан баланд қўйган ижод намояндалари шу тоталитар, сиёсий-мафкуравий жамият томонидан бадном этилиб йўқ қилинди. Исм-шарифлари ва асарлари тиллардан, дарсликлардан ўчирилди. Бугун биз жамият ва бадиий ижод муносабатининг бундай фожиали ихчатларини тўғри англаб етяпмиз. Юқорида номи тилга олинган адабий ўқув қўлланмаси ҳам шу нуқтаи назардан диққатга сазовор. Тўғрироғи, бу китобни шаклланиб, ўзига йўл очиб келаётган ҳозирги янги тафаккурнинг илк қадамларидан бири, деб баҳолаш табиийроқ бўлади. Нега? Сабаби — китобда ўтган совет даври адабий ҳаётини мавжуд зиддиятлари билан тадқиқ этишга интилиш бор. Бунинг устига, совет тузумида номлари ва ижодини тилга олиш тақиқлаб келинган Абдулла Қодирий, Чулпон, Фитрат каби адабий намояндаларнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти мушоҳада предметига айланган. Шунингдек, шу пайтгача адабий дарсликлардан кенг ўрин олиб келган ёки энди ўрин олаётган адиблар, шоирлар ижодига янгича, ҳалол нуқтаи назардан ёндошилиб, замонавий руҳда таҳлил этилади. Булар — мазкур китоб фазилатларидир.

Шу билан бирга, юқорида бу ўқув қўлланмасини оёқланиб келаётган янги тафаккурнинг илк одимларидан деганимизнинг сабаби шуки, китобда эскича дунёқараш ҳам қандайдир садо бериб туради ва янги фикр билан аралашиб кетади. Масалан, китобда 1917-1992 йиллар ўртасидаги ўзбек адабиётини даврлаштиришда шу пайтгача амал қилиб келинган қарашларга суянилган. Ҳолбуки, совет даври ўзбек адабиётини даврлаштириш масаласи бугун тамомила бошқача ҳаётий-эстетик асосларда ҳал қилинмоқда. Шунингдек, китобда «озод меҳнат туфайли ўз мақсадига эришган (?) оддий меҳнаткаш инсонлар» (23-бет), «янги жамият ва янги инсон» (?) (26-бет), «халқ синфий онгининг ўсиши ҳаққоний акс эттирилган» (27-бет) каби иборалар ҳам учраб туради ва улар ҳали бу дарслик эски андозалардан батамом холи бўлмаганлигини кўрсатади.

Ижодий иш, изланиш камчиликларсиз бўлмайди, албатта. Энг муҳими, биз ўзимизни мураккаб изланишлар ичида англаяпмиз, танияпмиз. Ижтимоий-миллий уйғониш республикамизда мустақил ривожланиш мустаҳкамланиб борган сари бизда ҳам теранлашиб бораверади. Қилинаётган меҳнат, ҳаётдаги ва илмдаги янгиланишлар, битилаётган бадиий ва илмий асарлар руҳий-маънавий мустақиллигимизга қанот беради. Юқоридаги адабий дарслик китоби ҳам тафаккуримизнинг очилишига ўзининг барча хусусиятлари билан ҳисса қўшади.

М. САФАРОВ.



ЛАЙЛО опа қизи ЛОЛА билан.

БИЗНИНГ ЛАЙЛО ОПА

Мусаввира Лайло Салимжоновaнинг номи 60-йиллардан бошлаб тасвирий санъат мухлисларига яхши таниш. Аммо Лайло опа фақат матода мўъжизалар яратмайди, балки у ўзи меҳнат қиладиган журнал саҳифаларини ҳам қалб қўри билан безайди. Мусаввира узоқ йиллар давомида хотин-қизлар журнали бўлмиш «Саодат»да фаолият кўрсатган бўлса, айни кунда «Гулистон» журналида меҳнат қилмоқда. Журналнинг тайёр ҳолга келгунга қадар бўлган техник жараёнларда рассомнинг роли беқиёсдир. Матода расм ишлай оладиган ҳар қандай рассом бу ишларга дош беравермаслиги матбуот ходимларига аён, лекин Лайло опа бутун умри давомида мана шу сермашаққат ишни кўнгилдагидек адо этиб келмоқда.

Ҳар бир ижодкорнинг одамларга айтадиган ўз сўзи бор. Санъаткор саҳнадан туриб, журналист газета-журнал орқали, рассом эса матода ўз фикрини билдиришга ҳаракат қилади.

...Лайло мактабда ўқиб юрган кезларидаёқ деворий газеталар чиқаришни ўзининг энг севимли машғулотларидан деб билар, меъмор бўлишни орзу қиларди. Мактабни битираётган кезлари устози Иван Антонович Морозов унга П. Беньков номли рассомлар билим юрти борлигини, албатта, шу жойга кириб ўқишини маслаҳат берди. Ана шу гап баҳона булиб, бу лажак рассом билим юртини ҳам, институтини ҳам муваффақиятли тугатди. Олийгоҳда ўқиётган кезларида устози Раҳим Аҳмедовнинг сабоқлари катта мактаб бўлди. Институтни тугатиш арафасида Ўзбекистон халқ шоираси Зулфия опа уни хотин-қизлар журнали «Саодат»га ишга таклиф қилди.

Яхши кишиларнинг нигоҳи Лайло опанинг ҳар томонлама камол топиши учун замин яратди. Зулфия опанинг ёрдами билан у диплом иши — «Маргилон чеварлари» асарини чизди. Асар имтиҳон ҳайъати томонидан юқори баҳоланди.

Мусаввира Маргилондаги дўппи, сўзана, қийиқча тикаётган чеварлар билан бир неча бор суҳбатлашди, улар меҳнатининг нақадар машаққатли эканини кузатди. Натижада асар кўнгилдагидай чиқиб, тасвирий санъат мухлисларига манзур бўлди. Асарда ёрқин бўёқларнинг ўз ўрнида ишлатилиши асар қаҳрамонларининг қиёфасини очишга, уларнинг кайфияти, хатти-ҳаракати, бахтиёрлигини ишонарли тарзда гавдалантиришга ёрдам берган.

Олийгоҳни тугаллагач, Лайло опа бутун куч-гайратини «Саодат» журналига ва бир-биридан гўзал картиналар яратишга сарфлади. Хотин-қизлар ҳаёти ва меҳнатини, уларнинг бугуни ва ўтмишини рангтасвир орқали тасвирлаш мусаввира ижодида тобора чуқур ўрин ола бошлади. Халқ хўжалигининг турли тармоқларида меҳнат қилаётган гўзал аёллар, талабалар, олима-ю шоиралар, санъаткорлар унга кўпроқ илҳом бахш этади. Шу йилларда у жуда кўплаб портретлар устида ишлади. Масалан, рассом шоира Зулфия портретида катта ютуқни қўлга киритган. Полотнода ўзбек адабиётининг ифтихори, атоқли шоиранинг инсоний ва ижодий қиёфаси ҳаққоний акс этган. Магрур кўтарилган бош, чимирилган қошлар, чексиз уфқларга тикилган кўзларда теран тафаккурга чўмган, нафис туйғулар огушида яшаётган инсон ва шоира гавдаланади. Гўё Зулфия опа:

«...Сизни ҳур ва озод куйламоқ, Менга саодатдир, мен бахтли шоир!» — деяётгандай. Лайло опанинг Зулфия опа билан узоқ йиллар биргаликда ишлаши портрет муваффақиятини таъминловчи омиллардан бири бўлди.

Мусаввира «Студент қиз» портрети»да талабанинг гўзал ички дунёсини санъаткорона илгай олган. Студент қиз оромкурси суянчигига ўтириб, хаёл огушига ботган, узоққа тикилган кўзлари ўйчан, айни вақтда у гўё ёшлик гайрати ичига сиғмай, шу ондаёқ олис, машаққатли йўлга отланишга ҳозирдай. Л. Салимжонованинг муваффақиятли чиққан асарларидан яна бири «Дилбар Абдураҳмонова» портретидир. Дилбар Абдураҳмонова ўзбек аёлларидан чиққан ягона дирижёр. У дирижёрлик пультида, қўллари юқорига кўтарилган, хаёлан ўзи бошчилигида ижро этилаётган мусиқий асарнинг юксак оҳангларига ҳамнафас... Мусаввира умумий фондаги бўёқларда ҳам ранглар орқали ўзига хос мусиқа яратган. Унга ҳар сафар қараб, янги бир маъно уққандай бўласиз.

Рассомнинг манзаралари ҳам ўзига тортувчан ва лирик. Унинг бир туркум асарларида ҳақиқатан ҳам кузнинг олтин фасл эканлигини кўра оласиз. Ўрик гулларининг пушти рангларида баҳор акс этган бўлса, ёз фасли ўзининг оловли қуёши билан алангаланиб туради.

Ҳар йили баҳор келиши билан Лайло опа ўғли Аҳмаджон, қизи Лола ва невараси Санжарни олиб Хумсон, Сўқоқ каби тоғ қишлоқларига йўл олади. Негаки баҳорда тоғ ёнбағирлари ўзгача тароват касб этади-да. Булар — Лайло опа мўйқаламига мансуб «Сўқоқда», «Оқтош», «Чимён» каби асарларда ўз аксини топган.

Опа табиатан гўзаллик, она-табиатимиз ошуфтаси. Шунинг учун бўлса керак, чизган асарларида деярли ясамалик йўқ, ҳаммаси жонли. Матолар орасидан инсонлар қиёфаси, табиатнинг ўзгарувчан ҳолатлари «мўралаб» туради. Рассом ҳаёт манзараларини мукаммал билсагина, унинг яратган асарлари мухлисларда яхши таассурот қолдиради. Назаримизда, Ўзбекистонда яшайдиган рассом учун манзара чизмаслик асло мумкин эмас, чунки табиатимизнинг ўзи бўёқларга шундай бойки, турли хил манзаралар — баланд тоғлар ва музликлардан тортиб, саҳро ва чўлга қадар рассомни чизишга ундайверади. Бу сўзларни опа яратган («Бойчечак». «Яшил вазадаги атиргуллар», «Анор») натюрмортларга нисбатан ҳам қўллаш мумкин.

Мусаввиранинг кўз олдида гўзал табиатнинг такрорланмас ранглари намоён бўлади ва у бу ранглари бир-бирига уйғунлаштиради. Унинг асарлари фақат конкрет мотивлар билангина эмас, айни вақтда бўёқларнинг ўз ўрнида ишлатилиши билан ҳам ажралиб туради. У яратган кўпгина асарлар ўзининг сюжети, мавзуи, тасвирланаётган объекти ва қаҳрамонларининг характери билан чинакам миллий асарлардир. У ҳар бир асарига она-диёримиз руҳини сингдиришга ҳаракат қилади. Лайло опа ишлатган бўёқлар табиий рангларга яқинлиги ва ёрқинлиги билан характерлидир.

Қўшиқ тинглаш, она сифатида ошхонада фарзандлари учун турли-туман ширинликлар тайёрлаш Лайло опанинг энг севимли машғулотларидан.

— Талабалик йилларимизда, — дейди опа биз билан суҳбатда, — мусиқа тинглаш учун гуруҳ-гуруҳ бўлиб Билимлар уйига борардик. Театрлар спектакларини канда қилмасдик. Негадир ҳозирги ёшларга ҳайрон қоламан, борган сари маънавиятдан узоқлашиб, юраклари музлаб қоляптими-ей! Айни камолот даврларида фақат кўпроқ пул топишни ўйлаб, ўзлари устида ишламай қўйишган. Кейинги пайтларда концерт ёки театрга шошган ёшларни кам учратяпман.

Мусаввира Л. Салимжонованинг ижодий фаолияти ҳақида қанча кўп ёзиш мумкин бўлса, унинг инсоний фазилатлари хусусида ҳам узоқ сўзлаб бериш мумкин. Лайло опа эски саодатчиларни тез-тез йўқлаб туради. Мен унинг ўз дугоналарини, ҳамкасбларини тугилган кунлари, байрамлар билан табриклашга шошаётгани гувоҳи бўламан ва ич-ичимдан мусаввиранинг меҳр-оқибатлилигидан қувониб кетаман. Йиллаб отасини, онасини, қариндош-уруғларини зиёрат қилишга бормайдиган ноқобил фарзандлар борлигидан уйланиб қоламан. Агар инсонда хоҳиш-истак бўлса, ҳар бир ишни амалга ошириш мумкинлигига имон келтираман.

Дарҳақиқат, мусаввиранинг жуда кўплаб асарлари республика, Бутуниттифоқ кўргазмаларида, шунингдек, Бельгия ва Швецияда бўлиб ўтган халқаро кўргазмаларда намойиш қилинган ва тасвирий санъат мухлислари томонидан илиқ кутиб олинган. Бундан ташқари турли хил ишбилармонлар, коллекционерлар томонидан сотиб олинган унинг асарлари Испания, АҚШ ва Исроил давлатида Ўзбекистоннинг нақадар гўзаллигини намойиш этиб турибди.

Лайло опа ҳамон изланишда. Агар йўлингиз тушиб, унинг устахонасига бориб қолсангиз, Сизни ҳали бўёқлари қуримаган, она-диёримиз багридан узилган гулдасталар — асарлари кутмоқда...

Маъпура НАБИЕВА.



Шамсирўй Ҳасанова портрети.




Натюрморт.



Замира Ҳидоятова портрети.



Кўргазма залларида.



История музыки Средней Азии и Казахстана

Евгения ВЕЗИРЯН,
педагогика фанлари номзоди, доцент

МУСИҚА ТАРИХИ ТАДҚИҚОТИ

Москвадаги «Музика» нашриёти «Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусиқаси тарихи» китобини чоп этди. Унда Марказий Осиё ҳудудидаги мусиқий маданиятнинг энг қадимий даврларидан тортиб то XX асрнинг 40-йилларигача бўлган улкан тарихий ривожланиш йўли атрофлича қамраб олиниб, таҳлил ва муҳокама этилади.

Гапни энг муҳимидан бошлай қолайлик. Илк марта ҳудудий миқёсда шундай иш яратилди, бундай иш Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи давлатлар ҳаётида ҳам янгиликдир. Ўзбекистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон ва Қозоғистоннинг санъатшунос олимлари ўзаро ҳамкорликда ишга киришиб, Туркистон халқлари маданияти тарихини, уларнинг ўзаро бир-бирига таъсири ва миллий ўзига хослик хусусиятларини атрофлича тадқиқ этишдек улкан вазифани ўз олдиларига қўйганлар.

Ўйлаймизки, шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримовнинг республика Олий Мажлиси иккинчи сессиясида майдонга ташлаган «Туркистон — умумий уйимиз» деган шиори бу китобга ҳақли равишда эпиграф бўла олади. Мамлакатимиз раҳбари таъкидлаганидек, тарихий бирлик туйғуси бу ҳудуд халқларида ота-боболардан мерос бўлиб келган.

Ҳудуддаги бадиий тараққиётнинг умумий қонуниятларини, айни пайтда, умумийлик ва ички ранг-баранглигининг диалектикасини атрофлича ўрганиш ва таҳлил этишга бағишланган мазкур илмий асарни яратишга 8 илмий муассаса: М. Ашрафий номидаги Тошкент давлат консерваторияси, Халқлар Дўстлиги орденли Ҳамза номидаги санъатшунослик илмий-тадқиқот институти, А. Қодирий номидаги Тошкент давлат Маданият институти, М. Турсунзода номидаги Тожикистон санъат институти, Туркманистон давлат педагогика санъат институти, Б. Бейшеналиева номидаги Қирғизистон давлат санъат институти, Қурмонғози номидаги Қозоғистон давлат консерваторияси, Н. А. Римский-Корсаков номидаги Санкт-Петербург давлат консерваторияси фаол илмий-ижодий ҳамкорликда меҳнат қилди.

«Ўрта Осиё ва Қозоғистон мусиқаси тарихи» ўқув қўлланмаси учун материаллар тарихий-хронологик йўналишда танланса-да, улар китобда миллий ёки типологик белгилар асосида баён этилади.

Китоб Москвада босмадан чиқди, у 320 саҳифа матнни, нота ёзувларини, аксарияти илк марта нашр этилаётган илова расмларни, барча республикаларда мавжуд бой илмий материални қамровчи кенг кўламдаги библиографияни, тарихий ва илмий номларни, шунингдек миллий иборалар тўғри талаффуз этишга кўмаклашувчи махсус диакритик белгилар жадвалини ўз ичига олади.

Марказий Осиё халқларининг 1917 йилгача бўлган мусиқа маданияти икки бобда берилган. Биринчиси — мусиқий-тарихий очерк бўлиб, унда эрамиздан олдинги биринчи минг йилликнинг иккинчи ярми, яъни қулдорлик тузуми давридан то янги эранинг VI асригача бўлган даврдаги мусиқий ҳаёт таҳлил этилади. Шак-шубҳасиз, бу гоятда қизиқарли боб бўлиб, унда шу пайттача фақат мутахассисларгагина маълум бўлган тарихий-маданий фактлар оммавий баён қилинади. Худди шу бобда Шарқнинг буюк файласуфлари асарлари келтирилган, қадимги халқларнинг мусиқий-эстетик тасаввурлари очилган, бинобарин, мусиқий-тарихий материал адабиёт, тасвирий санъат, меъморлик, халқ-амалий санъати турлари, ҳандаса, ислом динининг турли йўналишлари билан ўзаро алоқа ва таъсир ҳолатларида инкишоф этилади. Шарқ халқларининг қадимги баҳор байрамлари, янги меҳнат йилининг бошланиши — Наврўз, улар билан боғлиқ урф-одатлар ва мусиқий ифодаланишлар тарихан ҳаққоний баён қилинган.

Китобда Ибн Сино, Беруний, Хисрав Деҳлавий, Жалолиддин Румий, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқа Шарқ қомусий олимларининг мусиқага доир рисолаларининг асосий мазмуни шарҳланиб, уларнинг мусиқашунослик фани ва мусиқий асбобларни такомиллаштиришга қўшган ҳиссалари ҳам равшан кўрсатилади. Шунингдек, мусиқа тадқиқотчилигида илк марта, тарихда кенг таниқли бўлмаган, аммо мусиқа назарияси масалаларига қизиқиб, бу соҳани бошқа фанлар билан узвий бирликда олиб қараган олимларнинг фаолияти махсус бўлимда таҳлил этилади, ниҳоят, китобда мақомот назарияси илмий-тарихий жиҳатдан асосланади, турли тарихий даврларда мусиқий ижод ва жанрларининг шаклланиш жараёнлари мушоҳада этилади.

Китобнинг иккинчи боби Марказий Осиё халқларининг мусиқий мероси таҳлилига бағишланиб, унда мусиқий асбобларнинг қадимги даврлардан тортиб, ҳозирги кунгача такомиллашуви тарихи ёритилган. Бу бобда Ўрта Осиё монодик оҳангларининг мусиқий-услубий хусусиятлари, халқ оғзаки анъанавий ва профессионал мусиқанинг айрича аломатлари билан танишамиз. Китобда эпик айтишмалар — ҳалқ достонларига ҳам алоҳида қизиқиш билан қаралиб, бу қадимги жанрнинг типологик ва алоҳида миллий ўзига хос жиҳатларига эътибор берилади. Жумладан, достончиликнинг 1) Сурхондарё-Қашқадарё; 2) Бухоро-Самарқанд; 3) Хоразм; 4) Фарғона-Тошкент каби тўрт асосий услубий мактаблари ажратиб кўрсатилади. Китобда айтилганидек, бу услубий мактабларнинг пайдо бўлиши аҳолининг этник бирлиги, халқ ҳаётининг ижтимоий-иқтисодий, жуғрофий шарт-шароитлари билан боғлиқ.

Бу, айниқса, мусиқада аниқ намоён бўлади.

Ўқув қўлланмасида халқ орасидан етишиб чиққан профессионал ижрочилар, санъати ҳозирги замон профессионал композиторлари ва ижрочилиги тараққиёти учун асос бўлиб хизмат қилган машҳур созандалар ва хонандаларнинг ижодиётига ҳам қизиқарли бир бўлим бағишланган. Худди шу бўлимда Қурмонгози Сагирбоев, Жаяву Мусо Бойжонов (Қозоғистон), Саяқбой Қоралиев, Мўлдобасан Мусулмонқулов (Қирғизистон), Маҳтумқули Қорлиев, Сахи Жепбаров (Туркманистон), Домла Ҳалим Ибодов, Мулла Тўйчи Тошмуҳамедов (Ўзбекистон), Фазлиддин Шаҳобов, Бобоқул Файзуллаев (Тожикистон) ва давримизнинг бошқа буюк санъат усталари ҳаёти ва ижодиёти билан танишамиз.

Ўрта Осиё ва Қозоғистон республикаларининг 1917 йилдан то 1941-1945 йиллар уруш ғалабасигача бўлган давр мобайнида мусиқий маданиятга бағишланган бўлимда 30-йилгача бўлган мусиқий маданиятнинг қайта қурилиши, бу йилларда давр тақозоси билан мусиқий театрлар тугилгани, мусиқий-концерт ҳаёти ва мусиқий таълим асослари яратилганлиги ҳақида ҳикоя қилинади. Худди шу даврда Марказий Осиё республикаларида миллий опера, драма ва балет санъати шаклланди ва такомил топди. Миллий композиторларнинг янги авлоди майдонга келиб, қизғин ижодий фаолият билан шуғулланди, илк миллий симфониялар, халқ оғзаки ижоди материаллари манбаида камер-вокал асарлари яратилди. Композиторлар ижоди миллий чолғу оркестрлари ижросида кенг оммалаштирила бошланди.

Матонатли уруш йиллари республикалардаги мусиқа маданияти «Санъат — фронт хизматида» шиори остида ривожланди. Бу йилларда қаҳрамонлик-ватанпарварлик мазмунидаги вокал жанрлари кенг қанот ёзди, профессионал мусиқий ижод асослари қўйилди.

Китобнинг якунлови бўлими ҳудуддаги мусиқий маданиятнинг Ҳамза Ҳакимзода Ниёзий, Виктор Александрович Успенский, Александр Викторович Затаевич каби улкан намояндалари ҳаёти ва фаолиятига бағишланган.

Ушбу китоб ҳудудимиз мусиқа маданияти тарихига доир жуда кам, атиги 500 мусхада босилган биринчи нашрдир. Унинг иккинчи нашри ўз ҳудудимизда ўзбек тилида ҳам дунёга келади, деган умиддамиз.

Сурайё АЛИЕВА



НАҚШЛАРГА БИТИЛГАН ДАСТХАТ

(КУЛОЛ ЧЎЛПОН СОДИҚОВ ИЖОДИГА ЧИЗГИЛАР)

Ўзбек халқининг кўп асрлик тарихида кулоллик санъати бой ва ранг-баранг маданий меросимизнинг энг ажойиб ва оммавий қисмини ташкил этади. Кулоллик ўзининг ривожланиш қонунларига ҳамда тараққиёт босқичларига, кўплаб мактаблари, турлари ва анъаналарига эга. Ҳар бир мактаб ўзининг ривожланиш тамойиллари, ижодий ундалари, етакчи марказ ва усталари, бошқа мактаблардан фарқловчи хусусиятлари билан ажралиб туради.

Тошкент кулоллик мактабининг вакилларидан бири кулол Чўлпон Содиқов ўз фаолиятини дастлаб 1942 йилда Учпромсовет (ҳозирги чинни заводи ўрнида) қошида Юнус уста Зиёмуҳамедов қўлида сабоқ олишдан бошлади. Чўлпон ака Содиқов ўзининг кулол-уста сифатида танилишини 1964 йилда Ўзбекистоннинг 40 йиллигига бағишлаб ўтказилган кўргазмада ишлари ижобий баҳо олганлигидан бошланган деб таъкидлайди. 1942-1993 йиллар Чўлпон Содиқовнинг ҳаёти ва ижодий жараёни Тошкентдаги кулоллик комбинати билан чамбарчас боғланди. Шу йиллар давомида Ч. Содиқов Ўзбекистон бадиий фонди, «Усто» бирлашмаси ҳамда Ўзбекистон Рассомлар уюшмаси билан ижодий мулоқотда бўлди. Ишлаб чиқариш ва ижод палласида уста Тошкент кулоллик анъанасига содиқ бўлиш билан бирга ўз дастхатини ҳам сақлаб қола олди. Чўлпон Содиқов сопол буюмларига ўзи мансуб мактаб анъанасига кўра «чизма» ёки «харрош» деб аталувчи усулда жило беради. Одатда, хом буюмга тўқ жигарранг ангоб-магил суртилади, унинг усти оқ ангоб — гилвата билан бўялади. Кейин мўлжалланган контур бўйлаб жигарранг қатламигача ўйиб (тирнаб) нақш солинади ва устидан рангли сир билан сайқал берилади. Тайёр бўлган сопол буюмдаги сариқ, яшил-жигарранг оқимлар уста буюмларига ажойиб жозиба бахш этади.

Чўлпон Содиқовнинг сопол буюмлари асосан йирик безаклар билан жило топган. У яратган буюмларда геометрик ва ўсимликсимон нақшларни учратиш мумкин. Ўзбекистоннинг анъанавий кулоллик безаклари орасида энг кенг тарқалган шакли бўлмиш — геометрик (паргор) ва (ислимий) ўсимликсимон нақшлар башарият маданиятининг ҳамма босқичларида унга ҳамроҳ бўлиб келган. Лекин бу нақшлар бир-бирига ўхшаса-да, ҳар бир шаҳар ва ҳар бир устанинг ўзига хос ранг мажмуаси, колорити, услуби, композицияси ва жиҳатидан фарқ қилади. Халқ устасининг хусусияти халқ санъатига мансуб қатъий қонунларда ижро этишнинг тақрорланмас услубида акс этиб, бунда асрлар бўйлаб юзага келган бадиий услубнинг бутунлиги сақланиб қолинади.

Чўлпон Содиқов дастхатини у яратган барча бадиий кулоллик санъати намуналарига битилган бетакрор нақшларда, улардаги ранглар жозибасида кўриш мумкин. Буюмлардаги ҳар бир нақшнинг ўз рамзий мазмуни бўлиб, улар атроф-муҳит ва борлиқнинг образли тасвирини, устанинг нозик эстетик диди ҳамда тасаввурини ифодалайди. Масалан, уста ижодидаги рангли сир билан сайқал берилган анъанавий лаганлар «барги ўрама» нақши билан ажралиб туради.

Уста ижодининг яна бир ўзига хос хусусияти — сопол буюмнинг шаклига бўлган катта аҳамиятидир. Шакл яратиш борасидаги кулолнинг маҳорати, унинг чой ва май сервизларидаги кўзагарлик санъатида яққол кўзга ташланади.

Уста қўлида жило топган лаган,

коса, кўза, чойнак, пиёла сингари миллий услубда ясалган буюмлар бунинг далолати. Шаклга бўлган қизиқиш уста асарларининг аксарияти комплект ва сервизлардан ташкил топганини кўрсатади. Шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон жабҳасида қадимдан ҳар воҳанинг ҳунармандчилик марказлари вужудга келиб, шаклланган. Кулоллик санъати тарихига назар солсак, ҳар бир даврнинг, ҳар бир санъат мактабининг ўз талантлари, етук санъаткорлари бўлади. Улар ўз фаолияти билан ўша санъат мактаби тараққиётидаги маълум бир босқичнинг асосий гоясини яратадилар. Шаклга бўлган қизиқиш орқали асрлар оша ривожланиб келаётган анъанавий шаклларни давом эттирибгина қолмай, уларга бадиий мукаммаллик, замонавийлик, ўзига хос маданият бағишлайдилар. Бу жараён янги ижодий муваффақиятлар учун хизмат қилади, бетакрор санъат асарларининг дунёга келишига манба бўлади.

Кулол яраттан нақшлари оқиб, ўзаро қўшилиб кетган қизғиш — яшил тусдаги бирмунча оч кўк, тўқ кўк ва қизғиш жигар ранглар уйғунлигидаги бир қатор сервизлари бадиий мукаммаллиги билан ажралиб туради. «Чой» ва «Май» сервизларидаги етакчи мазмунни ўзида мужассамлаштирган кўзанинг бутун танаси ва дасталарига бўртма услубда битилган ҳошия — нақшлар уни мутаносиб қисмларга бўлиш билан бирга, бу қадимий мумтоз шаклга ўзига хос гўзаллик ва бетакрор жозиба олиб кирган. Устанинг сервиз ва комплектларида халқ санъатига хос очиқ, ёркин ранглар, уларнинг жарангдор бирикуви, алоҳида ранг мусиқаси, унинг мураккаб, ўзгарувчан оҳангдорлиги, нафис уйғунлик анчагинадир. Аслида булар ҳам халқ санъати, кулол усталари асарларининг таркибий сифати ҳисобланади. Айни пайтда кулоллик санъати рангини вазминлик билан қўллашга, табиатни рамзий англашга ёрдам беради. Маълумки, азалдан Шарқда ранг эмоционал таъсир этибгина эмас, балки мазмунни ифодалаш, муайян хабар қилиш вазифасини ҳам бажариб келган.

Ўн бир предметдан иборат «чой» сервизи (икки ҳажмдаги чойнак, қандон, лаган, коса ва олтита пиёла) Ч. Содиқовнинг аввал яраттан асарларига қараганда ранглар жиҳатидан бирмунча мураккаб. Зеро, бу тасодифий эмас. Унда кулол санъати чинакам маҳорат меваси сифатида рўёбга чиққан. Бу иш Тошкент кулоллик мактаби анъаналарига хос икки-уч рангнинг (кўк-кўкимтир, яшил, жигарранг) оддий қиёси асосида қурилган. Аммо бўёқларнинг оқиши, қуюқлиги, қирилган оқ жойлар, рангларнинг бир ўринда мураккаб чатишуви ва бошқа ўринда лўнда доғ бўлиб туриши — буларнинг барчаси Шарққа хос такрорланмас образни гавдалантирувчи манзара рамзий санъатнинг мураккаб тузилишини вужудга келтирган.

Ч. Содиқов ўз маҳоратини ошириш мақсадида кулоллик санъати тарихини синчиклаб ўрганади. Устанинг бу изланишлари ўз самарасини беради. Унинг Алишер Навоий таваллудининг 550 йиллигига бағишлаб ишлаган комплекти — Афросиёб кулоллигига хос терракота усулида ишланган. Комплект саккиз предметдан ташкил топиб (кўза, лаган, олтита пиёла) кўза анъанавий шаклда, унинг юзасига араб ёзуви билан уйғунлашган нақш берилган. Афросиёб кулоллигига хос бёлги шундан иборатки, бунда тайёрланаётган материалнинг пластик хусусиятларидан муваффақиятли фойдаланилади. Сопол комплектида нақшлар шаклнинг кўринишини кучайтиради ва улар мақсадга мувофиқ турли композиция асосида қурилган, шу билан бирга нақш бўлаклари идишнинг ҳар қайси қисмига мувофиқ равишда танланган. Нақшлар орнаментал жиҳатдан тўла равишда шаклга мувофиқ бўлганлиги учун ашёнинг тузилиш хусусиятларини бўрттириб кўрсатиб, унинг эмоционал таъсирини оширган. Бу асар кулоллик санъатига хос классик хусусиятларнинг бирмунча мураккаб услубий мужассамидир.

Уста ижод билан бирга Ўзбекистон кулоллик мактабида ўзининг ўрнини топган ва шу санъат турини ривожлантираётган шогирдларни тарбиялаб вояга етказди. Уста ўзининг шогирдлари деб меҳнат ва ижодда унумли фаолият кўрсатаётган Собир Расулов, Қобул Рашидов ва Шуҳрат Ғиёсовларни тилга оладилар.

Устанинг асарлари республиканинг нуфузли марказий музейларида ўзбек халқ кулоллик санъатининг бир қисми сифатида намойиш қилинмоқда. Уста буюмлари кўплаб хорижий, Бутуниттифоқ ва республика кўргазмаларида намойиш қилинган. Уларнинг аксарияти Германия, Чехословакия, Венгрия, Польша ва Япония мамлакатларида бўлиб ўтган халқ амалий санъати кўргазмаларида намойиш этилиб ўз мухлисларида катта қизиқиш уйғотди. Шунинг учун улар Ўзбекистон халқ усталарининг энг яхши асарлари ўртасида муносиб ўринга эга.



Суратда: кулол Чўлпон Содиқов асарларидан намуналар.

СИЗ КУТГАН УЧРАШУВ

ДАВРАЛАР СОҲИБИ

Ижод турлари ичида конферансьелик (концертни олиб борувчи) алоҳида бир санъатдир. Масалан, актёр роль устида драматург ва режиссёр ёрдамида ойлаб, баъзан йиллаб изланиш олиб боради ва, ниҳоят, ўша образ қиёмига етгач, уни саҳнага олиб чиқади. Янги қўшиқ шоир, бастакор ва хонанданинг ҳамкорлигида ҳафталар, ойлар мобайнида яратилади. Бироқ, концерт ёки бадиий кечани олиб борувчида эса бундай фурсат йўқ. Ў кечани, концертни олиб боришга ҳамиша тайёр, давралар руҳини тез илгаши ва сўзга моҳир бўлмоғи керак. Бу энди кишидан зукколик ва топқирликни талаб этади.

Йигирма беш йилдан бери муттасил гоҳ концерт ва театр залларида, гоҳ бадиий ва ижодий кечаларда конферансьелик қилиб келаётган Ўткир Сиддиқовнинг чекига ана шундай масъулиятли вазифа тушган.

Номи элга танилиб, ўзбек санъати доврутини нафақат республикамизда, балки қардошларимиз диёрида ҳамда хорижий юртларда намойиш этишда ўзининг камтарин улушини қўшиб келаётган бу ижодкор билан суҳбатда бўлдик.

— Ўткиржон, агар сир бўлмаса, айтинг-чи, санъат турлари ичида танлаган ижодий йўлингиздан мамнунмисиз?

— Албатта. Мен конферансьеликни ҳамиша ёш болани авайлагандек қадрлаб келаман. Уни, агар таъбир жоиз бўлса, тетапояликдан дадил оёққа тургазиш учун бутун умрини бағишлаган ижодкорлардан бириман.

— Ўзингиз драматик актёр бўла туриб, нега айнан шу йўлни танлагансиз?

— Бунинг тарихи узун. Ўшанда театр ва рассомлик санъати институтининг учинчи курсида таҳсил олаётган эдим. Тошкент Давлат филармониясида конферансьелик санъати бўйича кўрик-танлов ўтказиладиган бўлиб қолди. Курс раҳбаримиз Ўзбекистон халқ артисти Назира Алиева менга шу синовда қатнашишимни таклиф қилиб қолдилар. Олдинига розилик бермадим. Жонкуяр Назира опа

ўз ҳолимга қўймадилар. «Ахир сен ҳарбийда ҳам бу борада ўзингни синаб кўргансан (хизмат даврим-да «Юлдузча» ҳарбий гуруҳида икки йил бошқарувчилик қилганман). Қолаверса, анчадан бери ўзим кузатиб юрибман, сенда шунақа қобилият бор», — дедилар.

Таваккал қилдим-у ўз устимда ишлай бошладим. Устозларим Назира Алиева, Нина Тимофеева менга яқиндан ёрдам беришди. Кечалари ўзимча бир хонамизни саҳна фараз қилиб, унда юриш-туриш, ўзни тутиш, овозингни қўлда тутиб, ундан фойдаланиш сирларини қунт билан машқ қила бошладим. Баъзан ойна олдида узоқ туриб, ҳаракатларимни кузатардим. Қайсиниси ўзимга ёқмаса, уни бир неча бор такрорлашдан эринмасдим.

Кўрик куни ҳам етиб келди. Синовга келганлар анча-мунча эди. Ҳатто орамизда таниқли санъаткорлар бор эди. Мен улар олдида ўзимни бир оз ноқулай сезардим. Қарангки, шу куни бахт менга кулиб боқди. Ҳайъат аъзолари шунча истеъдодлар орасида менинг номзодимни танлашди. Шундай қилиб денг, талаба бўла туриб, Ўзбекистон Давлат филармониясининг «Шодлик» дастасида ижодий фаолиятимни бошлаб юбордим. Ўшандан бери шу ерда ишлаб келаман. Юқорироқ маош билан ўзга гуруҳларга ўтиб ишлашимни ҳам таклиф этишди. Лекин унамадим. «Дарахт бир жойда кўкаради» деган нақлга амал қилдим.

— Ҳозир сизни бадиий сўз усталари қаторига қўйишади. Қолаверса, сизнинг бошқарувчилик санъатингиз шу тарздаги бошқа санъаткорларникидан кескин фарқ қилади. Бунинг сабаби нимада?

— Мен саҳнага қадам қўйган биринчи кунимдан бошлаб ўзгаларни такрорламасликка, ўз услубимни яратишга ҳаракат қилганман. Кейин меҳрибон устозим Назира Алиева ҳам менга шуни маслаҳат берганлар. У киши билан биргаликда охирги курс талабалик даврим-да, яъни бир йил давомида институтда махсус тайёргарликдан ўтганман. Хуллас, бошқарувчилик санъатида ўз ўрнимни қолдиришга ҳаракат қилдим Ҳозир шогирдларим ҳам бор. Улар вилоят театрларида ва дастраларда ишлашади.

Баъзан мендан «касбим» сир-асрори ҳақида сўраб қолишади. Уларга айтишим мумкинки, бу касб санъаткордан чидам ва тоқат билан ишлашни, кейин ўта фидойиликни талаб этади. Мен ҳамиша концерт руҳига мос дастур тайёрлайман. Бир гуруҳ билан биргаликда саҳнага чиқишдан олдин махсус тайёргарлик кўраман. Ўша гуруҳ ёки санъаткорнинг йўналиши, ижоди билан танишишдан эринмайман. Ўзимни концертга тайёр ҳис қилганимдагина саҳнага чиқаман. Лекин конферансьенинг вақти тигиз бўлади. Тез ишлаш керак. Конферансье томошабинни руҳлантириб, унинг кайфиятини бирдек ушлаб туриш маҳоратига эга бўлмоғи керак. Хонанда дастурга киритилган қўшиқни айтиб, саҳнани тарк этаверади. Аммо бошқарувчи кечанинг бошидан охиригача томошабин билан ҳамкор, ҳамнафас бўлиб туради.

Баъзи бошқарувчиларнинг хонанда билан узвий боғланмасликларининг сабаби шундаки, айтайлик, хонанда бирор қўшиқни мунгли куйласа, бошқарувчи — унинг акси ўлароқ — шеър, байт ёки газаллар ўқийди. Албатта, бундай ҳолат ҳар қандай тингловчини ранжитади. Мен эса қўшиқчи билан баробар қадам ташлашга интиламан. Яъни шўх куйга яраша шеър, огир, вазмин қўшиққа мос газал ўқийман. Саҳнавий ҳаракатим, ҳатто кўз қарашларимни ҳам шунга мослаштиришга интиламан.

— Қайси санъаткорлар билан саҳнага чиққанда ўзингизни эркин ҳис қиласиз, ёки, бошқача айтганда, кимлар билан ҳамкорлик қилиш Сиз учун қулай?

— Шу ўринда мен Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Фахриддин Умаровнинг номини биринчи бўлиб тилга олишни истардим. Чунки бу санъаткорда томошабинни ўзига жалб қила олиш санъати кучли. Кейин у киши куйлаётган газал ёки шеър сатрларини шундай дона-дона қилиб ифода этадиларки, уни эшитган ҳар қандай киши сеҳрланиб қолади. Баъзан Фахриддин ака залда эътиборсизроқ ўтирган бирон-бир томошабинга кўзи тушиб қолса, дарров унинг диққатини ўзига тортишга ҳаракат қилиб, қўшиқ орасида шундай ширинсухан гап қиладиларки, маржондек терилаётган бу сўзлар беихтиёр сени ўзига ром этиб қўйганини билмай қоласан, киши. Ўзга хонандалар санъатини камситмаган ҳолда, яна айтишим мумкинки, мен кўпроқ Ўзбекистон халқ артистлари Ғуломжон Ёқубов, Камолиддин Раҳимов, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Нуриддин Ҳайдаров, Ғиёс Бойтоевлар билан ҳамкорлик қилгим келади. Чунки улар билан саҳнада ҳамиша бир-биримизни тушуниб турамиз.

— Ҳозир кўпчилик санъат фидойилари икки ғашнинг бирида театрдан томошабин қочганидан нолийдиган бўлиб қолишган. Сиз шинаванда сифатида бу фикрга қандай қарайсиз?

— Очиги бундай қараш билан чиқишолмайман. Ҳадеб томошабиндан нолийвериш инсофдан эмас. Менимча, ҳамма гап унинг руҳига мос асарларни танлай билишда. Агар режиссёрларимиз, саҳна усталари яхши асарни қиёмига етказиб, томошабинга тақдим этсалар, одамлар уни қизиқиб кўришларига аминман. Мана, бир мисол: театрдан «томошабин қочаётган» бир даврда баъзан концерт залларига ихлосмандларни сигдириб бўлмайди. Хўш, нега ўша театрга боришга вақт тополмаган одам, ўзига ёққан хонанда концертига боришни унутмайди? Яхшиси, нолиш ўрнига мана шунинг сирини изламоқ мақсадга мувофиқ бўлади.

— Сиз дунё кезган санъаткорлар сирасига кирасиз...

— Фикрингизни тушундим. Агар мақтанчоқлик бўлмаса, республикамизда менинг қадамим етмаган туман камдан-кам топилса керак. Бундан ташқари, декадалар ёки бадиий кечалар муносабати билан турли гуруҳларга қўшилиб, жуда кўплаб қардош республикалар, Россиянинг шаҳар ва қишлоқларини кезганман. Ҳисобимда ўн бешдан ортиқ хорижий мамлакатлар бор. Айниқса, Германия, Польша, Куба, Афгонистон, Болгария сафарлари менда катта таассурот қолдирган.

— Чет эл сафарларида саҳнага чиққанда Сизни ўша мамлакат тилида концерт дастурини олиб боради, дейишади. Шу тўғрими?

— Ҳақ гап. Сафарларга уч-тўрт ой олдин тайёргарлик кўра бошлайман. Ўша миллат кишилари, санъаткорлари билан мулоқотда бўламан. Тилшунослардан тил ўрганаман. Хуллас, дастурни ўша миллат тилида олиб боришга тайёр бўлмагунимча, изланганим-изланган. Масалан, биргина Ўзбекистонни Афгонистон билан боғловчи Ҳайратон кўпригининг очилиши маросимида берган концертимизни олайлик. Тантанада ҳар иккала мамлакат вакиллари қатнашишди. Шуни ҳисобга олиб, концерт дастурини икки тилда олиб боришга тўғри келди. Мен афгонча, Ўзбекистон халқ артисти Тўлқин Тожиев эса ўзбек тилида бошқарувчилик қилди...

— Охирги савол ... Оилавий ҳаётингиз ҳақида...

—, Турмуш ўртогим — Дилбархон боғчада тарбиячилик қилади. Бир қиз, икки ўғилнинг отасиман. Фарзандларимнинг учаласи ҳам олий маълумотли. Шаҳлохон, Мадина, Самира исмли ширин набираларга бува бўлганман.

Суҳбатдош
Маҳмуд КОМИЛЖОНОВ.

ДИҚҚАТ, ЯНГИ ЛУҒАТ ЧИҚМОҚДА

Филология фанлари доктори, шарқшунос, тилшунос олим Ботирбек Ҳасанов «Қуръони карим сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичли луғати»ни тайёрлади. Қуйида шу луғат тайёрланиш жараёни ҳақидаги суҳбат ўқувчилар эътиборига ҳавола қилинмоқда.

— Ботирбек ака, Сизнинг Навоий асарларига тузган қисқача луғатингиз китобхонлар қўлига тегкани айни муддао бўлди. Чунки П.Шамсиев ва С.Иброҳимов томонидан тайёрланган луғатлар аллақачонлар тарқалиб кетган, танқис китоблар сирасига кириб қолган эди.

Эшитишимга қараганда, яна бир янги луғатингиз босмадан чиқиш арафасида экан. Бу қандай луғат?

— Янги луғатим чиқаётгани чин. Унинг номи — «Қуръони карим сўзларининг арабча-ўзбекча кўрсаткичли луғати». Луғатни чиқаришга алоқаси бор ёки ундан хабардор кишилар уни «Қуръон очқичи» ёки яна ҳам қисқароқ қилиб «Очқич» деб аташмоқда.

— Демак, мутахассислар нашр бўлаётган китобингизнинг луғат томонига эмас, балки кўрсаткичлигига кўпроқ эътибор бермоқдалар?

— Жуда тўғри айтдингиз. Китоб аслида фақат кўрсаткич сифатида тайёрланган эди. Чунки қадимги обидалар, ёзма ва оғзаки манбалар билан иш қурувчи буткул мутахассислар учун биринчи навбатда китобнинг мана шу кўрсаткич қисми зарурдир. Унинг луғат қисмида эса Қуръони карим сўзларининг энг асосий луғавий маъноларини бериш билан чегараландик. Бунга муайян бир тарихий ёки адабий манбада учраб қолган Қуръон оятининг мазмунини тушуниб олиш учун шу кунгача бизда бирор-бир луғатнинг йўқлиги асосий сабаб бўлди. Фикримча, Қуръони каримнинг ўзбек тилига таржима ва тафсирлари пайдо бўлаётган бугунги кунда Муқаддас китоб сўзлари учун айрим ва тўла луғат ҳам тузилса бўладиган вақт узоқ эмасдек кўринади.

— Энди луғатнинг тузилиши ҳақида ҳам гапириб берсангиз.

— Тўғри, луғатнинг тузилиш усулларини билмай, ундан фойдаланиб бўлмайди. Луғатга Қуръони каримда учрайдиган ҳамма сўзлар киритилган. Сўзлар ўзбек ҳарфлари эътибори билан алифбе тартибига солинган (ҳаракатлар ҳисобга кирмайди). Луғат бош сўз ўрнидаги мақола билан бошланади. Бош сўзлар феълий ва исмий шаклларда бўлиши мумкин.

— Ботирбек ака, энди мен ўзим ёд биладиган суралардан битта-битта сўз айтсам-да, биргалашиб луғатдан шу сўзларнинг маънолари ва уларнинг Қуръони каримда жойлашган ўрни кўрсатилган луғат мақолаларни ажратиб олсак.

«,абтару — думсиз, думи кесик: ал-,абтару 108:3

ба:рака — барака бермоқ, кўпайтирмоқ: 41:10; ба:ракна: 7:137; 171; 21:71; 81; 34:18; 37:113; бу:рика 27:8.

силсилатун кўплиги сала:силу — занжир: силсилатин 69:32;

ас-сала:силу 40:71; сала:силан 76:4.

қуддусун — поклик, муқаддаслик: ал-қуддуси 2:87; 253; 5:110; 16:102.

мата:бун — тавба қилиш, ружу қилиш, қайтиш: мата:бин 13:30;

мата бан 25:71.
вақаба, йақибу, вақбун, вуку:бун — ёпмоқ, беркитмоқ 113:3.»

— Раҳмат, журналимиз ўқувчилари учун келгусида яна янги ишларингиз ҳақида ҳикоя қилиб беришни ваъда қила оласизми?

— Иншоаллоҳ, яқин фурсатда ишга тушаётган «Арабча-ўзбекча» ва «Ўзбекча-арабча» луғатларим ҳақида гапириб бериш имконига эга бўлсам керак.

Шуҳрат РИЗАЕВ

«САДОҚАТГА ЭШДИР САОДАТ»

(Саида РАМЕТОВА ижодий портретига чизгилар)

Ҳозирги 30-40 ёшлар оралигидаги театр актрисаларидан қай бири халқ ўртасида энг машҳури ва суюклиси деб сўрасалар, мен ҳеч иккиланмай Саида Раметова, деб жавоб берган бўлар эдим. Таниш-билиш, қон-қариндошлар билан қачон кўришиб қолсанг, албатта Саида ҳақида сўз кетади. Ҳамма суҳбат, сўров ва қизиқишлар «шу қиз жуда яхши ўсиб келяпти-да», деган сўзлар билан бошланиб, «орзу-ҳавас қилсак, шу қизни таклиф этардик-да», деган ширин энтикиш билан тугайди. Гоҳи ўзим ҳайрон бўламан: ахир Саида кино ёки телевидениенинг кунда-шундаси эмас, дубляж ёки радиога ҳам аҳён-аҳёнда боради. Театрда эса томошабин муаммоси пайдо бўлганига ўн беш-йигирма йилча бўлиб қолди. Ўйланиб туриб, ўзимча топгандай бўламан: «сайёрлик»-чи?! Бу сўзни театр кишилари яхши билишади. Айниқса, ўша томошабин муаммоси росмана муаммога айланган даврдан бери актёрлардан кичик-кичик театрлаштирилган концерт гуруҳлари тузиб, турли гавжум ташкилотларга, колхоз-совхозларга юбориб, молиявий режани тўлатиш барча театрларимиз учун табиий ҳолга айланиб қолган. Театрларимиз пештоқлари афишаларсиз ҳувиллаб турганда ҳам театр жамоасининг яшаётгани ва, балки, жон сақлаётганини англатувчи тушунча ана шу «сайёрлик»лар бўлади. Бутун республика театрларидан фарқли ўлароқ фаол ижодий ишлаётган ягона томошагоҳ — Аброр Ҳидоятов номидаги ўзбек ёшлар драма театрида ҳам тез-тез ўшанақа «сайёрлик»лар уюштириб турилади. Ана шу томошаларнинг бош қаҳрамони кўпинча Саида Раметова бўлади. Йўқ, бу ҳол Саиданинг ижодий жараёнда кўп иштирок қилмаслигидан эмас, аксинча театрнинг охирги йиллардаги деярли барча спектаклларида Саида банд ва ҳатто, аксарият, асосий рольларга жалб қилинади. Гап шундаки, театр жамоасини ўз корхонасига таклиф этувчилар биринчи навбатда Саида Раметовани сўрашади. Унинг бағоят самимийлиги, томошабинлар билан жуда тез тил топишиши, соф майин, оҳиста, гоҳида эса шаршарадек жўшқин, шўх, завқли қўшиқлари эл назарига тушган. Тилдан-тилга кўчиб, ўйин-кулгига табиатан мойил халқимизнинг эътиборини қозонган Саида ҳам буни яхши сезади. Сезади-ю, аммо ҳеч қачон ўзини «бозорга солмайди». Қачон кундалик режага номи ёзилган бўлса, худди жангга кетаётган аскардай шай. У ёги Жиззахми, Сирдарё, «Чинобод»ми, «Ботаника» — бориб, томоша, куй-қўшиққа эҳтиёжмандларнинг кўнгилларини хушнуд этиб келади. Чарчоқни, йўл азобларини писанд этмай, зарур бўлса, қайтиб келиб репетицияларда иштирок этаверади. Шу боис, Саида режиссёрларнинг ҳам, маъмуриятнинг ҳам суюклиси (эркаси эмас). Шу боис, эл-юрт ўртасида ҳам номи ардоқли. Албатта, Саидани шу гаплар билангина таърифлаб ўтсак, «ўйин-кулги» билан шуҳрат тошган экан-да, деган мулоҳаза турилиши табиий. Унинг кулиб турувчи қиёфасига назари тушган одам бу фикрга янада кўпроқ ишонади. Бироқ шу билан чекланса, буларнинг бари бир ёрқин истеъдодли актриса ҳақидаги гоят юзаки, гоят зоҳирий мулоҳазалар бўлиб қолади, холос.

Саида ҳозирги Аброр Ҳидоятов, у вақтлар «Ёш гвардия» деб номланган театрга 1980 йилнинг кузагида келган эди. Ўтган ўн беш йил давомида элликка яқин катта-кичик роллар ўйнабди. Мана, уларнинг кичкина рўйхати: қиз — «Зада бўлган пайғамбар», Вельма — «Ветсайд воқеаси», Валя — «Зинуля», Мария — «Шайтон фаришталари», Улмасхон — «Беш кунлик куёв», Женя — «Бу ерда тонглар сокин», Вера — «Вагончик», Қалдиргоч — «Кўзлари чўлпон», Диласфрўз — «Баланд дорга осилма», Феруза — «Сендан утина», Наргиз — «Отасининг қизи». Булар асосан 1985 йилгача бўлганлари. 1985 йилдан театр ижодий ҳаётида янги давр, аниқроқ қилиб айтганда, режиссёр Баҳодир Йўлдошев даври бошланди. Вақти келиб эътироф этармиз, 80-90-йиллар бу Ҳамза номидаги ёки «Ёш гвардия» театридаги Баҳодир Йўлдошев даври эмас, айни чогда, ўзбек театри тарихидаги «Баҳодир Йўлдошев даври»дир. Саида ана шу даврнинг асосий актрисаларидан бири бўлиб шаклланди. Кетма-кет етакчи ролларни ижро этди: «Паранжи сирлари»да Холисхон, «Фармонбиби араслади»да Муҳайё, «Гўзаллар ва миршаблар»да Шаҳноз, «Аршин мол олон»да Гулчеҳра, «Алдагани хотин яхши»да Жюли, «Маъмура кампир»да Марям, «Искандар»да Она ва ниҳоят «Малика» спектаклида Малика.

Саида бу ролларда гоҳ жафодийда, маҳзун, маъсума қиёфада гавдаланса, гоҳи дунёга шодон кўзлар билан боқувчи, фақат ҳаёт ва муҳаббат лаззатидан масрур эҳтиросли, завқли қиз қиёфасида жонланади.

Ҳамзанинг «Паранжи сирлари» драмаси жуда кўп саҳнавий талқинларни кўрган. Айниқса, Лутфихон ая ижроси билан Муқимий номидаги театрда қўйилган кўриниш ҳалиҳануз кўпчиликнинг хотирасида. Пьесанинг ўзи Ҳамза драматургик талантининг энг авж паллаларида ёзилганиданми, ҳар бир даврнинг хусусиятини акс эттириб талқин қилишга имкон беради. Баҳодир Йўлдошев ана шу жиҳатни нозик илгаб, режиссёр А.Гамиров билан биргаликда ижтимоий-психологик драма жанридаги талқинни амалга оширади. Гоят нуктадон актриса Римма Ахмедова ижросида Мастура сатанг ҳамлард, хайрихоҳ муносабат уйғотадиган, ўз турмуш тарзининг тубанлигини билиб туриб, азбаройи чорасизликдан қўшмачилик қилувчи руҳан безовта образ сифатида жонланади. Унинг ички изтиробларини кузатиб туриб, гўзал Холисхонни ҳам шундай қисмат кутаётганини англаб қоласиз. Беихтиёр Холисхон Мастуранинг қурбони эмас, балки унинг ўтмиши, ёшлиги дея сесканиб кетасиз. Саиданинг Холисхон қиёфасидаги аламли қичқириги, «Мен нима қилиб қўйдим?» — дея зал узра янграган нидоси Мастура сатангнинг азобли ўйлари, армону андишаларининг ўн йиллар аввалги акс-садосидек туюлади. Ҳар икки парда бошланишидаги ликопчани чертиб, ҳазин куйга мутаносиб сокин ва сомъъ тебраниш мизансаҳнасининг аввал Мастура, кейинги пардада эса Холисхон томонидан бажарилиши худди шу фикрнинг тасдигидек. Саида режиссёрнинг мазкур талқинини қалбдан ҳис этиб, Холисхон образини гавдалантирди.

«Паранжи сирлари»дан тамомила фарқли ўлароқ машҳур «Аршин мол олон» лирик комедиясида С.Раметова илк муҳаббат сурурини қалбдан кечираётган Гулчеҳра образида намоён бўлади. Қўшиқ, куй, ранг ва рақсларга бой бу спектаклда Саида томошабинни жиддий ўйлардан халос этиб, ҳаёлий дунёларга, эркин, бегараз, ёруг туйғулар оламига таклиф этади. Унинг қўшиқларига маҳлиё бўлиб, бир дам ташвишли дунёни унутасиз, тирикчилик, рўзгор юмушларидан безган кўнгилни рангин орзуларга, қачонлардир бўлганидек, яна ошно этасиз.

Саида сўнгги уч-тўрт йилда бундай роллар билан ўз репертуарини анча бойитди. «Гўзаллар ва миршаблар» спектаклидаги Шаҳноз, «Беш сўмлик келин»даги Ноз-ноз образ-

лари ана шу сирадан. Бундай роллар Саида учун нисбатан енгил ҳазм бўладиган роллар, чунки унинг ўз табиатида шундай жўшқинлик, завқу сурур устувор. Бироқ мана шу 1994 йил Саида учун анчагина ижодий синов йили бўлди. У гоят мураккаб тақдир ва фожеий қисмат топган Малика образини яратди.

Столимда «Малика» спектакли премьераси куни олинган фотосуратлар сочилиб ётибди. Уларнинг деярли барчасида Саида акс этган. Мана, у бир шода ёнган шам кўтариб қоп-қоронғу, бойқушларнинг совуқ ҳайқириғи эшитилиб турган саҳнасаройга кириб келмоқда. Гўё жаҳолат ва зулумотга чўмган бутун бир қишлоққа — Малика нур янглиғ кириб келаётгандек. Ана шу вайрона саройдек кўҳна ва мотамзада энага (М.Усмонова) саҳнада пайдо бўлади. Малика шамларини ерга оҳиста ёйиб, энага қучоғига отилади. Ўнлаб йиллар хотирасидан ўчираётган ўша болалик таъмини яна иссиқ бағир огушида тоттандек бўлади. Гўё ўша беташвиш болаликка яна қайтадигандек. Аслида Малика ўз қишлоғига шунинг учун қайтган. Ота-она ҳокини зиёрат қилиш баробарида, бундан чорак аср муқаддам тарк этган гўшасини кўриб, болалик дамларини эсламоқчи, ўз умрининг ўттан паллаларини сарҳисобини қилмоқчи. Бутун биринчи парда давомида Малика энага, садоқатли хизматкор ва ёшлик дугоналари билан дийдорлашиб, ўз тилагига етади ҳам. Аммо шодон кулги, хотира, ўйин ва суҳбатлар асносида қўрқинч, таҳдид, таҳлика ҳамиша сезилиб туради. Унинг орқага қайтмогини, тезроқ бу маскандан узоқлашишини бир энага, бир саҳнада пайдо бўлаётган ногирон ва яна ақлдан озган қўшни аёл эслатиб турадилар. Малика эса ҳеч нарсага тушунмай, дугоналари билан дардлашиш иштиёқида. Ниҳоят, саҳнага қоп-қора ридога беланган икки қул аёл мутаассиб кампирлар кириб келадилар. Қуллар Маликанинг ҳимоячилари. Кампирлар эса ўша мероснинг қуллари. Яъни Малика отасидан қолган мулк туфайли умргузаронлик қилаётган, дини ислом, шариат аҳкомларининг барқарорлиги йўлида «посбон» кимсалар. Бутун таҳликанинг сири энди ошкор бўлади. Кампирлар Маликани гайридин фарангига турмушга чиқиб, ўз эътиқоди, ақидаларидан юз ўгиргани учун суд қилмоққа, агар рози бўлса оиласидан айириб, тавба билан тавфиқ йўлига олиб кирмоқчилар. Акс ҳолда эса Малика ўлимга мустаҳиқ. Малика ўз турмуш тарзини эътиқодига зид деб билмайди. Аксинча, фарзандлар бунёд этиб, ширин турмуш кечираётган оила ва никоҳ шаръий деб ҳисоблайди. Кампирлар билан Малика ўртасидаги баҳс бу диний фанатизм ва эрк ўртасидаги, руҳий ҳурлик билан азобли хўрлик ўртасидаги, мутелик билан инсоний гурур ўртасидаги кураш эди. Бу курашнинг якуни фақатгина ҳаёт ёки ўлим бўла оларди. Малика эркинликни, демакки, ўлимни афзал билади. Боши узра чарх ураётган қузғунларга тик қарай билади. Спектакль бошланишидаги Малика — Саида олиб кирган нур ҳаётбахш оҳанглар билан алмашинади. Маликанинг ўлими ҳам қандайдир мунаввар ўлим таассуротини қолдиради.

Саида ана шу мураккаб тўқимали образни меъёрига етказиб ўйнай олди, фақат режиссёр талқини эмас, айни пайтда ижро асноси унинг ўз инсоний муносабатини ҳам Малика образи билан узвийлаштиради. У эътиқод, иймон мавжуд удум, урф-одатларга кўр-кўрона итоат қилишда эмас, балки инсонийлик, эрку адолат ва яхшилик уруғини қалбга жо этиб яшашда, ўзгаларга меҳру мурувват, оқибат кўрсатишда, нуру зиёда деб тушунади. Шунинг учун ҳам Малика Аллоҳга имон келтириб, ўлимга мардона юз тутади.

Саида ана шу талқинни саҳнада ўринлатиб ижро этгани учун спектакль муваффақиятини таъмин этди. Бошқа ижрочилар билан бирга Франциядаги гоят обрўли халқаро фестивалга таклиф қилинди. Ҳатто пьеса муаллифи Фотима Галер, премьерадан сўнг ўз асари ўнга яқин театрларда саҳналаштирилиб, бу ердагичалик жаранг касб этмаганини эътироф этди. Бунда, албатта, Саида Раметованинг ҳам бўлиқ ҳиссаси бор.

Малика образи Саиданинг актёр сифатидаги ижодий такомилида, шубҳасиз, муҳим босқич. Шундай роллар, одатда актёрларни камолатга етказади. Агар актёр шуҳрат зинапоясининг бир бўғинига чиқиб-чиқмай, ўзини ҳар соҳага сарф этавермаса, ижодий етуклик кашф этмоги тайин.

Саида ҳозирча садоқатда солим. Гарчи кино, телевидение, радиода ҳам санаса санагулик ишлар қилиб турган бўлса-да, театрга, хусусан, Аброр Ҳидоятов номидаги театрга муносабати ўша илк даврларидек ардоқли ва собит. У театрда бир лаҳзалик роллардa банд бўлса ҳам кино ё телевидение деб ундан юз бурмайди. Шу не-не буюкларнинг тақдирига, кечмишларига гувоҳ бўлган қадрдон масканга ҳамиша астойдил интилади, ўз театрини дунёдаги энг улкан театр деб, режиссёр Баҳодир Йўлдошевни дунёдаги энг буюк режиссёр деб билади.

Шу туйғу уни ҳеч қачон тарк этмасин!..



Миннатдорчилик мактуби

АЙНИ МУДДАО БЎЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистонда театр ва мусиқа санъатини янада ривожлантиришни қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони республикамизда бозор иқтисодиётига босқичма-босқич ўтилаётган ҳозирги шароитда санъат ходимлари учун айни муддао бўлди. Чунки бу тарихий ҳужжат театр ва мусиқа санъати арбобларини янги иқтисодий шароитларда меҳнатга рағбатлантиради ва уларни ижтимоий ҳимоя қилади.


Айниқса, Фармондаги «Маданият ишлари вазирлиги бир ой муддатда... Алишер Навоий номидаги Давлат академик опера ва балет Катта театри ҳузурида 15 кишидан иборат стажёрлар гуруҳи ташкил этсин», — деган сатрлар мени чуқур ҳаяжонга солди. Демак, отахон театримиз бундан кейин ҳам етук мутахассислар тайёрловчи етакчи масқан бўлиб қолади.


Доно халқимизда: «Отанг — бозор, онанг — бозор», — деган ҳикмат бор. Бунинг маъноси шуки, ҳар ким ўз аравасини ўзи тортиши керак. Тўғри-да бировнинг елкасига юк бўлишдан, мутеликдан яратганнинг ўзи асрасин. Бироқ, шундай соҳа ходимлари борки, улар яратаётган маънавий қадриятларни ҳеч қандай пул, мол, бойлик билан ўлчаб бўлмайди. Уқитувчи, мураббийлар, журналистлар, рассомлар, актёрлар, созандалар, кинематографчилар шундай тоифадаги ижтимоий қатламга мансубдирлар. Ана шуларни ҳисобга олиб, республика раҳбарияти ўтиш босқичидаги ҳозирги вақтинчалик қийинчиликлар даврида санъат аҳлига нисбатан оталарча ғамхўрлик кўрсатмоқда.

Шунинг учун биз, санъат ва маданият жамоатчилиги республикамиз Президентига, ҳукуматига таъзим бажо келтириб, жуда катта миннатдорчилик билдирамиз. Биз халқ ишига, фарзандлик бурчига бундан буён ҳам содиқ бўлиб қолаверамиз.

Абдулла БОЗОРОВ,
Алишер Навоий номидаги
Ўзбекистон Давлат
академик опера ва балет
Катта театрининг актёри,
Ўзбекистонда хизмат
кўрсатган артист.

ЭФЕСДАГИ АРТЕМИДА ИБОДАТ-ХОНАСИ





ТЎРТИНЧИ МАҚОЛА

Кичик Осиёда унча катта бўлмаган бир ҳудуд бор. Юнон-Рим ҳукмронлиги даврида Эфес номи билан шуҳрат қозонган бу гўзал жойлар кейинчалик турклар қўлига ўтган ва қаровсизликдан хароб бўлган. Денгизга туташ гавжум жойлар ботқоқликка айланган. Кўп замонлар ўтиб, гуллаб-яшнаган бу бебаҳо ёдгорликлар қум остида қолиб кетган.

Эрамиздан аввалги VI асрда Эфес ўз тараққиётининг гуллаб-яшнаган босқичида бўлган. Бу ерда кенг ва обод кўчалар, майдонлар бўлган, сув қувури қурилган. Жуда катта тош устунлар усти ёпиқ марказий майдонни янада салобатли кўрсатган.

Қадимги Эфес театри қадимшуносларни, айниқса, ҳайратга солган. Театр 24 минг томошабинга мўлжалланган. Топилган кутубхона шаҳарнинг маънавий бойлиги ва юксак маданиятидан далолат бериб туради. Кутубхона уч қаватли бинога жойлашган бўлиб, юқори қаватларига силлиқ мармар зиналар орқали чиқилган. Кутубхона пештоқи илм-фанни, ақл-идрокни, донишмандлик ва олижаноблик сингари фазилатларни улугловчи ҳайкалчалар билан безатилган. Олимларни Артемида ибодатхонаси қизиқтирар, чунки худди ана шу ибодатхона қадимги китобларда етти мўъжизанинг бири сифатида таҳлил қилинган эди.

Артемида ибодатхонаси ўзининг гўзаллиги ва улугворлиги билан Кичик Осиё меъморларининг шуҳратини ошириб юборди. У бошқа ибодатхоналардан ҳар жиҳатдан устун бўлиб келди. Кичик Осиёда Артемида худосининг ихлосмандлари кўп эди. Унинг қиёфасида икки худо — ов худоси билан ҳосилдорлик худоси мужассамлашган. Юнонлар Артемида худосини ов кийимида, елкасига ўқдон осиб, кийик етаклаб келаётган гўзал қиз қиёфасида ифода этганлар. Уларнинг тақвимларида ҳам Артемисион деган ой бўлган ва бу ой эфесликларда байрам ойи ҳисобланган. Эфесликлар Артемидани ўз ҳудолари деб тан олганлар. Шунинг учун улар ўз ҳудоларини шарафлаш мақсадида унга атаб ибодатхона бунёд этганлар. Юнонликлар ибодатхонага катта ҳурмат билан қарашган ва энг катта диний маросимларни шу ерда ўтказганлар.

Артемида ибодатхонасини қуришдек масъулиятли вазифа ўз замонасининг машҳур меъмори Херсифронга топширилади. Унинг лойиҳасига биноан улкан мармар қаср қурилиши, қасрни икки қатор чиройли устунлар ўраб туриши лозим эди.

Артемида ибодатхонаси роппароса 120 йил деганда қуриб битказилган. Херсифрон уни қуриб улгурмаган. Унинг вафотидан кейин қурилишни Херсифроннинг ўғли Метаген давом эттирган. У, асосан, ибодатхонанинг юқори қисмини қурган. Бу ишида Метаген ҳам отаси дуч келган қийинчиликларга учрайди ва қурилишни поёнига етказа олмайди. Бинони меъморлар Пеонит ва Деметрийлар қуриб битказадилар.

Бироқ Артемида ибодатхонаси ўзи қурилган муддатча ҳам турмайди. Орадан юз йил ўтгач, бутун Юнонистонни ҳайратга солган машҳур ибодатхона яксон қилинади.

Эфесликлар ибодатхонани қайта тикламоқчи бўладилар. Бунинг учун аҳоли маблағ тўплашга киришади. Искандар Зулқарнайн ҳам ибодатхонани тиклаш учун ҳар қанча маблағ сарфлашга тайёр эканини билдиради. Қайта тиклаш вазифаси эса ўша даврнинг машҳур меъморларидан бири Хейрократга топширилади. Ибодатхонанинг ички хоналари мармар қопламалар билан пардозланади. Жуда катта зал қурилиб, унга бошдан-оёқ олтин ва қимматбаҳо тошлар билан безак берилган худо — Артемиданинг 15 метрли ҳайкали ўрнатилади. Ўша даврнинг машҳур мусаввирлари Артемида ибодатхонасини расмлар, ҳайкаллар билан безатадилар. Буларнинг бари шусиз ҳам улугвор бўлган бу иншоотни беқиёс даражада салобатли ва муҳташам қилиб юборади. Айниқса, мисдан ясалган аёл ҳайкали ҳамманинг эътиборини тортади.

Артемида ибодатхонасининг улугворлиги ва ниҳоятда гўзаллиги ҳақидаги овозалар жуда кўп мамлакатларга етиб боради. Гота кўчманчилари Рим давлатига юриш қилганларида биринчи навбатда Эфесни — Артемида ибодатхонасини мўлжалга оладилар.

ОЛИМПДАГИ ЗЕВС ҲАЙКАЛИ

БЕШИНЧИ МАҚОЛА

Олимп — бу қадимги Эллада ерида жойлашган тепаликдир. Минг-ўн минглаб кишилар бу тепаликни муқаддас билиб, уни зиёрат қилгани келишган. Олимпда бўлган ҳар бир киши ўзини энг бахтиёр инсон деб ҳисоблаган.

Бу ерда жуда кўп тадбирлар ўтказилар, айниқса, юнон худоларининг ажойиб ҳайкаллари ўрнатилган боғ ҳамманинг диққатини ўзига тортар эди. Боғдан бир оз четроқда Зевснинг хотини маъбуда Гера ҳамда Момо ҳаво ибодатхоналари бор эди. Акс-садо қасри жуда машҳур бўлиб, бу ерда бир марта айтилган сўз етти марта қайта жаранглар экан.

Бироқ буларнинг ҳеч қайсиси худо Зевс номи билан аталадиган ва бутун Юнонистонга шуҳрати кетган ибодатхона билан тенглаша олмас эди. У ердаги Зевс ҳайкали ўз замонасининг машҳур ҳайкалтароши Фидий томонидан бунёд этилган эди. Фидий Зевс ҳайкалини яратиш устида бир неча йил меҳнат қилган. Афсуски, ҳайкал бизгача етиб келмаган. Зевс ҳайкали ёнгин вақтида батамом нобуд бўлган. Ҳолбуки Олимпиадаги барча мусобақалар мана шу улуғвор ва гўзал ҳайкал олдида ўтказилар, анъанага кўра, ҳар сафар ўйинлар югуриш мусобақасидан бошланар эди.

Мусобақалар тугаб, ғолибларга мукофотлар бериладиган кун аста-секин парда кўтарилар ва ҳамманинг кўз ўнгида олтин, кумуш ва қимматбаҳо тошлар билан безатилган ажойиб ҳайкал — Зевс қиёфаси намоён бўлар эди. Йилда бир марта бўладиган мусобақалар ҳам ана шу худо шарафига ўтказилар, судьялар ғолибларга Зевс ибодатхонаси олдида ўсадиган «муқаддас» дарахт новдаларидан ясалган гулчамбарлар тақдим этишар эди. Юнонистонда ер кўп қимирларди. Шу сабабли жуда мустаҳкам қурилган қасрлар, саройлар ва ибодатхоналар ҳам таг-тагидан емирила борарди.

Олимпия ўйинлари қайтадан тикланиб, яна анъанага айланиб кетгунича орадан кўп асрлар ўтди. 1896 йилга келибгина бу ўйинлар яна Олимпия ўйинлари ватани Юнонистонда тикланади.

Олимпия ўйинларининг ташкилотчилари қадимги дунёда мавжуд бўлган анъаналарни сақлаб қолишга ҳаракат қилдилар. Олимпия ўйинлари ҳар тўрт йилда бир марта ўтказиб турилади. Олимпиада қайси шаҳарда ўтказилмасин, у юнон спортчиларининг — шонли олимпиадачилар авлоди вакилларининг тантанали юриши билан бошланади. Бунинг устига Олимпиада машъаласи ҳар гал қадимги Олимпияда ёқилиб, ундан Афинага, сўнгра Пирей портига олиб борилади ва шу ердан машъала Олимпия ўйинлари ўтказиладиган мамлакатга олиб кетилади.

Бугунги кунда Олимпия ўйинлари машъаласи тинчлик, халқлар дўстлигининг рамзи бўлиб қолди.

Муяссар МУРТАЗОЕВА.

Абдуқаюм ПАРДАЕВ

ВАФО-ЭЪТИҚОД

(НАВБАҲОРИЙНИНГ ИККИ ҲИКОЯСИ ҲАҚИДА)

Навбаҳорийнинг «Дуррул-мажолис» тўпламида Ҳақ таоло севган азиз инсонлардан бири — Исо алайҳиссаломнинг фазилатлари ҳақида ажойиб ҳикоялар келтирилган. Китобнинг олтинчи бобида Исо пайғамбарнинг мўъжизалари ҳикоя қилинади. «Ривоят қилишларича,— деб ёзади Навбаҳорий,— Исо алайҳиссаломнинг мўъжизаси шу эдики, тўрт юз йилги ўликни дуо қилиб, Худои таолонинг фармони билан тирилтирар эди. Кофирлар буни кўриб, ҳазрати Исони сеҳргар дер эдилар. Баъзилари эса худонинг ўғли дер эдилар»[1].

Ҳақ-таоло қабила ва қавмларнинг ахлоқи ва иймон-эътиқодини поклаш учун ўз пайғамбарларини юборганида, уларга мўъжизалар ато қилади. Бу мўъжизаларни кўриб баъзилар иймонга мушарраф бўлса, баъзилар пайғамбарларга ишонмай, уларни сеҳргар деб масхара қиладилар. Навбаҳорий ҳикоясида тилга олинган ҳазрати Исо ҳам ана шундай ҳақ пайғамбарлардан биридир (Уни Шарқда Масиҳ дейдилар). Маълумки, «Инжил»да масиҳийлар янглиш эътиқод билан, Исони пайғамбар дейиш билан чекланмай, уни «Худонинг ўғли» деб ишонадилар. Ҳаттоки уни «Худо» деб унга сажда қиладиларки, бу яна куфрга, муштаракликка қайтишдир.

Навбаҳорий «Дуррул-мажолис» китобида Исо пайғамбарнинг мўъжизаларини — ўликларни тирилтиришини тасвирлар экан, бу гаройиботни кўрган одамлар Аллоҳга ва унинг пайғамбарига иймон келтириш ўрнига, уни сеҳргар-жодугар деб, куфр кетганларини айтади.

«Бу сўзларни (куфр сўзларни) эшитган ҳазрати Исо шаҳардан чиқиб, биёбонларни ихтиёр қилар эди. Бир куни у биёбондан ўтаётганида етти кечаю-кундуз ёмғир ёғди. Исо алайҳиссалом пана жой тополмай, бир қўён кавагига кириб ётди ва нидо қилди: «Эй, худо, бир қўёнга паноҳ бердинг, Марям ўғлига паноҳ бермассан!» Яна деди: «Шукур ва сано ул Худогаким, нима юз берса, унинг қудратидан юз беради. Бундай неъматни ҳеч кимга бермайди, фақат дўстларга ато қилади». «Таврот»дан маълумки, Бани Исроил пайғамбарларининг кўпчилиги (ҳазрати Довуд, Сулаймон ва б.) буюк подшоҳ бўлиб, салтанатга раҳбарлик қилганлар. Подшоҳлик қилмаганлари ҳам (ҳазрати Иброҳим, Яъқуб ва Юсуфдек) қабилаларга раҳбар, мол-дунё эгаси эдилар. Улар орасида ҳазрат Исо энг камтарин, ҳокисор, фақирона яшаган. Фақирликка сабр-қаноат қилиб, шукрона айтиш эса масиҳийликда ҳам, исломда ҳам иймон мустаҳкамлик ва буюк эътиқод далилидир. Ҳазрати Муҳаммад алайҳиссалом ва унинг саҳобалари ҳам фақирлик машаққатларига мардона бардош берганлар.

Навбаҳорий ҳикоясида Исо пайғамбар етти кечакундуз ёмғир остида қолса ҳам худога шукур қилгани учун Ҳақ-таоло унинг қошига фаришта Жаброилни юбориб, ажойиб хушхабарни етказади:

— Эй, Исо, шундай фармон бўлдики, қиёмат куни (охиратда) саксон минг соҳибжамол ҳурни бергайман, ул ҳурлар тирноғининг равшанлиги икки дунёга етгай, у сурурлар бу дунё маишатидан юз чандон яхшироқ бўлғай ва барчалари сенинг хизматингда бўлурлар, боис шуки, бу дунё машаққатларига (сабр) тоқат қилдинг. Бир неча кун қўнглингни хуш тутгил. Охират азоби абадий мавжуддир, (золимлар) ундан асло

[1] Навбаҳорий, «Дуррул-мажолис», Нашрга тай. Х. Бобобек, М. Ҳасаний. Т., 1993.

МЕВАСИ

халос бўлмагайлар».

Исо алайҳиссаломнинг ана шундай камтару ҳокисорликлари туфайли Ҳақ-таоло ул зотни азиз қилиб, унга огир касалларга шифо бериш, ўликларни тирилтиришдек буюк мўъжиза фазилатларини берди. Бу мўъжизаларни кўрган минг-минг камбағал, бечоралар Худога иймон келтириб, Исо пайғамбарга эргашдилар, унинг ҳикматли сўзларига — ҳадисларига қулоқ солиб, у бошлаган ҳақ йўлда, фақат эзгу ишлар, яхшиликлар қилиб, яшашга аҳд қилиб, иймон келтирдилар. «Инжил»да айтилганидек, Исо алайҳиссалом бу дунёдаги гариб, мискин, камбағал, бечораларга олий даргоҳдан хушхабар берди: «Бу дунёда эзилган, мискин, бечоралар кўзи ёшлилар абадий дунёда жаннатда роҳат-фарогат топгусидирлар!» (Инжил).

Бу хушхабарга мискин, бечора камбағал одамлар ишонса ҳам, Худонинг ягоналигини, барча оламлар яратувчиси, гуноҳкорларни охиратда жазоловчи энг олий зот эканлигини ўйламайдиган кибру ҳаволи бойлар ишонмас эдилар. Ана шундай иймонсизларни ҳақ йўлга солиш учун Аллоҳ пайғамбар Исога мўъжизавий куч-қудрат ато қилди.

Сайфуз-Зафар Навбаҳорий «Дуррул-мажолис» асарида Исо Масиҳнинг мўъжизасини тасвирлаш орқали виждонсиз, иймонсиз, кўрнамак, бевафо, хиёнаткор одамларнинг қилмишларини фош этади. Асарда қуйидаги ажойиб-гаройиб воқеа ҳикоя қилинади.

«Шундан сўнг (етти кеча-кундуз ёмғирда қолиб, қуёнларнинг кавагида ётганидан сўнг) Исо алайҳиссалом гўристон ёнидан ўтиб кетаётган эдилар, қараса, бир киши гўрнинг ёнида йиглаб ўтирибди.

Исо алайҳиссалом ундан:

«— Нега бу ерда йиглаб ўтирибсан? — деб сўраса, у одам айтади:

— Эй, Исо Руҳуллоҳ, бу — хотинимнинг гўри. У билан аҳд қилиб, агар сен мендан аввал ўлсанг, то ўлгунимча қабринг устида ўтираман, деган эдим! — деди».

«Ана вафодорлик, ана садоқат ва меҳр-муҳаббат қудрати!» деб ўйлайсиз бу сатрларни ўқиб. Яна: «Бу марҳума аёл тириклигида эрига ниҳоятда вафодор ва меҳрибон, садоқатли бўлган экан», деб ўйлайсиз. Аммо «Дуррул-мажолис» муаллифи Навбаҳорий бизга кутилмаганда бошқача таълим беради. Яъни:

Ҳазрати Исо бу сўзни эшитиб, (у кишига) раҳми келади ва:

— «Эй, йигит, агар хотининг аввалгидек тирик бўлса нима берар эдинг? — деди. Йигит:

— Қолган умримнинг ярмини берардим, — деди».

Бу жавобдан биз яна қувонамиз: «Вафодорлик, севгига содиқлик шунчалик бўлади-да». Бу софдил, виждонли, иймонли инсоннинг жавоби.

Пайғамбар мўъжиза кўрсатади:

«Исо алайҳиссалом дуо қилди. Гўр иккига ажралиб, ичидан хотин тирилиб чиқди. Йигитни шодлик қоплади. Исо алайҳиссалом бу ердан жўнади. Эру хотин эса қолдилар.»

«Тасодифан (эҳтимол, худонинг иродаси билан — А.П.) шу ердан подшоҳзода ўтиб қолди ва хотин олдида ухлаб ётган бир кишини кўрди. Шунда подшоҳзода:

— Ётган киши ким? — деб, хотиндан сўради.

— Мени бу киши ўтирлаб келган,— деди хотин».

Ана сизга «вафодорлик!» Ана «виждон» ва «иймон!». Умрининг ярмини берган, жуфти ҳалоли бўлган эрига «миннатдорчилик»ни кўринг! Пайғамбар дуоси билан тирилган аёл Аллоҳга шукрона айтиш ўрнига, эрининг садоқатига қувониш ўрнига, аксинча, вафодор эрини ўғри, қароқчи деб туҳмат қилиши — аёлнинг иймонсизлиги, виждонсизлиги оқибатидир. Аёлнинг бундай беҳаёлиги — унинг Худодан қўрқмаслигини кўрсатади. Иймони бўлса, Худодан қўрқса, шундай бевафолик қилармиди? Шу тариқа, бевафо аёл ухлаётган эрини ўғрига чиқариб, ўзи подшоҳзодага тегиб, саройда яшаш учун, унга эргашиб кетаверди. Энди воқеанинг бу ёгини эшитинг.

«Баногоҳ ҳалиги киши уйғониб, хотинининг кетаётганини кўрди. Оҳ уриб югурди. (Унгача улар узоқлаб, кўздан гойиб бўлишди). Бир баландликка чиқиб қараса, бир неча отлиқ кетиб боряпти. Уларга яқинлашиб: «Тўхтанглар!» — деди. Улар тўхтаганда ҳалиги киши: «Менинг хотинимни қаёққа олиб кетяпсизлар? Худой таолодан қўрқмайсизларми?» деб бақирди.

Аммо, худодан қўрқмайдиган, виждонсиз, иймонсиз, фақат ўз роҳатини, шаъну шавкатда, дабдаба ва ҳашаматда яшашни ўйлайдиган худбин, бевафо хотин яна бундай ёлғонни айтади:

— «Мен сизларга, бу айёр ва таррор деб айтмаганмидим? Сизлар эса ишонмадиларингиз, — деди уларга».

Подшоҳзода аёлнинг бу гапига ишонди. Чунки у ёш аёлни ростгўй, тўғри сўз, жабрланувчи, жафокаш деб ўйлади. Ҳалиги ростгўй кишини эса ёлғончи ва айёр, золим одам деб ўйлаб, жазолашга қарор қилди.

— «Отнинг қуйрутига (думига) боглаб, шаҳарга элтинглар! — деб буюрди. Ўзи келиб, воқеани подшоҳга тушунтирди».

Ҳикоядан кўринадики, ҳалиги макр, ҳийла қилувчи бевафо аёлга нисбатан подшоҳнинг ўғли виждонлироқ, ростгўйлироқ, иймонлироқдир. Шунинг учун у ҳеч кимни алдамай, отасига бўлган воқеанинг тўғрисини айтади. Подшоҳ ҳам шундай одам. У, шўролар даври адабиётида тасвирланган, халққа зулм қилувчи золим подшоҳлардан эмас, балки виждонли, иймонли, мусулмон (ёки масиҳий-христиан) подшоҳдир. Шунинг учун ҳам у, аёлнинг эрини чақириб, ундан бўлган воқеани сўраб, суриштиради. Иймонли киши: «Бу — менинг аёлим, ўлиб кетган эди. Исо пайғамбар келиб, менинг тилагим билан Аллоҳга илтижо қилиб, тирилтирди,— дейди. Подшоҳ «Гапингни ким тасдиқлайди?»— деганида ҳалиги киши, Исо пайғамбарни гувоҳликка чақиради.

«Эртасига биёбонда бир нур пайдо бўлди. Қарасалар Исо алайҳиссалом тўлин ойдек тулуъ қилиб келяптилар». Навбаҳорийнинг бу сўзлари кўз олдимизга овруполик буюк мусаввирлар — Леонардо да-Винчи, Микеланжело, Рафаэль ва бошқалар тасвирлаб берган ҳазрати Исо сиймосини келтиради. Подшоҳнинг манзилига етиб келганда, подшоҳ тахтидан тушиб, истиқболига пешвоз чиқди ва иззату икром бажо келтирди. Подшоҳ ҳалиги фақир киши аёл ўғри деб айблаётганини, у киши аёлни хотиним деб айтаётганини, бу ишга пайғамбар гувоҳ, деяётганини айтиб берди.

Исо алайҳиссалом ўзи гўрдан чиқариб, тирилтирган аёлнинг вафодор эрига миннатдорчилик ўрнига иймонсизларча ношукурлик ва хиёнат қилаётганини сезди. Пайғамбар аёлга қиблага қараб ўтиришни буюрди. Аёл ўтиргач, ҳазрати Исо ундан:

— Эрингнинг умрини қайтариб бердингми? — деб сўради.

Хотин (эрига муҳтож эмаслигини билдириш учунми):

— Қайтариб бердим,— деди. Ва бу сўзни айтиб улгурмасидан бир тўда тупроққа айланди.

Сўнг подшоҳ Исо пайғамбардан бу гаройиб воқеанинг сабабини сўради. Пайғамбар воқеани тушунтириб бердилар».

Сайфуз-Зафар Навбаҳорий ҳикояда Исо пайғамбарнинг вафодор эр ва бевафо аёл ҳақида подшоҳга қандай фикр айттанини бизга билдирмайди, чунки виждонли, диёнатли ўқувчилар ўзлари учун фойдали хулоса чиқариб олишларига ишонади.

Чиндан ҳам бу гаройиб воқеа ҳақида қандай хулоса (ёки хулосалар) чиқариш мумкин? Аммо, хулоса чиқаришдан аввал ўқувчилар кўнглида бир қанча саволлар тугилиши табиий.



«Камалак» нашриёти адабиётшунос олим, филология фанлари номзоди, Тошкент Давлат дорилфунуни доценти Раҳматилла Иногомовнинг «Муҳаммад Пайғамбарнинг туркий авлодлари» китобини нашрдан чиқарди. Китобда улуғ Пайғамбаримиз сулолаларига мансуб Миён ҳазратлари авлоди, бу авлоддан етишиб чиққан кўплаб уламо ва азиз-авлиёлар — ҳазрати Ғавсул Аъзам Муҳиддин Саййид Абдулқодир Гилоний, нақшбандийлик тариқатининг асосчиси хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Олим Имом Раббоний, шоир ва носир Сўфи Оллоёр ҳаёти, фаолияти ҳақида ҳикоя қилинади.

Миён ҳазратлари авлодларининг 1400 йилга яқин вақтни ўз ичига олган шажараси билан танишиб, бу авлод вакиллари орасидан кўплаб машҳур олим ва шоирлар, юзлаб азиз-авлиёлар етишиб чиққанининг гувоҳи бўласиз.

Қуйида биз муаллифнинг ушбу китоби ёзилиш тарихи ҳақидаги мақоласини эътиборингизга ҳавола этамиз.

БИР РИСОЛА ТАРИХИ

Ҳар бир нарсанинг маълум бир сабаби бўлганидек, ҳар бир асар, илмий ишнинг ёзилишига бир туртки вазифасини ўтайдиган ҳолатлар, ҳодисалар бўлади.

«Муҳаммад Пайғамбарнинг туркий авлодлари» китобининг ёзилишига туртки бўлган сабаблар ҳақидаги мулоҳазаларимни қисқача ҳикоя қилай.

Тошкент Давлат дорилфунунида қирқ йилдан бери ишлаб келаётган, уруш ва меҳнат фахрийси, ажойиб инсон, етук географ олим, маҳалладошим Расохон ака Ҳодиев билан хизматга боришда ва уйга қайтишда кўпинча ҳамсуҳбат бўламиз. Дилкаш суҳбатларимиз аксарият ўзимиз хизмат қилаётган адабиёт, жуғрофия фанларига оид муаммолар, шунингдек, тарих, улуғ аждодларимиз ҳақи-

---

«Бу киши хотинини нима учун шу қадар қаттиқ севган?» Биз ўйлаймизки, у, хотинининг ташқи гўзаллиги — камон қошлари, шаҳло кўзлари, эҳтимол, яна ширин сўзлари учун севган бўлса керак. Йўқ, агар аёлнинг иймон-эътиқоди, қалб гўзаллиги бўлганида, ярим умрини бериб, унинг тирилишини орзу қилган эрига хиёнат ва бўҳтонлар қилмаган бўлур эди. Хуллас, аёлнинг иймонсизларча қилмиши бу ҳикояни ўқиган ёш авлод қалбида ёмонликка, ахлоқий нопокликка нафрат туйғуларини уйғотади. Ўқувчилар севимли хотинига вафодор эркак кишига хайрихоҳлик билан бирга, бундай иймонсиз, ахлоқсиз аёлнинг эри эканига ачинади ҳам.

Исо пайғамбар шафоат қилиб, Аллоҳдан унинг ўлган хотини тирилишини сўрашига сабаб шуки, бизнингча, пайғамбар қабр устида йиғлаб ўтирган эркакнинг вафодорлигини ҳурмат қилганидан бўлса керак.

Ҳикоянинг иккинчи қисмида Исо пайғамбарнинг бошқа бир мўъжизаси тасвирланади: тўпламдаги барча ҳикоялар каби бу ҳам дидактика, панд-насиҳат руҳида, тақдири, азални ўзгартиришга уриниш бефойда эканлиги, виждонсиз, иймонсиз ёки иймони заиф одамлар яхшиликни билмаслиги ҳақидадир.

Бу ҳикояда ҳам Исо пайғамбар бир камбағал эру хотиннинг тилагини Аллоҳдан сўраб беради. Аввалгисидан фарқи шуки, бу ҳикояда тақдири азални ўзгартириш мумкин, бу иш Ҳақ-таолонинг қўлида эканини далиллаб беряптики, бу Сайфуз-Зафар Навбаҳорийнинг илми каломни чуқур билгани, журъатли дин олими, доно ахлоқшунос эканлигидан далолат беради.

Ҳикоя мазмунига кўра, Исо алайҳиссалом яна бир марта чўл-биёбондан ўтаётганида камбағал эр-хотин ва уларнинг боласини кўради. Улардан:

— Кимсизлар? — деб сўрайди. Улар:

— Эру хотинмиз, бу ўғлимиз бўлади. Эй, Руҳуллоҳ, жуда ҳам камбағалмиз, ноиложлик сабабидан бозорга боролмаймиз... Эй, Руҳуллоҳ, бизнинг тилагимизни Худои таолодан тилаб беринг, токи ғуссамиз очлик балосидан нажот топайлик,— дейишди.

Исо алайҳиссалом Ҳақ-таолодан уларга шафқат тилайди. Ғойибдан фармон бўлди:

— Эй, Исо, азалда бу уч кишига тақдир қалами шуни ёзган.

Исо бу хабарни уларга айтган эди, улар:

— Қалам унинг қўлидами, ёки қўли қаламдами (қалам ихтиёридами) — дейишди.

Ҳижрий XI аср муаллифи Сайфуз-Зафар Бўстоний-Навбаҳорий ўрта асрларда турли мусулмонлик мазҳаблари орасида қазо ва қадар, тақдир ва инсоннинг ирода эркинлиги ҳақида узоқ йиллар баҳс-мунозаралар бўлиб ўтганлиги ҳақида маълумотлар беради.

, Қазо ва қадар — тақдир қудрати шундайдир. Аммо, ислом шариатига кўра, инсон худо йўлида гўзал, эзгу ишлар қилса қисмати, тақдири яхшилик томон ўзгариши, умри узайиши, гуноҳларидан қутилиб, покланишти мумкин. Лекин ислом шариати ва ахлоқида тақдирга тан бермаслик Худога қарши исён, яъни гуноҳ, куфр ҳисобланади.

«Дуррул-мажолис» тўпламида юқорида келтирилган ҳикояда эса бир оила аъзолари — ота билан она (боласи ҳали гўдак) камбағалликлари жонига тегиб, Исо пайғамбарни учратганларида «Бизга Худодан тилагимизни тилаб беринг» деб илтимос қиладилар. Исо пайғамбар ўзи етти кечаю етти кундуз ёмғир остида, бир қўённинг кавагида совқотиб ўтирса-да, шу аҳволига ҳам шукур қилади. Камбағал эр-хотин эса, ҳикояда тасвирланишича, тақдиридан норози. Улар кофир эмас, Аллоҳнинг қудратига ишонадилар, аммо камбағалчи-

да борарди. Расохон ака ўзларининг миёнлар авлодидан эканликларини, бу авлоддан ўтмишда жуда кўп алломалар, табаррук кишилар, улуғ зотлар етишиб чиққанлигини, миёнлар авлоди келиб чиқиши жиҳатидан улуғ Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом авлодига мансуб эканлигини, миёнлар тарихини ўрганиш, халқимизга етказиш зарур ва савоб ишлардан бири эканлигини қайта-қайта гапирардилар. Гарчи бу гаплар мен учун янгилик ва қизиқ бўлса-да, аввалига негадир етарли эътибор бермадим, чамаси. Иккинчи томондан, у вақтларда дин ҳақида илиқ гапларни ёзиш, авлиёлар ва уларнинг кароматлари тўғрисида рўй-рост гапиришнинг сираям иложи йўқ эди.

Бир куни Расохон ака ўзларида тошкентлик машҳур шоир Мискиннинг икки марсияси сақланишини, улар ҳеч қаерда эълон қилинмаганлигини айтиб, адабиётчи сифатида кўздан ўтказиб беришимни, иложи бўлса, матбуотда эълон қилишга ёрдамлашишимни илтимос қилдилар. Расохон аканинг оқила оналари — Муҳаррамхон пошша аядан ёзиб олинган мазкур марсиялар у табаррук аёлнинг оталари, яъни Расохон Ҳодиевнинг бувалари — ўтган асрнинг иккинчи ярми, йигирманчи асрнинг биринчи чорагида яшаган, замонасининг етук уламоларидан бири, гоят зукко, ҳофизаси ўткир, Пайғамбаримиз авлодларига мансуб Миён Фазл Қадр Набирахон ҳазратларига бағишланган эди. Камина бу марсиялар тарихини, Миён Фазл Қадр шахсига доир материалларни ўрганиб, марсияларни қадрдон дўстим, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидов назаридан ўтказганимдан сўнг «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафталигида «Мискиннинг номаълум марсиялари» сарлавҳаси остида мақола эълон қилдим.

Изланишни давом эттирдим. Янги-янги манбаларни қидирдим. Расохон акада сақланаётган миёнлар авлодига мансуб, деярли XIV асрга яқин вақтни ўз ичига олган Муҳаммад Пайғамбардан бошланадиган табаррук шажарани ўргандим.

«Хазина» буюртмасига кўра «Камалак» нашриёти чоп этган «Муҳаммад Пайғамбарнинг туркий авлодлари» рисоласи мустақиллик ва яхшиларнинг шарофати, миллий қадриятларимизга эътибор кучайганлиги туфайли чоп этилиб, дунё юзини кўрди.

Уч босма табоққа яқин рисолани ёзиш учун ўлкамиз, Шарқ мамлакатлари, дин тарихига доир кўплаб илмий ишларни, манбаларни кўриб чиқишга, ўрганишга, ўтмишимиз тўғрисидаги қатор бадиий асарларни қайта ўқишга, ойлаб меҳнат қилишга тўғри келди. Жаноби Расулуллоҳнинг авлодлари тўғрисидаги далиллар Шарқ ва Ғарб шоир ва олимларининг асарларидан мисқоллаб йиғилди. Авлиёлар — Пайғамбар авлодлари тўғрисидаги турли афсона ва ривоятлар, халқ ўртасида тарқалган баъзи ҳикоятлардан ҳам фойдаланилди.

Раҳматилла
ИНОҒОМОВ,
ТошДД доценти.

ликдан қутулишни истайдилар. Буларнинг тилагини Исо пайғамбар Олий даргоҳга етказганида, гойибдан ваҳий келадики, тақдири азалда уларнинг камбағаллиги ёзиб қўйилган. Сабр-бардош беришса, охиратда — абадий ҳаётда жаннатда роҳат-фарогатда яшайдилар. Аммо Аллоҳ раҳмдил, айниқса, яқин дўсти — Исо Руҳуллоҳ орага тушиб, шафоат сўрагани учун, «Майли, тилагингизни айтинглар»,— деган фармон келади.

Ҳар бир инсоннинг тилагидан унинг ким қандай одам эканини, феъл-атвори, ахлоқини ҳам билиш мумкин. Аёлнинг эри «Сенинг висолингни тилайман»,— дейди. Бу сўзлар ҳикояда ҳам ҳақиқий, ҳам мажозий-рамзий маънога эга. Биринчи маъноси — эркак ўз аёлини севади, унга фақат унинг висоли бўлса етарли. Бу маънода ҳам бу камбағал киши олий ҳиммат ли, маънавий жиҳатдан бой ҳисобланади.

Бир қарашда юқоридаги икки ҳикоя ўхшашдек.

Иккаласида ҳам аёлнинг Худодан лутфу эҳсон кўриши, Аллоҳга ҳамду сано ва шукрона айтиш ўрнига эрига бевафолик қилиши тасвирланган. Иккала ҳикояда ҳам Исо пайғамбар дуоси билан мўъжиза юз беради. Иккала ҳикояда ҳам эркак киши виждонли, иймонли экани кўринади. Ҳар иккала ҳикояда тақдири азалда ёзилганига норозилик билдиришнинг ёмон оқибатлари тасвирланади.

Фақат фарқ шундаки, биринчи ҳикояда ўлган аёл тирилиб, ношукурлиги туфайли яна ўлик ҳолатига қайтарилади. Иккинчи ҳикоядаги янгилик — бегуноҳ боланинг Худога илтижо қилиб, онасини огир жазодан қутқазиши тасвирланади. Иккала ҳикоядан келиб чиқадиган ахлоқий-фалсафий хулоса шуки, инсонга Аллоҳ-таоло қанчалар яхшиликлар ато қилса ҳам инсон (ҳикояда — аёл) шукрона айтиш ўрнига, иймонсизлиги, диёнатсизлиги туфайли ошкора ахлоқсизлик йўлига ўтади ва оқибатда жазога учрайди. Демак, иймонсизлик — ахлоқсизликдир,— деган гояни илгари сураги асар муаллифи.

Сайфуз-Зафар Навбаҳорий ҳикояларининг ўзига хослиги шундаки, уларда диний мазмундаги сюжет дунёвий, умуминсоний маънавий муаммо сифатида таҳлил этилади ва инсонийликка зид ижтимоий иллатлар кескин қораланади. Ва аксинча, инсонни камолотга етказувчи ахлоқий фазилатлар улугланади.

Иккала ҳикояда кўзланган мақсад, маънолар анча теран, бир вақтнинг ўзида бир қанча ахлоқий хулосалар чиқаришга имкон беради. Аввало, пайғамбарнинг раҳмдиллиги Ҳақ-таоло буюрган ажиб фазилатдир. Раҳмдилликда Ҳақ-таоло барчага устоздир. Шу туфайли Аллоҳ пайғамбарнинг илтижосини қабул қилиб, биринчи ҳикояда ўлган аёлни тирилтиради, иккинчи ҳикояда — камбағал аёлнинг чирой сўраган тилагини ҳам ижобат қилади. Аммо, инсон умри ҳам, чирой, ҳусн-жамол ҳам ўткинчидир. Иймон, эътиқод эса мангу саодатга элтади.

Бу икки ҳикоядаги бевафо аёл қилмишини ўқиганимизда ҳазрат Алишер Навоийнинг «Маҳбубул-қулуб» асаридаги мана бу дурдона фикрлари ёдимизга келади: «Жаҳон гулшани вафо гули зийнатидин бўшаб қолган, башарият гули вафонинг муаттар ҳидларидан айрилган. ...Вафо шундай бир покзот маҳбубаки, у зоти тоза, табиати пок бўлмаган одамга яқинлашмайди. Вафо шундай асл гавҳарки, у — инсоният тожига зийнатдир...»

ШОҲ ВА ШОИР

(МУҲАММАД РАҲИМХОН — ФЕРУЗ)

Ўз замонасининг буюк фарзанди, давлат арбоби ва олими, улкан шоири ва бастакори Муҳаммад Раҳимхон — Феруснинг жаҳолатни енгиш йўлидаги маърифатпарварлик фаолияти ва бой адабий мероси ҳозирги авлод учун илҳомбахш манба, маънавият мактабидир.

Муҳаммад Раҳимхон 1844 йили Хивада таваллуд топган. У бошланғич таълимни сарой муаллимларидан олган. Кейин эса мадрасада ўқийди. Машҳур тарихнавис олим ва шоир, таржимон Муҳаммад Ризо Огаҳий унга муаллим қилиб тайинланиб, шеърият, тил, мантиқ, тарих, таржима илмидан сабоқ беради. Шу тариқа устоз Огаҳий ёш Муҳаммад Раҳимнинг камолотига катта ижобий таъсир кўрсатади.

Муҳаммад Раҳимхон ўн тўқиз ёшга тўлганда (1863) падари бузруквори Саид Муҳаммадхон вафот қилади. Шундан сўнг Муҳаммад Раҳимхон Хива хонлиги ҳукмдори, деб эълон қилинади. Янги тахт соҳиби раҳбарлик фаолиятининг биринчи кунлариданоқ адолат, инсонпарварлик билан иш кўришга интилади.

Муҳаммад Амин Лашасий «Хива шоирлари ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари» тазкирасида бу ҳақда шундай деб ёзади: «Муҳаммад Раҳимхон — 19 яшар навжувон, ақлли йигит Хоразм тахтига миниб, ҳукмронлиг эттони ҳолида Хоразм қитъасига маҳкам забт этиб, қозоқ, қорақалпоқ фуқароларининг ёш ва катталаридан ўзига муҳаббатларини жалб этиб, муқарраб (яқин) қилиш билан Хоразм мамлакатин... осуда ва фароғатлик ҳолда тутади».

Муҳаммад Раҳимхон Хоразм ҳукмдорлари ичида энг кўп муддат, яъни қирқ етти йилу ўн беш кун (1865-1910) хонлик қилган ва ўзидан кейин яхши ном ва адабий маъмурлик ҳайкали қолдирган инсонлардан биридир. Феруз даврида чет эллар билан савдо-сотиқ ривож топиб, янги пул зарб қилинди, хирож тартибга солиниб, халққа оз бўлса-да енгиллик берилди, мактаб ва мадрасаларда ўқитиш ишлари, илм-фан, адабиёт ва санъат, ҳунармандчилик ривожланди, ҳунар аҳли учун алоҳида-алоҳида усти очиқ ва ёпиқ расталар қурилди. Бозорда ун, газлама, мева-чева, ширинликлар, ичимликлар, атторлик буюмлари мўл-кўл эди.

Хивада хон саройига олимлару фузалолар, шоирлару бастакорлар, меъморлару бинокорлар, наққошлару моҳир ҳунармандлар йигилиб, ўзига хос маданий-ободончилик маркази вужудга келтирилди. Бу даврда Хонёб, Бўзёб, Шўрахон сингари ариқ-наҳрлар қазилди, боғу роғлар барпо этилди.

Муҳаммадхон Раҳимхоннинг раҳбарлигида ва ҳомийлигида Тўра Мурод минораси, Бекажон Бека минораси, Полвон Қори мадрасаси, Қози калон мадрасаси, Полвон дарвоза, Исломхўжа мадрасаси ва минораси ҳамда бошқа йигирмадан ортиқ меъморчилик обидалари, ҳаммом, шифохона, мактаб, масжид, йўллар қурилди.

1871 йилда Муҳаммад Раҳимхон яна бир маърифат масканни — янги мадраса биносини қуриб битказди. Мадраса икки қаватли бўлиб, унда муллаваччаларнинг таълим-тарбия ишлари ва яшашлари учун барча шароитлар мавжуд бўлиб, ёзги ва қишки масжид, дарсхона ва кутубхона, мадраса ҳовлисида 76 та ҳужра бор эди. Ҳар ҳужра уч хонага: дарсхона, ётоқхона, қазноққа — омборхонага бўлинган эди.

Хива хонлиги ҳудудида 130 мадраса, 1500 мактаб бўлиб, уларда 45 мингдан зиёд талаба ўқирди. Хоразм воҳасидаги 122825 таноб экинзор, 161471 таноб тўқайзордан ҳар йили ўртача 114984 ботмон ғалла, 19817 тилла пул даромади олинган.

Муҳаммад Раҳимхоннинг фармонига биноан, ана шу даромаддан мадраса мударрислари, охундлар, масжид имомлари ва 1338 ўқувчи, жами 1798 кишининг таъминоти учун пул сарфланган (Д. Раҳимов, Ш. Мадрасул. «Феруз — шоҳ ва шоир қисмати»).

Хивада бутун ислом оламига машҳур Араб Муҳаммадхон, Муҳаммад Аминхон, Шергозихон, Оллоқулихон, Тўрамурод мадрасаларида илоҳиёт илмлари: Қуръон, ҳадис, тафсир, фиқҳ (дин ва шариат қонун-қоидалари) билан бирга риёзиёт, ҳандаса, илми нужум, тиббиёт, тарих, жуғрофия, шеър илми (поэтика), араб тили ва унинг морфологияси («Қофия») каби дунёвий илмлар ҳам ўқитилар эди. Ферузнинг ўзи тез-тез Хива мадрасаларида бўлар, таълим-тарбия ишларини назорат қилиб борар ва талабаларга давлат хазинасидан моддий ёрдам қилиб турарди. У мадраса мударриси ҳар томонлама билимдон бўлишини, дарсларининг таъсирчан ва қизиқарли ўтишини истарди. Шу мақсадда Феруз мадрасаларга охундликка ва мударрисликка тайинлашдан аввал номзодни чақириб, танишарди ва имтиҳон қилиб бўлгач, «очиқ дарс» ўтказишини сўрарди. Ферузнинг олим ва фозиллар ичида бундай ошкора иш тутишининг аҳамияти бениҳоя катта эди. Мударрислик вазифасига тайинланаётган кишининг шахсияти, зукколиги, маънавий дунёси, фозилу донишмандлиги намоён бўларди.

Хива мадрасаларида Муҳаммад Юсуф Ҳожи-Доий, Худойберган Охунд-Ожиз, Муҳаммад Шариф Охунд, Оллоққули Охунд, Муҳаммад Ёқуб Охунд, Муҳаммад Юсуф Охунд, Муҳаммад Ризо каби олиму фозиллар мударрислик қилиб, ёшларга таълим-тарбия берганлиги фикримизнинг исботидир.

Феруз атрофидаги илғор фикрли кишилар — Комил Хоразмий, Худойберган Девонов, Сайид Исломхўжаевнинг ташаббуси билан 1891 йилда Хивада рус-тузем мактаби очилади. Феруз бу мактабни ҳам ўз



ҳомийлигига олади. Рус-тузем мактабида она тили, дин асослари, риёзиёт, тарих, жуғрофия, табиат каби фанлардан ташқари хорижий тиллар ҳам ўқитиларди.

Феруз маиший турмушда ҳам жуда оддий ва камтарин инсон бўлиб, ҳар доим эски кийимда ўлтирар эди, ўғил-қизлари ва неваралари билан муомалада ҳушчақчақ эди. Неваралари Саъдулла Тўра ва Носир Тўра бобоси Феруз ёрдамида савод чиқарди, шеъриятга ва рассомчиликка меҳр қўйиб, улғайдилар. Ферузнинг хизматлари беҳуда кетмади, унинг оиласидан, авлод-аждодлари орасидан Комёб, Оқил, Содиқ, Муродий, Султоний, Саъдий, Асад каби йигирмадан ортиқ етук қалам соҳиблари етишиб чиқиб, қатор тарихий асарлар ва шеърий девонлар яратдилар, хаттотлик ва таржимонлик билан шуғулланиб, маданиятимиз мулкини бойитдилар.

Феруз ўз атрофига илғор фикрли кишиларни — Огаҳий, Комил, Баёний, Мирзо Табибий, Чокар, Рожий, Аваз Ўтар, Комёб каби кўпгина шоирлар, олимлар ва созандаю хонандаларни тўплаб, уларга моддий ва маънавий томондан ғамхўрлик қилиб, улар билан мунтазам илмий-адабий мусобақа ва мақом оқшомлари ўтказишни кенг йўлга қўяди.

Огаҳий ўзининг «Таъвизул ошиқин» девони дебочасида Ферузнинг адабиёт ва санъат аҳлига муносабатини бундай тасвирлайди: «Ҳамиша ул жанобнинг шарофатлиғ одати уламо ва фузало зумрасига навозиш ва марҳамат кўргузмак, хусусан, шуаро ва зурафо жамоаси шаънида бахшиш ва тарбият русумин тузмакдур. Лимозо аксар уламо, фузало ва шуаро ул жанобнинг биҳиштойин мажлисига фазлу дониш василаси била йўл топиб, илтифот ва эҳсоноти неъматидин маъзуз ва баҳраманд бўлиб, субҳу шом, балки алад-давом дуойи давлатига машғул ва машъуфдурлар».

Муҳаммад Раҳимхон шоирлар, созандаю хонандаларни саройга йиғар экан, уларнинг ижодий камолоти борасида қайғурди. Ҳар бир шоирнинг шеърларини жам қилиб, девон ва баёзлар тузиш каби хайрли ишларни амалга оширди. Бунинг натижасида «Баёзи мусаддасот», «Баёзи мажмуаи ашъор», «Баёзи муҳаммасот», «Баёзи ашъор» сингари юзга яқин девон ва баёзлар яратилди. Бу «Баёзлар ўзининг композицияси, шеърларининг ғоявий мазмуни, китобат услуби ҳамда ҳуснихати билан алоҳида ажралиб туради. Бу ишларга бевосита Муҳаммад Раҳимхон ҳомийлик қиларди» (М. Ҳамидова. «Қўлёзма баёзлар — адабий манба». «Фан» нашриёти, 1981, 84-бет). Унинг раҳбарлиги остида Аҳмаджон Табибийнинг «Мажмуат уш-шуаро», Баёнийнинг «Шажараи Хоразм-шоҳий» тазкиралари яратилди. Шу даврда Ферузнинг ташаббуси билан Хивада тошбосма устахонанинг барпо этилиши ўз навбатида адабиётнинг ижтимоий аҳамиятини, таъсир кучини оширди. Хива тошбосмахонаси («Подшоҳи замон типолитографияси») ташкил этилгандан бошлаб, кўпгина адабий ва тарихий асарларни форс, араб тилларидан ўзбек тилига таржима қилишга ва китоб нашр этишга катта эътибор берила бошланди.

Матбаачи Отажон Абдалов Ферузнинг кўрсатмасига биноан 1879 йилда Шермуҳаммад Мунисниг «Мунис ул-ушшоқ» девони, 1880-1882 йилларда Алишер Навоийнинг «Хамса»си, Комилнинг бешта девони, Огаҳийнинг «Таъвиз ул-ошиқин» девони, Ёқубхўжа ибн Иброҳимхўжанинг «Девони Холис» шеърий мажмуаси, Алишер Навоийнинг «Чор девон» («Хазойин ул-маоний») асарлари чоп этилди.

1897 йилда Ферузнинг «Девони Феруз» газаллар мажмуаси нашр этилади. Шунингдек, Феруз бевосита Огаҳий, Баёний, Пиркомил Мирзо, Рожий, Табибий, Комил Девоний, Ғуломий, Султоний, Саъдий, Асад, Ғозий, Раҳмонқули Қори каби шоирлар асарларининг нашр этилишига ҳам жонкуярлик қилади. Феруз ўз ога-инилари ва жиянлари ижодидан «Ҳафт шаҳзода» номли шеърий тўплам ҳам туздирган. Бундай хайрли ишлар Ферузнинг бебаҳо маърифатпарварлик, мардлик, саховатлилик, шуропарварлик фаолиятининг бир қирасидир, холос.

Ферузнинг ҳақиқатан саховатли, фуқаропарвар инсон эканлиги тўғрисида Ҳасанмурод қори Муҳаммад Амин ўғли Лаппасийнинг «Хива шоирлари ва адабиётчиларининг таржимаи ҳоллари» тазкирасида қизиқарли бир воқеа келтирилади: «Доий — (сарой шоирлари орасида ўзининг довюраклиги, беттачопарлиги билан ажралиб турган — *муҳаррир)* Юсуф ҳожи номи билан машҳур бўлуб, ҳамма вақт Хива уламо ва сипоҳийларини мазаммат этиб, ҳақоратлар қилиб юрур эрди. Муҳаммад Раҳимхон Доийга яхши ҳурматлар билан инъомлар бериб турар эди.

Муҳаммад Раҳимхон Доийнинг шул тариқа сипоҳий ва

уламоларни ҳақоратлар қилиб, мазаммат қилғонини билиб, они Хивадаги масжиди Калонга воизлик мансабига тайинлайдур. Аммо... вазирлар ва уламоларни танқид қилғон ҳолида анча шикоятлар этиб турадур. Аммо хон ҳақинда нима сўзласа хонга бориб айтур эрдилар. Бир кун Муҳаммад Раҳимхон Исломхўжага: «Букун наҳори жумъа масжидга бориб, воизнинг яна насиҳатларидан эшитиб кел», — деб фармон қиладур. Исломхўжа ўзининг яқинларидан олиб, намози жумъа борадур... Юсуф Ҳожи Охунд... уларни кўруб, мазаммат этиб айтади: «Мундог мадраса ва минорлар бино қилдурса қандай савоб бўлсун. Фуқаро-деҳқонларга шундоқ жабр-зулм қилиб, фуқароларни манглай тери бирлан жамъ бўлгон ақчалардин бино бўлғонда нима савоб бўлади? Буларни шундог бу иши жазосин топса керак...» Исломхўжа ушбу бўлгон воқеаларни Муҳаммад Раҳимхонга айтадур. Хон бу тўғрида ҳеч бир нима сўзламайдур. Балки анга (Доий — Юсуф ҳожига) сарупо бериб юборади».

Бу ўринда Феруз билан Аваз Ўтар ўғли муносабатларига ҳам бир оз аниқлик киритиш лозим, деб ўйлаймиз. Тарихда Муҳаммад Раҳимхоннинг Авазни 200 дарра урдириб, Эшонбобо мозорида кишанлатиб қўйгани тўғрисида узуқ-юлуқ гаплар юради. Бу фикрлар Лаппасий тазкирасида ҳам бор. Бироқ шу пайттача айтиб келингандек, Аваз бу можаролардан кейин саройни тарк этиб кетган ва умуман саройдан нафратланиб яшаган эмас. Асл ҳақиқат бошқача:

«Аваз ҳамма вақт айтур эрдиким, бир вақтлар бўлсунким, Хоразм фақир деҳқонлари бу золим қонхўр вазирларнинг темур чангалларидин халослик ҳосил бўлур, деб доимо уламо, вазирларни мазаммат қилиб юрур эди. Шу сабабли Муҳаммад Раҳимхон Авазга ўзининг ҳузурида ётқузуб, икки юз дарра қамчи урдирди. Шуни натижасида «Аваз жинни бўлгон» деб оёгига темур кишанлар солдуруб, машойихлар хизматида қирқ кун бўлуб, мазкур қамчиларнинг зарбатидин андек саломат бўлуб яна Ферузнинг хизматига келиб, аввалги мартабасида хизмат қилиб, Аваз тахаллуси бирлан шеър, абёт (байт)ларни Ферузга пайрав ёзиб турадур». Доий билан Аваз хусусида Лаппасий тазкирасида баён қилинган юқоридаги воқеаларни ўқиган ўқувчи бир қадар ҳайратга тушиши табиий. Негаки, иккала шоир ҳам бир тоифада, бир хил муносабатда бўлишган-у, Феруз шу шоирларнинг бирини тақдирлаб, иккинчисини жазога буюрган? Аваз табиатидаги ўта кескинлик, муросасизлик, эҳтимол, яна бошқа сабаблар бордир? Бунинг устига, Аваз агар саройдан кўнгли қолган бўлса, бу кўнгилсиз воқеадан кейин тағин ўша даргоҳга қайтиб бормаган бўларди. Бу эса Феруз ҳаёти ва ижоди устида иш олиб борган Гулсара Исмоилованинг асосли хулосаларидир.

Муҳаммад Раҳимхон — Феруз чиройли ҳуснихат устаси бўлиш билан бирга, мусиқа сирларидан ҳам хабардор бўлган. У «Шашмақом» куйларини тўлиқ ўрганиб, «Наво», «Сегоҳ», «Дугоҳ» мақомларига боғлаб, ўн учта куй басталаган. Феруз ўзининг бир муҳаммасида Хоразм мақомларини бирма-бир санаб кўрсатади:

Соз айлагул субҳу масо гоҳ
«Рост» чертиб, гоҳ «Наво»,
«Дугоҳ»у «Сегоҳ»у «Сабо»,
ҳар бирисидур ғамзудо,
Раҳм этмайин ул дилрабо
айлар эди нозу адо,
Ҳижрон ғами ичра борҳо
тортар эдинг ранжу ано,
Бу дам тутуб расми вафо
шўхи ситамкоринг келур.

Бобожон Тарроқ Азизов-Ходим ўзининг «Хоразм навозандалари» асарида Ферузнинг нозиктаъб ва талабчан санъат мухлиси бўлгани тўғрисида бир воқеани келтиради:

«Бир куни Муҳаммад Ёқуб позачи Муҳаммад Хусайн Мутриб, Абдулла Маҳадий, Худойберган Сунито, Отажон сетор, Бобо буломончи, Муҳаммад Шариф маҳрам ва Сапар маҳрамлар жўрлигида куй чалаётганларида, олти мақомнинг муҳим бир шуъбасини ташлаб кетдилар. Куйни эътибор бериб, кўзини чала юмган ҳолда, ёнбошлаганча тинглаётган хон ўрнидан туриб ўтирганича, қўлини кўтариб. Мақомчилар қотиб қолдилар. Улар қўлга тушган эдилар.

— Мамат, қамчини олиб кел! — деб қичқирди Феруз. — Мақомга ярим парда ташлаб кетганлиги учун Муҳаммад Ёқуб позачига 50 қамчи урилсин! Маҳрамлар кекса санъаткорга ёпишиб, уни ётқиздилар ва бир, икки деб санаб 50 қамчини урдилар. Бечора Матёқуб позачи ўлар ҳолатда келиб, жойига ўтирди ва қўлига танбурни олди. Шу оқшом шундай соз бўлдики, ҳалигача ҳеч ким бундай нолакор куйни тингламаган эди. Хоразмнинг «Наво», «Сегоҳ», «Дугоҳ» мақомлари авж пардасида куйланиб, саройдагиларнинг таҳсинига сазовор бўлди. Бу оқшом хон созандаларга ҳар вақтдагидан уч соат кеч жавоб берди. Создан кейин Феруз созандалар устидан бир коса тилла сочди».

Феруз бадиий ижодда ҳам ўзига хос иқтидорга эга. У лириканинг ғазал, муҳаммас, мусаддас ва бошқа жанрларида ижод қилиб, ўз шеърларини «ғазалиёти Феруз», «Баёзи Феруз» номлари остидаги ўнга яқин шеърий мажмуалар ва битта девон ҳолида жамлаган. Шоирнинг ғазаллари ғоят оҳангдор, мусиқий. Шу сабабли кўпгина ғазалларига куйлар басталанган.

Хулоса қилиб айтганда, Муҳаммад Раҳимхон — Феруз ва унинг саройи атрофида жипслашган илм-фан, санъат ва адабиёт аҳллари ўзбек халқи маънавияти тарихида чуқур из қолдирган ижодий-маърифий, маданий ишларни амалга оширдилар. Бу меросни ҳар томонлама ўрганишда Г. Исмоилова, Н. Жумаев, Д. Раҳимов, Ш. Мадрасулов, Ҳ. Ҳамидов, А. Ҳайитметов ва бошқалар саъй-ҳаракат қилдилар. Бу олимларимиз меҳнати туфайли халқимиз маданиятининг нодир хазиналари очилиб, эл-юрт камолотига хизмат қилмоқда.

Баҳромжон ЖАЛИЛОВ,
филология фанлари номзоди

ИСТИҚЛОЛ ВА САҲНА ҲАҚИҚАТИ

Ошкоралик шарофати билан 70 йилдан ортиқ вақт ичида онгимизда, қалбимизда шаклланган эътиқодлар, тушунчалар чилпарчин бўлиб, ажабтовур бир ҳайрат, қарахтлик юзага келди. Ўзбекистоннинг мустақиллик йўлига кириши, мустақиллик тантанаси учун кураш зарурияти мавжуд қарахтликдан чиқиш, чин ҳақиқатни эътироф этиш, энг муҳими, ҳар нарсага кўникувчан, мўмин-қобил халқ кўзини очиш, уларнинг ҳар бирида миллий гурур, ўзликни англаш туйғусини қўзғаш, уларни ҳам мустақиллик йўлидаги собит курашчиларга айлантириш кечиктириб бўлмас вазифалардандир.

Ўзбекнинг фидойи зиёлилари, шоиру адибларининг бу борадаги хизматларини тўғри баҳолаш, уларга мадад бериш зарур. Ана шундай фидойилар хизмати туфайли қатор ёлғон ҳақиқатлар фош қилиниб, мустақиллик йўлида ибратли ишлар қилинмоқда. Бундай муаммолар эса бор ва улардан бири «босмачи» тушунчаси, шунингдек, ўзбек драматургиясида «босмачи» сиймосининг шаклланиши масаласидир.

«Босмачи» атамасини биринчи бор 1925 йилдан француз журналисти Жозеф Кастагне ишлатди. 1928 йилда Туркистон Мухтор жумҳуриятининг собиқ раиси Мустафо Чўқай ҳам бу атамани инглиз тилида такрорлади. 1930 йилдан бошлаб эса расмий тусда кенг қўлланила бошланди. Рус тилидаги илмий адабиётларда бу масала анча гайриилмий, нотўғри талқин қилинган.

А. Завелов, Ю. Поляков, А. Чудневларнинг «Басмачество» китобида (М., 1981) шундай ёзилган: «Слово басмач происходят от тюркского глагола «босмоқ», что означает «давить», «притеснять», «насиловать».

У народов Средней Азии понятие «басмач» означает «налетчик», «бандит», «разбойник», «насильник».

Кўринадики, сўзнинг биринчи маъноси онгли равишда ташлаб юборилган. Сўзнинг биринчи маъноси «захватить»дир, яъни бировларнинг ерини, мол-мулкини босиб олмоқдир.

(Қаранг: «Шарқ юлдузи», 1991 йил, 3-сон).

«Босмачи», «босмачилик» деган тушунчалар Ўзбекистонда чоп этилган барча матбуот нашрларида рус тилида чиқарилган китобларди талқинларни таржима қилишдан нарига ўтилмади, улардаги гайриилмий қарашлар давом эттирилди. «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да бу масала қуйидагича ёритилган: «Босмачи. 1. Босмачилик ҳаракатининг қатнашчиси. 2. Босқинчилик қилувчи, ўгри, бандит. Босмачилик. 1. Қулоқлар ва буржуа миллатчиларининг Октябрь инқилобидан сўнг (1918-1923 йилларда) Ўрта Осиёда бош кўтарган қуролли контрреволюцион ҳаракати. 2. Босқинчилик, бандитлик, ўгрилик». (ЎТИЛ, I том, М., 1981, 133-бет).

«Энциклопедик лугат»нинг I томида ҳам «Босмачилик» юқоридагига ўхшаб изоҳланиб, М. В. Фрунзе босмачиликни тор-мор этган қаҳрамон сифатида талқин этилган (Тошкент, 1988, 117-бет).

Ўзбекистонда қизилларга қарши курашган Мадаминбек, Ҳолхўжа, Кўршермат каби кишилар қайси миллатнинг ерини, қайси миллатнинг мол-мулкини босиб олибдики, уларни босмачи деб атасак?! Шунинг учун ҳам, ҳақли равишда, «босмачилик» деб аталган ҳаракат миллий-озодлик ҳаракати деб баҳоланмоқда.

Мадаминбек кураш майдонига тушиш сабабини шундай кўрсатган. «...Мен Маргилондан чиққанимда, талон-торож билан шуғулланиш ва қўмондон бўлишни мақсад қилган эмасман. Чиқишимга сабаб — Шўролар ҳукумати вакилларини аҳли исломга ўтказган муносабатларидаги адолатсизликлардан анчайин хўрланиш бўлди» («Шарқ юлдузи», 1991 йил, 3-сон).

Тўғри, шўроларга, русларга қарши курашган кишилар, гуруҳларнинг иш фаолиятини ҳар тарафлама оқлаб бўлмайди. Аммо уларнинг босмачи эмаслиги аниқдир.

Унда босмачилар кимлар? Тарихдан маълумки, руслар Пётр I давридан бошлаб Туркистонни босиб олиш, унинг халқини қул қилиш, ўлкани хом ашё базасига айлантириш мақсадида турли усулларда юришганлар. «Оқ» ва «қизил» империя Черняев, Кауфман, Скобелев, Фрунзе, Куйбишев сингари босқинчилар тимсолида Туркистон ерларини қурол ва қонхўрлик билан босиб олдилар, бойликларини таладилар, халқни беомон қирдилар. Чор ҳукумати биргина Андижонни забт этишда 20 минг кишини қириб ташлади.

Мана шундай тарихий воқеалар негизида яратилган драматик асарларда «босмачи» ва «босмачилик» моҳияти қандай акс этган?

Ўзбек драматургиясида гражданлар уруши мавзуида яратилган асарларни қайта кўздан кечирилганда, уч хил гуруҳдаги сиймоларга янгича муносабатда бўлишга тўғри келади.

1. Бадиий асарларда фақат қора бўёқ билан тасвир қилинган, ўз юрти озодлиги учун курашган, ноҳақ «босмачи» тамғаси босилган миллатпарвар кишилар қиёфаси. Драматурглар бундай гуруҳга мансуб кишилар феъл-атворини яратаётганда тарихий ҳақиқатдан чекинганлар. Ўша давр руҳиятидан келиб чиқиб, уларнинг ҳаққоний қиёфасини кўрсата олмаганлар.

Улар фаолиятидаги миллатпарварлик, фидойилик каби инсоний фазилатларни «босмачилик» деб атаб, салбий хусусиятларни қасддан бўрттириб тасвирлаганлар. Аҳмад понсад (К. Яшин. «Тор-мор»), Эшмат қўрбоши (К. Яшин. «Йўлчи юлдуз»), Кенжа қўрбоши (И. Султон. «Бургутнинг парвози») сиймолари ана шундай сиймолардандир. Бу гуруҳга мансуб қиёфаларни босмачилар деб эмас, жузъий хато ва камчиликлардан қатъи назар, миллий-озодлик ҳаракатининг қаҳрамонлари, деб қараш лозим эди.

2. Чор ва «қизил» империянинг асл ниятини англамасдан ўзбек халқининг равнақи учун курашяпман деб ўйлаган, алданган, адашганлар сиймоси. Ушбу гуруҳга мансуб кишиларнинг ниятлари пок бўлиб, миллат ва халқ манфаатлари йўлида курашга бел боғлаган бўлса-да, давр мафкураси тузоғига илинган ҳолда ўз халқини мустамлакачилар учун оёқ-қўлини боғлаб беришга бехосдан кўмаклашган, чор-ночор, басир кишиларнинг аянчли қисматидир.

Улар озодлик, эрк, мустақиллик сингари фақат қоғозларда акс этган сароб тушунчаларнинг қурбони бўлдилар.

Арслон (К. Яшин. «Тор-мор»), Темир (К. Яшин. «Йўлчи юлдуз»), Фозилхўжа, Ботир (К. Яшин. «Инқилоб тонги»), Умар (И. Султон. «Бургутнинг парвози») каби феъл-атвор эгалари ана шундай гуруҳга мансубдирлар.

Уларни алданганлар, адашганлар сиймоси деб эътироф этиш зарур.

3. Ўзбекистонга келиб «босмачиликка қарши курашган», аслида ўзлари босмачи бўлган, фақат ижобий хусусиятлари акс этган йўлбошчи рус кишиларининг катта меҳр билан яратилган, тўлақонли сиймоси.

Бу гуруҳга мансуб характерлар бир томонлама, фақат қизил бўёқларда тасвирланган бўлиб, гўё улар ўзбеклар учун озодлик, маърифат, эрк олиб келаётган кишилар сифатида талқин қилинганки, ҳолбуки улар-

нинг хатти-ҳаракати замирида пинҳона ёвуз ниятлар, қабиҳ режалар ётади. Уларнинг сайъ-ҳаракатлари туфайли шаҳарлар, қишлоқлар вайрон бўлди, харобага айланди, халқ қирилди. Туркистон бойлигининг кўлга киритилган жуда кўп қисми марказга ташиб кетилди, энг ачинарлиси, ўзбек халқи итоаткор қулга айлантирилди.

Жумладан, Ленин, Фрунзе («Йўлчи юлдуз», «Инқилоб тонги»), Полторацкий («Йўлчи юлдуз»), Семёнов, Иванов («Тор-мор»), Василий Иванович («Нурхон»), Степанов («Ҳамза»), Железнов («Бўрон»), И. Султоннинг «Бургутнинг парвози» драмасидаги Фрунзе сиймоси шундай образлардир. Уларни босмачиларнинг асл қиёфаси деб аташ мақсадга мувофиқ бўлур эди.

Юқорида баён этилган уч гуруҳга мансуб қиёфалар сийратини янгича тушуниш ва талқин этиш хусусияти Шукур Холмирзаевнинг «Қора камар» драмасида ўзига хос услубда кўринади. («Шарқ юлдузи», 1990, 9-сон).

Ёзувчининг ушбу драмасида миллат ва эл озодлиги, эркн учун курашган кишилар тимсоли босмачи деб берилган бўлса-да, моҳият эътибори билан аввалги асарлардаги босмачи қиёфасидан тубдан фарқ қилади.

Драма бош қаҳрамони Хуррамбек ўзининг босмачи эмаслигини яхши тушунади: «Хуррамбек... Шўрочилар бизни «босмачи» дейди, хоинларимиз ҳам».

Шунингдек, Хуррамбекнинг рус босқинчилари ҳақидаги қарашлари, Ватан тушунчаси шу давргача яратилган қўрбоши қиёфаларидан кенгроқ ва теранроқдир. «Хўш, менга қаранглар, мусулмонлар. Яқин-яқингача Ўрусияда кечган инқилобгача ҳам ўлкамиз оқ подшо тасарруфида эди-я? Ота-бобокалонларимиз: «Қачон Оқ подшо зулмидан қутуламиз? — деб ўтиб кетишдими? Мана, Ўрусияда Оқ подшо тахтдан туширилгач, энди озод бўлдик деганимизда... тахтга Урусия Шўролари яна бир босқин қилишди, буларга янги қуллар керак экан. Мен Ватан озодлиги деганда, ана шу ўрус босқинчиларидан ҳам, хоинларидан ҳам халос бўлишни тушунаман».

Хуррамбекнинг бу фикрлари китобхон-томошабинни чуқур ўйга толдиради, узоқ йиллар давомида оқ ва қизил ўрис юртига қул бўлганимизни англашимизга туртки беради. Ҳаётий ҳақиқатлар асосига қурилган қаҳрамон нутқидаги даҳшатли воқеалар моҳияти, қадриятларимизнинг топталиши, тарихимизни сохталаштиришлар яна бир бор кўз ўнгимизга келади: «Э, худойим! Нақадар кўзи ожиз бандалар бўлар? Ахир Бойсун мадрасасини отхона қилгани ростми? А?! Қуръони шарифнинг муқаддас саҳифаларини йиртиб, тамаки ўраб чекишлар-чи?»

Драмадаги Эшон қиёфаси ҳам аввалги асарлардаги қўрбоши нима деса уни маъқулловчи сиймо эмас. Унинг ўз фикри бор. У ориятли, ҳамиятли инсон. Бек ва қўрбошиларнинг маглубияти сабабини тўғри англайди. Фақат бойлар эмас, миллатни озод қилиш учун туркий халқлар бирлашиши зарурлигини Хуррамбекка уқтирмоқчи бўлади: «Ё раббано! Раҳматли оғам Эшони Судур ҳазратлари башорат қилган эканлар: «Бул туркий халқларнинг боши бирикмайди! — деб. — Ул бирикса, бу ёруг олам оёқларимиз остида бўларди».

«Нақадар ҳақ гаплар! Худо қаргаган халқ эканмиз».

Драматург Хуррамбек қиёфасини яратишда бир томонлама йўлдан бормайди. Унинг феъли-хўйи қатидаги ижобий ва салбий хусусиятларни холис кўрсатади. Драматург қўрбоши деб тавсия қилган бу сиймо аввалги эътиқодларимизга зид равишда китобхон-томошабин меҳрини қозонади. Унинг эрк ва озодлик ҳақидаги фикрлари бугунги қарашларимизга ҳамоҳанг бўлиши фикримизни тиниқлаштиради. Айни шу феълатвор эгасини ўз ҳокимлиги учун Иброҳимбекни Афгонга ҳайдаш, ёш болалар, ҳатто, ўз ўғлини ўлимга ҳукм қилиш, вазиятни тўғри баҳолай олмаслиги сингари хусусиятлар уни тирик одамдай тушунишимизга, қабул қилишимизга сабаб бўлган. Драмадаги А. Набиев қиёфаси ҳам китобхон-томошабинни бефарқ қолдирмайди. А. Раҳматнинг «А. Набиев» драмасида бу комсомол йигит большевиклар ғалабаси учун курашган, айгоқчи экани фош бўлган, босмачилар қўлида мардона ҳалок бўлган қаҳрамон сифатида берилган эди. А. Раҳмат А. Набиевни фақат ижобий хусусиятлар соҳиби, фидойи комсомол сифатида кўрсаттан, бундай феъл-атвор соҳиби драматург томонидан ёрқин ифодаланган эди.

Ш. Холмирзаевнинг маҳорати шундаки, у асардаги қаҳрамонларига ўз муносабатини А. Раҳмат сингари бевосита билдирмайди. Воқеалар ривожи, феъл-атворлар мантиқи Хуррамбек, Эшон фикрларидан кейин охирги кўринишда А. Набиев фидойилиги, жонбозлиги ҳамма-ҳаммаси сароб экани, у адашган, алданган сиймо экани равшан кўриниб қолади. Драматург маҳорати яна бир масалада ойдин кўринади. Асар номи — «Қора камар». Асар қаҳрамонларидан Эшон номи — Қорахўжа Эшон. Миршаблар нозири — Хуррамбек ҳуфияси номи Қорақул Бобобеков. Нега қора ранг кўп? Жой номи, қаҳрамонлар номидаги мутаносиблик халқ тақдири, алданганлар тақдири билан мос келади. Қўрбоши номи эса — Хуррамбек. Унинг ҳуррамлиги шундаки, у алданганлардан эмас, миллат тақдирини, озодлигини тўғри тушунади. Аммо халқ руслар, Эшниёз, Абдулла сингари кишиларнинг нотўғри ташвиқоти туфайли уни қўллаб-қувватламайдилар. У маглуб бўлишга мажбурдир. Хуррамбек тўдаси тенгсиз курашда енгилса-да, унинг эрк ва озодлик, миллат равнақи, Ватан ҳақидаги фикрлари китобхон-томошабин қалбида беиз кетмайди. Уни ўйлашга, фикрлашга чорлайдики, бадиий асарнинг энг қимматли томони ана шундадир.

Бугунги алгов-далгов замонда Хуррамбекнинг қуйидаги фикрлари кимни ўйлантирмайди: «Биласанми сен, Ватан деганда мен илгари фақат Бойсунни, Сурхонни тушунар эдим. Миллат деганда... йўқ, миллат бу — ўзбек ҳам эмас экан. У туркий халқларнинг бирлиги экан».

Хулоса қилиб айтганда, Туркистоннинг чоризм ва кейин қизиллар томонидан босиб олинишига, уларга бўлган халқнинг муносабати, бу йўлдаги алданишлар ва бу алданишларга фидойи кишилар феъл-атворини янгича талқинлар, муносабатлар асосида яратиш ўзбек драматургияси олдида турган энг муҳим вазифалардан биридир. Истеъдодли ёзувчимиз Ш. Холмирзаевнинг «Қора камар» драмаси эса бу йўлдаги дастлабки уринишларнинг муваффақиятли қадамидир.



Абдулҳаким
ШАРЪИЙ ЖУЗЖОНИЙ



ИККИ МАМЛАКАТ ФАРЗАНДИ

(ҲОШИМ ШОИҚ АФАНДИ ҲАЁТИДАН ЛАВҲАЛАР)

Ҳаётда шундай одамлар бўладики, уларнинг билим-фазилатлари, қилган хизматларини оддий меъёрлар билан ўлчаб бўлмайди. Қолдирган маънавий ёдгорликлари ҳар қандай шароитда уларнинг хотирасини ёритиб туради. Марҳум устод Ҳошим Шоиқ Афанди ал-Маргиноний ал-Бухорий ана шундай порлоқ сиймолардан бири эди.

Шоиқ Афанди лақаби билан шуҳрат қозонган домла Муҳаммад Яъқуб Мухлис ўғли Муҳаммад Ҳошим 1264 хижрий (1886 милодий) йили Маргилонда туғилди. Сўнгра ўз оиласи билан Бухоро шаҳрига кўчиб келади. Бухоро мадрасаларида таълим олиб, турли исломий фанлар, жумладан, араб тили ва адабиётини ўша замон машҳур олимларидан ўрганади ва Қуръони каримни бошдан-оёқ ёдлайди.

Бухорода олий даражада таълим кўрган афғонистонлик олим ва шоир Қози Зиёвуддин Зиё берган маълумотга кўра, устод Ҳошим Шоиқ ўша вақтларда Қори Ҳошим номи билан танилган пешқадам толибул-илм экан.

Ҳошим Шоиқ ёшликданоқ илм-фан шайдоси ва адабиёт мухлиси сифатида камолот сари интилиб, жадидларнинг миллий тараққийпарварлик ҳаракатларини қўллаб-қувватлаб келган.

Ҳошим Шоиқ Афанди Бухоро мадрасаларида таҳсил кўргандан кейин, жадидлар маслаҳатига кўра билимларини чуқурлаштириш учун Туркияга борди. У ерда олий ўқув юртида турли фанларни ўзлаштириб, институтни аъло натижа билан тугатди.

Устод Ҳошим Шоиқ бундан қирқ икки йил муқаддам, менга ўз таржимаи ҳоли ва бошидан кечирган саргузаштларни айтиб берганди. У таҳсилни тамомлаб ўз Ватанига қайтиб келаркан, Кавказда Чор ҳокимияти қулаб, янги ҳукумат юзага келган эди. Шоиқ Озарбайжон олимларининг илтимосига кўра, ўша ерда қолади. Боку шаҳрининг олий ўқув юртларида педагогика, психология ва бошқа ижтимоий фанларни ўқитади, ҳурматга сазовор бўлади. Маориф вазирлигида хизмат қилади, турмуш қуради, ёш давлат унга самарали ишлаш учун шароит яратиб беради. Замонавий илм-маърифатга қизиққан зиёлилар ўз фарзандлари тарбиясини унга ишониб топширадилар. Олим шу даврда катта кутубхонага асос солади.

Ана шу йил айтиб ўтилган ҳодисага ўн йил тўларди. Шунинг учун ҳам Қори Ҳошим Бухорода бўлиши керак эди.

Қори Ҳошим бухоролик ёру биродарлари томонидан иззат-икром билан кутиб олинади. Унинг шарафига турли зиёфатлар ва анжуманлар бўлиб ўтади.

Бухородан Бокуга қайтиш фурсати ҳам етиб келади. Лекин жадидлар унга рухсат бермайдилар. «Сени халқимизга хизмат қилгин деб Туркияга юборган эдик. Оғир шароитда бизни ташлаб кетмай, энди хизмат қилиб бергин», деган талабни қўядилар.

Шоиқ Афанди, чорасиз, Бухорода қолади. Кўп ўтмай, Бухоро Жумҳуриятининг ташқи ишлар вазири ва маориф ишларини назорат қилувчи этиб тайинланади. Марҳум Қози Зиёвуддин Зиё менга бу ҳақда шундай ҳикоя қилган эди: Амирлик тўнтарилгандан кейин, мадрасалардаги китобларни йиғиштиришган эди. Ҳошим Шоиқ маориф вазири вазифасини бажариб турган пайтда бизнинг илтимосимизга биноан олиб кетилган китобларни дарҳол мадрасаларга қайтариб беришни буюрди.

Устод Ҳошим Шоиқ барча истеъдод ва куч-қувватини халқига хизмат қилишга бағишлайди. Бир неча муддатдан кейин Бухоро томонидан мухтор вазир ва фавқулодда элчи қилиб Афғонистон пойтахти Кобулга жўнатилади. Аммо жадидлар ҳокимияти большевиклар томонидан агдарилгандан кейин Ҳошим Шоиқ Афанди тоталитар тузумга қаршилик билдириб, Афғонистон давлати илтимосига биноан, Кобулда қолади. У маориф соҳасида 31 йил хизмат қилди. Маориф вазирлигида дорулталиф (дарсий китобларни тайёрлаш) бошқармасининг аъзоси, муовини ва раиси, педагогика бошқармасининг раиси, маориф вазирининг маслаҳатчиси вазифаларини бажарди. Кобул дорулфунунининг адабиёт факультетидаги аёллар факультетида профессор сифатида дарс ўтди. Ҳабибия Олий лицейида ўқитувчилик қилди, юзлаб истеъдодли шогирдларни вояга етказди. Афғонистон маориф вазирлигида, илмий-ирфоний дастурлар, тарбиявий режалар унинг маслаҳати асосида олиб бориларди. Катта хизматлари учун Афғонистон давлатининг турли нишонлари билан тақдирланади, биринчи давлат рутбасига кўтарилди.

Шоиқ доим Ватан соғинчи билан яшайди. Бир неча бор кетишга чоғланади, лекин озарбайжонликлар бу ер ҳам сенинг ўз Ватанинг, биз сенинг кетишингга асло йўл қўймаймиз, деб туриб оладилар. Шоиқ охири қайтиб келишга сўз бериб Бухорога жўнайди.

Унинг Бухорога қайтиши учун Ватан жозибасидан ташқари, бошқа бир сабаб ҳам бор эди. Устознинг ўзи ҳам қуйидагича ҳикоят қилиб берган эди: бир куни катта бир зиёфатда, катта ва таниқли савдогар бўлган унинг акаси, эътиборли одамлар орасида, бўсағада ўтирган Қори Ҳошимга қараб, «Бу мадрасалар сенга нима беради? Бундай юраверсанг охири бориб хор, бир луқма нонга зор бўлишинг ҳеч гап эмас», деб ҳар галгидек уни қийнай бошлайди.

Қори Ҳошим кўпдан бери чидаб келган бу аччиқ сўзларга бу гал чидай олмасдан қуйидагича жавоб қайтарди: «Акажон! Кўп йиллардан бери айтиб келган гапларингиз жонимга тегиб кетди, келинг, шу мажлисдаги мўътабар кишилар ҳузурида бир-биримизга сўз берайлик. Агар шу соатдан бошлаб ўн йилдан сўнг биз икковимиздан ҳар кимнинг иззат-эътибори ва бойлиги кўпроқ бўлса, пули ва обрўйи оз бўлган киши унинг навкари ва ходими бўлсин!»

Акаси шартни қабул қилади, аҳли мажлис ҳам уни тасдиқлайди.

Устод Ҳошим Шоиқ Афанди 1333 йил сунбула ойининг 23 куни (1955 йил) жигар ва қон босими хасталиги оқибатида ҳаётдан кўз юмди. Кобул шаҳрининг Осмоний тогига туташган «Қўли обчакон» мақбарасида катта иззат ва ҳурмат билан дафн қилинди. Давлат раҳбарияти аъзоларининг кўпчилиги кўмиш маросимида иштирок этдилар.

Мен устод вафотидан 10-15 кун илгари уни сўрагани боргандим. Докторлар гапирмасин деб буюрган бўлсалар-да, мени қабул қилди, ориқлаб кетган бўлса ҳам каравот устида ўтириб, ҳар галгидек ўткир кўзларини тикиб турар, аммо гапиришга мадори йўқ эди. Аҳвол сўраб тезликда соғайиб кетишлари учун умид билдирдим. Ишора билан мамнуният билдирди. Юрагим тўлиб уйдан чиқдим.

Афғонистон матбуоти устод вафотини «буюк йўқотиш» деб атади. Афғонистон Маликуш-шуароси Абдулҳақ Бетоб мусадда шаклида марсия ёзди. Маликуш-шуаро унинг унутилмас илмий юксак мақомини эслатиб бундай дейди: у ўз тақдиридан рози ва ўз қисматига қониъ эди. Ҳеч қачон йўқсилликдан нолимаган. У ҳар доим шараф ва ифтихор билан яшаб, иззат ва шарофатда ҳаёт кечирди.

Ҳошим Шоиқ араб, турк ва форс тилларини ўз она тили — ўзбек тилидек олий даражада эгаллаб олган эди. Туркияда француз-чани ҳам ўзлаштирди. У Қуръони карим ҳофизи, иқтидорли шоир, йирик адабиётшунос-мунаққид, педагог, муаррих, психолог, исломий фанларнинг устоди ва моҳир мураббий эди. Унинг суҳбатларида, маърузаларида араб, турк ва форс классик адабиётини ҳар томонлама қамраб олгани ва Оврупо адабиёти билан яқиндан танишганлиги яққол сезилиб турарди. Қисқаси, қомусий олим эди. Масалан, у «тажрийд» (айирмоқ, ажратмоқ) сўзи ҳақида мен ва ўртоқларим учун тўрт соат маълумот берди. Бизлар унинг ушбу илмий суҳбатини тинглаш учун ҳар жума куни йигирма беш чақирим Пағмон туманидан Кобулга келардик. У «тажрийд»нинг луғавий маъносини изоҳлагандан кейин, унинг фалсафа, психология, табобат, адабиёт ва мантиқ фанларида қандай маъноларда қўлланиши ҳақида ажойиб маълумотлар бериб, илмий таҳлили билан бизларни қойил қолдирди. Унинг тизимли таҳлилларини ёқимли, ифода услуби қандайдир бир сеҳрли куч ва жозибага эга эди, эшитувчини оҳанрабодай ўзига тортарди. Устод Ҳошим Шоиқ Афанди биринчи бўлиб замонавий педагогика фани усул ва қоидаларини Афғонистон маорифи соҳасида амалга ошириб, ривожлантирди ва ўнлаб истеъдодли давлат ва сиёсат арбоблари, таълиму тарбия мутахассислари, тадқиқотчи олимлар, адиб ва шоирлар унинг тарбияси туфайли вояга етдилар.

Мен 1952 йил шариат илмлари мадрасасининг саккизинчи курси толиби эканимдан бошлаб марҳум Ҳошим Шоиқ суҳбатига мушарраф бўлиб, ул зоти бобаракотдан қут ва барака олишга бошладим, баъзан ўртоқларим билан жума кунлари унинг суҳбатидан баҳраманд бўлиш учун Пағмондан Кобулга келардик. Таътил кунлари унинг уйи олимлар, адибу шоирларнинг зиёраттоҳи эди.

Кобул шаҳрининг марказида, «Пули хишти» ёнида икки қаватли бир уйда яшарди. У яшайдиган биринчи қаватдаги хонанинг бўш жойларида, деразалар кетида қимматбаҳо китоблар терилган, аммо китобларнинг асосий фонди бошқа хонада эди. Хонанинг бир бурчида бир каравот қўйилиб, устидан нафис пашшахона тортилган эди. Ўртада доира стол атрофида олти ёғоч стул терилган эди. Эшик ёнида бир диванниг бош томонида «Филлипс» радиоприёмниги қўйилган бўлиб, доимо ишлаб турарди. Устод айниқса ҳинд мусиқасини ёқтирарди.

Каравот ёнига қўйилган чиройли жовон устида иккита соат (биттаси электроника эди) аниқ вақтни кўрсатиб турарди.

Жавон усти думалоқ эди. У тортилиб очилар ва ёпилар эди. Дафтарчалар қоғозлар ва блокнотлар ажойиб бир тартиб билан унинг устига ва токчаларига терилган эди.

Устод Ҳошим Шоиқ кўпинча меҳмонлар учун ўзи чой дамлаб, ўз қўли билан қуйиб узатарди. Баъзан меҳмонлар кўп бўлганда бу ишни менга топширарди. Шунингдек зарурат бўлгандан унинг бирор кишига хат олиб бориш, бирон китобни фалон кишидан олиб келиш, бозор-ўчар каби ишларини бажарардим.

У қора майизни яхши кўрарди. Мен унга «Сангчорак» қора майизини олиб келардим. Шоиқ Афандининг суҳбатида ўтиргани киши ҳеч қачон, ҳатто соатлар ўтса ҳам сиқилмасди. Баъзан суҳбат мушоирага айланиб кетарди, турли шоирлар ҳақида фикр билдирилиб, уларнинг шеърларидан ўқиларди ва таҳлил қилинарди. У ҳозируззеҳн ва ҳозиржавоб эди. Масалан, бир куни маориф вазирининг муовини Абдул-Аҳмадхон устодга қараб «Афандим, Сизнинг уйингизда томнинг ости ва ернинг усти бир хил экан» деди. Ростдан ҳам хонанинг саҳни ва шифти бир хил ёғочдан ишланиб, бир хил бўёқланган эди. Ўшанда устод Афанди ўйлаб турмасдан қуйидаги форсча байтни ўқиди:

Бо Ниёзи хеш назаршо қарин
хандийм гуфт:
Осмонро бар замин овардан
осон будааст!?

(Таржимаси: унинг нози бизнинг ниёзимизга яқин экан, деганимизда: «Осмонни ерга тушириш шунча осон эканми!? — деди). Ушбу нозик ва жуда ўринли жавоб ҳаммани хурсанд қилиб қулдирди.

Шоиқ Афанди менга шеъру адабиёт ва фанга қизиқиш малакасини ошириш учун катта ёрдам берди. У менга Навоийнинг «Мажолисун нафоис», «Муҳокаматул-луғатайн» (Тўрахон Ганжаий томонидан нашр қилинган) форсча таржимаси, Фузулийнинг девони ва «Лайли ва Мажнун»ни, Амир Умархоннинг девони, Фазлий Намангонийнинг манзум тазкираси, «Алмунжид» — араб тили луғатномаси, буюк туркий давлатларнинг тарихига оид турк тилида ёзилган китоблар ва уларга ўхшаш анча нафис ва нодир манбаларни ўқитди. Мутолаа давомида тугилган барча саволларга ҳар доим қониқарли жавоблар бериб, турли муаммоларни очишимга ёрдам кўрсатди.

Менинг дўстларим ҳам Ҳошим Шоиқ Афандининг мухлисларидан эдилар. Биз ҳар доим у кишининг илму фазилатлари ҳақида гапириб юрардик ва у билан фахрланардик. Бир куни мен ва дўстим, зуллисонайн шоир Муҳаммад Карим Зарра Азимий орамизда унинг ҳақида қисқача мушоира бўлиб ўтди: Зарра Азимий:

Афандийро Бувад курсийи
дониш бартар аз шоиқ,
Ки доранд имтиёзи абру-у чашм
ин ду Шоиққо.

(Таржимаси: Шоиқ Афандининг илм даражаси, Шоиқ Жамолдан анча юксакдур. Бу икки Шоиқ қошу кўздек бир-биридан фарқ этиб турадилар. (Шоиқ Жамол Кобулнинг машҳур лирик шоирларидан эди).

Шаръий Жузжоний:

Балий ҳар муддаъий қай мерасад
бар рутбаи мажнун,
Ва сабру-ишқ варзий фарққо
доранд ошиққо.

(Таржимаси: Бу гап тўғри, ҳақиқатан ҳам ҳар бир ошиқликни даъво қилган киши мажнун даражасига ета олмайди, чунки чидаш ва ошиқлик шартларини бажаришда ошиқлар бир-биридан фарқ қилади).

Ҳар иккала байтни устод Афандига ўқиганимда кулимсираб камтарликдан ҳеч нарса демасдан, шеърларнинг бир нусхасини мендан олиб қолди.

«Ойнаи ирфон» («Ирфон кўзгуси») номли мажалланинг асосий муассиси Ҳошим Шоиқ Афанди эди. Мазкур журнал 10 йил унинг тўғридан-тўғри назорати остида нашр қилинди. У «Ирфон» номи билан то кейинги йилларгача чиқиб турди.

Устод Ҳошим Шоиқ Афанди кўплаб илмий, адабий, ижтимоий ва педагогик асарлар, маориф тараққиёти учун ўқув дастурларининг муаллифи эди. У ёзган асарлардан айримларини эслатиб ўтамиз:

«Форс адабиёти», «Форс адабиё-

ти тарихи», «Ахлоқ ҳақида суҳбат», «Адабий қоидалар» (Маликуш-шуаро Қори Абдулло ва машҳур аллома файласуф устод Салоҳуддин Салжуқий билан биргаликда), «Оврупо мамлакатларининг психологияси», Альфред Фоия асари таржимаси, «Ахлоқ фалсафаси» рисоласининг таржимаси, «Биринчи асрлар тарихи», «Адабий қоидалар ва нафис санъатларнинг бир қисми», «Курсларни ўқитиш дастури», «Дорулмуаллимин курслари» (адабиёт факультети ва аёллар факультети лекциялари), «Маориф программалари лойиҳалари».

Булардан ташқари, унинг кўп асарлари ҳалигача тўла нашр бўлган эмас.

Устод Шоиқ Афанди бедилшунос сифатида ҳар йил сафар ойида Мирзо Абдулқодир Бедил тугилган кунини нишонлаб, ўз уйида илму адаб аҳлига зиёфат берар ва бедилхонликни йўлга қўярди ва уни «Урси Бедил» деб атарди, яъни буюк одамлар хотирасини эъзозлаш мажлиси. Ундан кейин «Бедилтурси» бир анъанага айланиб кетди ва ҳар йили олим ва шоирлар томонидан ўтказилмоқда.

Ҳошим Шоиқ Афанди машҳур олимлар ва адиблар билан дўст ва суҳбатдош бўлиб келган. Улар жумласидан Аълия вазири, машҳур олим Саййид Қосимхон, Маликушшуаролар Қори Абдулло ва устод Бетоб, аллома Салжуқий, Сарвар гўё Эътимодий, устод Назиҳий, Иброҳим Сафо, доктор Абдулҳаким Зиёний, устод Бисмил, Мавлоно Қурбат, эронлик машҳур олим Саъид Нафисий, машҳур туркшунос профессор Аҳмад Закий Валидийни зикр этиш мумкин.

Ҳошим Шоиқ Афанди Афғонистон валийаҳди Сардор Насруллохон ўгли Сардор Азизуллохон Қатийнинг қизига уйланиб, ундан бешта қиз кўрди. Улар орасида Нафиса Шоиқ Муборизи, ёзувчи, катта илму адаб эгаси бўлиб вояга етди. Ҳозирда у Францияда яшайди.

Марҳум Сардор Азизуллохон Қатий ширин тил ва фазилатли шоир эди. Ундан чиройли шеърлар ва ажойиб ғазаллар қолган. Унинг катта ўгли Абдулҳаким Зиёний иқтидорли шоир, атоқли олим, Афғонистон давлатида мустақил суд ҳокимияти эълон қилингандан кейин биринчи Қозийўл-қуззот (Олий суд раиси эди). Ҳошим Шоиқ Афандининг қайнагаси ва мухлис шогирди сифатида 1992 йилда у билан учрашганимда, ниҳоят ҳурмат-самимият билан устод ҳақида гапирди ҳамда унга нисбатан чуқур ихлос ва эҳтиромни изҳор этиб, юксак илмий даражаси, кўп қиррали шахсияти борасида суҳбат қилди.

Афғонистонлик олим ва адиблар унга нисбатан ҳурмат ва ишонч билдириб келганлар. Унинг ҳақида матбуотда босилган баъзи бир олимларнинг фикрларини келтиришни ўринли деб биламан.

Аламгул Саҳар ўз ёзган мақоласида устод ҳақида бундай дейди: «Афғонистон маорифсевар халқи неча замонлар ўтса ҳам марҳум Ҳошим Шоиқ ва у каби олимлар ва адиблар бажарган қимматли хизматларни ҳеч қачон унутмайдилар».

Поянда Муҳаммад Захийр: «У ҳаётнинг аччиқ-чучукларини кўп тотиб кўрди, лекин ҳеч қачон ҳодисалар жараёнида сабот ва чидамни қўлдан бермади... ҳаётнинг ҳеч бир ҳодисаси уни мағлубиятга учрата олмади».

Унинг истеъдодли шогирдларидан бири бўлган, кўп йиллар турли муҳим лавозимларда ишлаб келиб, халқ ноиби ва сўнгги йилларда Афғонистон маориф вазири бўлиб ишлаган доктор Маъсума Исматий Вардақ унинг ҳақида қуйидагича сўз юритган: «Мен ул зотнинг шогирди эканлигимдан фахрланаман. Унинг ҳар доим очиқ қиёфаси, самимийлиги ва меҳрибонлиги ҳамиша менинг ҳаётимда қолаверади. Унинг илиқ муомаласи, дарс ўтиш услуби ҳар ерда унинг шогирдлари учун мисол ва намуна бўлиб қолмоқда. Улар ўзларини марҳум Ҳошим Шоиқ Афандидан миннатдор деб биладилар».

Ҳурматли вазир бундан қирқ йил муқаддам Ҳошим Шоиқ томонидан унга эсдалик деб берилган эски суратни омонат деб менга топширди. Суратнинг тагида қуйидаги ибора ёзилиб қўл қўйилган: «Баройи Маъсума бегими аржманд ёдгори таълиму тарбия аст 14.12.1332» (азиз Маъсума бегим учун таълиму тарбия эсдалигидир. Имзо. 12 хут ойи, 1332 йил). Биз марҳум устод Ҳошим Шоиқ Афанди вафотидан бир йил илгари шогирдига тақдим этган ушбу тасвирни ҳурматли ўқувчиларга тақдим этамиз.

Айтиб ўтганимиздек, Ҳошим Шоиқ Афанди туркистонлик атоқли фан ва сиёсат арбоби Заки Валидий билан яқиндан муносабатда бўлган.

Заки Валидий ўз хотираларида китобида Шоиқ Афанди ҳақида 1923 йил ҳодисаларига доир баъзи материалларни ёзиб қолдирган. Биз улардан қуйидаги қисқача парчаларни келтирамиз: «Кобул шаҳрига етиб келишимиз ҳамон Бухоро элчиси Ҳошим Шоиқни, Бухоро ҳукуматининг собиқ раиси Усмон Хўжани ва унинг дўстларини излаб топдик.

26-28 июнда Туркистон Миллий Бирлиги раиси сифатида, Усмон Хўжа, Ҳошим Шоиқ, Мирзо Ҳисомиддин ва бошқаларни чақириб, бундан сўнг қандай ишлашимиз ҳақида батафсил гаплашиб, баъзи қарорлар қабул қилиш кераклигини айтдим... қабул қилинган қарорларга кўра бошқариладиган ишлар, қуйидагича бўлиши керак эди... Мустафо Чўқаевни Оврупога вакил этиб тайинлаш, Ҳошим Шоиқни Афғонистон ҳукумати рухсат берган тақдирда Японияга юбориш...»

Шунингдек, Заки Валидий Кобулда турган чоғида ташқи ишлар вазири Муҳаммад Валихон илтимосига биноан Амир Амонуллога ёзган хатида қуйидагиларни таъкидлайди: «Россиянинг Шарқда ўтказган сиёсатидан қандайдир инқилоб қидириш хатодир. Советлар, подшоҳлар мерос бўлиб қолган сиёсатни худди шу йўналишда давом эттиради ва марксизм асосида мустаҳкамлайди. Бу тўғрида «Шарқда ижтимоий инқилоб» номи билан ўттан йил — яъни 1922 йил Самарқандда бир мақола ёздим ва Ҳошим Шоиқ бекка юбордим. Яқинда бир нусхасини Муҳаммад Валихонга бердим...»

Заки Валидий унинг ҳақида яна бундай дейди: «Ҳошим Шоиқ Бухорода етишган шоирлар тўғрисида ёзарди. Узининг ҳам тўпламибор эди».

У берган маълумотларга кўра, Ҳошим Шоиқ 1918 йили бир мураккаб шароитда Боку орқали қайтар экан, «Миллий тадқиқотлар» тўпламини, Маҳмуд Қошғарийнинг «Девони лугатут-турк» асари ва «Дода Қўрқут» сингари бутун Туркистон зиёлилари учун бебаҳо асарларни ўзи билан Бухорога олиб келган (Аҳмад Заки Валидий, «Туркистон, туркийлар ва миллий истиқлол», Шерали Турдиев таржимаси, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати», 10 сентябрь 1993 йил, 7 январь 1994 йил).

Устод Ҳошим Шоиқ Афанди ватансевар инсон эди. Ўз ватани Ўзбекистон ва бутун Туркистонни ҳеч қачон унутмас, унинг халқи, келажаги учун қайгурарди. Ватанининг мустақиллиги унинг эзгу умиди эди.

Шоиқ Афанди Афғонистонни ўзининг иккинчи ватани сифатида севиб, унга меҳр қўйган эди. Бутун истеъдоди ва имкониятларидан фойдаланиб, унинг тараққиётига катта ҳисса қўшиб келди. Афғон зиёлилари қалбида унутилмас ўрин тутди. У асарлари ва хизматлари билан ҳар доим халқ таҳсинига сазовор бўлиб яшади. У ёзган шеърлар «Ҳинд адабий мактаби» («Бедил мактаби»)нинг дурдоналаридан ҳисобланади. Биз улардан бир байт тақдим этамиз.


Субҳ ҳамбазми ҳазор, овозхоний мекунам,
Шом чун парвона гирди ҳар гулий пар мезонам.

(Таржимаси: тонг чоги булбулга қўшилиб ашула айтаман, кечқурун эса парвона каби гулларнинг теварагида айланиб қанот қоқаман).

Истиқлол ва маърифатнинг ғалабасида Шоиқ Афанди сингари икки мамлакат фарзанди бўлган зиёли сиймоларнинг ўз ҳиссаси ва ўз ўрни бор. Биз улар қошида доим бош эгамиз.



«ТУРКИСТОН» ТИЛСИМИ



Жавоблар шаклда рақамли хонадан ёйлар бўйича марказ томон ёзилади.

1. Марказий Осиёдаги пасттекислик. 2. Алишер Навоий «Хамса»си достони асосидаги мусиқали саҳна асари. 3. Тошкентнинг қадимий дарвозаларидан бири. 4. Туркистон халқларининг жангнома мавзуидаги энг қадимий афсоналаридан бири. 5. Улуғбек номидаги халқаро кенглик бекати жойлашган шаҳар. 6. Атоқли адиб, биринчи ўзбек романи муаллифи. 7. Сурхондарё билан Кофарнихон дарёлари оралигидаги тог тизмаси. 8. Шарқ халқларининг қадимий йил ҳисоби. 9. Халқ табобатида ишлатилиб келинган мумсимон шифобахш модда. 10. Машҳур мумтоз куйлардан бири. 11. IX-X асрларда яшаб ижод этган тожикфорс мутафаккир шоири, «Қариликка қасида» асари муаллифи. 12. Моҳир қўшиқ ижрочиларига бериладиган унвон. 13. Чингиз Айтматов асари асосида суратга олинган қиргиз фильми. 14. Амир Темур Шаҳрисабзда қурдирган меъморлик обидаси. 15. Республикаларнинг ўзаро ҳамкорлиги асосида ривожланадиган халқ хўжалиги тармоқлари мажмуи. 16. Милоддан аввалги I-III асрларда ҳукм сурган давлат. 17. Энг оммавий спорт турларидан бири. 18. XIII асрда мўғул истилочиларига қарши курашган халқ ҳаракати раҳбари. 19. Қурама тизмасидаги энг баланд чўққи. 20. Тожикистон республикасидаги вилоят. 21. XVIII-XIX асрларда Марказий Осиёда ҳукм сурган хонликлардан бирининг маркази. 22. XV асрда яшаб ўтган Шарқ тарихчи олими. 23. Туркман мумтоз шоири. 24. Марказий Осиё мамлакатларидаги энг жанубий шаҳар. 25. Бирор нарсанинг аслидан олинган кўчирмаси. 26. «Алпомиш» достони қаҳрамони. 27. Пойтахт, тинчлик ва дўстлик шаҳри. 28. Жаҳонга танилган ўзбек рақс дастаси. 29. Машҳур қиргиз халқ эпоси. 30. Сўфийлик тариқатининг асосчиси, мумтоз шоир «Девони ҳикмат» асари муаллифи. 31. Нақш ўймакорлиги устоз санъаткори, Ўзбекистон халқ рассоми. 32. Мумтоз ўзбек шоири, мутафаккир, саркарда ва давлат арбоби. 33. Оммавий халқ рақсларидан бири. 34. Атоқли қозоқ ёзувчиси. 35. Маърифатпарвар шоир, «Саёҳатнома» асари муаллифи. 36. Маъмурий ҳудудий бўлинма.

Тузувчи: Фозилжон ОРИПОВ.

5-СОНДА ЧИҚҚАН ТИЛСИМНИНГ ЖАВОБЛАРИ

1. Раҳимов. 2. Низомжон. 3. «Ёркиной». 4. Жаҳонгир. 5. «Алпомиш». 6.Садриева. 7. Дилором. 8. Ҳидоятов. 9. «Ёрилтош». 10. «Сурмахон». 11. Қориева. 12. Йўлдошев. 13. Содиқов. 14. Авлоний. 15. Обидахон. 16. Хонзода. 17. Хондамир. 18. «Тўмарис». 19. Тўлғаной. 20. Ночинга. 21. Бурҳонов. 22. Шекспир. 23. Салимбек. 24. Мўминов /Теша/. 25. Сулаймон.

Гулистон

6

1995

Учредитель:

Министерство по делам культуры Республики Узбекистан.

Навбатчи муҳаррир

М. НАБИЕВА.

Рассом

Л. САЛИМЖОНОВА.

Мусаҳҳиҳ

М. АБДУЛЛАЁРОВА.

Муҳарририят тураржойи: 700000, Тошкент — ГСП, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Телефонлар:
Бош муҳаррир — 36-78-90.
Бош муҳаррир ўринбосари — 33-07-94.
Масъул котиб — 36-56-01.
Санъат ва маданият назарияси — 33-07-94.
Мусиқа ва халқ ижодиёти — 36-56-02.
Маданий-маърифий муассасалар — 33-07-94.
Тасвирий санъат — 36-58-69.
Рассом — 36-56-02.
Мусаҳҳиҳ — 36-56-02.

Теришга берилди 19.09.95 й.
Босишга рухсат этилди 30.11.95
Қоғоз ҳажми 60x84 1/8
Офсет босма.
Шартли босма тобоғи 7,64.
Нашриёт ҳисоб тобоғи 9,88.
Шартли бўёқли нусха 18,5.
Буюртма № 4069.
7165 нусхада чоп этилади.
Сотувда эркин нарх.

«ШАРҚ» нашриёт-матбаа концернининг босмахонаси, 700083
Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41.

© «ГУЛИСТОН» 6, 1995.



«МАНЗАРА»

МУСАВВИР
ЭРКИН МАШАРИПОВ
АСАРЛАРИДАН
НАМУНАЛАР



«СУМАЛАК»




«ГЎЗАЛЛИКНИНГ СЎНИШИ»

ИНДЕКС 75233.

Баҳоси: чакана савдода — эркин нархда.


Тунчиқ



БУГУНГИ УРГУТ МАНЗАРАЛАРИ.

М. НУРИНБОЕВ тасвирга туширган.









19.09.95 й.

